В целях привлечения местного населения в отрасли и сферы экономики, испытывающие дефицит трудовых ресурсов, в том числе в так называемые непрестижные и малопопулярные, необходима разработка дополнительных региональных программ, предусматривающих комплекс мероприятий по улучшению качества рабочих мест и условий труда, ликвидации сложившихся различий в условиях оплаты труда, стимулированию занятости за счет предоставления льгот социального характера и развития профессионального образования и переподготовки. Серьезной проблемой в сфере занятости населения является недостаток мест приложения труда в местах проживания населения, то есть в сельских и городских поселениях. Во многих случаях количество экономически активного населения в 2 - 3 раза превышает возможности занятости по месту проживания (то есть в пределах 1 - 1,5 часовой доступности). В результате население вынуждено совершать ежедневные многочасовые (по 5 и более часов) поездки на работу.



состав за счет развития системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров, включая развитие обучения внутри учреждений и профессионального обучения безработных граждан, с использованием современных технологий обучения, в том числе на основе государственно-частного партнерства;

- повышение уровня занятости сельского населения на основе создания новых рабочих мест, в том числе за счет развития малых форм хозяйствования на селе и внедрения программ микрокредитования на развитие личных подсобных хозяйств;

Заключение. Анализ подходов исследователей к определению сущности демографического потенциала и способам его изучения позволяла сделать вывод об отсутствии единства в определении этого понятия. Предлагаемое исследователями понимание демографического потенциала раскрывается через факторы, влияющие на потенциал воспроизводства населения той или иной территории. Исследователи рассматривают разного рода проявления потенциала, связанного с возможностями изменения народонаселения, характеризующих, таким образом влияние того или иного демографического фактора.

Вопросы оценки трудовых ресурсов являются важными и актуальными для любого производственного предприятия, так как непосредственно влияют на эффективность его работы и результаты финансово-хозяйственной деятельности. Для успешного функционирования предприятия необходимо обеспечить эффективное использование трудовых ресурсов в производственном процессе. Следовательно, оценка эффективности использования трудовых ресурсов играет важную роль как в планировании производства, так и в ведении хозяйственной деятельности человека.

В результате изучения теоретических и методологических понятий, связанных с трудовыми ресурсами и оценкой эффективности их использования, было выявлено, что до настоящего времени не существует единой методики оценки и анализа демографического потенциала населения, а также уровня безработицы Республики Узбекистан.

Предлагаемыми способами снижения уровня безработицы в Республики Узбекистан выступают: повышение доверия к службам занятости, более равномерное географическое распределение трудовых ресурсов, реализация программ поддержки молодых квалифицированных специалистов, развитие самозанятости населения, государственное содействие открытию новых предприятий и предоставление рабочих мест, информационная помощь с методов (частично или полностью за государственный счет).

Список литературы:

1. Мирзиёев Ш.М. Всесторонне развитое поколение - основа великого будущего, созидательный труд народа - основа благополучной жизни, дружба и сотрудничество - гарантия процветания: Доклад на торжественном собрании, посвященном 26-летию принятия Конституции Республики Узбекистан. 8 декабря 2018 года. // <https://president.uz>
2. Статистический сборник. Основные тенденции и показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан в годы независимости (1990–2010 гг.) и прогнозы на 2011–2015 гг. - Ташкент, 2011.
3. Труд и занятость в Узбекистане. 2014–2017. Статистический сборник. - Ташкент, 2018.
4. <https://countrymeters.info/ru/Uzbekistan>
5. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.

O'ZBEKISTON YIRIK SHAHARLARI VA ULARNING AHOLISI TAKROR BARPO BO'LISHI

Shavkatov Jamshidbek Abdulxokim o'g'li
 Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy
 Universitetining Amaliy geografiya
 mutaxassisligi magistranti
 e-mail: jamshidshavkatov94@gmail.com

Annatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston shaharlarining tipologik ta'rifi va shahar manzilgoqlari yiriklashib borishi bo'yicha tasniflanishining ba'zi masalalar ko'rib chiqilgan. Shuningdek, asosiy shahar aholisining o'sishi va unga ta'sir etuvchi yirik shaharlar aholisi takror barpo bo'lishining so'ngi yillardagi o'zgarishlari haqida

jadval tuzilgan. Shaharlar xususan, yirik shaharlar aholisining dinamikasiga sabab bo'luvchi demografik va iqtisodiy – ijtimoiy sohalarining ta'siri borsida ayrim fikrlar keltirib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: shahar aholisi, qishloq aholisi, yirik shahar, urbanizatsiya, shahar demografiyasi, aholi tabiiy ko'payishi, migratsiya, iqtisodiy – ijtimoiy rivojlanish.

RECONSTRUCTION OF MAJOR CITIES OF UZBEKISTAN AND THEIR INHABITANTS

Annotation: This article discusses some issues of the typological description of the cities of Uzbekistan and their classification by urban size. There is also a table on the growth of the population of the main city and the changes in recent years in the reconstruction of the population of the major cities that affect it. Some speculation has been made about the influence of demographic and socio-economic factors on the dynamics of population growth in cities, especially large cities.

Keywords: urban population, rural population, large city, urbanization, urban demography, natural population growth, migration, economic and social development.

So'ngi paytlarda O'zbekiston Respublikasi tomonidan shaharlarni kompleks rivojlantirish hamda ulardagi turli infratuzulmalarni shakllantirish natijasida, Respublika urbanizatsiyasini oshirishga qaratilgan bir qator chora tadbirlar ishlab chiqilmoqdaki, bu holat shaharlarda aholi salmog'i oshib borishi va kelajakda katta, yirik va millioner shaharlar salmog'ining oshishi natijasida urbanizatsiyalashish jarayonini jadallashishiga sabab bo'lishi kutilmoqda. Bu maqsadga erishish yo'lida, shaharlarning ijtimoiy - iqtisodiy jihatlarini shakllantirish natijasida aholining shahar manzilgohlariga bo'lgan intilishini oshirish va shaharlarni muhim, mamlakatning har jihatdan rivojlantiruvchi o'sish nuqtalariga aylantirish, davr talabiga aylangan. Bugungi kunda dunyo aholisining katta qismi shaharlarda to'planganligining o'zi ham shaharlar, insoniyat hayotining ajralmas bir qismiga aylanganligini ko'rsatadi.

Urbanizatsiya - bu shaharlarning paydo bo'lishi va o'sishi jarayoni bo'lib, aholining yuqori foizi ushbu shaharlarda istiqomat qiladi. Dunyo aholisi 1950-yildagi 751 million kishidan 2018-yilda 4,2 milliardga yetdi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) ma'lumotlariga ko'ra, 2018-yil holatiga ko'ra, dunyo aholisining qariyb 55 foizi shaharlarda istiqomat qiladi. Bu raqam 68 foizgacha o'sishi kutilmoqda. 2050 yilga kelib, butun dunyo bo'ylab shaharlarga 2,5 milliardga yaqin odam qo'shiladi. Shuningdek, ushbu o'sishning 90 foizi O'sivo va Afrikada sodir bo'lishi prognoz qilinmoqda[4; 1-b].

O'zbekiston ham dunyoning bir qismi sifatida o'z taraqqiyotida shaharlarning o'zmi oshishi va shaharlashish jarayonlari yuqori sur'atlarda o'sishiga qachondir yuz tutishi tabiiydir. Shu jihatlarni inobatga olgan holda, shaharlarni rivojlantirish va kelajakda oshib borayotgan shahar aholisiga zaruriy ijtimoiy – iqtisodiy ta'minotni shakllantirish, ya'ni shahar aholisining demografik va migratsion jarayonlarining o'sishi, aksincha kamayishi hamda uni keltirib chiqaruvchi omillar shaharlarning demografik vaziyatini, chuqur o'rganishni talab etadi. Shahar demografiyasi bu – shahar aholisining takrori barpo bo'lishiga ta'sir etuvchi, demografik omillarning, shu jumladan migratsiyaning shaharlashish jarayonidagi o'rni, rivojlanishi va unga ta'sir etuvchi turli xil ijtimoiy – iqtisodiy jihatlarining shahar aholisi takror barpo bo'lishiga ko'rsatayotgan ta'siri.

Bu o'rinda shaharlarning yiriklashib borishi bo'yicha ham o'rganish maqsadga muvofiqdir. Chunki, kelajakda shaharlar rivojlanishi natijasida o'zida yangi qulayliklarni oshirib borishi, bu esa aholining tabiiy va migratsion o'sishiga olib kelishi, har jihatdan asoslangandir. Qachonlardir yirik qishloqlar aholisi mehnat tartiboti va hududning geografik o'rining qulayligi oqibatida kichik shaharlarga aylangan bo'lsa, keyinchalik bu jarayon yanada jadallashishi va shaharlar o'zida ayrim funksialarni namoyon etishi natijasida yanada yiriklashib borishi, real voqelikda o'z isbotini topmoqda.

O'zbekiston sharoitida shahar joylarni aniqlashdagi tipologik ta'riflash va tasniflash bu qishloqlar hamda shaharlarni bir biridan ajratishni ta'minlovchi eng asosiy jihatdir. Ayni ajratilish oqibatida shaharlarning funksional rivojlanishi va buning natijasida aholi salmog'ining ortib borishi bo'yicha aniq ilmiy ta'rifning vujudga keltirish, shahar aholi manzilgohlarni kelajakda ilmiy o'rganishni qulaylashtiradi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, geografik taqqoslash va ilmiy tadqiqotlarni bajarishda barchaga xos bo'lgan umumiy mezon kerak, ya'ni shaharlarning yiriklik kategoriyasi, subyektiv va mahalliy qarashlaridan qat'i nazar, hammaga bir bo'lishi shart[1; 40-b].

Mana shu yondoshuvni hisobga olgan holda prof. A. S. Soliyevning quydagi tasnifi, O'zbekiston sharoitida shaharlarni tasniflash uchun asos qilib olish eng ma'qul yechimdir.

Shu nuqtayi nazardan kelib chiqib prof. A.S. Soliyev quydagicha yondoshishni taklif etadi. Yirik yoki katta shaharlar aholisi 100 ming kishidan ortiq, o'rta shaharlarda 50-100 ming va kichik shaharlarning har birida kamida 50 ming kishigacha aholi bo'lishi kerak. Bunday tasnif oddiy va barchaga tegishlidir. Maxsus ilmiy tadqiqotlarda esa shaharlar tasnifi ancha keng turlangan bo'ladi:

- 10 mingga - mayda shahar;
- 10-20 ming - kichik shahar;
- 20-50 ming – “yarim o'rta” shahar;
- 50-100 ming - o'rta shahar;
- 100-250 ming - katta shahar;
- 250-500 ming - yirik shahar;
- 500 ming – 1 mln. - eng yirik shahar;
- 1 mln. va undan ortiq - millioner shahar;

A.S.Soliyev taklif etgan tasnif bo'yicha, O'zbekistondagi aholisi 100 mingdan oshgan shaharlar
(2021 – yil ma'lumotlari asosida)

Ta'rif	Nomi	Aholisi soni (ming kishi)
1 mln. va undan ortiq - millioner shahar	Toshkent. sh	2 694,4 ming kishi
500 ming – 1 mln. - eng yirik shahar	Namangan. sh	644,8 ming kishi
	Samarqand. sh	561,7 ming kishi
250-500 ming - yirik shahar	Andijon. sh	450,0 ming kishi
	Nukus. sh	323,8 ming kishi
	Farg'ona. sh	293,5 ming kishi
	Qarshi. sh	278,3 ming kishi
	Qo'qon. sh	256,4 ming kishi
	Buxoro. sh	256,3 ming kishi
100-250 ming - katta shahar	Marg'ilon. sh	238,9 ming kishi
	Angren. sh	191,3 ming kishi
	Termiz. sh	182,8 ming kishi
	Jizzax. sh	180,7 ming kishi
	Chirchiq. sh	162,8 ming kishi
	Navoiy. sh	146,9 ming kishi
	Urganch. sh	145,0 ming kishi
	Shahrisabz. sh	140,5 ming kishi
	Olmaliq. sh	133,4 ming kishi

O'zbekiston statistika qo'mitasining 2021- yil ma'lumotlari asosida tuzildi.

O'zbekiston Respublikasida shahar aholisining asosiy qismi, ya'ni 58 foizi aholisi 100 mingdan kam bo'lgan kichik va o'rta shaharlarda to'plangan, 15 foizi esa poytaxt Toshkent shahariga to'g'ri kelsa, 11 foiz qismi aholisi 250 mingdan – 500 minggacha bo'lgan oltita yirik shaharlarga to'g'ri kelmoqda, 100 mingdan 250 minggacha aholisi bor shaharlarda O'zbekiston shahar aholisining 9 foizi yashamoqda va aholisi 500 mingdan - 1 mlngacha bo'lgan eng yirik shaharlar Namangan hamda Samarqandda mos ravishda shahar aholisining 7 foiz qismi joylashganini ko'rishimiz mumkin. (1-rasm)

O'zbekistonda 100 mingdan ortiq va 100 mingdan kam bo'lgan shahar aholisi va shahar umumiy aholisidagi ulushi. Umumiy shahar aholisi 17 510,4 (2021 yil)

- 1mln va undan ortiq millioner shaharlar
- 500 mingdan - 1mlngacha eng yirik shaharlar
- 250 mingdan - 500 minggaacha yirik shaharlar
- 100 mingdan - 250 minggaacha katta shaharlar
- aholisi 100 ming dan kam bo'lgan shaharlar



1-rasm. O'zbekiston shahar aholisining, prof. A.S. Soliyevning shaharlar yiriklik kategoriyasi tasnifi bo'yicha ulushi.

O'zbekistonda yirik shaharlar aholisining o'sishida, hal qiluvchi omil aholining tabiiy ko'payishi hisobiga kechmoqda. Shu sababdan shahar aholisining tez o'sishi dunyoning ayrim rivojlanayotgan mamlakatlariga nisbat sust kechayotganligi, Markaziy Osiyo mintaqasida aholisining soni va uning o'sish sur'atlari, iqtisodiy bo'yicha katta salohiyatga ega mamlakat uchun noreal holat, buning sababini aholining shaharlarga intilishi bir muncha past ekanligi bilan ifodalashimiz mumkin. Bunda asosiy omil, aholisi 100 ming kishidan oshiq shahar manzilgohlarining yetarlicha infratuzulma shakllantirilmaganligi, shahar va qishloq aholi daromadlaridagi kichik farq, shaharlarning mustaqil rivojlanishi mexanizmlari ishlab chiqilmagani, aholining shaharlarga ko'chib kelib yashashi va ishlashi uchun to'siqchilik

qiluvchi ayrim soxta to'siqlarning mavjud bo'lgani, ijtimoiy – iqtisodiy soha ob'ektlarini joylashtirish va rivojlantirishda poytaxt Toshkent bilan taqqoslaganda keskin farq mavjudligi, shaharlarning ayniqsa yirik shaharlarning o'ziga tortuvchi jozibadorlikni namoyon eta olmayotgani va yana boshqa jihatlar bilan belgilash o'rinlidir. Ma'lum hudud va davlat aholisining takror barpo bo'lishida aholining bir joydan ikkinchi joyga ko'chishi, ya'ni hududiy harakati ham ahamiyatlidir. Ilmiy tadqiqotlarning ko'rsatishicha aholi takror barpo bo'lishining asosi bo'lgan tug'ilish, shahar turmush tarzi ta'sirida kamayib borgan. Aksincha, qishloq turmush tarzi ta'siri tug'ilishni nisbatan yuqori darajada saqlanib qolishga olib kelgan. Aholining shahardan qishloqqa, yoki qishloqdan shaharga kelib yashashi bevosita uning reproduktiv mayliga ta'sir etib, tug'ilishni kamayishi yoki ko'tarilishiga olib keladi. Huddi shunday aholining sotsial harakati uning ma'lumotlilik darajasini oshib borishi, ilm malaka talab etgan xizmat doirasida faoliyat ko'rsatishi, tibbiy bilimlardan ko'proq xabardor bo'lishi, uning uzoq umr ko'rishiga, nasl qoldirish-farzandlar ko'rishiga ham bevosita ta'sir ko'rsatadi[2; 36-b]. Demak aholining yirik shaharlarda jadal o'smayotgani qishloq va shahar o'rtasidagi migratsion jarayonlarning sust kechayotganligi bilan ham o'lchash lozim.

Shu o'rinda aholi takror barpo bo'lishida shaharlar ayniqsa katta va yirik shaharlar ulushi kichik shaharlar hamda qishloq manzilgohlariga nisbatan past bo'lsa ham umumiy aholi takror barpo bo'lishida bilvosita sezilarli ta'sirga ega.

Xususan aholining tabiiy harakati qator omillar ta'sirida sodir bo'ladi. Ushbu omillar shartli uch guruhga ajratiladi.

Ijtimoiy-iqtisodiy omillar:

- ishlab chiqarish munosabatlarining xususiyatlari;
- ishlab chiqaruvchi kuchlarning rivojlanishi;
- aholining turmush tarzi;
- ma'lumotlilik va madaniyat darajasi;
- ayollarning ijtimoiy hayotda tutgan o'rni, bandligi, din, urf odat va qadriyatlar va b

Tabiiy-biologik omillar:

- tabiiy sharoit;
- tabiiy ofatlar;
- erkak va ayol organizmining tashqi muhitga moslashish darajasi;
- iqlim va uning jinsiy yetuklikka;
- farzand ko'rish davriga, turli epidemiya va kasalliklarga ta'siri.

Demografik omillar:

- aholining yosh-jinsiy tarkibi;
- nikoh va ajralish jarayonlar va boshqalar.

Agar aholi tarkibida yoshlar salmog'i yuqori va jinsiy mutanosiblik bo'lsa, nikohga kirish, ya'ni oilalar paydo bo'lishi uchun demografik imkoniyat mavjuddir. Bu hol o'z navbatida tug'ilishga ijobiy ta'sir etadi. Aksincha, aholi tarkibida qariyalar salmog'i yuqori bo'lsa, tug'ilish kamayib, o'lim hollari ko'payadi[2; 38-b]. Bu jihatlar bilan qaralganda shaharlar ayniqsa yirik shaharlar o'z atrofidagi kichikroq shaharlar va qishloqlarning iqtisodiy - ijtimoiy munosabatlarini shakillantiruvchi, bu munosabatlarni o'z ta'sir doirasida tartibga soluvchi asosiy mexanizim sifatida qaramoq o'rinli bo'lardi. Tabiiy biologik omil jihatidan qaraydigan bo'lsak, shaharlar o'z ta'siri doirasidagi atrof muhitga salbiy ta'sir etishi, shu hududda yashayotgan aholi reprodaktiv salomatligidagi o'zgarishlarning sababchisi, yoki epidemiyalar tarqalishida asosiy markaz bo'lib xizmat qilishi ham mumkin. Demografik omil o'laroq, shahar

aholisining demografik jarayonlarga xususan tugʻilish, oʻlim, nikoh va ajrashishga oʻziga xos qarashlarning shakllangani kelajakda urbanizatsiya jarayonlari jadal kechishi natijasida bu qarashlarning mamlakat aholi takror barpo boʻlishida sezilarli oʻrin egallashi ehtimolga yaqindir.

Yuqorida (1- jadaval)da koʻrib oʻtganimiz Oʻzbekistonning oltita 250 mingdan 500 minggacha boʻlgan yirik shaharlari Respublika shahar aholisining 11 foizini qamrab olgan holda (1- rasm), mamlakat aholisining 5,4 foizi ushbu shaharlar hissasiga toʻgʻri kelmoqda. Andijon shahri aholisi 2017 – 2021 – yillar oraligʻida 28 100 kishiga koʻpaygan, oʻrtacha yiliga 7 300 kishi(2- jadaval), shu oʻsishda davom etsa shahar aholisi, 2027 – 2028 – yillarga borib 500 minglik dovondan oshishi va eng yirik shaharlar safiga qoʻshilishi kutilmoqda.

II-jadval

Yirik shaharlar aholisining 2017 – 2021 – yillardagi aholi soni koʻpayishi va oʻrtacha koʻpayishi.

№	Shaharlar nomi.	2017-y	2018-y	2019-y	2020-y	2021-y	2017 – 2021 – yillarda koʻpaygan aholi soni (ming kishi)	2017 – 2021 –yillarda aholining oʻrtacha yillik koʻpayishi (ming kishi)
11	Andijon. sh	421,9	427,5	433,9	441,7	450,0	28,1	7,3
22	Nukus. sh	307,4	310,9	314,9	319,6	323,8	16,4	4,1
33	Fargʻona. sh	274,5	278,5	283,8	289,0	293,5	19,0	4,8
44	Qarshi. sh	264,2	267,6	270,7	274,9	278,3	14,1	3,5
55	Qoʻqon. sh	243,1	245,5	248,7	252,7	256,4	13,3	3,3
66	Buxoro. sh	251,6	251,9	253,2	255,4	256,3	4,7	1,2

Oʻzbekiston statistika qoʻmitasining 2021- yil maʼlumotlari asosida tuzildi;

Yirik shahar manzilgohlari orasida Nukus shahri aholisi soʻngi besh yil ichida 16,4 ming kishiga oshgan boʻlsa, shu besh yilda har yili oʻrtacha 4,1 ming kishiga koʻpayganini koʻrish mumkin, bu olti shahar ichida eng past oʻsishni Buxoro shahri koʻrsatgan, shahar aholis shu besh yilda atiga 4,7 ming kishiga koʻpaygan boʻlib, yiliga oʻrtacha 1,2 ming kishiga aholisi oʻsgan (2-jadval), Fargʻona shahri aholisining ham soʻngi yillarda boshqa shu kabi shaharlarga nisbatan jadal oʻsishi kuzatilmoqda. Fargʻona shahri aholisi besh yil ichida har yili oʻrtacha 4,8 ming kishiga oshgan. Buning sababi yirik shaharlar, ayniqsa viloyat markazlarini rivojlantirish boʻyicha mamlakatimizda olib borilayotgan chora – tadbirlar bilan uzviy bogʻliqdir.

Xulosa qilib aytilganda, shaharlarning demografik vaziyati, shahar aholisining iqtisodiy ijtimoiy munosabatlari, shahar va qishloqlar orsida yuz beruvchi migratsiya bilan uzviy bogʻliq. Ayni davrda Oʻzbekiston yirik shaharlar aholisi takror barpo boʻlishining yangi bosqichga oʻtayotgani, urbanizatsiyalashtirish jarayonlariga mamlakat darajasida eʼtibor qaratlayotgani, shaharlarga iqtisodiyot tarmoqlarining rivojlantiruvchi hududiy geografik omil sifatida qarala boshlangani ortidan. Shahar aholisiga mehnat resurs, ishlab chiqarish sohasini boshqaruvchi va tartibga soluvchi birlamchi omil sifatida qaralishini talab etadi. Shuningdek aholi, shaharlarning haqiqiy rivojlanishini koʻrsatib beruvchi dinamik omil vazifasini ham bajaradi.

Adabiyotlar:

1. Soliyev A.S., Tashtayeva S.K., Egamberdiyeva M.M. Shaharlar geografiyasi. – T.: “VNESHINVESTPROM”MCHJ, 2019
2. M.R.Boʻriev, Z.N.Tojiyeva, S.S.Zokirov. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – T.: “Tafakkur”, 2011.
3. Elli Thomas, Ilona Serwicka & Paul Swinney .”Urban demographics Why people live where they do”. – London.: Centre for Cities, November 2015
4. World Urbanization Prospects The 2018 Revision
5. Tojiyeva Z.N., Dusmanov F.A., Ibragimov L.Z. (2020). *Divorcing procedures in Uzbekistan and its territorial features. International journal of scientific & technology research.* 9, (1), 4096-4100. <http://www.ijstr.org/paper-references.php?ref=IJSTR-0120-29731/>
6. Tojiyeva Z.N., L.Z.Ibragimov. LABOUR MARKET AND EMPLOYMENT IN UZBEKISTAN// Geografický časopis / geographical journal 73

SIRDARYO VILOYATI SHAHARLARINING VUJUDGA KELISHI VA UNGA TAʼSIR ETUVCHI OMILLAR

Sharafutdinov Mirjalol Dilmurod oʻgʻli
Mirzo Ulugʻbek nomidagi Oʻzbekiston Milliy
Universiteti geografiya va tabiiy resurslar
fakulteti 1-bosqich magistranti
e-mail: mirjalol19811@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada Sirdaryo viloyati shaharlarining vujudga kelish tarixi, sabablari hamda unga ta'sir etuvchi omillar yoritilgan. Guliston, Yangiyer, Shirin, Sirdaryo va Baxt shaharlari haqida ma'lumotlar berib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Sirdaryo viloyati, Mirzacho'l, shahar, kichik shahar, yarim o'rta shahar, o'rta shahar, shaharcha, aholi.

ESTABLISHMENT OF THE CITIES OF THE REGION AND THE FACTORS INFLUENCING IT (SYRDARYA REGION)

Abstract. This article describes the history of the cities of Syrdarya region, their causes and factors influencing them: Gulistan, Yangiyer, Shirin, Syrdarya and Bakht.

Keywords: Syrdarya region, Mirzachul, city, small town, semi-medium city, medium city, town, population.

Har bir mamlakatda mavjud imkoniyatlardan to'la-to'kis foydalanish maqsadida yangi yerlarni o'zlashtirish, ulardan oqilona foydalanish doimo davlatlarning diqqat markazida bo'lib kelgan.

Mamlakatimiz hududida Mirzacho'l, Qarshi cho'llari, Surxon-Sherobod vohasi, Quyi Amudaryo o'zlashtirila boshlandi, ular o'rnida shaharlar, shaharchalar va boshqa aholi punktlari paydo bo'ldi [1].

Tadqiqot olib boruvchilar oldida shaharlarning o'zi nima, ya'ni qanday aholi punktlarini shahar deb hisoblash mumkin degan savol turadi. Tabiiyki, bu shahar taraqqiyoti bilan bog'liq bo'lgan xilma-xil muammolarni tadqiq etishda vujudga keladigan muhim va murakkab tarifi hisoblanadi. Jahonda shu kunga qadar shahar tushunchasining to'la va aniq turli davlatlarda turlicha berilgan. Jahonning ko'pgina mamlakatlarida biron-bir aholi punktini shaharlar qatoriga kiritish, ya'ni ularga shahar maqomini berishda turlicha talablar qo'yiladi. Ba'zan muayyan mamlakatlarda aholi punktlariga shahar maqomini berish borasida turli vaqtlarda turlicha talablar qo'yilganligi ham fikrimizning dalili bo'la oladi.

Shaharlar maqomini belgilashda ko'pincha 2 ta asosiy omil hisobga olinadi:

1. Aholi soni;

2. Aholi punktida istiqomat qiluvchilarning qancha qismi mehnatning qanday turi bilan bandligi.

Shahar maqomini berishda shaharda qancha aholi yashashi kerakligini aniqlash bo'yicha qo'yiladigan talab turli mamlakatlarda turlicha bo'lib ular bir-biridan tubdan farq qilish mumkin.

Masalan:

Shahar maqomini olish uchun aholi soni mezonlari:

1. Daniya, Shvetsiya, Finlandiya, Islandiya -200 kishi

2. Kanada, Avstraliya -1000 kishi

3. Germaniya, Fransiya, Kuba- 2000 kishi

4. AQSH va Meksika -2500 kishi

5. Avstriya, Hindiston, Eron, Madagaskar -5000 kishi

6. O'zbekiston -7000 kishi

7. Shvetsariya, Malayziya-10000 kishi

8. Rossiya – 12000 kishi

9. Nigeriya, Gollandiya -20000 kishi

10. Yaponiya -30000 kishi

11. Koreya Respublikasi – 40000 kishi

Respublikamizda aholi punktlarini shaharlar qatoriga kiritish masalasi borasida qo'yiladigan talablar ham yuqorida aytib o'tilganlardan uncha katta farq qilmaydi. Respublikamizda aholi punktlarini shaharlar qatoriga kiritish borasida qonun-qoidalarini ishlab chiqishda o'ziga xos tabiiy, iqtisodiy, tarixiy va boshqa xususiyatlar hisobga olingan.

Aholi punktlariga shahar huquqini berish qonun –qoidalariga vaqt o'tishi bilan jamiyat rivojlanishiga mos o'zgartirishlar kiritib turiladi.

Aholi punktlariga shahar maqomini berish o'z tarixiga ega. Xususan, O'rta Osiyoning aholi punktlariga shahar maqomini berish tartib-qoidalari (O'rta Osiyoni Rossiya bosib olgunga qadar) feodal ma'muriy – hududiy strukturaga moslashgan edi, ya'ni o'sha davrlarda xonlik va amirlik paytlari savdo-sotiq markazlari mavjud edi.

1865-yili Turkiston Rossiya tomonidan zabt etildi. Ana shundan keyin shaharlar mohiyatan turlicha ifodalana boshlandi. "Viloyat shaharlari", "Uezd shaharlari" kabi iboralar vujudga keldi. Ana shu paytlarda shaharlar ma'muriy markazlarga boshqacha aytganda, Chor hukumatining tayanch nuqtalariga aylandi.

1972 yil 24 febralda "O'zbekiston SSR ning ma'muriy – hududiy bo'linishi borasidagi ayrim masalalarni hal etishda qonun-qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida" qaror qabul qiladi va ana shu qaror asosida viloyat, Qoraqalpog'iston Respublikasiga bo'ysunuvchi shaharlar aholisining yuqori chegarasi normasini 40 mingdan 30 mingga, tumanga bo'ysunuvchi shaharlar esa 10 mingdan 7 mingga tushiriladi. Mavjud qonun-qoidalar asosida O'zbekiston shaharlari respublika, viloyat va tumanga bo'ysunuvchi shaharlarga bo'linadi. Tumanga bo'ysunuvchi shaharlar qatoriga sanoat korxonalari, kommunal xo'jaligi, davlat turar joyi fondi, ijtimoiy-madaniy tashkilotlari, savdo-sotiq va umumiy ovqatlanish, maishiy xizmat ko'rsatish korxonalari mavjud bo'lgan hamda aholisi 7 mingdan kam bo'lmagan shahar posyolkalari kiradi.

Bunday shahardagi aholining 2/3 qismidan ko'prog'i ishchi xizmatchilardan iborat bo'lmog'i lozim. Shu bilan birga bunday shaharlarning ma'muriy – tashkiliy ahamiyati va rivojlanish istiqboli hisobga olingan bo'lishi darkor.

Hozirgi paytda shaharlarni vujudga keltiruvchi omillar quyidagilar:

1. Sanoat.

2. Transport- Baxt, Xovos
3. Kurort.
4. Konlar.
5. Savdo.
6. Qurilish.
7. Ilm – fan.

8. Qo'riq yerni o'zlashtirish natijasida paydo bo'lgan shaharlar – Guliston, Yangiyer [3].

Mirzacho'lni o'zlashtirish tufayli 1957-yilda Yangiyer shahri vujudga kelgan. 1963-yil 16-fevralda O'zbekiston SSR Oliy Soveti Prezidumi- Sirdaryo viloyatini tashkil etish farmoni e'lon qilindi. Dastlab yangi viloyat Toshkent viloyatining Guliston, Sirdaryo, Yangiyer, Chimkent viloyatining Kirov, Jettisoy va Paxtakor, Samarqand viloyatining Jizzax, Zomin va Forish tumanlari negizida shakllangan.

Sirdaryo viloyati shimolda Qozog'iston, sharqdan Toshkent viloyati, janubda Tojikiston, g'arbda esa Samarqand viloyatlari bilan chegaralanib, umumiy maydoni 23 ming kv.km bo'lib, shimoldan janubga 180 km, g'arbdan sharqqa 210 km bo'lgan.

O'sha vaqtda Yangiyer shahriga viloyatning ma'muriy markazi maqomi berildi. Biroq viloyat markazi uchun tanlangan joyning geografik o'rni noqulay va noto'g'ri edi. Chunki bahor va kuzda Mirzacho'ldan Farg'ona vodiysi tomon tezligi 15-20 m ga yetadigan Qo'qon shamoli hamda qishda Farg'ona vodiysidan Xo'jand darvozasi orqali Mirzacho'lga esadigan tezligi sekundiga 30-40 m ga yetadigan Bekobod shamoli hamda gurunt suvlari yo'nalishi hisobga olinmagan. Bu omillar shaharda istiqomat qiluvchi aholiga ko'plab noqulayliklar keltirib chiqargan. Shaharda yer osti suv sathining ko'tarilib ketishi natijasida sho'r ko'tarilib turgan. Shu noqulayliklar tufayli viloyat ma'muriy markazi Guliston shahriga ko'chirildi.

2021-yilga kelib Sirdaryo viloyatining maydoni 4.28 ming kv.km, aholi soni 861.1 ming kishini tashkil qilgan. Viloyatda 8 ta tuman Sirdaryo, Sayxunobod, Mirzaobod,, Guliston, Boyovut, Oq oltin, Sardoba, Xovos tumanlari mavjud.

I-jadval

Sirdaryo viloyat shaharlarining tasniflanishi (2021-yil ma'lumoti asosida tuzildi)


T/r	Shahar turi	Soni	Shahar aholi soni (ming kishi)	Viloyat jami aholisi soniga nisbatan ulishi (%)	Shahar nomi
	Sirdaryo vil		366.7	42.6	-
1	Shaharchalar	25	162.6	18.9	-
2	Shaharlar	5	204.1	23.7	Guliston, Yangiyer, Shirin, Sirdaryo, Baxt
3	Kichik shaharlar	2	32.7	3.8	Baxt, Shirin
4	Yarim o'rta shaharlar	2	80.1	9.3	Yangiyer, Sirdaryo
5	O'rta shaharlar	1	91.3	10.6	Guliston

Guliston shahri 1952-yil tashkil topgan. Shahar temiryo'l va magistral avtomobil yo'li ustida joylashgan. 2021 yilga kelib shahar maydoni 36.21 kv.kmga, aholi soni 91.3 ming kishiga yetdi. Shahar maydoni hamda aholi soni yildan-yilga ortib bormoqda. So'ngi 2 yil mobaynida shahar maydoni 11,76 kv.km ga kengaygan, aholi soni esa 2.3 ming kishiga ko'paygan (2019-yil 89.0 ming kishi, 2021-yil 91.3 ming kishi). Shaharlar tasnifiga ko'ra Guliston- „o'rta shahar“ hisoblanadi.

Shaharda sanoatning juda ko'p tarmoqlari- yo'g' ekstraksiya, non zavodlari, trikotaj korxonalari, metalloprokat mahsulotlari ishlab chiqaruvchi WANG DA METALL O'zbekiston-Xitoy qo'shma korxonasi faoliyat yuritishmoqda. Bundan tashqari shaharda kommunal va maishiy xizmat ko'rsatish sohasi ham yaxshi rivojlangan.

Shaharda Guliston Davlat Universiteti, 2 ta kasb-hunar kolleji, 1 ta texnikum, Xalq ta'limi bo'limiga qarashli 21 ta umumiy o'rta ta'lim maktabi, 2 ta Bolalar musiqa va san'at maktabi, 6 ta davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti faoliyat ko'rsatadi. Shaharda jami 5 ta kutubxona, 1 ta muzey, 1 ta istiroxat bo'gi, hiyobonlar va boshqa ijtimoiy xizmat ko'rsatish maskanlari mavjud. Bu maskanlar soni va sifatining ortishi shahar maydonini kengayishiga, aholini shaharlarga intilishiga hamda shaharning rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Sirdaryo viloyatining maydoni jihatidan ikkinchi o'rinda turuvchi shahri- **Yangiyer**. 1956-yil oktyabrda „Qayroqqumqurilish“ tresti „Yangiyer“ shohbekati o'rnida dastlabki vagonlarni keltirib, shaharcha barpo etilishi asosida shakllandi. 1957-yil 15-mart kuni hukumat qaroriga muvofiq Mirzacho'l uchburchagi o'rtasida qad ko'targan shahar Yangiyer deb nomlandi. Shahar magistral avtomobil yo'li ustida joylashgan. Maydoni 29.88 kv.km bo'lib, Aholisi 44.2 ming kishini tashkil etib, shaharlar tasnifiga ko'ra- „yarim o'rta shahar“ hisoblanadi. Shaharda yuqori bosimga chidamli quvurlar, sopol quvurlar, temir-beton buyumlari kombinati hamda bir nechta qurilish materiallari korxonalari joylashgan. Prezidentimiz qaroriga muvofiq 2017-yil 30-martda „Yangiyer kichik sanoat zonasi“ tashkil etildi va bu shaharda sanoat rivojlanib, sanoat korxonalarining soni ortishiga, shaharning infratuzilmasi yaxshilanishiga o'z hissani qo'shmoqda [2].



1-rasm. Sirdaryo viloyati aholisi sonida shahar aholisining ulushi.

Shirin – energetika bazasi negizida (Sirdaryo GRESi) 1972-yilda tashkil topgan. Shirin shahri viloyatning chekka janubi-sharqiy qismida dengiz sathidan oʻrtacha 328 m balandlikda joylashgan viloyat boʻysunuvidagi shahardir. Maydoni 10.39 kv.km, aholisi 18.9 ming kishi (2021), boʻlib, bu yerda asosan oʻzbeklar, shuningdek, tojik, tatar, koreys, rus, ozarbayjon, turkman va boshqa millatlar yashaydi. Shirin shahri hozirgi Sirdaryo IES qurilishi

munosabati bilan ishchilar posyolkasi sifatida 1943-yilda vujudga keldi. Shaharda Sirdaryo issiqlik elektr stansiyasi, metalloprokat mahsulotlari ishlab chiqaruvchi WANG DA ROLLING STEEL Oʻzbekiston-Xitoy qoʻshma korxonasi va boshqa mayishiy xizmat koʻrsatish shoxobchalari mavjud.

Shaharda 1 ta Energetika kolleji, Xalq taʼlimi boʻlimiga qarashli 4 ta umumiy oʻrta taʼlim maktabi, 1 ta Bolalar musiqa va sanʼat maktabi, 1 ta Bolalar-oʻsmirlar sport maktabi, 6 ta davlat maktabgacha taʼlim tashkiloti faoliyat koʻrsatadi. Shaharda jami 4 ta kutubxona, 1 ta muzey, 1 ta istiroxat boʻgʻi, 2 ta xiyobon va boshqa ijtimoiy xizmat koʻrsatish maskanlari mavjud.

Sirdaryo shahri viloyatning shimoliy qismida dengiz sathidan oʻrtacha 264 m balandlikda joylashgan. Shahar 1971-yili tashkil topgan boʻlib, Sirdaryo tumani markazi hamda tumanga boʻysunuvchi shahar hisoblanadi. Maydoni 10.39 kv.km boʻlib, aholi 35.9 ming kishi. Shaharlar tasnifiga koʻra - „yarim oʻrta shahar“dir.

Oʻzbekiston Davlat shahar kadasteri bosh rejasiga koʻra shaharga yondosh hududda Malik shahri vujudga kelib, 2040-yillarga borib aholi soni 8 ming kishi boʻlishi kutilmoqda.

Baxt shahri - 1980-yilda tashkil topgan boʻlib, Toshkent - Xovos temir yoʻli hamda Katta Oʻzbek trakti yoqasida joylashgan. Sirdaryo tumaniga boʻysunuvchi kichik shahar hisoblanadi. Maydoni 2.23 kv.km. Transport infratuzilmasini rivojlanishi natijasida bugungi kunda shahar rivojlanib maydoni ham kengayib bormoqda. Bosh rejaga koʻra 2030- yillarga borib shahar hududi yanada kengayib aholi soni 20 ming kishidan ortib, „yarim oʻrta shahar“ maqomi berilishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda Sirdaryo viloyatidagi shaharlarning barchasi mustaqillikdan oldin tashkil topgan boʻlib, viloyatda shaharlarning deyarli barchasi shimoldan janubga qarab bir tekisda transport yoʻli yoqasida joylashgan. Ilmiy tadqiqotlardagi tasnifiga koʻra viloyatda birorta „katta shahar“ mavjud emas. Biroq bugungi kunda viloyat va tuman markazlari iqtisodiy-ijtimoiy rivojlantirilishi natijasida aholining shaharlarga boʻlgan intilishi ortmoqda hamda shaharlarning maydoni, aholi soni yildan yilga oʻsib bormoqda.

Adabiyotlar

1. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. -Т., 2002. 161-бет
2. Soliyev A.S., Tashtayeva S.K., Egamberdiyeva M.M. Shaharlar geografiyasi. – T.: “VNESHINVESTPROM”MCHJ, 2019 y. 40-145-betlar.
3. Қодиров Р. Б., Атажонов М. Шаҳарлар географияси (ўқув услубий мажмуа). – Андижон., 2020 y

Foydalanilgan elektron saytlar:

1. Oʻzbekiston statistika qoʻmitasi maʼlumotlari. <https://www.stat.uz>
2. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat shahar kadasteri maʼlumotlari. <https://dshk.uz/uz/>
3. Sirdaryo viloyati statistika boshqarmasi maʼlumotlari. <https://www.sirstat.uz>
4. Shirin shahar statistika boʻlimi maʼlumotlari. <https://shirinuz.uz>

TOSHKENT SHAHRI MIKROTOPONIMLARI NOMLARINING MUSTAQILLIK YILLARIDA OʻZGARISHI

Abdurashidova Nargiza Sherzod qizi
Mirzo Ulugʻbek nomidagi Oʻzbekiston
Miliy universiteti 2-bosqich magistranti
abdurashidovanargiza@gmail.com

Annotatsiya: ushbu maqolada Toshkent shahridagi mikrotoponimlarning mustaqillik yillarida oʻzgarishi va hozirgi nomlanishi haqida bayon etilgan. Shuningdek, ularning hozirgi nomlanishi, joy nomlari haqida maʼlumotlar keltirilgan.

Kalit soʻzlar: mikrotoponimlar, Osiyo, Darxon, Oqqoʻrgʻon, Boʻzariq, antroponimlar.

CHANGES OF TASHKENT MICROTOPYNOMS NAMES IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

Annotation: This article describes the changes in the microtoponyms in Tashkent during the years of independence and their current names. There is also information about their current names and place names.

Keywords: microtoponyms, Asia, Darkhan, Akkurgan, Bozarik, anthroponyms.

Toshkent shahri nafaqat O'zbekistonda balki, Markaziy Osiyoning eng yirik shahri bo'lganligi, shuningdek, aholisining milliy etnik tarkibi xilma-xil bo'lganligi tufayli undagi joy nomlari nihoyatda ko'p va o'ziga xosdir.

Joy nomlarining o'ziga xos tomoni shundan iboratki, ular turli xil jarayonlar (siyosiy o'zgarishlar, qayta nomlashlar) ta'sirida o'zgarib turadi. Ayniqsa, bunga siyosiy o'zgarishlar va qayta nomlashlar katta ta'sir etadi. Masalan Turkiston o'lkasini Chor Rossiyasi bosib olgandan so'ng, hududdagi aholi yashash hududlari (shahar va qishloqlar), ko'cha nomlari va boshqalarga o'zlarining atoqli sarkarda, yozuvchi va olimlarini nomlarini berganlar. Bu holat sobiq SSSR davrida ham bu jarayonlar davom etib bordi. O'zbekiston 1991-yil 31-avgustda mustaqillikni qo'lga kiritgandan so'ng, milliy o'zlikni anglash maqsadida yurtimiz hududidan yetishib chiqqan buyuk allomalarimiz nomlari shahar, ko'cha va mahalla nomlariga berildi, hamda biz uchun umuman tegishli bo'lmagan lekin yurtimizdagi joy nomiga berilgan nomlar o'rniga avvalgi eski nomlari qayta tiklandi. Xususan ular quydagilar kiradi:

Osiyo ko'chasi-Mirzo Ulug'bek va Yunusobod tumanlarini birlashtirib turadigan tumandagi katta ko'chalardan biri. Uzunligi 2 km ga yaqin. XX asrning boshlarida tashkil topgan bo'lib, dastlab "Labzak" nomi bilan yuritilgan. 1964-yildan 1982-yilgacha Xurshid, 1982-yilning 12-noyabridan 2005-yilgacha Q.Murtazoyev nomlari bilan yuritilgan. 2005-yil 10-oktabrdan boshlab ko'cha "Osiyo" nomi bilan yuritilib kelinmoqda. Osiyo so'zining ma'nosi qadimgi finikiyachadan tarjima qilganda "sharq" degan ma'noni bildiradi.

Oqqo'rg'on mahallasi-Hamid Olimjon va "Darxon" mahallalari bilan chegaradosh shahardagi mahallalardan biri. Aholisi 5,4 ming kishiga yaqin. Mahallaning nomi Toshkentning qadimgi Oqqo'rg'on mavzesi bilan bog'liq bo'lib, Toshkentning sharqiy chekkasidagi hudud bo'lgan. O'rta asrlarda bu yerlar Xoja Ahrorga qarashli bo'lgan. Keyinchalik bu yerlar vaqf yerlariga aylantirilgan. Tarixdan ma'lumki vaqf yerlaridan soliq olinmagan. Shundan bo'lsa kerakki bizningcha "Oqqo'rg'on"-soliqdan ozod etilgan qo'rg'on yoki yer degan ma'noni bildiradi.

Yangi Avayxon mahallasi-Avayxon va "Navro'z" mahallalari bilan chegaradosh shahardagi mahallalardan biri. Aholisi 3,4 ming kishidan ortiq. Mahalla 2005-yilda tashkil etilgan. Mahalla nomi unga yondosh mahalla nomidan olingan bo'lib, keyinchalik tashkil etilganligi tufayli unga "Yangi" so'zi qo'shilgan. Avayxon nomi XVIII asrning 2-yarmida yashagan qozoq xoni Ablayxon nomidan olingan deb tahmin qilinadi. Keyinchalik bu nom xalq tilida o'zgarib "Avayxon" tarzida qo'llanilib kelinmoqda.

Bo'zariq mahallasi-Avayxon, Alpomish va "Oltintepa-10" mahallalari bilan chegaradosh shahardagi mahallalardan biri. Aholisi 4 ming kishiga yaqin. Mahalla 1987-yilda tashkil etilgan va "Oltintepa-5" nomi bilan yuritilgan. Hozirgi nomini esa 2005-yilda olgan [4]. Bo'zariq so'zi etimologik jihatdan 2 ta asos (bo'z va ariq)dan iborat bo'lib, "bo'z"-oqish rangdagi mato, "ariq"-suv oqadigan eng kichik o'zanli daryocha nomlaridan kelib chiqqan. Bo'zariq so'zi tiniq, toza ariq degan ma'noni bildiradi.

Yuzrabod mahallasi-"Azamat", Munavvarqori va "Traktorsozlar" mahallalari bilan chegaradosh shahardagi mahallalardan biri. Aholisi 5,4 ming kishi atrofida. Mahalla 1980-yilda tashkil etilgan bo'lib, 1988-yildan boshlab "Navbahor" deb atalgan. Hozirgi nomini esa 2006-yilda olgan. [3] Yuzrabod so'zi ko'chani nomidan olingan bo'lib, yuzta "rabot"-shahar tashqarisidagi hududdan iborat degan ma'noni bildiradi. Ko'cha esa ana shunday rabotlarni bog'laydigan yo'l bo'lgan.

Oltintepa mahallasi-"Avayxon", "Bo'zariq" va "Olmachi" mahallalari bilan chegaradosh shahardagi mahallalardan biri. Aholisi 4,8 ming kishi. 1987-yilda tashkil etilgan bo'lib, dastlabki nomi kosmonavt V.Jonibekov nomi bilan yuritilgan. Mahalla nomining kelib chiqishini mahalliy aholi shunday izohlaydi. 30-40-yillarda mahalla hududida nisbatan balandroq tepalik bo'lib, undan asosan g'allani xirmon qilishda foydalanilgan. Aynan shu davrda aholi o'rtasida ocharchilik bo'lganligi, bu tepalikdagi xirmon uyumlarining rangi xuddi oltinga o'xshab tovlanib turganligidan xalq bu tepalikni "Oltintepa" yoki "Xirmontepa" deb atagan. Mahalla nomi shundan kelib chiqqan.

Oqqo'rg'on ko'chasi-Mudofachilar va Mustaqillik ko'chasini bir-biri bilan birlashtirib turadi. Uzunligi 1,5 km ga yaqin. Dastlabki nomi 1959-yilda Novomoskovskiy deb berilgan. 1994-yil 22-avgustdan boshlab shu nom bilan yuritilib kelinmoqda. "Oqqo'rg'on" atamasi Toshkentning qadimgi mavzolari birining nomidan olingan.

Kichik halqa yo'li-Toshkent shahrining kengayib borishi va shahardagi transport vositalarini ko'payib borishini inobatga olgan holda O'zbekiston Respublikasi birinchi prezidenti I.A.Karimov tashabbusi bilan qurila boshlagan. Uzunligi 32,2 km ga teng. 2004-yilda to'liq bitkazilgan. Yo'lining halqasimon aylana shaklda bo'lganligi tufayli shu nom bilan atalgan [1].

Bundan tashqari Mirzo Ulug'bek tumanida Chirchiq daryosidan 2 ta yirik kanal va 5 ta kichik kanallar chiqarilgan bo'lib, ularning suvi tozaligi, tiniqligi va boshqa xususiyatlariga qarab turli nomlar bilan nomlangan. **Bo'zariq-tumandagi mahalla va ko'cha nomi. Bo'zariq mahallasi 1987-yilga tashkil topgan bo'lib, avvalgi nomi "Oltintepa-5" bo'lgan. Hozirgi nomini 2005-yilda olgan. Hozirda Bo'zariq mahallasida 4000 ga yaqin aholi istiqomat qiladi. Bo'zariq so'zi etimologik jihatdan 2 ta asos (bo'z va ariq)dan iborat bo'lib, "bo'z"-oqish rangdagi mato, "ariq"-suv oqadigan eng kichik o'zanli daryocha nomlaridan kelib chiqqan. Bo'zariq so'zi tiniq, toza ariq degan ma'noni bildiradi [2].**

Sayran mahallasi-Ahmad Yassaviy, "Bo'z-2" va Fayzulla Xo'javev mahallalari bilan chegaradosh shahardagi mahallalardan biri. Aholisi 3,7 ming kishidan ortiq. Dastlab mahalla 1948-yil "Kvartalniy komitet № 27" nomi bilan tashkil etilgan. Mahallaning nomi 1993-yildan, 2005-yilni oktabr oyigacha "Do'stlik" deb yuritilgan.

Ayniqsa, shaharning mikrotoponimlarining aksariyat qismini antroponimlar tashkil etishi va kelgusida ularni qayta nomlash bo'yicha muammolarni keltirib chiqaradi, chunki bizga ma'lumki, kishilarning ism-sharifiga qo'yilgan nomlar tez o'zgaruvchan bo'ladi. Bu esa davlat budjeti mablag'larini ortiqcha sarf bo'lishiga yoki ismi jismiga mos bo'lmagan nomlar paydo bo'lishiga olib keladi.

Shularni inobatga olgan holda, nafaqat Toshkent shahri mikrotoponimlari, balki Respublikamizdagi joy nomlarini nomlashda quyidagilarga e'tibor berish lozim:

Birinchidan, joy nomlarini nomlashda iloji boricha joyning geografik xususiyatidan kelib chiqqan holda nomlash zarur. Chunki, aynan shunday nomlar barqaror bo'lib, ularni o'zgartirish masalalari kamdan-kam uchraydi.

Ikkinchidan, joy nomlarini nomlashda tarixiy nomlarni saqlab qolishga harakat qilish kerak. Chunki joyning tarixiy nomi uning tarixidagi voqea-hodisalar haqida ma'lumot berishi mumkin.

Uchinchidan, joy nomlarini nomlashda iloji boricha bir xillikdan qochish kerak. Bu orqali aholini ikkilanishini oldini olgan bo'lamiz. Masalan, Toshkent shahrida ham Navoiy ko'chasi, Samarqand shahrida ham Navoiy ko'chasi bor. Agarda O'zbekistonga yoki hududlarimiz bo'yicha sayohatga kelayotgan sayyoh (turist) bu haqida yetarli ma'lumotga ega bo'lmasa adashib qolishi hech gap emas.

Shuningdek, joy nomlarining to'g'ri yozilishiga alohida e'tibor berib, ularni qayta nomlash oson bir qog'ozni o'zgartirib qo'yish emas, balki mashaqqatli vazifa ekanligini tushunishimiz kerak!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, T., 2001 y
2. S. Qorayev "Топонимика" Т: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti» 2006 y.
3. X. Xasanov «Урта Осие жой номлари тарихидан» Т., 1965 й.
4. С. Қорайев «Географик номлар маъноси» Т., 1978 й.

OLTINSOY TUMANIDA UZUMNI QAYTA ISHLOVCHI SANOATNI RIVOJLANTIRISHNING TABIIY VA IQTISODIY ASOSLARI

*Allamurodov Ibrohim Allamurodovich
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston
Milliy universiteti magistranti
e-mail: ibrohim_allamurodov@mail.ru*

Annotatsiya: Surxondaryo viloyati Oltinsoy tumanida uzumchilikni, shu jumladan uzumni qayta ishlash korxonalarini tashkil qilish, bog' va uzumzorlardan samarali foydalanish bo'yicha istiqbolli loyihalarni ishlab chiqish, uzumni qayta ishlashning eng zamonaviy, kam chiqimli, eng samarali usul va texnologiyalarini ishlab chiqish.

Kalit so'zlar: iqtisodiyot, qishloq xo'jaligi, landshaft, uzumchilik, vinochilik, ASM, yer resurslari, intensiv, ekstensiv, innovatsiya, investitsiya.

NATURAL AND ECONOMIC BASIS OF DEVELOPMENT OF GRAPE PROCESSING INDUSTRY IN ALTINSAY DISTRICT

Annotation: Establishment of viticulture enterprises, including grape processing enterprises in Altinsay district of Surkhondaryo region, development of promising projects for efficient use of orchards and vineyards, development of the most modern, low-cost, most efficient methods and technologies of grape processing.

Keywords: economy, agriculture, landscape, viticulture, winemaking, ASM, land resources, intensive, extensive, innovation, investment.

Oltinsoy tumani 1981-yil 23-noyabrda Sho'rchi va Denov tumani qismlaridan tuzilgan. Viloyatning Denov, Boysun, Sho'rchi, Qumqo'rg'on tumanlari bilan chegaradosh. Maydoni 0,56 ming km². Aholisi 180,1 ming kishi (2021). Tumanda 9 qishloq fuqarolar yig'ini (Vaxshivor, Dug'oba, Mirshodi, Oltinsoy, Oqarbuloq, Oqoltin, Xo'jasoat, Chep, Qarluq) bor. Tuman markazi - Qarluq qishlog'i. Oltinsoy tumani Surxondaryoning shimoliy qismidagi serunum tekislikda joylashgan. Yer yuzasi sharqqa tomon pasayib boradi. G'arbiy chekkalari Keragotog' etagiga tutashib ketadi. Tuman markazidan Oltinsoy daryosi, shimoldan janubga tomon Hazarbog' kanali oqib o'tadi. Relyefi, asosan, balandligi 400-700 m bo'lgan tekislik va adirlardan iborat. Iqlimi quruq, tipik subtropik iqlim. Yillik o'rtacha temperatura 15,9° C. Tuman xo'jaligi asosan qishloq xo'jaligiga ixtisoslashgan. Sanoat, transport, aloqa korxonalari kam. Qishloq xo'jaligida bog'dorchilik asosiy o'rin tutadi. Ayniqsa, tokchilik rivojlangan. Sanoat korxonalaridan Oltinsoy "Sharob" samarali ishlamoqda. "Sharob" korxonasi 1982-yilda Denov vino-aroq zavodi tarkibidan ajralib chiqqan. Bir yilda 800 ming dekolitr vino ishlab chiqariladi. "Portveyn", "Jasorat", "Muskat", "Kagor" naveshri mashhur. Oltinsoy tumanida 2 qo'shma korxonasi, 5 yirik sanoat korxonasi, 172 kichik va xususiy korxonasi bor. Tuman hududi 852 ga bog'lar, 5,5 ming ga tokzorlar bilan band.

Tumanning tabiiy-geografik sharoiti ushbu hududda uzumchilikni rivojlantirish uchun juda qulay. Qolaversa mahalliy aholi ming yillar muqaddam ham bu hududlarda uzum yetishtirib kelgan. Bundan tashqari uzumning inson salomatligiga foydali jihatlari ham juda ko'p. Sentabr oyi uzumlar g'arq pishgan mahal bo'lib, undan to'yib iste'mol qilish inson salomatligiga ijobiy ta'sirini ko'rsatadi. Qadimgi Gretsiyada ham uzumning foydali xususiyatlari ma'lum bo'lgan. Greklar uzumni nafaqat shirinlik sifatida iste'mol qilishgan, balki dori-darmon o'rnida ham tanovvul qilishgan. Uzum quyidagi kasalliklarda yordam beradi:

- uzum astma kasalligida foydali hisoblanadi;
- qon quyuqlashini oldini oladi;
- charchoqni bartaraf etadi;
- antioksidantlarni o'zida saqlashi sabab ham terini uzoq vaqt davomida qarishini oldini oladi;
- oshqozon-ichak tizimini tozalaydi;

- yurak va tomirlar tizimini mustahkamlaydi.

Shuningdek uzumning foydali xususiyatlari uning rangiga qarab farq qiladi. Sariq va yashil rangli uzumlar o't haydovchi ta'sirga ega bo'lsa, to'q rangli uzumlar esa gemoglobinni ko'tarib, qon bosimini normallashtiradi.

Hozirda Oltinsoy tumanida uzum yetishtiruvchi fermer xo'jaliklari talaygina, biroq ularning aksariyati bugun yetishtirgan mahsulotining bir qismini horij mamlakatlariga xom-ashyo sifatida eksport qilmoqda. Bu esa mahsulotdan keladigan daromadning anchagina kamayishiga sababchi bo'ladi. Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra, 2021-yilning yanvar - iyun oylarida respublika miqyosida 45 497 tonna uzum yetishtirilgan. Uzum yetishtirish o'tgan yilning mos davri bilan solishtirilganda o'sish sur'ati 105,1 foizni tashkil qildi. Uzum yetishtirishning yuqori hajmlari 24 ming tonna yoki umumiy yetishtirish hajmidan 52,7 foizi dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklarida qayd etildi. Uzum yetishtirishning umumiy hajmiga nisbatan eng yuqori ulushga ega bo'lgan hududlar:

- Surxondaryo viloyati – 30,1 foiz;
- Qashqadaryo viloyati – 13,9 foiz;
- Namangan viloyati – 11,8 foiz;
- Buxoro viloyati – 11,4 foiz.[2]

Uzumchilikning iqtisodiy samaradorligi ham, ijtimoiy ahamiyati ham katta. Masalan, 1 gektar xo'raki uzum yetishtirish uchun o'rtacha 100 million so'm xarajat qilib, 4 yildan keyin yiliga 250 million so'm sof foyda olish mumkin. Yana bir quvonarli tomoni, 1 gektar g'alla maydonida 2 kishi ishlab, ko'pi bilan 20 million so'mlik mahsulot yetishtirilsa, uzumchilikda, ayniqsa, shpaler usulida 10 nafargacha aholini ish bilan ta'minlab, 300 million so'mlik mahsulot ishlab chiqarish hamda o'rtacha 25 ming dollarlik eksport qilish imkoni bor.[6]

Oltinsoy tumani hududida uzumchilikni rivojlantirish borasida ko'plab ishlar amalga oshirilishi rejalashtirilgan. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-2022-yillarda Surxondaryo viloyatining Oltinsoy tumanini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarori.[3] Meva-sabzavotchilik va uzumchilik sohasida agrosanoat firmalari tashkil etish va ularning faoliyatini yo'lga qo'yish tartibi to'g'risidagi NIZOM [4], O'zbekiston respublikasi prezidentining "Uzumchilikni rivojlantirishda klaster tizimini joriy etish, sohaga ilg'or texnologiyalarni jalb qilishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarori [1], Prezidentning 2018-yil 28-fevraldagi "Vinochilik sohasini va alkogolli mahsulotlarni realizatsiya qilishni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq "O'zsharobsanoat" aksiyadorlik jamiyati tashkil etilgan edi. Uzum plantatsiyalarini ko'paytirish va vinochilikni rivojlantirish bo'yicha qator vazifalar belgilangan. 2018-yilning birinchi yarmida O'zbekiston sanoati 11 foizga o'sgani holda sharobsanoat tarmog'idagi o'sish bor-yo'g'i 0,9 foizni tashkil etgan. Aroq ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish darajasi 71 foiz, vino - 57 foiz, spirt - 76 foiz, shampan vinosi - 7 foizni tashkil etgan. Yana bir jihat - shu soha rivojlangan mamlakatlarda alkogol mahsulotlari ishlab chiqarish tarkibida vino ulushi 75-80 foizni tashkil etadi. O'zbekistonda vinochilik e'tibordan chetda qolib ketgan, uzum vinosi ishlab chiqarish so'nggi 10 yilda 2,5-3 barobar kamaygan. Birlamchi vino ishlab chiqarish korxonalari xomashyo kamligi sababli mavjud quvvatlardan atigi 15 foiz foydalanmoqda. Vinomaterial tayyorlovchi korxonalarining atigi 25 foizi modernizatsiya qilingan.

Yuqoridagi ko'rsatkichlarni hisobga olgan holatda Oltinsoy tumanining sanoat va eksport salohiyatini yanada kengaytirish, mavjud qishloq xo'jaligi resurslaridan to'liq va samarali foydalanish, tumanda vinobop uzumzorlar va zamonaviy pitomniklar tashkil etish, uzumchilik va uzumni qayta ishlashni keskin rivojlantirish, alkogol mahsulotlari ishlab chiqarish quvvatlarini modernizatsiyalash, "O'zsharobsanoat" tizimidagi agrofirkmalarning o'zlashtirilmagan yoki samarali foydalanilmayotgan yer maydonlarini vinobop uzumzorlar tashkil etish zarur. Jahon bozori talabi darajasidagi vino ishlab chiqarish imkonini beradigan "pino nuar", "shardone", "sovinyon-blan" kabi uzum navlarini yurtimiz hududida yetishtirishni yo'lga qo'yish, vinochilik va alkogol mahsulotlari ishlab chiqarish sohasiga investitsiya kiritish, mavjud quvvatlarni modernizatsiya qilish va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish orqali tarmoq eksportini keskin oshirish zarur.[6] Yuqoridagilarga yana qo'shimcha qilib, vinochilikni rivojlantirishda ommaviy axborot vositalarining ham o'rini alohida ta'kidlab o'tish zarur. Chunki jahon bozoriga yo'l aynan ularning e'tirofi orqali qisqa va samarali bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Qarorlari. <https://lex.uz/docs/-5540999>
2. <https://bit.ly/37GdzBN>
3. <https://bit.ly/37I7t3Q>
4. <https://bit.ly/3vOWgGJ>
5. <https://bit.ly/3LnsejC>
6. <https://bit.ly/3MxnS9N>
7. www.uza.uz
8. www.gov.uz
9. www.surxonstat.uz

PARKENT TUMANINING TABIIY GEOGRAFIK O'RNI VA UNING TABIIY SHAROITI

*G'iyozov Javohir Murod o'g'li
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston
Milliy universiteti Geografiya va
tabiiy resurslar fakulteti magistranti*

Annotatsiya: Mazkur maqolada Parkent tumani tabiiy geografik o'rni haqida umumiy ma'lumotlar keltirilgan. Shuningdek, tumanning tabiiy geografik xususiyatlaridan kelib chiqib, tabiiy sharoiti yoritilib berilgan.

Kalit so'zlar: tog', tog' vodiylari, kanal, soy, tog' jinsi, relyef, iqlim, ekzotik.

THE NATURAL GEOGRAPHY OF THE PARKENT DISTRICT AND ITS NATURAL CONDITIONS

Abstract: This article, general information about the natural geographic location of Parkent District is presented. Also, due to the natural geographical features of the district, its natural conditions have been covered.

Key words: mountains, mountain valleys, canals, streams, rocks, relief, climate, exotic.


O'zbekistonning ulkan turistik hamda rekreatsion salohiyatga ega bo'lgan hududlaridan biri Parkent tumanidir. Ushbu tuman Toshkent shahridan 48 km sharqda, G'arbiy Tyanshanning Chotqol tog' tizmalari g'arbiy etaklarida joylashgan. Parkent tumani tabiiy sharoitlarining rang-barangligi, ajoyib tog' tabiati, musaffo havosi, shifobaxsh ma'danli buloqlari, muqaddas qadamjolari bilan alohida ajralib turadi. Parkent tumani – Toshkent viloyatidagi tuman. 1926 - yil sentabrda tashkil etilgan. Chegara uzunligi – 206,3 km, shimoliy-sharq va janubda Bo'stonliq, Ohangaron, g'arbdan Yuqori Chirchiq va janubiy-g'arbdan O'rta Chirchiq tumanlari bilan chegaradosh. Maydoni 1,08 ming km². Aholisi - 149,4 ming kishi (01.01.2017y). Tuman hududi tog'lar bilan o'ralgan. Yer yuzasi g'arbdan sharqqa balandlashib boradi. Eng baland joyi – 3627,8 m (Qizilnura cho'qqisi). Relyefi tog'oldi tekisligi, adir va tog'lardan iborat. Tog' yonbag'irlarida g'orlar mavjud. Soy va buloq ko'p. Chirchiq daryosining chap irmoqlari: Parkentsoy, Boshqizilsoy va Oqsoqotasoy Parkent tumanining asosiy suv manbalari hisoblanadi. Tabiiy geografik joylashishiga ko'ra Parkent tumani hududi Toshkent – Mirzacho'l keskin kontinental (quruq) iqlim zonasiga kiradi. Hududning tog'lar bilan o'ralganligi, uning bag'rida soylar va zilol buloqlar serobliligi o'ziga xos mo'tadil mikroiklim sharoitini vujudga keltiradi. Iqlimi tog'oldi va tog' iqlimiga xos. Qishi nam, nisbatan iliq, yozi uzoq, issiq va quruq. Yanvarning o'rtacha harorati -1,3° -1,8°C, eng past harorat tekislikda -10°C, tog' etaklarida -18°C, iyulning o'rtacha harorati +26,8°C, eng yuqori harorat 43-47°C. Tekislik qismida yiliga 250 mm, tog'oldilarida 450-500 mm, tog'larda 600 mm yog'in yog'adi. Yog'inning ko'p qismi bahor va qish oylariga to'g'ri keladi. Vegetatsiya davri tekislik qismida 210 kunning tashkil qiladi. Serquyosh diyorimizda bo'lgani singari, quyosh yil mobaynida 3000 soatdan ko'p vaqt tuman yerlariga o'z nurini sochib turadi.

Parkent tumanida termal va mineral suv zaxiralari ko'p bo'lib, tuman Parkentsoy havzasida joylashgan. U Chirchiq daryosiga quyiladi. Chirchiq daryosi respublikada o'zining katta gidroenergetik imkoniyatlari bilan ajralib turadi. Shu boisdan ham unda qator GESlar (kaskadi) barpo etilgan. Chirchiq daryosining chap irmoqlari bo'lmish Parkentsoy, Boshqizilsoy va Oqsoqotasoy Parkentning suv manbaalari hisoblanadi. Daryolarning boshlanish joylarida mavjud o'nlab sharsharalar tabiat manzarasiga betakror go'zallik baxsh etadi. Daryoning terassalarida sug'orma dehqonchilikni rivojlantirish, aholini ichimlik suvi bilan ta'minlashda, rekreatsiya, baliq ovlash va boshqa sohalarda ham ahamiyati katta. Bu yerda eng yirik Chorvoq, shuningdek, G'azalkent, Xo'jakent suv omborlari barpo etilgan, Qibray, Parkent kanallari qurilgan. Parkent tumanining asosiy suv arteriyasini Xamdani va Parkent kanallari, Parkentsoy, Qizilsoy, Samsaraksoy, Oqsoqotasoy soylarini tashkil etadi. Tuman hududida daryo va suv omborlari mavjud emas. Kelajakda Parkentsoy va Qizilsoy soylarida suv omborlari qurish rejalashtirilgan.

Parkent tumani yer sathi tuzilishi geomorfologik jihatdan g'arbdan sharqqa qarab uchta mintaqaviy bo'linishi bilan bir-biridan ajralib turadi. Bular: tog'oldi tekisligi, past tog'lar va tog' mintaqalaridir. Tog'oldi tekislik mintaqasi dengiz yuzasidan 500-800 metr balandlikdagi hududni o'z ichiga olib, quyi, asosan, o'rta, yuqori va hozirgi zamon to'rtlamchi davr lyoss va lyossimon (sog' tuproq) jinlardan, daryo o'zanlarida esa shag'allardan tashkil topgan. Tog'oldi mintaqasi dengiz yuzasiga nisbatan 700-800 metr balandlikdan 1200-1300 metrgacha bo'lgan sathlarni o'z ichiga oladi. Bu mintaqada birinchi mintaqadan yer sathi tuzilishi tikligi, notekisligi bilan farq qiladi. Tog' mintaqasi dengiz yuzasiga nisbatan 1250-1350 metrdan yuqorida vujudga kelgan bo'lib, denudatsion, akkumulyativ-denudatsion sathlarni o'z ichiga oladi.

Parkent tumani turli tabiiy resurslarga boy bo'lib, ulardan tuman iqtisodiyotida keng foydalaniladi. Ular orasida iqtisodiy jihatdan mineral resurslar ahamiyatli hisoblanadi. Tuman hududida bir qancha turdagi mineral resurslar mavjud. Bu yerda metall va nometall turdagi mineral resurslar tarqalgan. Metall holatidagi foydali qazilmalar tumanning tog'li, yuqori tog'oldi hududlarida keng ko'lamda joylashgan. Jumladan, Kumushkon atrofida qo'rg'oshin, rux, Oqsoqota daryosi vodiysida alunit, Qiziltog' yaqinida oltin, Zarkent va So'qoq atroflarida vol'fram, vismut konlari mavjud. Ushbu konlar hozirgi kunda faoliyatda bo'lmay, keyingi davrlar uchun zahira sifatida saqlanadi (konservatsiya holatida).

Tuman hududida bir necha ilmiy va ilmiy ishlab chiqarish muassasalari faoliyat ko'rsatadi. O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasiga qarashli "Quyosh" ilmiy ishlab chiqarish stantsiyasi majmuasi, Materialshunoslik instituti, Seysmologiya institutining "Magnitiosfera" rasadxonasi, "Koinot" ilmiy ishlab chiqarish birlashmasining "Nevich" tajriba bazasi, Zardob vaksinasi ilmiy tekshirish institutining hayvonotchilik bazasi, So'qoq gidromeliorativ stantsiyasi va Tog'-o'rmon xo'jaligi O'zbekiston taraqqiyotiga o'z hissasini qo'shib kelmoqda. Noyob o'simliklar, hayvonot olamiga ega "Chotqol" tog'-o'rmon biosfera qo'riqxonasi viloyat tabiatining ko'rki hisoblanadi.



Nevich qishlog'idagi qoyatoshlarga bitilgan petrograflar

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.
2. Saypiddinov Z. "Toshkent viloyatining bioiqlimiy komfort sharoitlari" ilmiy maqola. - T.: 2020, 28-b.
3. Parkent tumani pasporti. 2021yil.
4. "Oltin meros" xalqaro xayriya jam'armasi Toshkent viloyati bo'limi hisoboti.
5. Husomiddinov S., Shermatov M. Parkent tumani. - T.: O'qituvchi, 2006.

ДУСТЛИК ТУМАНИНИНГ ТУПРОҚ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИГА ТАВСИФ

Каримов Анвар

Мирзо Ўлўзбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети География
мутахассислиги 1-босқич магистранти
anvark193@gmail.com

Аннотация. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, саноат корхоналари, атроф-муҳитга чиқарилаётган чиқиндилар ва автомобиллар сонининг кўпайиши ўз навбатида атроф-муҳитга ва тупроқ ҳолатига таъсири тобора кучайиб бормоқда. Ушбу мақолада Дўстлик туманининг тупроқларинг ҳолати ва агротехник жараёнлар ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: рельеф, мелиоратив, шўрхоқ тупроқ, бўз тупроқ, агротехник жараёнлар

Annotation. Today, the development of agriculture, industrial enterprises, the increase in the amount of waste emitted into the environment and the increase in the number of cars, in turn, have an increasing impact on the environment and soil conditions. This article provides information on the condition of soils and agro-technical processes in Dostlik district.

Keywords: relief, reclamation, saline soil, gray soil, agrotechnical processes

Асосий қисм. Дўстлик тумани Мирзачўл табиий географик округининг марказий қисмида Мирзачўл текислигида жойлашган. 1970 йил 16 октябрда ташкил этилган. Дўстлик тумани вилоятнинг Арнасой, Мирзачўл, Пахтакор туманлари, Сирдарё вилоятининг Оқолтин ва Сардоба туманлари билан чегарадош. Майдони 0.45 минг. км. кв. Дўстлик туманида 1 та шаҳар ва 12 та МФЙ мавжуд. Маркази – Дўстлик шаҳри.

Дўстлик туманини Жанубий Мирзачўл каналининг чап тармоқлари кесиб ўтган. Йиллик ёгин миқдори 400-500 мм. Ҳавонинг намлик даражаси қишда 70-80%. Ёзда 25-30% атрофида Булади. Дўстлик туманида асосан пахта, галла, мева-сабзавот, гўшт, сут етиштирилади. Асаларичилик, иссиқхона хўжалиги, паррандачилик ҳам ривожланмоқда¹.

Туман Мирзачўл табиий географик округида жойлашган ва округнинг асосий қисмини сугорма оч бўз тупроқлар эгаллайди. Тупроги унумдор бўз ва оч тусли бўз тупроқлар. Ерларнинг катта қисми шўрланган. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда. Оч тусли бўз тупроқларнинг дондорлиги яхши эмас. Лекин сув ўтказувчанлиги ва юқори даражада капиллярлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бироз нишаб ерларда оч тусли бўз тупроқли ерлар ювиш натижасида шўрсизлантирилади, аммо рельефи текис жойларда ортикча сугориш ва бошқа омиллар таъсирида шўр ер ости суви билан бирга тупроқ юзасига кўтарилиб, қайта шўрланишга сабаб бўлади. Бундай ҳолат сизот сувларнинг сатҳини камайтириш учун коллектор зовурлар қазилар, тупроқ шўрини ювиш, экинлар сўғориш режимини қатъий тартибга солиш, ерларни текислаш, алмашлаб экишни жорий этиш, ихотазорларни барпо этиш ва бошқа тадбирларни тақозо этади¹.

Ерларнинг мелиоратив ҳолати - ер майдонларини қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Мелиоратив ҳолати қоникарли ерларга тупроқ унумдорлигини тубдан яхшилаш талаб қилинмайдиган, деҳқончилик қилишга монъелик қиладиган нуқсонлари бўлмаган ерлар қиради. Мелиоратив ноқулайлик тоифаси ёки тури биринчи навбатда, табиий - географик шaroitларга, шўнингдек, тупроқ-мелиоратив шaroitларининг деҳқончилик юритишга мос келмайдиган ерлар киритилади.

Туман ва унга туташган ҳудудларда тарқалган тупроқларнинг физик хоссалари, таркиби, сув-туз баланси, мелиоратив ҳолати, шўрланиши, сугоришда вужудга келадиган ўзгаришлар, тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш агротехникаси ва чора-тадбирлари устида бир қанча мутахассис олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган. Биринчилардан бўлиб ҳудуд тупроқлари ўрганиш Н.А. Димо томонидан амалга оширилган бўлиб, олимнинг тадқиқотлари натижасида Мирзачўл тупроқларида сунъий сугориш

натижасида тупроқнинг намлигини ортишининг тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига ва тупроқларни шўрланишига таъсири илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган(1911), тупроқларнинг мелиоратив ҳолатига таъсир этувчи асосий омил ер ости сувларининг тақсимланиши ва уларнинг чуқурлиги картасини ишлаб чиққан (1912).

Худудимиз тупроқларининг мелиоратив ҳолатини ўрганишга оид назарий ва амалий тадқиқотлар кейинчалик машҳур тупроқшўнос олимлар В.А.Ковда, Н.А.Розанов, Н.М.Решеткина ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Мирзачўлнинг сўғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати ҳақидаги батафсил маълумотлар Н.А.Розановнинг “Мирзачўл тупроқлари сугориш ва мелиорация объекти сифатида” номли монографияси келтирилган. Мирзачўл тупроқларининг мелиоратив ҳолатига вертикал ва горизонтал дренажларнинг қўлланишини самарадорлиги бўйича Р.А.Алимов, Н.М.Решеткина(1964), А.Г.Владимиров (1960), Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштиришга оид масалалар бўйича В.Г.Фафуров (1968), В.А.Духовный (1973)лар илмий тадқиқотлар олиб боришган².

Республикамызда 4277,6 минг гектар, Жиззах вилоятида ер майдонини алоҳида қийматга эга бўлган сугориладиган унумдор ерлардан иборат бўлиб, шундан Дўстлик туманидаги сугориладиган ерларнинг улуши 0,78% ни ташкил қилади, бу албатта битта туман учун анча катта кўрсаткичдир.

Ҳозирги кунда Дўстлик туманида сугориладиган ерлар майдони 33,4 минг гектар. Шундан 17,9 минг гектар ерга пахта, 13,7 минг гектар ерга галла, 1,8 минг гектар ер майдонига бошқа турдаги экинлар экилади⁵. Томорқа ҳўжалигини йўлга қўйилиши ва “Яшил макон” лойихаси асосида туманда иссиқхоналар ва мевазорлар майдонини улуши ортиб бормоқда.

Тумандаги сугориладиган тупроқларнинг 10 фоизига яқин кучсиз шўрланган, 50 фоизига яқини ўртача шўрланган, қолганлари эса кўчли шўрланган тупроқлардан иборат. Олимларни фикрига кўра тупроқларни шўрланиш даражасини бир даражага ўсиши ҳосилдорликни 8-15 фоизгача пасайишига олиб келади. Шунинг учун тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади².

Туманимиздаги кишлоқ ҳўжалиги экинларини махсулдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар сув сатҳининг яқинлиги ва тупроқларнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ҳисобланади. Сув ва шамол эрозияси туман миқёсида унча катта кўламга эга эмас, асосан энг асосий муаммо тупроқ шўрланиши ҳисобланади. Унга таъсир кўрсатувчи омиллар эса тупроқларнинг механик таркиби ва грунт сувларининг сатҳи ҳисобланади.

Маълумотларга караганда сугориладиган майдонлардаги тупроқларнинг 70 фоизига яқини механик таркибига кўра ўрта ва енгил қўмоқ тупроқлардан иборат. Бу кўрсаткичга кўра тупроқларнинг шўрланишга мойиллиги анча паст, демак тупроқларни шўрланишига таъсир кўрсатувчи асосий омил грунт сувларининг сатҳи ҳисобланади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ҳар йили яқоб суви бериш ва пол олиб сугориш каби агротехник жараёнлардан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари алмашлаб экиш технологияси, зовур ва дренажларни ўз вақтида тозалаш, ерга минерал ўғитлар солиш, томчилатиб сугориш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу тадбирларнинг барчаси туман ерларни унумдор қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда мўл ҳосил олишга ва шўрланган ерлар майдонини қисқартишга қаратилади. Бу каби чора тадбирлар, лойиҳаларнинг барчаси ҳалқимизнинг фаровон турмуш тарзига ҳизмат қилади.

Бугунги кунда экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда сув танқислигининг олдини олиш билан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши молиявий инқироз оқибатларининг олдини олишга муҳим бир тўртки бўла олади. Айниқса, кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида сугориладиган геосистемаларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва етиштирилаётган ҳосилни сақлаб қолиш ўшбу соҳа билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган молиявий инқирознинг олдини олишда муҳим масалалардан биридир³.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимбоев С.А., Дехқончилик, тупроқшўнослик ва агрокимё асослари-Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2006. 17-21-б.
2. “GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2020:CENTRAL ASIA” -Н.: междўнароднкй наўчно-практический жўрнал. 2020. 69-70-б.
3. Сағатова А.А., СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА ЎНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТАБИЙ ОМИЛЛАР магистрлик диссертацияси Т.: 2021.,49-б
4. <https://uz.wikipedia.org>
5. https://uz.wikipedia.org/wiki/Do%CA%BBstlik_tumani

DO'STLIK TUMANIGA IJTIMOY-IQTISODIY GEOGRAFIK TAVSIF

Karimova Saida

*Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston
Milliy Universiteti Geografiya
mutaxassisligi 1-bosqich magistranti
saida.bazarboeva@gmail.com*

Annotatsiya: Hozirgi paytda respublikamizning har bir qishloq tumanlarini isloh qilish maqsadida turli xil loyihalar, investitsiyalar jalb etilib, qo'shma korxonalar tashkil etilmoqda. Bularning barchasi xalqimizning farovon turmush tarziga, shu jumladan, Do'stlik tumanining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: Sanoat, transport tuguni, qo'shma korxonalar, loyiha, iqtisodiy salohiyat.

Annotation: At present, various projects, investments and joint ventures are being established to reform every rural district of the country. All this contributes to the well-being of our people, including the socio-economic development of Dostlik district.

Keywords: Industry, transport hub, joint venture, project, economic potential.

Asosiy qism. Bugungi kunda ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarsiz hayotimizni tasavvur etish qiyin. Ayniqsa, sanoat va xizmat ko'rsatish sohaslariga bo'lgan talab kun sayin ortsa ortmoqdaki, ozaygani yo'q. Sanoat - moddiy ishlab chiqarish shaklidir. Aholi yashash manzili qanchalik yirik bo'lsa, sanoat, ijtimoiy soha va xizmat ko'rsatishga bo'lgan talab ham ortib boraveradi.

Ma'lumki, Do'stlik tumani 1970-yil 16-oktabrda tashkil etilgan. Tuman viloyatning shimoli-sharqiy qismida joylashgan. Mirzacho'l tabiiy geografik okrugining esa markaziy va sharqiy tekisliklarini egallaydi. Tuman shimol, shimoli-g'arbdan Arnasoy va Mirzacho'l tumanlari bilan, janub va janubi-g'arbdan Paxtakor tumani, janubi-sharq va sharq tomondan Sirdaryo viloyatining Sardoba tumani, shimoli-sharqdan esa Oqoltin tumanlari bilan chegaradosh. Maydoni 0,45 ming km². Do'stlik tumanida 1 shahar va 12 ta mahalla fuqarolari yig'ini mavjud². Tumanning geografik o'rni transport va savdo jihatdan juda qulay deyish mumkin. Chunki yuqorida sanab o'tilgani kabi Do'stlik tumani Jizzax viloyatining bir qancha tumanlari oralig'ida joylashgan va qolaversa, qo'shni Sirdaryo viloyati tumanlari bilan ham chegaradosh. Bu esa, ular orasidagi "transport tuguni"ni, qatnovini, yo'nalishlarni bog'laydi. Nafaqat tumanda, viloyat miqyosida ham transport xizmatlarining eng katta ulushi avtomobil transportida yuk va yo'lovchilarni tashish bo'yicha xizmatlarga to'g'ri keladi. 2021-yil yanvar oyida yo'lovchi tashish 42,1% va yuk tashish 57,9%dan 2022-yil yanvar oyida yo'lovchi tashish 40,7% va yuk tashish 59,3%ga o'zgargan³. Transportning ushbu turi boshqa transport turlari bilan taqqoslaganda uning moslashuvchanligi va ko'rsatilayotgan xizmatlarning nisbatan arzonligi sababli yuqori talabga ega hisoblanadi. Yana shuni ham ta'kidlash joizki, Do'stlik tumani Jizzax viloyati ostonasida joylashgan. "Katta o'zbek trakti M39" yo'nalishining bir qismi Do'stlik tumanidan kesib o'tadi. Bu esa bu yo'nalish oralig'ida avtotexnik xizmatlar, savdo markazlari, ovqatlanish va dam olish punktlarining rivojlanishiga zamin beradi. Shu bilan birga „Do'stlik“ temir yo'l stansiyasi bor. Do'stlik-Toshkent, Do'stlik - Samarqand, Do'stlik-Jizzax, Dustlik - Guliston, Do'stlik - Arnasoy yo'nalishlarida avtobus va taksi qatnovi yo'lga qo'yilgan¹.

Aholisi 67 ming kishi (2022 – asosan o'zbeklar, shuningdek, qirg'iz, tojik, rus, qozoq, tatar va boshqa millat vakillari ham yashaydi. Aholining o'rtacha zichligi 1 km² ga 148 kishi. Shaharliklar 28 ming kishi, qishloq aholisi 38,3 ming kishini tashkil etadi. Hozirgi paytda Jizzax viloyatida jami aholi soni 1 450 500 (2022-yilning 1-aprel holatiga ko'ra) kishini tashkil qilib, Do'stlik tumani viloyat aholisining 4,619%ini tashkil etadi. Tumanda 1ta Axborot-kutubxona markazi, 2ta mehmonxona faoliyat yuritadi². Tumandagi Manas MFY da asosan qirg'iz millatiga mansub aholi istiqomat qiladi. Shu boisdan bu yerda qirg'iz maktab va qirg'iz ma'daniyati saroyi faoliyat yuritmoqda.

Tumandagi Abu Ali ibn Sino nomidagi jamoat salomatligi texnikumi har yili ko'plab malakali kadrlar bilan nafaqat tumanni, qolaversa yondosh bo'lgan tumanlarni ham malakali kadrlar bilan ta'minlamoqda. Viloyatda faoliyat yuritayotgan umumta'lim muassasalari soni 2021-2022-o'quv yili boshiga 563tani tashkil etib, shuning 20 tasi Do'stlik tumanida faoliyat olib bormoqda. Bundan tashqari kasb-hunar kolleji, 17 ta maktabgach ta'lim muassasalari faoliyat yuritadi. Shu bilan birga Tennis korti, sport majmuasi, kutubxona, 150 o'rinni markaziy kasalxonalar (tumanlararo jarrohlik markazi faoliyat ko'rsatmoqda), qishloq vrachlik ambulatoriyasi aholiga xizmat ko'rsatmoqda. Tuman markazida Xotira maydoni barpo etilgan. „Do'stlik hayoti“ tuman gazetasi 1000 nusxada muntazam chop etiladi¹.

Do'stlik tumanida asosan paxta, g'alla, meva-sabzavot, go'sht, sut yetishtirishga ixtisoslashgan. Shunga qaramay tumanda asalarichilik, issiqxonalar, parrandachilik ham rivojlanmoqda. Sug'oriladigan yer maydoni 33,4 ming gektar, shundan 17,9 ming ga yerga paxta, 13,7 ming ga yerga g'alla, 1,8 ming gektar yer maydoniga boshqa turdagi ekinlar ekiladi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish 2015-yilda 97,4% ; 2019-yilda 105,4%; 2021-yilga kelib 118,6%ga o'sganligini ko'rishimiz mumkin. Tuman qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi mahsulotlarining hajmi 2021yilda 1218,3mlrd.so'mni tashkil etgan⁴. Tumanda 450 dan ziyod dehqon fermer xo'jaligi, 135 dan ortiq firma va kichik korxonalar, 5 ta qo'shma korxonalar, 145 dan ortiq maishiy xizmat ko'rsatish shoxobchasi, 254 ta savdo do'koni faoliyat ko'rsatmoqda.

Do'stlik shahrida 2 qo'shma korxonalar, o'simlik moyi ishlab chiqaruvchi firma, "Do'stlikdon" aksiyadorlik jamiyati, "EZGULIK MEVASI" MChJ, "FORMANOV U." XT faoliyat ko'rsatdi. Viloyat bo'yicha sanoat mahsuloti hajmi 5679,8 mlrd so'm (2021y) , Do'stlik tumanida esa 569,1 mlrd so'm (2021y)ni tashkil etgan. Aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan sanoat mahsuloti Viloyat bo'yicha 3992,2ming so'm (2021y), Do'stlik tumanida 8499,6 ming

so'mdir(2021y). Iste'mol mollar ishlab chiqarishning o'sish sur'atlari 2015-yilda 108%, 2019-yilda 100,9% va 2021-yilda 87,5%ga yetgan³. Bu kabi statistik ma'lumotlardan ko'rish mumkinki, tumanimizning iqtisodiy salohiyati yildan-yilga rivojlanib borayotganligining yorqin ifodasidair. Bu esa, xalqimizning muosib turmush tarziga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. <https://uz.wikipedia.org>
2. https://uz.wikipedia.org/wiki/Do%CA%BBstlik_tumani
3. <https://www.iizzaxstat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>
4. <https://t.me/c/1461965531/76>

AGROEKOTURIZMNING OBYEKTI, PREDMETI, MAQSADI VA VAZIFALARI

Usmonov Muzrob Kayum o'g'li

Mirzo Ulug'bek nomidagi

O'zbekiston Milliy universiteti magistranti

Annotatsiya: Ushbu tezis turizmga yangi yo'nalish bo'lgan agroekoturizmning obyekti hamda ularga bo'lgan talablarni, shuningdek, agroekoturizmning predmeti, maqsadi va vazifalarini qamrab oladi. Bu bo'yicha tadqiqot olib borgan olimlarning ishlari bilan qiyoslangan holda sohaning yuqoridagi jihatlariga ta'rif beriladi.

Kalit so'zlar: agroturizm, ekoturizm, agroekoturizm obyekti, turist, predmet, maqsad, vazifa, agroekoturistik salohiyat

OBJECT, SUBJECT, GOALS AND OBJECTIVES OF AGROECOTURISM

Abstract: This thesis covers the object of agroecotourism, which is a new direction in tourism, and the requirements for them, as well as the subject, goals and objectives of agroecotourism. The above aspects of the field are described in comparison with the work of scientists who have conducted research in this area.

Keywords: agrotourism, ecotourism, object of agroecotourism, tourist, subject, purpose, task, agroecotouristic potential

ОБЪЕКТ, ПРЕДМЕТ, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АГРОЭКОТУРИЗМА

Аннотация: В этом тезисе освещены объект агроэкотуризма, который является новым направлением в туризме, и требования к ним, а также предмет, цели и задачи агроэкотуризма. Вышеуказанные аспекты области описаны в сравнении с работами ученых, проводивших исследования в этой области.

Ключевые слова: агротуризм, экотуризм, объект агроэкотуризма, турист, предмет, цель, задача, агроэкотуристический потенциал.

Agroekoturizm bevosita agroturizm va ekoturizmning birlashmasi ekanligi nuqtayi-nazaridan uning obyekti ham o'z-o'zidan turizmning yuqoridagi ikkita tarmog'i obyektlari bilan mutanosib bo'ladi. Shu o'rinda agroturizm va ekoturizmning obyektlarini birma-bir ko'rib chiqamiz. Jumladan, turistlarni o'ziga jalb etuvchi xususiyatlar, salohiyat va imkoniyatlarga ega bo'lgan xilma-xil agroturistik obyektlardan quyidagilarni alohida ajratib ko'rsatish mumkin:

- qishloq xo'jalik geokomplekslari (agrolandshaftlar) – ular o'ziga xos ko'rinish va hududiy tashkil etish xususiyatlariga, mahsulot yetishtirish texnologiyalari zanjiriga, mahsulotlarni saqlash va realizatsiya qilishning hududiy farqlariga, agroturistik salohiyatga ega bo'ladi;

- agrar sohaning bir-biridan tubdan farq qiladigan makrozonal turlarining mavjudligi: cho'l (sahro) tekisligi, antropogen tekislik, tog' zonalarini qishloq xo'jaligi; - qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish, saqlash, va realizatsiya qilish bilan bog'liq bo'lgan etnografik odatlar, texnologiyalar, voqea, hodisa va jarayonlarning mavjudligi;

- qishloq aholisining tarixan shakllangan, o'ziga xos agroturistik xususiyatga ega bo'lgan turmush tarzi bilan bog'liq milliy o'ziga xoslik (an'analar, urf-odatlar, marosimlar va h.k.).

Yuqorida ko'rsatilgan agroturizm obyektlarining har biri muayyan talablarga javob berishi kerak. Jumladan:

✓ qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi, mahsulotlarni qayta ishlashi va realizatsiya qilish jarayonlari bilan uzviy bog'liq bo'lishi;

✓ o'ziga xos hududiy ko'rinishga egaligi;

✓ sayyohlarning 24 soatdan ortiq bo'lishini ta'minlaydigan yoki ularning tunab qolishi imkoniyatining mavjudligi va boshqalar;

✓ qishloq hududlarida tabiat yodgorliklari va rekreatsion obyektlarning mavjudligi;

✓ qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirish, saqlash va realizatsiya qilish bilan bog'liq bo'lgan an'analarning mavjudligi;

✓ irrigatsiya va melioratsiya ishlarining o'ziga xosligi;

✓ qishloq bayramlarining tomoshabiniga qiziq bo'lishi;

✓ barcha yo'nalishlarda tabiat muhofazasi va ekologik xavfsizlikning ta'minlanishi; [1]

Ushbu fikrlardan ko'rinib turibdiki, agroturizmning obyekti sifatida ikkilanmasdan qishloqlarni ko'rsata olamiz, ammo ekoturizmning obyektiga kelganda taqdiqotchilar orasida mutlaq yakdillik ko'zga tashlanmaydi, masalan; Jahon turistik tashkiloti ekoturizm obyekti sifatida muayyan davlatlarda insonlarni turizm nuqtayi-nazaridan qiziqitira oladigan tabiat ekanligini ta'kidlaydi. Lekin undan insonlarni aniq bir bilish yoki amaliy faoliyatida qo'llash mumkin bo'lgan obyektiv reallik – narsaning o'zi ko'rsatilmagandir. Turli turistik tashkilotlarning turizm bo'yicha saytlarida ekoturizmning obyekti sifatida ekzotik o'simlik dunyosi majmualari, yoki biotsenozlar (tropik o'rmonlar,

gullagan yozgi tundra, bahorgi cho'l), noyob landshaftlar, yovvoyi, muqim yoki ko'chib yuradigan qushlar olingan. Ularda ekoturistik obyektga nisbatan aniq bir tushuncha yoki tasnifiy belgi ko'rsatilmagan. Antropogen o'zgargan yoki inqirozli holatdagi hududlar (Orol va Orolbo'yi kabi) ekoturizm obyektiga kirmay qolgan. Xuddi shunday yondashuv Xalqaro tabiatni muhofaza qilish ittifoqi va Butunjahon yovvoyi tabiat jamg'armasi (WWF) tomonidan ham bildirilgan. Ular nisbatan antropogen ta'sir doirasida bo'lmagan tabiatni ekoturistik obyekt deyishmoqda.

V.V.Xrabovchenko (2003) ekoturizm obyektini deb, inson faoliyatidan saqlangan va u tomonidan madaniylashtirilgan yoki madaniylashtirilmagan atrof-muhitni olgan. Xalqaro ekoturizm tashkiloti (TIES) ekoturistik obyektga tabiat zonalarini va oblastlarini kiritadi. Kanadaning "Atrof-muhit bo'yicha maslahat kengashi" esa ekoturistik obyekt – mahalliy atrof tabiat, deya e'tirof etadi. Italiyada esa ekoturizm agroturizmning bir bo'lagi sifatida qaraladi, shuning uchun ham uning obyektini agroturizm bilan chalkashib ketgan.

Yuqoridagi tahlillardan ko'rinib turibdiki, ekoturizm obyektiga nisbatan aniq bir fikr yo'q. Bu tabiiy hol, chunki ekoturizm tez suratlarda rivojlanib kelayotgan, hanuzgacha ilmiy shakllanmagan turizm turidir. [2]

Ekoturizm obyektiga ustozimiz N.Shamuratova quyidagicha ta'rif beradi: **Ekoturizm obyektini** bo'lib, sayyohlarning o'zlari yashamaydigan, turizm uyushtirilishi mumkin bo'lgan va ularning ongiga bog'liq bo'lmagan obyektiv borliq deb qaradik. Ularga *tabiat yodgorliklari, muhofaza etiladigan tabiiy hududlar va tabiat komplekslari hamda bunyod etilgan madaniylashtirilgan obyektlarni* kiritishimiz mumkin.

Ushbu ekoturizm obyektlari ikki ko'rinishda namoyon bo'ladi:

1. Insoniyat tomonidan nisbatan tegilmagan, o'zgarmagan, ya'ni tabiiy xossa va xususiyatlarini yo'qotib qo'yilmagan ekoturizm obyektlari;
2. Inson faoliyati (antropogen) yoki tabiiy jarayon va hodisalar (ofatlar) natijasida o'zgargan yoki yaratilgan obyektlar;

Umuman olganda, ekoturizmning obyektini bo'lishi uchun har bir sayyohlik obyektini quyidagi talablarga javob berishi lozim:

- ✓ organizmlarning muayyan yashash makoni yoki joyi bo'lishi, ya'ni geografik qobiq doirasidaligi;
- ✓ tabiiy kelib chiqqan holda antropogen o'zgargan yoki o'zgarmaganligi;
- ✓ tabiat qo'ynida sayyohlarni 24 soatdan ortiq bo'lish yoki tunab qolish imkoniyatining mavjudligi;
- ✓ tabiat komplekslarida modda va energiya almashuvida qatnashayotgan bo'lishi. [2]

Yuqoridagi fikrlardan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, turizm mustaqil yo'nalish sifatida agroturizm va ekoturizmning obyektlari borasida qator olimlar tomonidan keng ko'lamdagi tadqiqotlar olib borilgan hamda ushbu tadqiqotlar natijasida agro va ekologik turizm obyektlari va ularning prinsiplari ishlab chiqilgan. Ammo, turizmning eng yosh tarmoqlaridan biri bo'lgan agroekoturizm obyektini borasida esa butunjahon olimlari orasida yakdillik mavjud emas va bunga tabiiy holat sifatida qarashimiz kerak, chunki agroekoturizm o'zida turizmning mustaqil bo'lgan bir qator tarmoqlarini birlashtiradi hamda mutlaqo yangi yo'nalish hosil qiladi.

Agroekoturizmning **obyektini** muayyan makon va zamonda agro va ekologik turizm obyektini bo'lgan hududda mavjud bo'ladi. Bilamizki, agroturizmning obyektini bu – qishloq, qishloq xo'jaligi, madaniyati, aholisining kundalik turmush tarzi, ekoturizmning obyektini esa – tabiiy holatini nisbatan buzilmagan, inson tomonidan o'zgartirish kiritilmagan, tabiiy xususiyatlarini o'zida saqlab qolgan hamda antropogen yoki tabiiy jarayonlar ta'sirida o'zgarishga uchragan, tabiiy holatini buzilgan va ekologik jihatdan xavotirli holatda bo'lgan obyektlardir. Bundan ko'rinib turibdiki agroekoturizm obyektini yuqoridagi xususiyatlar muayyan bir hududda, ya'ni, biror qishloq xo'jaligi faoliyati bilan doimiy shug'ullanadigan aholi punkti ekoturistik obyekt radiusi ichida joylashishini talab etadi. Hindiston tajribasiga ko'ra, agroekoturistik tabiiy holatini o'zgarmagan va yoki o'zgarishga uchragan hududga qilinayotgan sayohati davomida bevosita ushbu hudud arealidagi qishloq hududida ma'lum muddat bo'lishi, uning xo'jaligi, madaniyati va qadriyatlarini bilan tanishishi tabiiy hol va bu jahon tajribasida ko'p kuzatiladigan holat hisoblanadi. [3] Bunga asosiy sabab sifatida ekoturistik obyektlar aksariyat holda qishloqlarga yondosh bo'lishi va agroturizm obyektlari bilan ayni bir hududda joylashuvi bilan ko'rsatiladi.

Umumiy qilib aytganda, agroekoturizm obyektini bo'lishi uchun har bir sayyohlik obyektini quyidagi muayyan talablarga javob berishi lozim:

- ✓ o'ziga xos hududiy ko'rinishga egaligi ya'ni agro va ekologik turizm obyektini ayni bir hududdaligi;
- ✓ tabiiy kelib chiqqan holda antropogen o'zgargan yoki o'zgarmaganligi;
- ✓ qishloq hududlarida tabiat yodgorliklari va rekreatsiya obyektlarining mavjudligi;
- ✓ barcha yo'nalishlarda tabiat muhofazasi va ekologik xavfsizlikning ta'minlanishi;
- ✓ sayyohlarning 24 soatdan ortiq bo'lishini ta'minlaydigan yoki ularning tunab qolishi imkoniyatining mavjudligi va boshqalar;

Agroekoturizmning **predmetini** – agro-ekologik xarakterdagi sayyohlik. Bu turizm subyektlarini agroekoturistik obyektlarga uyushtirilgan sayohatlar misolida atrof tabiiy muhitni muhofaza qilish va uni asrash, tabiat komponentlaridan samarali va oqilona foydalanish, qishloqda yashovchi aholining turizm orqali yashash sharoitini yaxshilashga yo'naltirishdir.

Agroekoturizmning **maqsadini** – turizm orqali hozirgi va kelajak avlodlarning ekologik xavfsizligi, qishloq va qishloq xo'jaligi qadriyatlarining asl mohiyatini saqlab qolish va ularning barqaror rivojlanishini ta'minlash.

Agroekoturizmning maqsadini amalga oshirish uchun quyidagi **vazifalarni** bajarish talab etiladi:

- ✓ aholining ekologik ongi va madaniyatini agroekoturizm orqali o'stirish;
- ✓ hududning agroekoturistik salohiyatini aniqlash;
- ✓ hudud bo'yicha agroekoturistik rayonlashtirib chiqish;

- ✓ *turistning agroekoturistik obyektga qo'yadigan talabini o'rganib chiqish;*
- ✓ *biologik xilma-xillikni saqlash;*
- ✓ *qishloq xo'jaligining turistik jozibadorligini yanada oshirish va h.k.*

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Якубжонова Ш.Т. Агротуризмнинг табиий географик жиҳатлари (Ўзбекистон мисолида). Дис... г.ф.ф.д. (PhD). - Тошкент. 2018. - 150 б.
2. Шамуратова Н. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Дис... г.ф.н. - Тошкент. 2011. – 129 б.
3. Parveen Kumar and others. A conceptual framework for agro-ecotourism development for livelihood security. Article. Indian Journal of Agronomy, November 2021 (<https://www.researchgate.net/publication/356603118>)

QISHLOQ XO'JALIGI YERLARIDAN FOYDALANISHNI OPTIMALLASHTIRISHDA TUPROQ SIFATINI BAHOLASH XARITALARINING AHAMIYATI

Karimov F.A.¹ Bekanov K.K.²

¹5A311502-Geodeziya va kartografiya mutaxassisligi magistranti

²O'zMU Kartografiya kafedrası katta o'qituvchisi g.f.f.d., PhD.

Annotatsiya: Qishloq xo'jaligi yerlaridan foydalanishni optimallashtirishda tuproq sifatini baholash xaritalari muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur xaritalarni yaratish murakkab jarayonlardan biri hisoblanadi. Maqolada qishloq xo'jaligi yerlarining sifat ko'rsatkichlarini baholovchi tuproq ball bonitet xaritasini tuzish jarayonlarini ArcGIS dasturidan foydalangan holda amalga oshirildi. Shuningdek, GIS texnologiyalari asosida tuproq ball boniteti xaritasini yaratish bo'yicha taklif va tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: GIS texnologiyalari, sug'oriladigan yerlar, yerlarni baholash, tuproq, ball bonitet.

Аннотация: Карты оценки качества почвы играют важную роль в оптимизации использования сельскохозяйственных земель. Создание этих карт - один из самых сложных процессов. В статье анализируется и анализируется процесс составления карт качества почвенных баллов, оценивающих качество земель сельскохозяйственного назначения с помощью программы ArcGIS. Есть также предложения и рекомендации по процессу картирования.

Ключевые слова: ГИС технологии, орошаемые земли, оценка земли, почва, балл bonitet.

Annotation: Maps for assessing soil quality play an important role in optimizing the use of agricultural land. Creating these maps is one of the most complex processes. The article analyzes the process of compiling soil score quality maps that assess the quality of agricultural land using the ArcGIS program. There are also suggestions and recommendations for the mapping process.

Key words: GIS technologies, irrigated lands, land assessment, soil, bonitet score.

Kirish. Qishloq xo'jaligi yerlaridan foydalanish, holatini o'rganish va ulardan foydalanishni optimallashtirish murakkab jarayonlardan biri hisoblanadi. Mazkur qishloq xo'jaligi yerlaridan oqilona foydalanishni yo'l qo'yishda eng asosiy omillardan biri bo'lib, tuproq sifatini baholash xaritalari muhim o'rin tutadi. Ushbu xaritalar asosida qishloq xo'jaligida foydalanishga mo'ljallangan yerlarning miqdor va sifat ko'rsatkichlarini aniqlash, sug'oriladigan yerlarning holatini bilish, ekinlarning hosildorligini aniqlash, ekin turlarini taqsimlashda optimal yerlarni tanlash kabi muhim masalalarni amalga oshirishda asosiy qo'llanma va ilmiy ma'lumotnoma sifatida xizmat qiladi [1,2].

Respublikamizning yer resurslaridan oqilona va samarali foydalanish, shuningdek, qishloq xo'jaligi ekinlari hosildorligini aniqlash, yerlarni har tomonlama o'rganib, sifatini baholash taqozo etadi.

Tuproq sifatini baholash xaritalarini tuzishda birishchi navbatda dala tadqiqot ishlari amalga oshiriladi. Tuproq unumdorligini belgilovchi xususiyatlarga qarab yerni sifat jihatidan anik baholash usullaridan biri - uning unumdorligini baholash yoki bonitirovka qilish, ya'ni yerga eng muhim agronomik xususiyatlariga ko'ra ball bilan solshirma baho qo'yish hisoblanadi.

Tuproq bonitirovkasi bu, qishloq xo'jaligi ekinlari agrotexnikasi o'rtacha darajada bo'lganidagi tuproq sifati hamda tabiiy unumdorlik quvvatiga beriladigan qiyosiy baho hisoblanadi. Respublikamizda tuproq bonitirovkasi tegishli qishloq xo'jaligi maydonlari uchun yuz balli shkala bo'yicha o'tkaziladi. Yaxshi xossalarga ega bo'lgan, g'oyat unumdor tuproq yuqori ball bilan baholanadi [3]. Ushbu ball bonitet qiymatlari asosida qishloq xo'jaligi yerlarining sifatini baholanadi u guruhga bo'linadi (1-rasm.)

Guruhlar	Sifati	Ball bonitetlari
X	Yuqori	91-100
IX	Juda yaxshi	81-90
VIII	Yaxshi	71-80
VII	O'rtachadan yuqori	61-70
VI	O'rtacha	51-60

V	O'rtachadan past	41-50
IV	Yomonroq	31-40
III	Yomon	21-30
II	Juda yomon	11-20
I	Q/x ishlab chiqarish uchun yaroqsiz	< 10
	Baholanmagan	

1 –Rasm. Qishloq xo'jaligi yerlarining sifatini baholash guruhlari


Hozirgi vaqtda zamonaviy texnologiyalar taraqqiyoti davrida xaritalarni loyihalash va yaratish ishlari zamonaviy kompyuter dasturlaridan foydalangan holda yaratilib kelinmoqda. Xususan, xaritalarni yaratishda GIS dasturlar to'plamining ArcGIS dasturidan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Ushbu dasturiy ta'minot o'zining professional imkoniyatlari bilan dunyo miqyosida GIS dasturlari orasida yuqori o'rinlarga ega va qator sohalarda keng ko'lamli foydalanib kelinmoqda [4].

Xaritalarni yaratishda hozirgi kunda zamonaviy dasturlardan keng ko'lamda foydalanilib kelinmoqda. Shuningdek, xaritalarning elektronlashtirilgan versiyalaridan foydalanish ancha qulay va imkoniyatlari keng. Shu munosabat bilan tuproq sifatini baholash xaritalarini yaratishda GIS dasturiy ta'minoti ArcGIS dasturidan foydalanildi. ArcGIS dasturining soddalashtirilgan funksiyalaridan xarita yaratishda foydalanish ancha qulayliklar yaratadi [6].

Mazkur dasturiy ta'minot yordamida ma'lumotlarni kiritish, saqlash, to'plash, qayta ishlash, tahlil qilish, ularni vizual holatga keltirish, nashr qilish va boshqa ko'plab zaruriy amallarni bajarish imkonini beradi [5].

Ushbu imkoniyatlardan foydalangan holda Qoraqalpog'iston Respublikasi Xo'jayli tumanidagi "Do'stlik" massiv hududidagi qishloq xo'jaligi yerlarining sifat ko'rsatkichlari bo'yicha xaritasi ArcGIS dasturi asosida yaratildi. Sug'oriladigan ekin yerlarining sifatini aniqlashda tuproqlarning ball bonitet ko'rsatkichlari foydalanildi. Mazkur hududdagi qishloq xo'jaligi yerlarning konturlari bo'yicha ball bonitetlari kartogramma usulida tasvirlandi.

Mazkur jarayonni ArcGIS dasturidan foydalanilib davom ettirgan holda massivning tuproq ball boniteti ma'lumotlari kiritib chiqildi. Ushbu bosqichda ArcGIS dasturida tuproq ball boniteti atribut qatlami shakllantirildi va tariq ma'lumotlar bazasi shakllantirish ishlari amalga oshirildi (2-rasm).



2-Rasm. ArcGIS dasturiga tuproq ball bonitetini kiritish jarayoni


So'ngra, yaratilgan mavzuli qatlam ma'lumotlari asosida kartografik tasvirlash ishlari amalga oshirildi. Bunda ArcGIS dasturining Classification usuli asosida tuproq sifati bo'yicha guruhlar ajratildi. Shuningdek, ushbu dasturning Layout View bo'limida xaritaning komponovkasi ishlab chiqildi va nashir qilindi (3-rasm).

3-rasm: Qoraqalpog'iston Respublikasi Xo'jayli tumani Do'stlik massivining tuproq sifatini

baholash xaritasi (muallif tomonidan tuzilgan).

Mazkur xaritada qishloq xo'jaligi yerlari sifati bo'yicha guruhlariga ajratilgan legendasi shakllantirilgan. Tahlil natijalariga ko'ra, tadqiqot obyektining sug'oriladigan yerlari sifati bo'yicha "O'rtacha" (51-60 ball), "O'rtachadan past" (41-50 ball) va "Yomonroq" (31-40 ball) guruhlariga to'g'ri kelishini ko'rishimiz mumkin. Xaritada oq rangda ko'rsatilgan yerlar sifati baholanmagan yerlar hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda respublika hududidagi yer resurslar holatini o'rganib, ularning miqdor va sifat ko'rsatkichlarini baholash xaritalarini tuzish zarur. Tuzilgan xaritalar asosida kelajakda yer resurslarining tabiiy sharoitlariga asoslanib, yerlardan optimal foydalanish yo'llarini aniqlashga yordam beradi. Ma'lumki xarita tuzish jarayoni ko'p xarajat talab qiladigan jarayon hisoblanadi. Ushbu xaritalarni tuzishda maqolada taklif qilinayotgan GIS texnologiyalari asosida tuzish, qator afzalliklarni taqdim etadi. Unga ko'ra birinchi navbatda xarita tuzish jarayonini tezlashtiradi, aniqligini oshiradi, xarajetni kamaytiradi va boshqalar. Ushbu ishda GIS texnologiyasi orqali tuproq sifatini baholash xaritasini tuzish jarayoni keltirildi va bu jarayon orqali boshqada mavzudagi xaritalarini tuzishda samarali ekanligi bilan ahamiyatli hisoblanadi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Авезов С.А., Сапарбаев Ж.Б., Сафаров Э.Ю. Хоразм вилояти ер фонди ва сув ресурсларининг йирик масшабли карталарини яратиш масалалари. Ўзбекистон Евросиё маконида: География, геоиктисодиёт, геоэкология, Халқаро илмий амалий конференция материаллари. Т.: 2017, 385-389 б.
2. Беканов К.К. Суғориладиган ерларни сифат жиҳатдан баҳолаш хариталарини тузиш жараёнларини автоматлаштириш //Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 58-жилд. – Тошкент., 2020. – Б. 300-305.
3. Raxmonov Q., Babajanov A.R. Davlat kadastrlari - Toshkent-2017 -144 b.
4. Aleksandar Rikalovic, Ilija Cosic, Djordje Lazarevic. (2014). The role of GIS in industrial location analysis. XVI International Scientific Conference on Industrial Systems (IS'14). <http://www.iim.ftn.uns.ac.rs/conferences/is14/>
5. Bolstad, P. (2002), GIS Fundamentals, Eider Press, Minnesota, USA.
6. Kuria D, Ngari D, Withaka E (2011) Using geographic information systems (GIS) to determine land suitability for rice crop growing in the Tana delta. J Geogr Reg Plan 4(9):525–532

BALIQCHI TUMANI QISHLOQ VA AYRIM MAHALLA NOMLARI HAQIDA

Abdusamidov Izzatillo Abdulkakim O'g'li

O'zbekiston Milliy universiteti

Amaliy geografiya mutaxassisligi

1-kurs magistranti

E-mail: izzatillo007aaa@gmail.com

Ma'lumki, geografik nomlar o'sha joylarning xususiyatlari, muhim tarixiy voqealar, hodisalar, tarixiy shaxslar, aholining kasb – hunari, shu joydagi xalq, qabila, urug'lar nomlari bilan bog'liq bo'ladi.

Baliqchi tumanidagi joy nomlarining paydo bo'lishi qo'riq yerlarni o'zlashtirish mobaynida yuzaga kelgan. Baliqchi tumani hududi qadimda Qo'qon xonligi tasarrufida bo'lgan. Tuman hududidagi qishloqlaridan biri bu **Go'ravon** qishlog'idir. Ma'lumotlarga qaraganda, o'tgan davrda Go'ravon qishlog'i hali tashkil bo'lmasdan ilgari hozirgi Go'ravonning qabristoni mavjud bo'lgan. Buning sababi qabriston o'rni balandlikdan (nisbiy balandligi 50-60 metr) iborat bo'lib, Baliqchi xalqi o'tganlarning jasadlarini shu yerga olib kelib dafn etishgan. Asta-sekin qabriston atrofidagi yerlar o'zlashtirilib, odamlar oilaviy kelishib yashay boshlagan. Lekin, bu yerlarga kelib yashovchilar soni deyarli ko'p bo'lmaganligi uchun ham, Qo'qon xonligi davriga qadar bu kichik mahalla nomi bir atama bo'lib, tilga olinmagan.

Qo'qon xonligi davriga kelib, mahalla keskin rivojlangan. Bu yerga ham atrofdan odamlar kelib yashay boshlagan. Natijada, katta qishloq barpo bo'lib ko'pchilik xalq istiqomat qilishgan. Bu yerda yashovchilarning ko'pchiligini marg'ilonliklar tashkil etgan. Marg'ilonliklarning esa islom diniga e'tiqodlari juda kuchli bo'lgan. Marg'ilon shahrida bir eshon bo'lib, odamlar e'tiborini qozongan. Eshon Baliqchi qishlog'iga kelgan va atrofni tomosha qilib, qabristonni ham ko'rib: “Bu yerda qishloqlaridan go'ri obod” degan so'zlarni aytgan. Eshonning aytgan so'zlaridan kelib chiqqan holda, bu mahallaning nomini “Go'riobod” nomi bilan atashgan. Vaqt o'tishi bilan bu nom “Go'rovon” ga aylangan. O'tgan asrlar davomida, hozirga qadar bu qishloqning nomi shu tarzda qolgan.

Qo'qon boshqa o'lkalarga, ya'ni Andijon, O'sh, O'zgan shaharlari bilan bog'lanib, Xitoy bilan tutashgan. Xitoy, janub tomondan Pokiston va Hindiston davlatlari bilan katta tog' yo'llari orqali bog'lanib, yirik savdo ishlarini tashkil etilishiga yaxshi imkoniyatlar bo'lgan. Ana shu davrda Qoqon xonligi bilan bir qatorda Baliqchi qishloqlari ham rivojlandi.

Sheralichek nomining paydo bolishiga bir necha ma'lumotlar mavjud. Xonlik davrida bu qishloq yerlarini hosildorligining yuqoriligi, suv manbalarining mavjudligi va yerlarning sug'orishga qulayligini, mutasaddi kishilar bilan o'rganib chiqishadi. Xon saroyida kengash yig'ilishi o'tkazilib, Baliqchi atrofidagi qo'riq va bo'z yerlarni o'zlashtirish maqsadida katta-kichik qishloqlarni imkoniyati bor joylarda tashkil etish rejalari tuziladi. Tuzilgan rejalarni amalda bajarish uchun xon huzuridagi ishbilarmon amaldor kishilardan cho'l va quruq yerlardan tashkil topgan Baliqchi tumaniga jo'natadi. Ular bu yerlarga kelib, bu qishloqlarni qismlarga bo'lib, o'z chegaralarini ajratib olishadi.

Mirzo, Sherali, Nasriddin, Qoqirbek kabi xonning odamlari o'z hududlarida imkoniyati boricha sharoitlarni yaratib, atrofdan oilaviy xo'jaliklarni yashash uchun taklif qilishadi. Ko'chib kelganlarga xohlagan joylaridan uy solish, tomorqa ajratib, yer uchun ruxsatnoma sifatida qo'lga chek yozib berishadi. Davr o'tishi bilan bu yerlarda mahalla aholisi ko'payib, katta-katta qishloqlar paydo bo'lib, qishloqning nomi o'sha qishloqni xon yordamchilari nomi bilan atalib kelgan.

Sheralichek hududi ham o'z tarixida avvallari qo'riq va cho'l yerlar bo'lib, bu yerlarda odamlar yashamagan. Faqat Xudoyorxon davriga kelib, xonning noibi Sherali xon buyrug'i bilan bu yerga kelib avval ariqlar qazdirib, ekin maydoni tashkil etish uchun yaxshigina sharoitlar tashkil etgan. So'ng bu yangi tashkil etilgan hududga dehqonchilik qiluvchi va uy solib shu yerda istiqomat qilishni xohlovchilarni taklif qilib, ularga arzon baholarda yer sotgan. Sotilgan yerga esa, yer oluvchilarga hujjat qilib chek yozib berganlar. Yer olganlarning qo'lida qonuniy hujjati ya'ni, Sherali sarkor yozib bergan cheki bo'lganligi uchun bu qishloqning nomi hozirgacha “Sheralichek” deb nom olgan.

Bu hududdan chek bilan yer oluvchilar, asosan, ko'proq baliqchilik va norinkapaliklar bo'lib, ayrim noma'lum sabablarga ko'ra, Chust shahridan tojiklar ham kelishib, bu yerlardan yer olishib, uy solib o'zlariga yashash uchun

joylar qurushgan va shu qishloqda ular hozirgacha yashab kelmoqda. Shuning uchun Sheralichek qishlog'idagi kichik bir mahallaning nomi "Tojik mahalla" deb ataladi.

Sheralichek qishlog'ida "Kapali mahalla" nomli yana bir mahalla bor. Aytishlaricha, chek olib, uy soluvchi aholi uzoq muddat bu yerlarga uy solmay, faqat kapa tikib istiqomat qilishgan. Yana bir ma'lumotda esa, Norinkapa yurtidan kelib, bu mahallaga birinchi bo'lib uy solib, o'ziga yashash joylari tashkil qilgan insonlar hisobiga "Kapali mahalla" nomi berilganligi to'g'risida axborot beriladi.

Masalan, Mizaboshichek, Sheralichek, Mallachek, Nasriddinchek, Qoqirchek va hokazo. Qishloqning tashkil etilishida chek yozib hujjat bilan aholiga yer taqsimlab berish asos bo'lganligi uchun chek yozib beruvchi yer egasining nomiga qo'shimcha qilib "chek" so'zi qo'shib aytilishi talab etilgan. Masalan, Sheralichek, Nasriddinchek va boshqalar. Bundan ko'rish mumkinki, bu joylarda antroponimlar yoki kishilarning ismi bilan ataluvchi toponimlar ko'p tarqalgan. Olimbek, O'rmonbek kabi qishloq joy nomlari esa xon o'g'illari nomiga qo'yilgan.

Xulosa o'rinda aytish joizki, tumanning joy nomlari o'ziga xos, vujudga kelishi uzoq tarixga borib taqaladi. Joy nomlari aholining madaniyati, turmush tarzi va tarixini o'zida namoyon qiladi. Shuningdek, Baliqchi tumani aksariyat qishloq joy nomlari shaxslar nomi bilan (antroponim nomlar) ataluvchi joy nomlaridir. Demak, Baliqchi tumani toponimlarini har tomonlama chuqur o'rganish hududimiz haqidagi ma'lumotlarni ko'proq olishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. G'ulomov P.N., Mirakmalov M.T. Toponimika va geografik terminshunoslik. –Toshkent, 2005.
2. Mullo Qurbon Xaydarali o'g'li. Baliqchi tarixi. -T.: «Fan», 2008.
3. www.vikipediva
4. www.baliqchi.andijon.uz

УРБОЭКОЛОГИЯ - ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯНИНГ ФАНЛАРАРО СИНТЕЗИ

Латипов Нормурод Фахриддин ўғли
Ўзбекистон Миллий Университети
Ижтимоий ва иқтисодий география
кафедраси таянч докторанти
normurod_latipov@mail.ru

Аннотация. Шахар динамик равишда ишлайдиган тизимдир. Унинг тахлили мавжуд жараённинг барча боскичларида, лойихани ишлаб чиқишдан тортиб, узок муддатли фойдаланиш ва ишлаб чиқиш усулларини кузатишгача бўлган барча жараёнлар учун зарур. Шахар мураккаб тизим бўлиб, унда иккита қуйи яъни табиий ва антропоген тизим динамик равишда ўзаро таъсир қилади.

Урбанизациялашган ҳудудлар ўзининг беқарор ривожланиши билан ажралиб туради, бу беқарорликка кўпинча антропоген омил таъсир этади. Бунинг оқибатида эса ҳудудда турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан бирга экологик муаммолар вужудга келади. Шахар ҳудудидаги экологик муаммоларни ўрганишда бир неча фанларнинг интеграцияси натижасида вужудга келган урбоэкология фани нуқтаи назардан тахлил қилиш ҳар жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Ушбу мақолада урбоэкологиянинг география фанининг муҳим тармоғи эканлиги ва бу бир неча фанлар билан уйғунликда шаклланганлиги ҳақида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар. Геурбанистика, атроф-муҳит сифати, аҳоли саломатлиги, экология, конструктив география.

URBOECOLOGY - INTERDISCIPLINARY SYNTHESIS OF GEOGRAPHY AND ECOLOGY
Don Tapskott рақамли иқтисодиёт атамасини биринчи марта 1995 йилги «Рақамли иқтисодиёт: тармок интеллект даврида ва хавфлилик» китобида ихтиро қилган.

✓ **Рақамли иқтисодиёт** – бу ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) билан таъминланадиган жаҳон иқтисодий фаолият, тижорат битимлари ва касб-хунар ҳамкорлиги тармоғи.

Nicholas Negroponte, Massachusetts Institute of Technology 's Media Lab асосчиси

✓ **Рақамли иқтисодиёт** - бу сиёсий-иқтисодий, илмий-ижтимоий, маданий ва маърифий муносабатлардаги алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш ёрдамида амалга оширувчи янги тизим ҳисобланади.

Тошкент молия институти “Электрон тижорат ва рақамли иқтисодиёт” кафедраси профессор-ўқитувчилари **А.Т.Кенжабаев, У.К.Якубов**.

✓ **Рақамли иқтисодиёт** – бу ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва уларнинг дастурий таъминоти, мобил иловалари, иқтисодий масалаларнинг эконометрик моделлари билан таъминланадиган жаҳон иқтисодий фаолияти, тижорат битимлари. Юқоридаги жаҳон ва бизнинг таърифлардан ва ҳозирги хулосаларга асосан юқоридаги таърифни киритишни таклиф қиламан.

Халқаро валюта фондининг 2019 йилдаги маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти \$60,490 миллиардни, 2020 йилдаги маълумотларига кўра эса, \$67,450 миллиардни ташкил этади. Миллий статистикада асосий макроиқтисодий кўрсаткич сифатида ЯИМ ёки ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ҳатто ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳам қабул қилиниши мумкин. Масалан, АҚШ ва Японияда ЯИМ эмас, балки ЯММ асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо БМТнинг миллий ҳисоблар тизимида ЯИМ бирламчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Миқдор жиҳатдан бу кўрсаткичлар ўртасидаги тафовут унчалик катта эмас: ривожланган мамлакатларда бу тафовут бир фоиздан ошмайди. Чет элларда ишловчи фуқаролардан тушадиган даромадлар салмоқли бўлган мамлакатларда бу тафовут каттароқ бўлиши мумкин.

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат сектори	3 876,3	4 967,7	6 377,8	7 934,0	8 701,4	11 121,9
Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) сектори	3 581,7	4 575,3	5 849,0	7 059,0	7 508,4	9 399,3
АКТ ишлаб чиқариш	141,7	127,2	238,3	307,3	283,7	551,2
АКТ савдоси	140,8	228,0	281,6	240,4	299,0	261,8
АКТ хизматлари	3 299,2	4 220,1	5 329,1	6 511,3	6 925,7	8 586,3
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	294,6	392,4	518,7	767,7	928,3	1 120,6

Юқоридаги статистикадан кўришимиз мумкинки, юртимизда бу кўрсаткичлар анча паст эканлиги ва буни кескин кўтаришимиз талаб этилади. Жаҳон миқёсида барча статистика маълумотларини ҳам солиштириб чиқамиз.

1.1. ПОЗИЦИИ РОССИИ В МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГАХ ЦИФРОВОГО РАЗВИТИЯ



Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши (нисбатан %)

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат сектори	1,93	2,13	2,26	2,09	1,80	1,99
Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) сектори	1,78	1,96	2,07	1,86	1,55	1,68
АКТ ишлаб чиқариш	0,07	0,05	0,08	0,08	0,06	0,10
АКТ савдоси	0,07	0,10	0,10	0,06	0,06	0,05
АКТ хизматлари	1,64	1,81	1,89	1,72	1,43	1,54
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	0,15	0,17	0,18	0,20	0,19	0,20
Электрон тижорат			0,00	0,03	0,05	0,11

Эндиликда юртимизда рақамли иқтисодиёт ривожланиш кўрсаткичларининг ЯИМдаги улуши янги статистик маълумот бўлиб эълон қилинмоқда. Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб, юртимизда рақамли иқтисодиёт ривожланиши 2020 йил якунигача кам улушда эканлигини хулоса қилишимиз мумкин.

Бунинг учун статистик маълумотнинг боғланишини кўриб чиқамиз.

	Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sektori	Axborot kommunikatsiya va texnologiyalari (AKT) sektori	AKT ishlab chiqarish	AKT savdosi	AKT xizmatlari	Kontent sektori va ommaviy axborot vositalari	Elektron tijorat
Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sektori	1,00						
Axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sektori	0,95	1,00					
AKT ishlab chiqarish	0,28	0,07	1,00				
AKT savdosi	0,69	0,83	-0,42	1,00			
AKT xizmatlari	0,94	1,00	0,03	0,84	1,00		
Kontent sektori va ommaviy axborot vositalari	0,05	-0,22	0,48	-0,43	-0,24	1,00	
Elektron tijorat	-0,58	-0,72	0,35	-0,87	-0,74	0,59	1,00

СОФ ЧОРАКЛИК РЕАЛ ЯИМ ДИНАМИКАСИНИНГ ТАХЛИЛИ

Д.А. Джалилов,
ЎЗМУ таянч докторанти

Соф реал ЯИМ динамикасини таҳлил қилиш иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини ўзида намоён этиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Хусусан, истеъмол нархлари индекси, ишсизлик даражалари мавсумийлик хусусиятига эга бўлганлиги учун ЯИМ четланишининг ушбу кўрсаткичлар билан ўзаро алоқдорлигини аниқлашда чораклик реал ЯИМ асосида баҳолаш зарурдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида чораклик номинал ЯИМни чораклар бўйича куммулятив қийматлари ва ЯИМ ўтган даврнинг мос даврига нисбатан реал ЯИМнинг куммулятив ўсиш суръатларига оид статистик маълумотлар мавжуд. Реал ЯИМнинг соф чораклик ўсиш суръатлари фақатгина 2020 йилнинг биринчи чорагидан 2021 йилнинг тўртинчи чоракларигача бўлган қийматлари статистика маълумотлари мавжуд. Аммо ушбу давр ораллигидаги маълумотлар асосида реал ЯИМнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро алоқасини эконометрик моделлар билан баҳолашда етарли ҳисобланмайди. Шу сабабли, кузатувлар сонини кўпайтириш учун мавжуд статистик маълумотлар асосида куммулятив реал ЯИМни ҳисоблангандан кейин реал ЯИМнинг соф чораклар бўйича қийматини қуйида келтирилган формула бўйича баҳолаймиз.


$$RGDP_{qt} = RGDP_{qc,t} - RGDP_{qc,t-1} \quad [1]$$

Бунда:

$RGDP_{Qt}$ – соф i-чорақдаги реал ЯИМ;


$RGDP_{Qt}$ – қуммулятив i-чорақдаги реал ЯИМ.

Реал ЯИМнинг соф чорақлик қийматларини мавжуд статистик маълумотлар асосида [1] формула бўйича баҳолаб чиқилди. Мазкур формула бўйича соф ЯИМни баҳолашда чорақлар бўйича нархнинг ўзгаришсиз бўлиши фараз қилинади. Бундан ташқари, баҳоланган чорақлик маълумотлар бўйича баҳоланган соф реал ЯИМнинг чорақлар бўйича қийматлари мавсумийликка эга бўлган (1-расм). Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистон иқтисодиётида 29 % қишлоқ хўжалигига асосланганлиги ва биринчи чорақда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қарийб икки баробарга қисқариши учун чорақлик тебранишлар юзага келади. Бундан ташқари, ҳар йилнинг биринчи чорағида нархлар даражаси юқори бўлиши ҳам реал ЯИМдаги тебранишига таъсир қилади.



1-расм. Баҳоланган реал ЯИМ динамикаси, млрд. сўмда (ўтган йил нархларда)

ЯИМ соф чорақлик ўсиш суръати бўйича мавжуд статистик маълумотлар билан баҳоланган реал ЯИМ билан солиштириб кўрилди. Бунда чорақлик соф реал ЯИМ ва баҳоланган реал ЯИМ билан ўртача 1 трлн. сўмга фарқ қилишини кўриш мумкин. Бундан ташқари, мавжуд статистик маълумотлар асосида аниқланган соф чорақлик реал ЯИМ ҳам 2021 йилнинг биринчи чорағида реал ЯИМ 2020 йилнинг тўртинчи чорағига нисбатан сезиларли даражада камайганлиги, ҳар биринчи чорақда реал ЯИМ ўтган ойнинг чорағига нисбатан камайганлигини ифодалаб беради. Бу эса, баҳоланган соф чорақлик реал ЯИМ ҳақиқий реал ЯИМнинг вақт бўйича ўзгариш қонуниятларини тўлиқ ифодалаб берганини кўрсатади (2-расм).



2-расм. ЯИМнинг ҳисобланган ва баҳоланган қийматлари

RAQAMLI IQTISODIYOTGA TA'SIR KO'RSATUVCHI INDIKATORLAR TAHLILI.

Dilnoza Shadmankulova Abdusaitovna
O'zMU "Iqtisodiyot nazariyasi"
kafedrasida tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu tadqiqotning maqsadi axborot texnologiyalarining iqtisodiyotga ahamiyati va kuchli ta'sirini, shuningdek, raqamli iqtisodiyotga transformatsiyalashuv jarayonlarini baholash va har bitta ta'sir ko'rsatuvchi indikatorlarni tahlil qilish natijasida mamlakatlarning kelajakdagi strategik rejalarini amalga oshirishdagi muammolarni o'rganish edi.

Kalit so'z: raqamli iqtisodiyot, raqamli indeks, sub-indekslar, IDI, AKT, indikator.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanish darajasi va mamlakat reytingi individual raqamli transformatsiyalar uchun mas'ul bo'lgan alohida sub-indekslarni birlashtiruvchi turli kompozit indekslar asosida o'lchanadi. Raqamli iqtisodiyotning ushbu sohasida indekslarning qiymatlari mamlakatning rivojlanish darajasini ko'rsatadi va kelajakdagi strategik rejadagi qaysi omil ta'siri kuchini oshirish ham ma'lum bo'ladi. AKT sohasining rivojlanish salohiyati va rivojlanish imkoniyatlarini baholash uchun mo'ljallangan. mavjud imkoniyatlar va ko'nikmalar kontekstida o'sish va rivojlanish. IDI (AKT rivojlanish indeksi) reytingi juda muhim, chunki u mamlakatlarning AKT infratuzilmasi sifatini baholaydi va u yoki bu darajada raqamli iqtisodiyotning barcha boshqa reytinglariga kiritilgan.

1-jadval

IDI-2017 AKTni rivojlanish indeksini hisoblash metodikasi va O'zbekiston Respublikasi uchun IDI ning ko'rsatkichlari qiymatlari.

Ko'rsatkich nomi	Ko'rsatkich qiymati			Ideal qiymat	Maxsus vazn, % da		Ideal qiymatni ng indikatorlarga nisbati foizda
	O'zbekiston	MDH	Jahon		Sub-indeksdagi ko'rsatkich	Indeksdagi subindeks	
AKT rivojlanish indeksi	4.9	6.05	5.11	-		100,0	
1."AKTga kirish" subindeks	5.24	6,60	5.59	-		40,0	
1.1 stasionar telefon abonentlari / 100 kishi;	11.3	20.7	13.6	60	20	-	18,8
1.2 mobil uyali aloqa abonentlari / 100 kishi;	77.3	141.2	101.5	120	20	-	64,4
1.3har bir foydalanuvchi uchun xalqaro Internet tarmog'ining kengligi (bit / s);	56.8	59.0	74.5	158	20	-	35,9
1.4 Shaxsiy kompyuterga ega uy xo'jaliklarining umumiy uy xo'jaliklari sonidagi ulushi, foiz	43.9	67.4	46.6	100	20	-	43,9
1.5 Uy xo'jaliklarining umumiy sonidagi Internet tarmog'iga ega uy xo'jaliklarining ulushi, foiz	75.4	68	51.5	100	20	-	75,4
2 "AKTdan foydalanish" kichik indeksi	3.93	4.79	4.26	-	-	40,0	
2.1 Internetdan foydalanuvchi jismoning shaxslarning ulushi	46.8	65.1	45.9	100	33.3	-	46,8
2.2 100 nafar aholiga to'g'ri keladigan keng polosali ulanish	9.1	15.8	12.4	60	33.3	-	15,2
2.3 100 nafar aholiga to'g'ri keladigan mobil keng polosali ulanish	55.9	59.7	52.2	100	33.3	-	55,9
3. "AKTdan foydalanish bo'yicha amaliy ko'nikmalar" sub- indeksi.	6.17	7.47	5.85	-	-	20,0	
3.1 O'rtacha o'qish muddati	12	-	-	15	33.3		80
3.2 O'rta maktablarda o'quvchilar ulushi jami aholi, foiz	95.92	-	-	100	33.3		95,9
3.3 Oliy o'quv yurtlarida talabalar ulushi jami aholi, foiz	9.09	-	-	100	33.3		9,1

*Manba: Muallif tomonidan "Measuring the Information Society Report". Volume 2: ICT country profiles. – Geneva: ITU, 2017 ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

1-jadval ma'lumotlarini tahlil qiladigan bo'lsak, O'zbekiston AKT rivojlanish indeksi 4.9 baholash mezonini bilan 176 ta davlatlar miqyosida reytingda 95-o'ringa turibdi. Bu o'tgan yilga nisbatan 8 pog'onaga ya'ni 103 o'rindan

ko'tarilganini bildiradi. Sub-indeksdagi indikatorlar orqali mamlakatimizdagi raqamlashtirishga oid islohatlarni o'lchashda va undagi o'sish kuzatilmayotgan nuqtaning sabablarini aniqlashda yordam beradi.

Xulosa: Xalqaro indekslar va reytinglar ko'rsatkichlarining tahlili, sub-indekslar va ulardan kompozit indeksni shakllantirish metodologiyasi, ortiqcha va kamchiliklari, umumiylik va farqlari kelgusida ulardan yangi indeksni shakllantirishda foydalanish imkonini beradi. mamlakatlarning raqamli iqtisodiyotga tayyorlik darajasini va raqamli globallashtirish darajasini aks ettiradi.

AKT va raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bilan bevosita yoki bilvosita bog'liq qo'shimcha nufuzli indikatorlarni kiritish istiqbolda O'zbekistonning global dunyo rivojlanishidagi o'rini yanada aniqroq belgilab olish imkoniyatini beradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. The United Nations Conference on Trade and Development, 2019 (UNCTAD) hisoboti.
2. Measuring the Information Society Report. Volume 1.–Geneva: ITU, 2017. 205p.
3. <https://www.ima.uz/uz/information/info/news/1644/>

SUN'IY INTELEKTNING IQTISODIYOTDAGI O'RNI

Djabbarov Rahimjon Abdullayevich
O'zMU Iqtisodiyot fakulteti "Ekonometrika va
iqtisodiy modellashtirish" kafedrasida tayanch doktoranti
To'lqinov Sarvar Ravshan o'g'li
O'zMU Iqtisodiyot fakulteti "Ekonometrika va
iqtisodiy modellashtirish" kafedrasida talabasi

Bugungi kunda butun dunyoda kundan kunga jadallashib borayotgan sun'iy intellekt (Artificial Intelligence) ning nimalar qila olishi va uning iqtisodiyotga ta'sirini ko'rib chiqishdan hamda kelajak uchun kutilayotgan prognozlar bilan bog'liq tadqiqotlarga bo'lgan talab oshib bormoqda.


O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 7.02.2021 yildagi PQ-4996-son qaroriga ko'ra "Raqamli O'zbekiston - 2030" Strategiyasiga muvofiq hamda sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish va ularni mamlakatimizda keng qo'llash, raqamli ma'lumotlardan foydalanish imkoniyatini va ularning yuqori sifatini ta'minlash, ushbu sohada malakali kadrlar tayyorlash uchun qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadi to'g'risida yangi qonun imzolandi.

Ma'lumki hozirgi davrda biz axborotlar davrida yashamoqdamiz. Internetdan tarmoqlaridan foydalanish, ma'lumotlar olish va uzatish hamda shunga o'xshash bir qancha murakkab operatsiyalarni bajarish vazifasini osonlashtirib kelmoqda. Lekin biz ahamiyat bermaydigan bir jihat borki, bu ham bo'lsa bu operatsiyalar ortida juda ham ko'plab ma'lumotlar borligi. Hozirgi kunda hayotimizda, har bir sohada raqamlashtirish ishlari amalga oshirilib borilmoqda, lekin bu ishlar ko'paygani ta'biyiki ma'lumotlar ham ko'payib boradi. Ammo bu ma'lumotlar juda ham ko'p bo'lgani sabab inson miyasi bu ma'lumotlarni tahlil qilishga, ularni qayta ishlashga va bu ma'lumotlardan xulosa chiqarishga do'st berolmasligi yoki o'zlik qilishi mumkin. Shu sababdan ham axborotlar ko'paygani sa'ri biz sun'iy aqllarga (Artificial Intelligence) ehtiyoj seza boshlaymiz.

Sun'iy intellekt bizga ma'lumotlarni qisqa vaqt ichida tahlil qilishga, qayta ishlab chiqishga va bu ma'lumotlar orqali to'g'ri xulosalar chiqarishimizga katta yordam beradi. Misol uchun biz sun'iy intellektdan ta'lim sohasida foydalanadigan bo'lsak, biz o'quvchilarga berayotgan vazifalarimizni tekshirish, xatolarni tahlil qilish va eng asosiysi har bir o'quvchini qanday masalalar qiynayotgani haqida ma'lumotlarni sun'iy aql yordamida amalga oshirsak bo'ladi. Bu bizga o'quvchilarimizni ta'lim jarayonini nazorat qilishga va o'quvchilardagi kamchiliklarni aniqlashga juda katta yordam beradi.

Sun'iy intellekt iqtisodiyotda ham o'z kuchini ko'rsata oladi. *Yevropa parlamentining* bergan ma'lumotlariga ko'ra, sun'iy ong ishlar samaradorligini oshirishi va katta hajmdagi ma'lumotlarni tahlil qilish orqali qaror qabul qilish jarayonini sezilarli darajada yaxshilashi mumkin. Bu, shuningdek, yangi mahsulotlar va xizmatlar, bozorlar va tarmoqlarni yaratishga, shu bilan iste'mol talabini oshirishga va yangi daromad oqimlarini yaratishga yordam beradi. Tadqiqotlarning aksariyati Sun'iy intellekt muhim iqtisodiy ta'sirga ega bo'lishini ta'kidlaydi. *Accenture konsalting* kompaniyasi tomonidan boshlangan tadqiqot (12 ta rivojlangan iqtisodiyotni qamrab olgan), 2035 yilga borib Sun'iy intellekt global iqtisodiy o'sish sur'atlarini ikki baravar oshirishi mumkin degan prognoz amalga oshirdi. Sun'iy intellektning iqtisodiyotga olib kela oladigan samarasini quyidagi diagramma orqali ham ko'rishimiz mumkin.

Figure 2 – Expected gains from AI in the different regions of the world by 2030




(2030 yilgacha dunyoning turli mintaqalarida Sun'iy intellektdan kutilayotgan daromadlar, Markazdagi nuqtalar Sun'iy intellektdan kutilayotgan daromadlarni, tashqi qismdagi aylanalari esa shunga muvofiq ravishda YaIMni ifodalaydi)

Yuqoridagi diagrammaga ko'ra 2030 yilgacha Sun'iy intellektdan eng ko'p daromad olinishi kutilayotgan mamlakatlar Shimoliy Amerika va Xitoy hisoblanadi. Ko'rsatilgan davr oxiriga borib Amerikaning Sun'iy ongandan kutilayotgan daromadi 3.7 trillion dollarni, Xitoyniki esa 7 trillion dollarni tashkil etishi prognoz qilingan.

Sun'iy intellekt mavjud ish o'rinlarini keskin qisqartirib yuboradi degan xavotirlar mavjud bo'lsada, biroq bu mavzuga boshqa tomondan ham qarash kerak. Ishchi kuchidagi avtomatlashtirish va AI (Sun'iy intellekt) ba'zi lavozimlarni yo'q qilishi mumkin bo'lsa-da, u ish o'rinlarini yaratishi va ish izlovchilarga ishsizlikdan qochishga yordam berishi mumkin. Jahon Iqtisodiy Forumi hisobotiga ko'ra, sun'iy intellekt 2025 yilgacha jami 97 million yangi ish o'rinlarini yaratishi kutilyapti.

Har bir qobiliyatga nisbatan AI tomonidan erishilgan yutuqlar, 2010-15 yillar



2010-15 yillar davomida sun'iy intellekt ma'lumotni tartibga solish, eslab qolish, idrok etish tezligi va deduktiv fikrlash kabi sohalarida eng ko'p yutuqlarga erishdi (bularning barchasi odatiy bo'lmagan, kognitiv vazifalarni bajarish uchun talab qilinadi). Aksincha, AI jismoniy va psixomotor qobiliyatlarda eng kam muvaffaqiyatga erishdi.

Ma'lumki O'zbekiston rivojlanib borayotgan davlatlar qatoriga kiradi, sun'iy intellektni sohalariga qo'llash orqali biz ham avtomatlashtir jarayonini amalga oshiramiz ham iqtisodiy rivojlanish jarayonimizni yanada oshirishimiz mumkin. Sun'iy intellekt orqali biz inson yo'l qo'yishi mumkin bo'lgan xatolarni oldini olishimiz, kelajak uchun foydali prognozlarni amalga oshirishimiz hamda ortiqcha ish o'rinlarini yo'q qilishimiz hamda bo'sh qolgan ishchi kuchini to'g'ri yo'naltirgan holda barcha sohalarini rivojlantirishimiz mumkin. Bundan tashqari sun'iy intellekt odamlar qila oladigan aqliy ishlarni qilishni ham boshladi. Misol uchun, yaqin kunlarda sun'iy intellektdan sud jarayonini amalga oshirishda foydalanib ko'rildi hamda bu o'z natijasini ko'rsatdi deb o'ylayman. Sun'iy intellekt

qanday bu darajaga chiqqa oladi deyilsa, u o'rganishni ma'lumotlar va yo'l qo'yilgan orqali amalga oshiradi ya'ni biz unga qancha ko'p ma'lumot bersak u shunchalik haqiqatga yaqin va xatosiz ishlarni amalga oshira oladi. Yurtimizda ham bu sohaga e'tibor berila boshlansa, o'ylaymanki buning samarasi o'z mevasini beradi lekin bu biroz vaqt talab qilishi mumkin chunki yuqorida aytganimdek, sun'iy intellekt ma'lumotlar orqali rivojlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Raqamli O'zbekiston – 2030 strategiyasi
2. Artificial Intelligence and Employment – Policy brief on the future of work, December 2021, pp 1-2
3. Economic impacts of artificial intelligence (AI) – European Parliament, pp 3-5

Web saytlar

1. <http://www.oecd.org/future-of-work> – Iqtisodiy Hamkorlik va Taraqqiyot Tashkiloti
3. <https://www.britannica.com/technology> – Britannica Group tashkilotining rasmiy web sayti
4. <https://lex.uz/docs/-5297046> – O'zbekiston Respublikasi qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi

ASOSIY KAPITALGA KIRITILGAN INVESTITSIYALARNING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIRINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH

Xo'jalepesova Ra'no Dauletmuratovna

O'zbekiston Milliy universiteti

Asosiy kapitalga investitsiyalar iqtisodiy o'sishning asosiy omillaridan biridir va shu bois investitsiyaviy jarayonlarni ekonometrik modellashtirish O'zbekiston iqtisodiyoti rivojlanishini prognozlashning muhim vositasi hisoblanadi.

O'zbekiston iqtisodiyoti yuqori o'sish imkoniyatiga ega, shu bilan birga investitsiyalarning potensial hajmini kamaytiradigan bir qator: kapitalni jalb qilishning yuqori harajatlari, jamg'armalardan samarasiz foydalanish, iqtisodiyotning asosiy tarmoqlarini monopollashtirishning va investitsion risklarning yuqori darajadaliigi kabi omillar ham jarayonga o'z ta'sirini ko'rsatmoqda.

Mamlakatda iqtisodiy o'sish sifatini oshirish uchun birinchi navbatda, mavjud ijtimoiy, ekologik va iqtisodiy muhitni yanada barqarorlashtirish lozim. Bunda iqtisodiyotni erkinlashtirish, modernizatsiya qilish talab etiladi. Ushbu jarayon o'z navbatida, iqtisodiyot tarmoqlariga jalb qilingan investitsiyalar hajmining o'sishi hamda aholi tomonidan moliya institutlariga qo'yilayotgan mablag'lar ortishiga olib keladi. Shuningdek, asosiy kapitalga investitsiya qilish uchun noqulay chalkashliklar uchun tavsiyalarni ham taqdim etadigan tahlil kerak. Ekonometrik ko'rsatkichlarga asoslangan bunday tahlil eng samarali hisoblanadi, negaki u nafaqat muammolarning sifat darajalarini tushunishga, balki iqtisodiy o'sishga ta'sir darajasini baholashga ham imkon beradi.

Asosiy kapitalga investitsiyalarni modellashtirish bilan bog'liq dolzarb masalalar quyidagilarda o'z ifodasini topadi :

O'zbekistonda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarga ta'sir etuvchi omillarni tahlil qilish hamda shu bo'yicha to'plangan ma'lumotlarni qayta ishlash va investitsiya jarayonlarining rivojlanishini prognozlash hamda tahlil qilishning usul va modellarini doimiy takomillashtirib borish zarurligi;

mamlakat iqtisodiyotining barqaror o'sishiga ta'sir qiluvchi asosiy omillardan biri bo'lgan asosiy kapitalga investitsiyalarni prognozlash;

Raqamlarga nazar tashlaydigan bo'lsak, O'zbekiston Respublikasida Respublika budjeti mablag'lari hisobidan asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar 2021- yilning yanvar-dekabr oylarida Respublika budjeti mablag'lari hisobidan 21,5 trln. so'm asosiy kapitalga investitsiyalar o'zlashtirilib, 2020-yilga nisbatan 135,8 % ni tashkil etdi. Respublika bo'yicha asosiy kapitalga o'zlashtirilgan jami investitsiyalardagi Respublika budjeti hisobidan o'zlashtirilgan investitsiyalarning ulushi 2020-yildagi ko'rsatkichga nisbatan 2,0 % punktga ko'payib, 8,8 % ni tashkil etganligini ko'rishimiz mumkin :

Asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar (mlrd.so'm)

Hududlar	2016	2017	2018	2019	2020	2021
O'zbekiston Respublikasi	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	210195,1	244962,6
Qoraqalpog'iston Respublikasi	3778,3	2822,0	6757,8	8750,6	7089,8	7879,1
Andijon	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	9622,6	12143,7
Buxoro	5922,9	11613,4	9610,9	10366,6	12183,9	18995,6
Jizzax	1449,7	1788,2	3606,3	7900,9	12545,4	13224,4
Qashqadaryo	7304,4	11175,3	16518,5	24462,5	20557,6	16225,1
Navoiy	2963,2	3977,9	10579,5	17646,3	15688,4	16309,1
Namangan	2824,5	3586,7	8158,1	12084,9	12007,2	13302,4
Samarqand	3623,5	4384,2	7061,4	10266,7	14656,4	17722,8

Surxondaryo	2142,4	3551,0	7240,6	11835,1	10068,2	11326,5
Sirdaryo	1322,9	1628,0	2699,3	5869,1	7191,9	8708,0
Toshkent	4238,7	5938,4	11226,9	20353,9	21148,6	27822,4
Farg'ona	2643,6	2954,5	5539,1	8685,4	11040,0	12920,6
Xorazm	1560,5	2175,9	3013,8	5032,0	5391,8	8580,3
Toshkent sh.	9268,9	13573,7	26435,7	42458,1	50371,3	57611,3

Shunga ham e'tibor qaratish lozimki, yalpi sarflar tarkibining investitsiya sarflariga oid qismi yalpi xususiy ichki investitsiyalar deb yuritiladi. Shunga ko'ra yalpi va sof investitsiyalarni ham bir-biridan farqlash zarur. Yalpi investitsiyalar joriy yil davomida iste'mol qilingan asosiy kapitalni qoplashga mo'ljallangan (amortizatsiya) hamda iqtisodiyotdagi kapital hajmiga har qanday sof qo'shimchalardan iborat barcha investitsion tovarlarni ishlab chiqarishni o'z ichiga oladi. Sof investitsiyalar esa joriy yil davomida qo'shimcha ravishda jalb qilingan investitsion tovarlardan iborat. Boshqacha avtsak, sof investitsiya yalpi investitsiya bilan amortizatsiya ajratmalarining ayirmasiga teng. Sof investitsiya asosiy va aylanma kapitalning o'sishini ta'minlaydi. Yalpi investitsiyalar bilan amortizatsiya hajmi o'rtasidagi nisbat iqtisodiyot rivojlanish holatining ko'rsatkichi hisoblanadi. Turg'un iqtisodiyot sharoitida esa yalpi investitsiyalar faqat amortizatsiya ajratmalari, ya'ni iste'mol qilingan kapitalni qoplash fondi hajmiga teng bo'lib, yil oxirida kapital miqdori o'zgarmay qoladi

Asosiy kapital o'zining iqtisodiy mohiyatiga ko'ra doimiy yangilanadigan kapital hisoblanadi. Mehnat vositalarining qiymatini tiklash ularning eskirishi bilan amalga oshiriladi. Asosiy kapitalning jismoniy va ma'naviy yomonlashuvini taqsimlanadi. Ma'naviy (narx) eskirish - jismoniy eskirish darajasidan qat'iy nazar, asosiy kapitalning o'z qiymatini yo'qotishi. Eskirishga ikki omil sabab bo'ladi. Birinchidan, mashinasozlik arzonroq texnik vositalarni yaratganda, buning natijasida eski, ishlaydigan asbob-uskunalarining amortizatsiyasi mavjud. Ikkinchidan, eski mashinalar unumdorlari bilan almashtirilganda (ular bir vaqtning o'zida ko'proq mahsulot ishlab chiqaradi), buning natijasida amaldagi asosiy kapital eskiradi. Asosiy kapitalning jismoniy eskirishi deganda ularning foydaliligini (foydalanish qiymatini) mehnat ta'sirida yo'qotish tushuniladi. U ikki xil bo'lishi mumkin. Birinchidan, mehnat vositalari ulardan unumli foydalanish jarayonida eskiradi (mashinalarning buzilishi, zavod binolarini tebranishdan vayron qilish va boshqalar). Ikkinchidan, ular atmosfera sharoitlari (issiqlik, sovuq, suv) ta'sirida, hatto uskunalar nafaol bo'lsa ham, o'z xususiyatlarini yo'qotadi.

Shunga o'xshash mashinalarning yangi avlodi eskisidan ko'proq farq qilsa-da yuqori sifatli va shunga mos ravishda yuqori narx, lekin kommunal birlik uchun yangi mashinalar eskilariga qaraganda arzonroq. Shunday qilib, mashinalarning eskirishi - texnik taraqqiyot natijasida ularning qiymatini yo'qotishidir.

Asosiy kapitalni tahlil qilishda asosiy fondlarning yangilanishi, chiqarilishi va eskirish koeffitsientlari, kapital unumdorligi, asosiy kapitalning kapital sig'imi va boshqa ko'rsatkichlar qo'llaniladi. Aylanma mablag'larni tahlil qilishda uning moddiy iste'moli, energiya sarfi, metall iste'moli, aylanmasi, likvidligi va boshqalar ko'rsatkichlari qo'llaniladi.

Adabiyotlar:

1. www.mineconomy.uz
2. www.xs.uz
3. www.stat.uz
4. www.review.uz
5. www.lex.uz

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Абдусатторов Эркинбой Абдужаббор ўғли,
Ўзбекистон Миллий Университети
Иқтисодиёт факультети таянч докторанти (PhD)*

Билимлар иқтисодиёти шaroitida барқарор ривожланиш мақсадларига фақат самарали таълим ва ўқитиш тизими, ишлаб чиқаришда янгидан-янги билимларни қўллаш ва тадқиқотлар воситасида ўсиб борувчи иқтисодий тизимни барпо этиш билангина эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, барқарорликка эришиш мақсадида давлатлар ўз таълим тизимларини мунтазам ислох қилиб, унинг тез ўзгарувчан ташки муҳит таъсирларига муваффақиятли мослашувини таъминлаб боришлари талаб этилади. Бугунги олий таълим тизимини ислох қилишга бўлган эҳтиёж ОТМлар фаолиятида янада самарали бошқарув тизимларини қўллашни тақозо қилади.

Бошқарув тушунчаси олий таълим контекстида ОТМларга қарорлар қабул қилиш ҳамда ОТМ сиёсатини жорий этиш, амалга ошириш ҳамда унинг тўғри амалга оширилишини мунтазам равишда назорат қилиш имконини берувчи расмий ва норасмий тузилмаларни ифодалайди [1]. Стратегик бошқарув олий таълимни бошқариш технологиялари орасида алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби стратегик бошқарув ОТМларга

ташқи муҳит ўзгаришларига муносиб жавоб қайтарувчи мустақил ривожланувчи яхлит тизимга айланиш имконини беради.

Сўнги йилларда таълим хизматларининг истеъмолчилари соҳада юзага келган кучли рақобат муҳити натижасида университет битирувчиларига нисбатан кутилмалари ва талаблари чегарасини сезиларли даражада кенгайтирмоқдалар [2]. Бу, ўз навбатида, ОТМлардан ташкилот стратегияси ва хизмат сифати масалаларига янгича ёндашувларни талаб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, стратегик бошқарув ОТМлар фаолиятида, айниқса рақобат шароитида ресурс сарфининг мувозанатлашуви, самарадорлик ва рақобатбардошликнинг ошиши, таълимга оид нафақат бугунги, балки келгусидаги эҳтиёжларни ҳам аниқлаш ва оптимал равишда кондириш, шунингдек, барча манфаатдор тарафларга минимал ресурс сарфи билан максимал даражада фойда келтиришга ёрдам беради.

Ташкилот стратегияси ва стратегик бошқарувга энг кўп таъсир этувчи омил сифатида мутахассислар томонидан таклиф қилинган гоёларга кўра, учта тахминий ёндашувни таснифлаш мумкин.

Биринчи ёндашувга кўра, ресурслар танқислиги нуқтаи назаридан ташкилотлар ўз мақсадларига эришиш учун стратегик бошқарувга муҳтож [3]. У, ўз навбатида, ташкилотлардан ўз ресурсларини янада оқилона тақсимлашни, қабул қилинган стратегияни амалга оширишни таъминлаш учун самарали тактикалардан фойдаланишни талаб қилади.

Иккинчи ёндашув ташкилотлар учун стратегик бошқарув **рақобатда юғиб чиқиш**, шунингдек, рақобатлашган бозорда ўз позицияларини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошликларини ошириш йўлидаги асосий инструмент вазифасини ўтаб беришни назарда тутди [4].

Учинчи ёндашувга кўра, ташкилотлар тез ўзгарувчан муҳит шароитида юзага келган - глобал пандемия давридаги сингари - муаммоларни хал қилиш учун стратегик бошқарув тизимига эҳтиёж сезади [5].

Стратегик менежмент - бу ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, фаолиятни мижозлар талабларига йўналтириш, ташкилотда вақти-вақти билан атроф-муҳитдан бўладиган турли чакириқларга муносиб жавоб берадиган ва рақобатдош устунликларга эришишга имкон яратадиган маълум ўзгаришларни амалга ошириш билан боглиқ. Рақобатдош устунликлар ташкилотга узоқ муддатли истиқболда омон қолиш ва мақсадларига эришиш имкониятини беради [6].

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, стратегик бошқарув янада самарали, замонавий ва мослашувчан тизим бўлиб, олий таълим муассасаларига рақобатбардош бўлиш, салоҳиятини кенгайтириш ва ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш имконини беради.

Таълим хизматлари бозорида рақобатдош устунликларини мустаҳкамлаш ва янада самарали бошқарув технологияларини қўллаш учун ОТМлар ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитини аниқ таҳлил қилиш, инновацион ёндашув асосида ОТМнинг фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, ташкилот стратегиясини тўғри қўйиш, хизмат сифатини мунтазам ошириб бориш, масофавий таълимни доимий равишда такомиллаштириш каби замон талабидан келиб чиқувчи қатор вазифаларга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Hosni, Djehane, 2004. Higher education in developing countries: peril and promise: The Task Force on Higher Education and Society. Washington, D.C.: The World Bank, 2000, 135 б.
2. A.G. Kirillov, Shadinsk Managing a modern University on the basis of innovation and information technology.
3. Балобанов А. Е. Стратегическое планирование развития университета / А. Е. Балобанов, А. К. Ключев // Университетское управление: практика и анализ. - 2002. - № 2(21). 19-27 б.
4. Kennedy, Reed. (2020) Strategic Management. Blacksburg, VA: Virginia Tech Publishing, 11 б.
5. Грудзинский А. О. Стратегическое управление университетом: от плана к инновационной миссии / А. О. Грудзинский // Университетское управление: практика и анализ. - 2004. - № 1(29). 9-20 б.
6. Стратегическое управление. Основные понятия и определения // STPLAN.RU. Стратегическое управление и планирование [Электронный ресурс]. URL: <http://www.stplan.ru/articles/theory/strman.htm> (дата обращения: 15.05.2016).

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ТЕХНОЛОГИЯ, РАҚОБАТ ВА СТРАТЕГИК УСТУНЛИК

Аллаберганова Нигора

ЎзМУ, Ўзбек-Исроил қўшма факультети талабаси

Илмий раҳбар Назаров Н.

Ҳозирги глобаллашув шароитида дунё мамлакатларида ривожланаётган техника ва технологиялар инсонларга ҳар томонлама вақтини ва пулини тежаган ҳолда қулайликлар яраётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Жаҳон банки томонидан ҳам дунёдаги технологик глобаллашув жараёни “ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда маҳаллий ишлаб чиқариш даражасининг ошишига ҳисса қўшганини” эътироф этган. Технологиялар бизга маҳсулотни янада самаралироқ ва камроқ инсон кучи билан ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида бу товарларни арзонлаштиради ва корхоналарга тезроқ кенгайиш имконини беради.

Янги технологиянинг афзалликлари куйидагилардан иборат: осонроқ, тезроқ ва самаралироқ алоқа, яхшироқ, самаралироқ ишлаб чиқариш техникаси ҳамда камроқ исроф қилиш каби афзалликларига эга. Технологиянинг яна бир афзалликларини ҳисобга оладиган бўлсак, технология бизга қўшимча маълумот олиш имконини беради, технологиядан фойдаланган ҳолда вақтни тежашимиз мумкин, технология бизга кўпроқ ҳаракатланиш имкониятларини беради, технология туфайли биз янада самаралироқ мулоқот қила оламиз, технология товарларни арзонлаштириши мумкин бу бизни инноватор бўлишга илҳомлантиради.

Шунга қўра технологиялар товарлар ва хизматларнинг фойдалигини оширади ва қиймат яратишга ёрдам беради. Бу ҳар қандай ишни осонлаштиришга ёрдам беради. Технология ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирга эга бўлиб, кўпчилик ундан ўсиш учун фойдаланади, баъзилари эса жамият ва экотизимга зарар етказган ҳолда фойдаланади.

Рақобат устунлиги деганда компания, иқтисодиёт, мамлакат ёки шахснинг рақобатчиларга нисбатан истеъмолчиларга кучлироқ қиймат бериш қобилияти тушунилади. Глобал рақобатбардош устунлик маҳсулотларни лойихалаш, ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш учун энг яхши технологиялар ва жараёнларга эга бўлишни англатади. Мисол учун, агар компания ўз маҳсулотини рақобатчининг ўхшаш маҳсулотидан пастроқ нарҳда реклама қилса, бу компания рақобатдош устунликка эга бўлиши мумкин. Агар реклама қилинган маҳсулот қимматроқ бўлса, лекин миқозлар тўлашга тайёр бўлган ноёб хусусиятларни таклиф қилса, рақобатдош устунликка эга бўлиши мумкин. Рақобат устунлигининг олти та омили: нарх, жойлашув, сифат, танлов, тезлик, айланма ва хизмат. Рақобат устунлигини қандай аниқлаш мумкин. Компания томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, миқозлар билан муносабатларни бошқариш ёки ички муносабатларни яхшилаш учун фойдаланиладиган технологиялар рақобатдош устунлик деб ҳисобланиши мумкин. Бренд хабардорлиги, миқозларга хизмат кўрсатиш, аниқ рақобатдош устунлик. Рақобат стратегияси тўртга бўлинади яъни куйидагилардан иборат: харажатлар етакчилиги стратегияси, арзон нархлардаги стратегия, дифференциация стратегияси ҳамда энг яхши харажат стратегиясидир. Глобал рақобат компанияларни миқозлар ва ходимлар учун халқаро миқёсда рақобатлашишга мажбур қилади. Халқаро компанияларнинг нархлар, реклама, тарқатиш, операциялар ва ходимлар каби барча даражадаги рақобатга мисолдир. Бу глобал рақобатнинг асосий нуктасидир.

Майкл Портер ташкилот ўз рақибларига нисбатан рақобатдош устунликка эришишнинг иккита усулини аниқлади: харажатлар устунлиги ва фарқлаш устунлиги. Мисол учун, уяли алоқа компанияси ўз телефонларини бошқа маҳсулотлардан замонавий дизайни ва турли ранглари орқали фарқлаши мумкин. Мақсад, рақобатчиларни маҳсулотлар учун катта бозор улушини олишдан саклаган ҳолда, ноёб хусусиятлар ва сифат орқали кўпроқ миқозларни жалб қилишдир. Ҳар қандай компанияда ахборот технологиялари харажат ёки фарқлаш бўйича рақобатдош устунликка кучли таъсир кўрсатади. Технология қиймат фаолиятининг ўзига таъсир қилади ёки компанияларга рақобат миқёсидаги ўзгаришлардан фойдаланиб, рақобатдош устунликка эришишга имкон беради.

Жаҳон бозорига кирганингизда, сизда мавжуд бўлган маҳсулотларни кўпроқ сотишингиз мумкин. Глобал стратегияни яратиш, шунингдек, дунё бўйлаб ривожланаётган бозорларга эга ва иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлган ривожланаётган бозорлардан фойдаланишга имкон беради. Стратегик устунлик. Агар компания ёки мамлакат стратегик устунликка эга бўлса, у бошқалардан қўра кўпроқ муваффақиятга эришадиган ўзига хос хусусиятга ёки ишларни бажариш усулига эга: стратегик устунликни яратиш, қўлга киритиш бўйича кўпгина компаниялар экспорт йўналишларини таъминлаш ва бозорларни ўзлаштириш орқали стратегик устунликка эришиди.

Рақобат устунлиги компанияни рақобатчилардан ажратиб туради. Бу юқори нархларга, кўпроқ миқозларга ва брендга содиқликка ҳисса қўшади. Бундай устунликни ўрнатиш ҳар қандай компаниянинг энг муҳим мақсадларидан биридир. Замонавий дунёда бу бизнес муваффақияти учун жуда муҳимдир.

Бизнес нуктаи назаридан таърифланган глобал стратегия ташкилотнинг глобаллашув бўйича стратегик қўлланмасидир. Бундай боғланган дунё бизнеснинг даромадларини чегаралар билан чеклаб қўймасликка имкон беради. Бизнес жаҳон бозорида савдодан фойда олиш учун глобал бизнес стратегиясидан фойдаланиши мумкин.

ХОББИЗМ – ЗАМОНАВИЙ МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ БИР КЎРИНИШИ

*Аминов Абдулатиф Ахрор ўғли
Ўзбекистон Миллий университети
Эконометрика йўналиши
2 курс магистранти*

Хобби (инглизча *hobby* – қизиқиш, сеvimли машгулот) – инсоннинг бўш вақтида шугулланиши мумкин бўлган сеvimли машгулоти бўлиб, бу ишни у ўз хоҳиши билан мазза қилиб, хурсандчилик билан бажаради. Хобби инсонни асабийликдан, қаҳр-газабдан ҳимоя қилувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи восита бўлиб, инсонни яшириниб ётган қобилиятини, ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам беради. Рухшуносларнинг таъкидлашларича хоббига, яъни қандайдир сеvimли машгулотга эга кишилар стрессларга чидамли бўлиб, ён-атрофдагилар билан яхши чиқиша олади, раҳбарият томонидан бериладиган топшириқларни аъло даражада бажара олади. Аслида хобби даромад олишга

йўналтирилмайди, аммо кейинги йилларда кишилар хобби билан бизнесни бирлаштиришга бошладилар ва бу иш ўзига хос ном олди – у «хоббизм» деб аталади. Қизиқишнинг кичикроқ бизнесга айланиши – урфга бўйсунмишига эмас, балки ўзи ва оиласи учун қўшимча даромад олиш усуллари билан бири ҳамдир, чунки замондошларимиз ижодий салоҳиятларини ривожлантиришга бориб, аввал-бошдан фойда олишни кўзлайдилар.

Хобби қачон бизнесга айланади? Қонунларни бузмасдан туриб қандай қилиб ижодкорликдан нафақат қониқиш ҳосил қилиш, балки даромад ҳам олиш мумкин? Хобби ёки қизиқиш тадбиркорликдан нимаси билан фарқланади? Ана шу саволларга жавоб топишга уриниб кўрамыз.

Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасида амалдаги қонунлар доирасида мулкчилик жавобгарлик остида таваккалчилик ва ташаббускорлик билан даромад олишга қаратилган фаолиятидир.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун мамлакатимизда ҳуқуқий – меъёрий асос яратилган. Тадбиркорлар учун етарли даражада ишбилармонлик муҳити, имтиёзлар мавжуд. Аммо, амалдаги ҳуқуқий база «хоббичилар» олдида турган бир қатор саволларга жавоб бермайди, холбуки уларнинг аксарияти бугунги кунда Европа Иттифоқида тан олинган замонавий, янги турдаги ҳунармандчилик билан шуғулланмоқдалар, уларнинг олдида ҳам ҳунармандчилик товарлари ва хизматларининг ягона хавфсиз бозорини шакллантириш, аҳолининг бандлигини ошириш масаласи турибди. Бироқ ҳунармандлар фаолияти қонун ҳужжатлари билан бир қадар тартибга солинган бўлса, ижод билан шуғулланишни севадиган ва хоҳлайдиган, асосий иш вақтидан бўш вақтда баъзан ҳунармандчилик билан шуғулланадиган ва буюмлари белгиланган рўйхатларга кирмайдиган кишилар қандай йўл туттишлари керак? Чунки улар яқка тартибдаги тадбиркорлар қаторига ҳам, ҳунармандлар сирасига ҳам кирмайдилар. Одатда, уларнинг буюмлари кўп меҳнат талаб қилади, кўп вақт сарфлашга тўғри келади ва доналаб тайёрланади, уларни сотишдан олинган даромад эса ижтимоий тўлов, қатъий белгиланган солиқ ёки ҳунармандлар уюшмасига бадал тўлаш учун етарли эмас. Солиқ қонунчилигига кўра, томорқа ёки дала ҳовли участкасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан олинган даромадларга солиқ солинмайди. Аммо бир неча тувақда гул етиштирган ёки икки-уч жуфт тўқиган инсон уларни сотганда солиқ қонунчилигини бузганлиги учун муқаррар равишда жазоланиш хавфи остида бўлади. Бу ноёб манзаралар ўзига хос батикларни тайёрловчилар, юмшоқ похолдан мато тайёрловчилар – моҳир қўллари билан нафақат ўзларини, балки бошқаларни ҳам қувонтиришга тайёр бўлган кишиларга ҳам тааллуқлидир.

Хоббизм аҳолининг бир қисми – кексалар, ногиронлар, аёллар ва хатто болаларнинг (кўрғазма-ярмаркаларда имкониятлари чекланган болалар тайёрлаган буюмлар кўп учрайди) фаровонлигини бир қадар ошириш имконини беради. Ижтимоий фаолликни рағбатлантириш, ижод қилиш ва бундан маънавий ҳамда моддий қониқиш олиш далилининг ўзи ҳам муҳим.

Ижод – инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қилади, деб конституциямизда белгилаб қўйилган.

Республикамизда миллий ҳунармандчиликнинг қайта тикланиши ва ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, ҳунармандчиликнинг 25 та йўналиши бўйича имтиёзлар ҳам белгилаб берилган. Фикримизча, «хоббизм»нинг ривожланиши, «hand made» буюмларини ишлаб чиқишга қизиқишнинг кўпайиши ва уларга бўлган талабнинг ўсиши туфайли уларнинг фаолиятини кўриб чиқиб, уларга ҳам ҳунарманд мақомини ёки «моҳир қўллар» мақомини бериш ва қонунийлаштириб қўйиш керак, шунингдек солиқлар ва мажбурий тўловлар солинмайдиган энг кам даромад даражасини назарда тутадиган баъзи хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Насретдинова Шахноза Саидакмаловна
ЎзМУ Иқтисодиёт факултети “Эконометрика
ва иқтисодий моделлаштириш” кафедраси мудири
Бахтиёр Аслиддин Улузбек Ўғли
ЎзМУ Иқтисодиёт факултети “Эконометрика
ва иқтисодий моделлаштириш” кафедраси талабаси*

Маълумки, интеллектуал салоҳият мамлакат, тармоқ ва алоҳидабир шахснинг салоҳияти жиҳатидан гуруҳларга ажратилади. Аҳолининг яшаш муҳити (шароити), таълим тизими, фан ва маданият тармоқларининг жамланмавий кўриниши интеллектуал салоҳиятнинг жамият миқёсидаги тавсифидир.

Рақамли иқтисодиёт деганда - биз фойдаланадиган барча иқтисодий жараёнлар рақамли технологиялар орқали амалга оширилишини тушинамиз. Буларга тиббиёт, иқтисодий тармоқлар, ижтимоий соҳалар ва бошқа тизимларни киритамиз.

Биз рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида турли хил илмий ва амалий ишларни амалга ошириб борамиз ва шулар орқали иқтисодиётимизнинг маълум даражада яхшиланишини ва ўсишини

кузатамиз. Ваҳоланки, рақамли иқтисодий ривожланишида иқтисодий интеллектуал салоҳият муҳим аҳамият касб этади.

Иқтидорли инсонлар креатив қобилиятлари орқали турли хил интеллектуал мулкларни яратадилар. Бунинг натижаси ўлароқ бугунги глобаллашув даврида ақлий фаолиятни кенгайтириб бориши мобайнида жуда кўплаб янгидан-янги технологиялар ҳамда, бу технологиялар орқали ҳаётимизнинг янада қулайлашиб бораётганини кўришимиз мўмкин. Бу эса ўз навбатида иқтисодий таъсир ўтказмай қолмайди.

2022-2026 йилларда мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясинг миллий иқтисодий жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суратларини таъминлаш борасида белгиланган 25-мақсадида:

-Рақамли иқтисодий асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш;

- Рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобил йўллари кенг поласали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш;
- иқтисодийнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцияларни рақамлаштириш даражасини 2026-йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш;
- Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш.

Иқтисодий қайсидир тармогини рақамлаштириш, албатта, ўша соҳа мутахассиси томонидан амалга оширилади. Масалан, эконометрик таҳлил қиладиган дастур яратадиган бўлсак, бизга керак бўладиган мутахассислар эконометрик ва дастурчи ҳисобланади. Бу дастур суъний интеллект усуллари асосида ишлайди, яъни, биз киритган маълумотларни автоматик таҳлил қилади ва эконометрик моделини яратади. Бундай дастурларни яратиш дастурчидан интеллект, дизайн ва иқтисодий билимларни талаб қилади. Бугунги кунда эса бундай билимларга эга кадрлар санокли.

Рақамлаштириш учун интеллектуал салоҳият муҳим омил. Дастурчининг билим даражаси, онги, англай била олиш қобилияти ва тушунчаларининг қай даражада эканлиги унинг интеллектуал салоҳиятини белгилайди. Интеллектуал салоҳияти кучли бўлган дастурчи дастурларни тез ва осон ярата олади. Рақамлаштириш учун нафақат дастурчининг салоҳияти балки, Дастурчи учун яратилган шароитлар ва иш ҳақи ҳам асосий воситадир.

Ҳаётимизни рақамлашиб бориши, кўплаб тармоқлардаги хизматларни онлайн шаклга ўтиши бизга қулайликлар яратади. Айниқса давлат хизматларининг онлайн шаклга ўтиб бориши каррупсия ва бошқа хилдаги қонунбузаларларга чек қўяди. Онлайн шаклда бажариладиган барча хизматлар интернет орқали амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида интернетга бўлган талабни оширишига сабаб бўлади. Биргина 2020-йил статистикасига кўра 1998100 га яқин абанентлар интернет тармоғига уланган. Бу статистикадан маълумки, вақт ўтгани сари интернетга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Глобаллашув жараёни бугунги кунда ҳеч бир тармоқга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Айниқса, Иқтисодий интеллектуал салоҳиятни яратиш долзарб. Иқтисодий тармоқларда янги техникавий база, интернет, замонавий инфратузилма ва бошқа замон талабларига жавоб берадиган ўзгаришларни амалга ошириш интеллектуал салоҳиятни яратиш демакдир.

Интеллектуал салоҳияти кучли кадрларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётган бир пайтда, нафақат илмий соҳада, балки жамиятнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай кадрларнинг етишмовилиги кўзатишмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган интеллектуал қарашларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, интеллектуал меҳнат ҳажмини ошириш, аҳоли салоҳиятини техникавий ва интеллектуал билимларга қаратиш ҳамда иқтисодий инноватсион гоаялар орқали янгилаб бориш бугунги куннинг асосий талаби бўлиб қолмоқда. Мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги таклифларни келтирамыз:

- Интеллектуал салоҳиятни ошириш мақсадида иқтисодий тармоқлари доирасида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш йўллари бўйича тақдим этилган инноватсион гоаяларни тақдирлаш;
- Мактабларда Иноватсион гоаяга доир фанларни жорий этиш;
- Шахсий гоаянинг муҳофазасини таъминлашга доир ҳуқуқий асосларни шакллантириш орқали гоаянинг ҳақиқий муаллифини сақлаб қолиш.

Фойдаланилган сайтлар:

<https://lex.uz/uz/docs/-5841063>. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son

<https://stat.uz/uz/rasmiv-statistika/raqamli-ictisodivot>

KADRLAR MENEJMENTINING KONSEPSIYASI, RIVOJLANISH TARIXI VA AHAMIYATI

Baxodirov Diyorbek

O'zMU Iqtisodiyot fakulteti, talabasi

Ilmiy rahbar Nazarov N.

Kadrlar boshqaruvi ya'ni inglizchada (human resources management-inson resurslari boshqaruvi) bu kompaniya yoki tashkilotdagi odamlarni samarali boshqarishga strategik yondashuv bo'lib, ko'pincha biznesga raqobatdosh ustunlikka erishishga yordam beradi. U ish beruvchining strategik maqsadlariga xizmat ko'rsatishda xodimlarning ish faoliyatini maksimal darajada oshirish uchun mo'ljallangan. Tashkilotlarda kadrlarni boshqarish, birinchi navbatda, siyosat va tizimlarga e'tibor qaratib, tashkilot ichidagi odamlarni boshqarish bilan bog'liq. HR bo'limlari xodimlarga imtiyozlar, xodimlarni yollash, o'qitish va rivojlantirish, ish faoliyatini baholash va mukofotlarni boshqarish kabi ishlarni amalga oshiradi. Masalan, ish haqi va xodimlarga imtiyozlar tizimini boshqarishni nazorat qilish uchun javobgar hisoblanadi. Kadrlar boshqaruvining asosiy maqsadi bu tashkilot yoki katta bir kompaniyalarda o'z ishchilari orqali belgilangan yuqori maqsadlarga erishish hisoblanadi. Personal bo'yicha menejerlar tashkilotning inson kapitalini boshqarib belgilangan maqsadlar va tashkilotda ishlab chiqarish jarayonini nizomga muvofiq boshqaradi. Ularning asosiy vazifalari rekruting, xodimlarni yo'llash, ishdan bo'shatish va har tomonlama rag'batlantirish kabi vazifalarni bajarishadi. Kadrlar menejerlari tomonidan ta'lim va malaka oshirish ishlari xodimlardan yuqori darajali mutaxassis bo'lib yetishib chiqishiga ko'mak bo'ladi, ushbu malaka oshirish dasturlari, ish faoliyatini baholash va mukofotlash dasturlari kabi o'qitish metodlari xodimlar uchun qo'llaniladi. HR menejerlar xodimlar o'rtasidagi munosabatlar yoki turli xil ziddiyatlar yuzaga kelganda va tashkilotda siyosat buzilganda xodimlarning tashvishlari bilan shug'ullanadi. Kadrlar bo'limi tomonidan xodimlar uchun nafaqalarni boshqarish kompensatsiya tuzilmalarini, ota-onalik ta'tillari dasturlarini, chegirmalarni va xodimlar uchun boshqa imtiyozlarni ishlab chiqishni tashkilotlar rahbarlari bilan maslahatlashib amalga oshiriladi. HR mutaxassislari barcha sohalarda ishlashi yoki kasaba uyushma xodimlari bilan ishlaydigan mehnat munosabatlari vakillari bo'lishi mumkin. Zamonaviy sharoitda har bir tashkilotlarda personalni boshqarish uchun menejerlar avvalambor tashkilotni o'zida yangi texnologiyalarni o'rnatish ishlari va yangicha boshqaruv va xodimlarni o'qitish metodlarni yaratishga ma'sul bo'lishi kerak. Bugungi kunda amaliyotda personal boshqarish muammolarini yechish uchun ikkita yondashuv yaratilgan. Birinchi yondashuv inson resurslari menejmenti barcha strategik maqsadlarni o'z bo'yniga olib ushbu muammoni yechishi ya'ni ijtimoiy rivojlanishga javob beradi va personal boshqaruvi xodimlar bilan shug'ullanishini ta'kidlab o'tilgan. Ikkinchi yondashuvda inson resurslari menejmenti tashkilotdagi va umuman ishchilar soni ishsizlik bilan davlat tashkilotlari bilan har tomonlama hamkorlik qilsa personal boshqaruvi tashkilotni ichidagi mehnat munosabatlariga e'tibor qaratadi. Personalni boshqarishning asosiy maqsadlari quyidagilardan iborat:

- bozor sharoitida tashkilotda raqobatbardoshlikni oshirish;
- maksimal foyda olish uchun ishlab chiqarish va mehnat samaradorligini yanada yuqori darajaga oshirish;
- jamoalarning ijtimoiy rivojlanishi barqarorligini yanada mustahkamlash.

Tashkilotlarda menejerlarning personalni boshqarish vazifalariga esa quyidagilar kiradi:

- ishchilarni to'liq va maksimal ishlatish;
- ularning karyera zinapoyasida ko'tarilishi uchun yetarli shart-sharoitlar yaratilishi;
- mehnat faoliyatida motivatsiyani ta'minlash;
- tashkilot va ishchilar o'rtasidagi ishonchni yaratish.

Personalni boshqarish obyekti esa bu asosiy ishchi yoki ularning hajmi ya'ni bir jamoa bo'lib keladigan ishchilar hajmi hisoblanadi. Ishchilar jamoasi bu butun bir tashkilot deb tushuniladi. Uning subyektiga barcha bosqichdagi menejerlar bo'lim boshliqlari va h.klar kiradi.

Zamonaviy menejment tarixi uzoq XVIII asrlarga ya'ni industrial inqilob davriga to'g'ri keladi. Ilk bora HRM menejmenti to'g'risida ingliz iqtisodchi olimlar Charlz Bebbidj va Robert Ouen aytib o'tishgan. Ularning fikricha tashkilotdagi barcha maqsadlariga ularning ishchilari orqali erishilishini ta'kidlashgan. Menejment asosiy soha sifatida XX asrlarga kelib Frederik Uinslou Teylor tomonidan menejment sohasi chuqur o'rganilib uning xulosasi asosan tashkilotlarda ishchi kuchini ko'paytirish muhimligini ta'kidlab o'tgan

Teylorning ishni keyinchalik fransuz iqtisodchi Anri Fayol davom ettirdi. Fayolning fikricha tashkilotda kadrlar siyosati olti yo'nalishda olib borilishini aytib o'tgan:

- texnik yo'nalish;
- olib sotarlik yo'nalishi;
- buxgalterlik va audit bo'yicha yo'nalish;
- moliyaviy yo'nalish;
- himoyaviy yo'nalish;
- administratsiya.

Xulosa o'rinda shuni aytish mumkinki, ko'p hollarda xodimlarning bir xil malakasi ko'zda tutilgan bo'lib, ishlab chiqarishni rejalashtirish va tayyorlashni jamoaning o'zi amalga oshiradi. Bunday holda, motivatsiya va malaka xodimlarni boshqarishning asosiy, markaziy muammosiga aylanadi. Natija ko'p jihatdan ishchilarning irodasiga va ularning imkoniyatlariga (malakalariga) bog'liq. Bu sohada o'rganilmagan masalalar ko'p, amaliy hayotda uchraydigan ko'plab muammolar nazariy asoslanmagan hisoblanadi. Bugungi kunga kelib personalni boshqarish

zamonaviy kompaniyalarda chuqur rivojlanmoqda va yaqin vaqtlarda kadrlar boshqaruvi siyosati orqali tashkilotlar o'z xodimlariga ish joylarda ko'plab qulayliklar yaratib beradi.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ КЛАСТЕР СИЁСАТИ

Бегимова Дилшоода Комилжоновна

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети 3-босқич таянч докторанти

Ҳозирда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кластерлар ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш шакли ва замонавий бошқарув технологиясига айланган.[1] Кластерлаштириш жаҳоннинг етакчи давлатлари иқтисодиётининг тахминан 50 фоизини қамраб олган. АҚШда 55 фоиздан ортиқ корхоналар кластерлаштирилган бўлиб, уларнинг ЯИМдаги улуши 65 фоиздан ортади. Европа мамлакатларида 2 мингдан ортиқ кластерлар мавжуд бўлиб, уларга банд аҳолининг 38 фоизи тўғри келади.[2]

Кластер ёндошувидан инновацион ривожланиш омили сифатида фойдаланиш замонавий жаҳон иқтисодиёт ривожланишининг тенденцияси айланмоқда. Дастлаб кластерлар бозор механизми таъсирида табиий равишда шаклланган бўлса, ҳозирги босқичда мамлакатлар уларнинг миллий иқтисодиёт учун жозибadorлигини англаган ҳолда, ўз ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши остида шакллантира бошлади. Кластерлар минтақаларда иқтисодий ўсишнинг локомотивига айланган.

Юқорида таъкидланганидек, жаҳон амалиётида кластерлар дастлаб бозор механизми таъсирида шаклланди. Иштирокчиларнинг янада яқинроқ алоқаларининг ўзаро манфаатли хусусиятга эга эканлиги бунга шароит яратди. Шимолӣ Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларида кластерлар XX аср охирида оммалашди. Бу жараён сўнгги 20 йилда айниқса фаол кечди. Агар XX асрнинг охирида жаҳон амалиётида кластерларнинг асосий қисми истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва минтақаларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлса, XXI асрга келиб логистика, экология, ахборот дизайни, биологик дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кластерлар сони орта бошлади. Кластерларнинг инновацияларга интилиши кучайди: инновациялар кластерлар рақобатбардошлигини белгиловчи асосий хусусиятга айланди.

АҚШнинг иқтисодиётни кластерлаштириш тажрибаси жаҳон амалиётида энг муваффақиятлиларидан бири ҳисобланади. Кластерларни ривожлантириш дастурлари штатлар иқтисодиёти ривожланишига сабаб бўлган. АҚШнинг кластер сиёсати либерал хусусиятга эга бўлиб, ташкил этилаётган кластерларнинг ягона структураси ёки модели мавжуд эмас. Мамлакатда бу борадаги тадқиқотлар доимий равишда олиб борилади. АҚШ кластерларининг ўзига хос хусусияти илмий ишланмаларнинг тижоратлаштирилиши ва ўзаро шерикчиликка асосланган муносабатлардир. Бу ерда хусусий компаниялар ва университетлар кооперацияси самарали ташкил этилган.[1]

АҚШда кластерларнинг тармоқ таркиби хилма-хил бўлиб, улар фаолияти илмий тадқиқот ва ишланмаларни яратиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга йўналтирилган. АҚШда Питтсбург, Акрон, Кливленд (Огайо ва Пенсильвания штатлари) шаҳарлари – “тоза” энергетика технологиялари, Бостон (Массачусетс штати) шаҳри – биотехнологиялар, Остин, Даллас (Техас штати) шаҳарлари – яримўтказгичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.[3] Агар 1991 йилда АҚШда 9 та муваффақиятли кластер модели фаолият юритган бўлса, ҳозирда 20дан ортиқ кластер гуруҳлари мавжуд. Бу кластер гуруҳлари тармоқлараро интенсив алоқаларни таъминлаб туради. Ҳозирда АҚШда кластерларга иқтисодий фаол аҳолининг 36 %, миллий даромаднинг 50% ва патентларнинг 97 % тўғри келади.

2021 йилда АҚШ кластерларнинг ривожланиши бўйича халқаро рейтингда 1-ўринни эгаллади[4] ва 2020 йилга нисбатан 1 поғона кўтарилди.[5] Глобал рақобатбардошлик рейтингда эса дунёда 10-ўринни, материкда 1-ўринни эгаллади.[6] Мамлакатда инновацион технологияларни жорий этиш асосан инновацион кластерларда амалга оширилади. Бу минтақавий инновацион кластерларнинг штатлар иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги аҳамияти юқорилигини англатади.

Европа Иттифоқи кластер сиёсатидан кўзланган мақсад кластерлар воситасида барқарор, яшил ва рақамли минтақавий иқтисодиётни шакллантириш бўлиб, минтақавий кластерларни ривожлантиришда айнан шу мақсаддан келиб чиқиб ёндошилади.[7] Кластерларда асосий эътибор инновацияларни интенсив равишда жорий этиш, тарқатиш ва бошқариш, мамлакатларнинг саноат маҳсулотлари экспорти таркибида юқори технологияли маҳсулотлар улушини ошириш, меҳнат унумдорлигини ҳамда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга ҳаражатларни ўстиришга қаратилади. Умуман олганда, Европа Иттифоқи ва АҚШда минтақавий кластерларни ривожлантириш мақсадлари ўхшаш. Фарқи шундаки, Европа Иттифоқининг минтақавий кластер сиёсатида давлатнинг роли кучлироқ, АҚШда эса либерал характерга эга.

Ҳозирда Европа Иттифоқи ҳудудида 3000 дан ортиқ кластерлар фаолият юритиб, уларда 54 миллион киши меҳнат қилади.[8] Бу рақамлар минтақада кластерларнинг миқёси ва иқтисодий аҳамияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Европа Иттифоқи мамлакатлари кластерлар ривожланиши бўйича дунёда етакчилардан ҳисобланади.

Юқорида келтирилган мамлакатларда амалга оширилган кластер сиёсати аҳамиятга молик, албатта. Аммо бу мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, структураси ва бошқа хусусиятлари ривожланаётган мамлакатларникидан, хусусан Ўзбекистондан тубдан фарқ қилади. Уларда фаолият юритаётган кластерлар ҳажман йирик бўлиб, кўпчилиги юқори технологияли тармоқларга мансуб.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аюбян А.Р. Роль кластеров в развитии современных национальных инновационных систем субъектов мирового хозяйства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: 08.00.14. Москва, 2016. -26 с.
2. Абдурахмонов И. “Тубдан янгиловчи” инновациялардан фаол ва ташаббускор жамият сари. Ўзбекистоннинг иқтисодий ахборотномаси таҳлилий журнали. 3/2021. 14-б.
3. Пятинкин С.Ф., Быкова Т.П. Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. – Минск: Тесей, 2018.
4. The Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the COVID-19 Crisis. Cornell University, INSEAD, and the World Intellectual Property Organization, 2021. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf
5. The Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? Cornell University, INSEAD, and the World Intellectual Property Organization, 2020. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf
6. The Global Competitiveness Report 2021. The World Economic Forum’s Centre. <https://worldcompetitiveness.imd.org/countryprofile/US/wcv>
7. G. Lindqvist, C.Ketels, O. Solvell. The Cluster Initiative Greenbook 2.0. Second edition. Ivory Tower Publishers, Stockholm, 2013. <https://cluster.hse.ru/mirror/pubs/share/212169925>
8. Европа комиссиясининг кластер сиёсати расмий веб-сайти. URL: https://ec.europa.eu/growth/industry/policy/cluster_en.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЁТ СУҒУРТАСИ СОҲАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бекберганова Моҳира Равшанбековна


*Ўзбекистон миллий университети Иқтисодийёт университети
2-курс магистранти*

Ҳозирги жадал ривожланиш даврида жаҳон сугурта бозорида хаёт сугуртасининг салмоғи ошиб бормоқда. Хаёт сугурталаш – бу ижтимоий ва молиявий ҳимоя бўлиб, у бир неча ҳодисаларни қамраб олади: масалан, касаллик, ўлим ёки маълум ёшгача омон қолиш туфайли ногиронлик. Мамлакатимизда ҳозирда сугурта бозорининг ривожлаништириш, хусусан, хаёт сугуртаси улушини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида сугурта фаолияти пул маблағлари фондини яратиш усулларини ўзида мужассамлаштирган тизим бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот экспорти ҳамда импорти, ишлаб чиқариш интеграцияси қабилар билан узвий боғлиқликда амалга оширилувчи фаолиятларни рисклардан ҳимоялаш, шунингдек, ҳар бир субъектнинг ўз фаолияти доирасини кенгайтириш, инвестицияларни ишончли жойлаштириш ва кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Хаёт сугуртаси сугурталанувчи шахсларнинг турли рискларлардан ҳимоялаш орқали, уларнинг сугурта муддати давомида хаёти ва соғлиғи билан боғлиқ муаммолар компенсациялайди. Бу билан сугурта компаниялари иқтисодиётдаги йўқотишларни ўрнини тўлдиради ва унинг ривожланишига ёрдам беради.

Европа мамлакатларида (Франция, Испания, Германия, Италия ва бошқалар) сугурта соҳасининг ЯИМдаги улуши 8,4 фоизни ташкил этади. Россияда бу кўрсаткич 1,5 фоизни ташкил этса, Қозғистонда 0,9 фоизни, Арманистонда 0,6 фоизни, Ўзбекистонда 0,4 фоизни ташкил этади. Хаёт сугуртасининг ЯИМ даги улуши 2020йилда 0,12 фоизга тенг бўлган. [1-расм]



1-расм. 2008-2020 йилларда хаёт сугуртасининг

Ўзбекистон ЯИМдаги улуши (%)

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорида 40 та сугурталовчи, шундан 32 таси умумий сугурта тармоғида ва 8 таси хаётни сугурта қилиш тармоғида, шунингдек 5 сугурта брокери, 5 актуар ташкилот ҳамда 22 ассистанс, аджастер, сюрвеер, 8870 та сугурта агентлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

1-жадвалга кўра, ҳозирда Ўзбекистон хаёт сугуртаси соҳасида умумий сугурта мукофотлари ҳажмининг 38%га эга бўлган ООО “New Life Insurance” компанияси етакчилик қилмоқда. Сугурта мукофотлари ҳажми 2019

йилгача нисбатан тез ўсган. 2020 йилга келиб умумий сугурта тармоғида ўсиш секинлашиб, 9%ни ташкил қилган бўлса, хаёт сугуртаси тармоғида сугурта мукофотлари ҳажмида камайиш кузатилиб, ўтган йилга нисбатан 57%ни ташкил қилди.

Хаёт суғуртаси тармоғида 2020 йилда кузатилган пасайишга биринчи навбатда, 2019 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексида, хаёт суғуртасини ривожлантириш мақсадида киритилган жисмоний ва юридик шахсларнинг даромад солиқларидан мавжуд имтиёзлардан фойдаланишнинг чегараланганлиги сабаб бўлди дея оламиз.

1-жадвал. Ўзбекистонда хаёт суғуртаси соҳасидаги компаниялар

Суғурта компаниялари маълумотларига мувофиқ 2021 йил III чорагида хаёт суғуртаси бўйича 483,3 млрд. сўм суғурта мукофоти йиғилди. Суғурта йиғимларининг йилдан-йилга ўсиб боришига қарамай, ҳозирги кунда суғурта йиғимларининг ҳажми республика ялпи ички маҳсулотига нисбатан 0,4 фоизни ташкил этади. Дунё бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 6,1 фоизни ташкил этади. Мамлакатимиз суғурта бозорида хаёт суғуртасининг улуши нисбатан кам даражада.

2-жадвал. Хаёт суғурта класслари бўйича суғурта мукофотларининг ҳажми

Хаёт суғуртасининг жами суғурта мукофотлари ҳажмидаги улуши 2019 йилда 25%ни ташкил қилган бўлса 2020 йилда бу кўрсаткич 15%гача пасайди. Шу ўринда ривожланган мамлакатларда хаёт суғуртаси тармоғининг жами суғурта мукофотлари ҳажмидаги улуши нисбатан каттадир.

Ўзбекистонда хаёт суғуртасига бўлган талабни ошириш ва суғурта мукофотлари ҳажмини қўпайтириш учун суғуртага бўлган талабга таъсир этувчи омиллар ўрганиш лозим. Хаёт суғуртасига бўлган талабга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Бу омилларни демографик ва иқтисодий омилларга бўлишимиз мумкин. Булар: таълим даражаси, инфляция, даромад, ишсизлик, фоиз ставкаси ва бошқалар. Бу омиллар талабга турли давлатларда турлича таъсир кўрсатади. Айнан бунини таҳлил қилиш орқали хаёт суғурта компаниялари мукофот ҳажмига энг кўп таъсирга эга омилларни аниқлашлари мумкин ва бунинг ўз навбатида келгусида даромадлари ошириш имконини беради.

Ўзбекистон ҳам суғурта соҳасини ривожлантиришни мақсад қилар экан, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиши ва амалда қўллаши зарур. Бунини 2020 йил бошидан бери бутун дунёда давом этиб келаётган пандемия ҳам кўрсатиб берди. 2020 йилда Ўзбекистон суғурта бозори прогноз қилинган 10% ўрнига, фақатгина 5% ўсишни ташкил қилган бўлса, хаёт суғуртаси соҳасида йиғилган суғурта мукофотлари 57% гача қисқарди. Суғурта мукофотлари суғурта компаниялари капитал манбаларидан бири эканлигини ҳисобга олсак, бу компанияларнинг тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон хаёт суғурта соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотига жуда кам улушни эгаллайди. Шу билан биргаликда, хаёт суғурта соҳаси жуда катта фойдаланилмаётган потенциалга эгадир. Бу потенциалдан фойдаланиш учун бозорни таҳлил қилиш, таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш ва энг асосийси миқдор ишончига эга бўлиш лозим.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Ҳашимов Пазлиддин Закурович проф.в.б.

Зокиров Жаҳонбек Ойбек ўғли

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети магистранти

Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти – бу унинг ғояларни генерация қилиш имконияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларига янгиликлар киритиши ва бу билан илгарига ҳаракат қилиш учун шароитлар яратишидир. Технологик жараённинг таълим, илмий (янги билимлар) ва техник (кашфиётлар, конструкциялаш) фаолияти билан таъминланган техноген цивилизация шароитида фан ва технология соҳасида инсон капиталидан фойдаланиш, яъни олимлар, муҳандислар, конструкторлар, техниклар, юқори малакали ишчилар фаолияти моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилига айлантириб бормоқда. Цивилизациялашган ривожланишни таъминлаш бевосита жамият интеллектуал салоҳиятининг ҳолатига боғлиқ. Маълумки, АҚШ ва Европанинг етакчи мамлакатлари ривожланишининг базавий методологияси айнан инсон капиталига асосланган бўлиб, бу капитал уларда миллий бойлиқнинг 70-80 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда инсонкапиталини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор янги жамиятни барпо этишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Республикаимизда миллий интеллектуал шакллантиришнинг учта асосий жиҳати мавжуд. Булар: таълим тизимини ривожлантиришда сифат ўзгаришларига эришиш фанни ривожлантириш ва мамлакат илмий салоҳиятини ошириш, инновацион тизимни ривожлантириш.

Интеллектуал салоҳият – бу аввало субъектнинг қобилиятлари, ресурслари ва захиралари, интеллектнинг ҳаракатлантирувчи кучлари, мотивациялари ва эҳтиёжлари соҳаси, инсоннинг умумий қобилиятлари ва унинг ижодий фаолияти маҳсулдорлигини энергетик таъминлаш билан боғлиқ бўлган тушунчадир. шунингдек, интеллектуал салоҳият бу тизимли хосса бўлиб, у аниқланишининг кўпгина йўналиши ва турли даражасига эга. Инсонинтеллектуал салоҳиятининг моҳиятини интеллектнинг ҳаётий фаолиятга интеллектнинг шахс ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишасосида очиб бериш мумкин. У инсоннинг индивид, шахс ва фаолият субъекти сифатида ривожланиши давомида шаклланади ва жамғарилиб боради. Интеллектуал салоҳият тушунчаси инсон фаолиятига унинг ташувчиси бўлиб субъект ҳисобланади. Салоҳият субъект ҳолатини маълум турдаги ва сифатдаги фаолиятни амалга ошириш имконияти нуқтаи назардан тавсифлайди. Бундай имкониятлар жамият томонидан унинг тарихий ривожланиш давомида яратилиб, турли омиллар бирлиги ва ўзаро алоқадорлигининг мажмуи билан белгиланади. Инсон қачонки

зарурий билим ва малакага, яъни унга ўз ишини сифатли бажариш имконини бирувчи салоҳиятга эга бўлса, шундагина у мутахассис ва ўз касбининг устаси бўлиб ҳисобланади. Бу ўта муҳум ҳолат чунки интеллектуал салоҳият доим содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларни кутиши билан боғлиқ. Энг оддий ҳолатда, агар одам унга бўлган ишончни оқламаса, бу шунга англатадики, ёки унга ҳалақит беришган, ёки унинг салоҳияти нотўғри баҳоланган. Таъкидлаш лозимки, интеллектуал салоҳият ўта мазмунли ва етарлича мураккаб тушунчадир. Олдинлари ундан ижтимоий билим категорияси сифатида эмас, балки кўп ҳолларда бошқа маънода, яъни метафора сифатида фойдаланишган. Ҳозирда вазият ўзгарди, постиндустриал дунёда айнан интегратив бутунлик сифатида тан олинаётган юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Ҳозирги замондаги жамият ҳаётида интеллектуал салоҳиятга алоқадор бўлган фан, таълим, янги ахборот технологияларининг роли ошиб бормоқда. Иқтисодиётлари билимга асосланган (интеллектуал иқтисодиёт) ривожланган мамлакатларнинг индустриалдан янги индустриал, хборотлашган жамиятга ўтишлари, биринчи қаторга инсон фаолиятининг интеллектуал жиҳатларини олиб чиқмоқда.

Интеллектуал салоҳият мамлакат, ижтимоий тармоқлар ва шахснинг интеллектуал имкониятлар иресурслар ривожланиши даражасининг мажмуавий тавсифидир. Уни ўрганишга икки томонлама ёндашиш мумкин:

– билимларга эга бўлган, фаолиятлари билиш ва ўзгартиришларни амалга оширишга йўнал тирилган кишилар йи гиндиси сифатида;

– жамият мақсадларига эришиш воситаси бўлган, моддий-техник шакллар ва белгилар тизимларида моддийлашган илмий, техник, ижтимоий, маданий билимларнинг жамламаси сифатида.

Интеллектуал салоҳият мазкур жамият, ундаги таълим ва маориф тизими, фан, маданият, генетик фонднинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини тавсифлаш учун аҳоли таълимидан ташқари бевосита интеллектуал меҳнат билан шуғулланувчи ёки меҳнатларида интеллектуал таркибининг улуши юқори бўлган фаолият билан шуғулланувчи кишилар гуруҳини ажратиш талаб этилади. Айнан ана шу гуруҳлар мамлакат интеллектуал салоҳиятининг такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайдилар ҳамда ишлаб чиқариш ва интеллектуал фаолиятнинг турли соҳаларидаги янгиликларнинг манбаи бўлиб ҳисобландилар. Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги хулосалар келтирилади. Интеллектуал салоҳиятни ишга солиш қобилиятига эга бўлган аҳоли улуши индексини ҳисоблаш учун иқтисодиётда интеллектуал меҳнат билан банд қўшилади. Натижада интеллектуал салоҳиятни ишга солиш қобилиятига эга бўлган аҳоли сони келиб чиқади. Бундан кейин унинг аҳоли умумий сонидан улуши топилади. Мазкур кўрсаткичнинг максимал даражаси сифатида АҚШга интилаётганлар 55%; минимал даражаси сифатида эса ривожланган мамлакатларда – 45% дан паст бўлмагалар олинган.³ Маълумки, ишлаб чиқаришнинг икки соҳаси мавжуд: моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш: оила, мактаб, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш тизими, инсонларнинг соғлиги ва ҳаётини сақлаш, соғлом ва муносиб турмуш тарзи учун шароит яратиш. Бу соҳаларда интеллектуал меҳнатнинг улуши ҳам юқоридир. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш тизимида кишиларнинг кўпчилиги банд бўлиб, муҳандислар билан бир қаторда ўқитувчилар ва шифокорлар кўпчиликни ташкил этади ва улар интеллектуал меҳнат билан шуғулландилар. Интеллектуал меҳнат ходимлари турли ижтимоий ва касбий гуруҳлар вакиллари дидир. Уларни умумий бирлаштирувчи восита бу касбий фаолиятнинг интеллектуал тавсифга эгаллигидир. Бироқ аҳолининг бу қатлами турлича таркибга эга. Унда интеллектуал элита ажралиб туради. Унинг вакиллари, одатда, нафақат касбий билим эгалари, балки бу билимни ижодий ривожлантириш, уларга янгилик киритиш қобилиятига эга бўлган кишилар дидир. Уларни Ғарбда интеллектуаллар деб атайдилар. Ўзбекистоннинг бойлиги унинг улкан табиий ресурслари, гўзал маданияти, маънавий имкониятлари, интеллектуал ва илмий-техник салоҳияти дидир.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятидан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ»⁴. Ўзбекистоннинг таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув режалари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, барча даражадаги ўқув муассасаларида таълим сифатини ошириш, иқтидорли ёшларнинг мансаб ва касбий ўсишидаги барча тўсиқларни бартараф этиш имконини беради. Бу ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш мамлакатимизда фанни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш имконини беради. Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти мамлакатнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу нафақат алоҳида инсоннинг, балки бутун жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини мамлакатни иқтисодий ривожлантириш омиллари тизимига киритишни мослаш учун унинг мазмуни, таркиби, функциялари ва ҳажмини ўлчаш услублари бўйича тегишлиназарий, методологик ва методик ишланмаларни яратиш лозим. Бироқ, ҳозирги кунга қадар бу масалаларга етарли даражада эътибор берилмаган, жамият интеллектуал салоҳиятининг мазмуни, шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

³ Макашева Н.П., Нестерова О.А. Оценка интеллектуального потенциала на рынке труда Томской области // Вестник Томского государственного университета. 2011. № 2 (14)

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 1-том. – Б.168.

Сўнги йилларда интеллектуал салоҳият тушунчаси турли ижтимоий субъектлар ва даражалар: жамият, ҳудудлар, ижтимоий-иқтисодий тизимости бўғинлар, ташкилотлар жамоалар ва бошқаларга нисбатан қўлланиб келинмоқда. Интеллектуал салоҳият ижтимоий-иқтисодий категориясидан турли илмий тадқиқотларда бир томондан, инсон ва меҳнат салоҳияти, интеллектуал меҳнат, интеллектуал капитал, бошқа томондан асосида юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсон – ходим турувчи фан ва ахборот технологиялари билан боғлиқ бўлган иқтисодиётда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар нукта назаридан фойдаланиш кузатишмоқда.

Ҳозирги вақтда интеллектуал салоҳият иқтисодий категориясини тадқиқ қилишда учта ёндашувдан фойдаланилмоқда:

- интеллектуал салоҳият янги маҳсулот яратиладиган ва сотиладиган, инсоннинг билимлари ва интеллектуал қобилиятлари мажмуи билан белгиланади;
- иқтисодий интеллектуал салоҳият маълум натижаларга эришиш учун қарорларни қабул қилишга қодир бўлган тизим (мамлакат, минтақа, корхона) сифатида тадқиқ қилинади;
- ижтимоий шахснинг интеллектуал салоҳияти ва унинг мазмуни кўриб чиқилади шунингдек жамият интеллектуал ҳаётининг асосий таркибий қисмлари, жумладан, фан ва таълим тизимлари ўрганилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 1-том.
2. Макашева Н.П., Нестерова О.А. Оценка интеллектуального потенциала на рынке труда Томской области // Вестник Томского государственного университета. 2011. № 2 (14)
3. Хашимов П.З., Ибодуллаева Г.П. Интеллектуальный потенциал – как важный фактор социально-экономического развития страны. // Современное образование. 2014. № 4.

МИНТАҚАВИЙ ТАРМОҚ КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ҲУДУД ИҚТИСДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИНИ АНИҚЛАШ

Бегимова Дилшода Комилжоновна
1987 йилда туғилган

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети 3-босқич таянч докторанти

Ҳар бир минтақавий тармоқ кластери ўзи жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга. Бир тармоққа мансуб барча минтақавий кластерлар фаолиятини таҳлил қилишда уларнинг турли кўрсаткичлар бўйича тармоқнинг ривожига, аҳоли фаровонлигига қўшаётган ҳиссасини аниқлаш муҳимдир. Шу мақсадда минтақавий тармоқ кластерларининг ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссасини аниқлаш учун махсус методика таклиф этилди. Таклиф этилаётган баҳолаш усули 2 босқичда амалга оширилиб, у ҳар бир тармоқ кластери фаолиятининг самарадорлигини хусусида хулоса чиқариш имконини беради:

1. Кластер фаолиятининг минтақада тармоқ ривожигаги ўрнини ифодаловчи коэффициентлар ҳисобланади.
2. Ҳудудий кластернинг минтақада тармоқ ривожланишидаги аҳамияти ифодаловчи кластер фаолияти самарадорлигининг интеграл коэффициенти ҳисобланади.

Баҳолашнинг 1-босқичида ҳудудий кластер фаолиятига хос қуйидаги коэффициентлар ҳисобланади:

1. Кластер маҳсулоти ҳажмининг минтақада ишлаб чиқарилган тармоқ маҳсулоти ҳажмидаги улуши:

$$C_p = \frac{\text{Кластернинг маҳсулот ҳажми}}{\text{Минтақада тармоқ маҳсулоти ҳажми}} * 100\%$$

2. Кластерда бандларнинг минтақада тармоқ корхоналарида бандлар сонидagi улуши:

$$= C_{em} \frac{\text{Кластерда бандлар сони}}{\text{Минтақада тармоқ корхоналарида бандлар сони}} * 100\%$$

3. Кластер иштирокчиларининг минтақадаги тармоқ корхоналари сонидagi улуши:

$$C_{en} = \frac{\text{Кластер иштирокчиларининг сони}}{\text{Минтақадаги тармоққа мансуб корхоналар сони}} * 100\%$$

4. Кластер асосий фондлари ҳажмининг минтақадаги тармоқ корхоналари асосий фондлари ҳажмидаги улуши:

$$C_{fa} = \frac{\text{Кластернинг асосий фондлари ҳажми}}{\text{Минтақадаги тармоқ корхоналари асоий фондлари ҳажми}} * 100\%$$

5. Кластернинг асосий воситаларга инвестициялари ҳажмининг минтақадаги тармоқ корхоналари асосий воситаларга инвестициялари умумий ҳажмидаги улуши:

Кластернинг асосий воситаларга инвестициялари ҳажми

$$C_{in} = \frac{\text{Минтақада тармоқ корхоналарининг асосий воситаларга инвестициялари ҳажми}}{\text{Минтақада тармоқ корхоналарининг асосий воситаларга инвестициялари ҳажми}} * 100\%$$

6. Кластер экспорти ҳажмининг минтақанинг тармоқ экспорти ҳажмидаги улуши:

$$C_{ex} = \frac{\text{Кластер экспорти ҳажми}}{\text{Минтақада тармоқ экспорти ҳажми}} * 100\%$$

Тадқиқотнинг 2-босқичида турли кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган кластер фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари асосида кластер фаолияти самарадорлигининг интеграл коэффициенти ҳисобланади:

$$C_{EF} = \frac{C_p + C_{em} + C_{en} + C_{fa} + C_{in} + C_{ex}}{6}$$

Бу ерда:

C_p - кластер маҳсулотининг минтақада ишлаб чиқарилган тармоқ маҳсулоти ҳажмидаги улуши;

C_{em} - кластерда бандларнинг минтақа тармоқ корхоналарида бандлар сонидagi улуши;

C_{en} - кластер иштирокчилари сонининг минтақадаги тармоқ корхоналари сонидagi улуши;

C_{fa} - кластер асосий фондлари ҳажмининг минтақа тармоқ корхоналари асосий фондлари ҳажмидаги улуши;

C_{in} - кластернинг асосий воситаларга инвестицияларининг минтақа тармоқ корхоналари асосий воситаларга инвестициялари ҳажмидаги улуши;

C_{ex} - кластер экспорти ҳажмининг минтақанинг тармоқ экспорти ҳажмидаги улуши.

Кластер фаолияти самарадорлигининг интеграл коэффициенти 0% дан 100% гача оралиқда ўзгаради. Нисбатан юкори фoиз кўрсаткичини қайд этган кластерларнинг фаолият самарадорлиги юкори ҳисобланади. Ушбу методика асосида минтақалардаги тармоқ кластерларининг тармоқ ривожига кўшаётган улушига кўра рейтингини тузиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 22.06.2020 йилдаги 397-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 09/20/397/0796-сон, 31.10.2020 й., 09/20/666/1433-сон; 05.05.2021 й., 09/21/274/0414-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.12.2021 й., 09/21/733/1131-сон.

2. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 декабрдаги 733-сонли қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.12.2021 й., 09/21/733/1131-сон.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Илхомов Давронжон Акмалжон ўғли

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодийёт факультети
“Макроиқтисодийёт”*

мутахассислиги 2 босқич магистранти

Жаҳонда давом этаётган COVID-19 пандемияси аксарият мамлакатларнинг ижтимоий ҳимоя тизимида аҳолининг ночор қатламларини қамраб олиш ва муносиб турмуш даражасини таъминланиши борасидаги чуқур табақаланиш ва жиддий муаммолар мавжудлигини аниқлаб берди. Коронавирус инкирози ижтимоий сиёсатда кенг тарқалган куйидаги таҳдидларни келтириб чиқарди: ижтимоий ҳимоя қилиш тизими билан қамраб олинмаганликнинг юкори даражаси, доимий камбағалликнинг мавжудлиги, кескинлашаётган тенгсизлик, норасмий ва кучсиз ижтимоий шартномаларнинг кенг миқёсга эгаллиги. Инкироз жаҳон аҳолисининг нисбатан яхши яшаётгандек кўринган салмоқли қисмининг глобал ижтимоий-иқтисодий таҳдидлар олдиди ижтимоий жиҳатдан ҳимоясиз эканлигини кўрсатди.

Камбағаллик шахс ёки аҳоли гуруҳларининг ўзи яшаши учун зарур бўлган ҳаётий воситалар қийматини тўлаш имкониятига эга бўлмаган иқтисодий ҳолатни ифодалайди. Камбағаллик доимо нисбий тушунча бўлиб, мамлакатда қабул қилинган ижтимоий стандарт, жамиятдаги турмуш даражаси, ижтимоий бойликнинг тақсимланиши, тизимдаги мавқеи ва ижтимоий қутилмалар тизимида боғлиқ.

Собиқ иттифоқ даврида аҳолининг турмуш даражасига нисбатан камбағаллик эмас, балки кам таъминланганлик тушунчаси қўлланилган. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланганлик ҳолати минимал, норматив, истикболли ва рационал бюджет кўрсаткичлари асосида баҳоланган. Ҳозирда ҳам айрим мамлакатларда, жумладан, Россия амалиётида бир қатор қонунлар асосида мамлакатда аҳолининг ижтимоий

жиҳатдан кам таъминланган оила ва якка яшовчи фуқороларнинг даромадини ҳисоблаш ва жон бошига тўғри келувчи даромадини аниқлаш тартиби мавжуд.

Жаҳон амалиётида аҳоли таркибида, унинг турмуш даражасининг куйидаги турлари фарқланади:

- бадавлат, ўзига тўқ, фаровон яшовчи – инсоннинг ҳар тарафлама ривожланишини таъминлайдиган ҳаётий неъматлардан фойдаланишини аниқлатади;

- ўрта, меърий даражада яшовчи – инсоннинг жисмоний ва интеллектуал қobiliятини такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи илмий асосланган меъёрлар даражасидаги рационал истеъмолни билдиради;

- камбағаллик – моддий неъматлардан ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни қуйи чегараси даражасида фойдаланишини ифодалайди;

- қашшоқлик – бу ҳаётий зарур моддий неъматлардан биологик меъзонлар бўйича минимал даражада фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Аҳоли куйидаги сабабларга кўра камбағаллик ҳолатига тушиб қолади:

- иқтисодий (ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик);

- ижтимоий-тиббий (ногиронлик, кексалик, касалликлар даражасининг юқорилиги);

- демографик (тўлиқ бўлмаган оилалар, оиладаги боқимандаликнинг юқорилиги, аҳоли сонининг ортиб бориши);

- таълим ва малакавий (малака даражасининг пастлиги, етарлича касбий тайёргарликнинг йўқлиги);

- сиёсий (ҳарбий низолар, мажбурий кўчиришлар);

- ҳудудий-географик (ҳудудларнинг нотекис ривожланганлиги);

- диний-фалсафий ва психологик (телбалик, аскетик турмуш тарзи).

Жаҳон амалиётида камбағаллик даражасининг куйидаги даражалари фарқланади:

- миллий камбағаллик даражаси – бу аҳолининг камбағалликнинг миллий чегарасидан куйида яшовчи улуши ҳисобланади. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида миллий камбағаллик чегараси деганда яшаш минимумидан кам даромадга эгаллик ҳолати тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда, шу даврдаги мамлакат меъёрлари бўйича энг зарур товар ва хизматлар тўплами бўлган истеъмол савати қийматини қоплаш имконини бермайдиган даромад тушунилади. Аксарият мамлакатларда мамлакатдаги ўртача даромаднинг 40-50%ига эга бўлган кишилар аҳолининг камбағал қатламига киритилади.

- халқаро камбағаллик даражаси мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра аниқланади.

Ушбу кўрсаткич паст даромадли мамлакатларда жон бошига кунлик тўғри келадиган даромади харид-тўлов паритети бўйича 1.9 доллардан кам бўлган аҳоли қатламини ўз ичига олади. Қуйи ўрта даромадли мамлакатларда эса ушбу кўрсаткич чегараси 3.2 долларни ташкил этади.

Мамлакатимизда камбағаллик даражасига таъсир этувчи омилларга қуйидагилар киради:

- миллий иқтисодиётдаги иқтисодий самарадорлик даражаси;

- мамлакатдаги мавжуд уй хўжалиқларининг оилавий таркиби ва иқтисодий тизимдаги ўрни;

- ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун зарур бўлган харажатлар миқдори;

- амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар турлари ва уларнинг самарадорлик даражаси.

Мамлакатимизда аҳолининг камбағаллик даражасининг ортиши куйидаги салбий оқибатларга олиб келади:

- камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига таъсир қилади;

- камбағаллик аҳоли сиҳат-саломатлигининг ёмонлашуви ва турли касалликларнинг кўпайишига олиб келади;

- камбағаллик алкоғолизм ва гиёҳвандликнинг ўсишига бевосита таъсир қўрсатади;

- камбағалликнинг юқори даражаси жамиятдаги ижтимоий кескинликни кучайтиради;

- аҳолининг умумий маълумот даражасининг пасайишига олиб келади;

- камбағалликнинг ортиши бир қатор ижтимоий-демографик оқибатларга, урбанизациянинг стихияли ортишига олиб келади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича камбағалликни қискартириш камбағалларда иқтисодий фаолликни кучайтириш ва камбағалларга давлат ва хўжалик субъектлари томонидан моддий ёрдам беришни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш амалиёти Жаҳон озиқ-овқат ва кишлoқ хўжалиги ташкилотининг тавсиялари асосида инсоннинг кунлик истеъмол нормаси 2200 ккал. этиб белгиланганлигига асосланган ва 2021 йилда ушбу услубиятга кўра камбағалларни аҳолининг умумий сонидаги улуши 11.5%ни ташкил этди. Фикримизча, халқаро андозаларга мувофиқ мамлакатда камбағаллик даражасини аниқлашда даромад ва озиқланишга асосланган услубларни умумлаштирган ҳолда камбағалликни комплекс баҳолаш амалиётини йўлга қўйиш ва камбағалликни аниқлашда ижтимоий хавфсизлик талабларига мувофиқ истеъмол саватчасини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати

1. The Independent Panel for Pandemic Preparedness and Response. “Social Costs of the COVID-19 Pandemic”. May 2021. 6-P.

2. <https://www.worldbank.org/en/topic/poverty/overview#1>

3. <https://interaktiv.oak.uz/avtoreferat/3aO235fO1.file>

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЎТИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАВСИФИ

Кадирова Гульнара Кеулимжаевна

Мирза Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

“Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси магистранти.

Турли мамлакатлар ва турли вақтларда иқтисодий сиёсат, шу жумладан, аҳолини иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқишда турли назариялардан фойдаланилган. Бирок 30-йилларда рўй берган энг кучли жаҳон инқирози давридан бошлаб кейнсчилар назарияси устун назария бўлиб қолди, деб айтиш мумкин. Ундан АКШ Президенти Ф.Рузвельт томонидан мамлакатни чуқур танглиқдан олиб чиқиш ва оммавий ишсизликни бартараф этиш чораларини кўришда фойдаланилди.

Инсонни иш билан мустақил банд бўлганлар сирасига киритиш учун олинган даромад миқдори ёки меҳнатда қатнашган вақти тарзидаги миқдор мезондан фойдаланиб бўлмайди, чунки кишиларнинг манфаат, эҳтиёж ва имкониятлари тўрлича ва уларни ҳамиша дам таққослашнинг иложи бўлавермайди. Инсон томонидан ана шу иш билан бандлик келтирадиган маблағлар (пул эквивалента ёки табиий маҳсулот)дан ўз тирикчилиги учун фойдаланиши муҳим ҳисобланади.


Иқтисодиёт ва инсоннинг эҳтиёжларига тўғри келиш даражасига кўра, иш билан бандлик оқилона, самарали маҳсулдор ва энг мақбул кўринишда бўлиши мумкин.

Иш билан оқилона бандлик агрегацияланган ижтимоий-иқтисодий тушунчадир. Унинг мазмуни бир неча блокни ўз ичига оладики, уларнинг меҳнат бозоридаги бор-йўқлигига кўра иш билан оқилона бандлик эканлиги ёки оқилона эмаслигини аниқлаш мумкин. Булар жамият, ижтимоий гуруҳ ва айрим шахснинг манфаатларини ҳисобга олиш; жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш; жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўзгаришларига ҳозиржавоблик кўрсатиш қабилардир. Иш билан оқилона бандликни иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига маҳсулдор иш билан бандлар улуши тавсифлайди.

Иш билан оқилона бандликнинг иш билан бандлик каби шакли мавжудлигини барча олимлар ҳам тан олавермайди. Кўпчилик фақат иш билан тўлиқ ва самарали бандликни ажратишни маъқул кўради. Холбуки, иш билан оқилона бандлик таснифлаш элементи бўлиши лозим ва иш билан бандликни самарали деб, йиллар ўтиб, узок истиқболдагина баҳолаш мумкин, меҳнат соҳасида ва иш билан бандлик борасида жараёнларни кендириш учун эса қисқа ва ўрға муддатли истиқболдаги иш билан бандлик ҳолати баҳоланиши зарур. Бунда иш билан оқилона бандликни иш билан самарали бандликка қарама-қарши қуймаслик керак. Иш билан оқилона бандлик - иш билан самарали бандликнинг шарт-шароити, унга эришишдаги пиллапоядир. Иш билан оқилона бандликсиз иш билан самарали бандлик ҳам бўлмайди.

Иш билан самарали бандлик ижтимоий бошқарувнинг жамият ривожининг мазкур босқичида турмуш тарзининг мезонлари тақозо этадиган ходимларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тиклаб боришга қодирлигини назар да тутаяди. Иш билан самарали бандликнинг ушбу кўринишда бўлиши даромад келтирадиган ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлиш ҳамда иш ўринларининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишини назарда тутаяди. Иш билан самарали бандлик, шунингдек, кўплаб вариантлар орасидан ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари йиғиндиси буйича аниқланган энг яхшисини танлаб олишни ҳам назарда тутаяди.

Иш билан самарали маҳсулдор бандлик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, меҳнат унвондорлигини ошириш мақсадларига жавоб беради, юқори малакали, яхши уқитилган ва ҳаракатчан ходимларнинг соғлом авлодини тақрор етиштириш учун шарт-шароитлар яратаяди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг таърифича, иш билан самарали маҳсулдор бандлик - меҳнат маҳсуллари жамият томонидан қабул қилиниб, хақи туланадиган кишиларнинг иш билан бандлигидир.



1-расм. Аҳолини иш билан бандлик шакллари таснифи.

Иш билан энг маъбул бандлик инсоннинг доимий иш билан банд бўлишга давлат томонидан кафолат бўлмаган тақдирда, жамиятда муайян мавқе эгаллашни таъминлайдиган, шахсий таркибда ҳақ тўлаш шарт-шароитлари асосида моддий ва маънавий неъматлар яратиш мақсадида меҳнат жараёнида қатнашишидир.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини қамраш бўйича иш билан бандлик тўлиқ ва тўлиқсиз (қисман) иш билан бандлик бўлиши мумкин. Иш билан тўлиқ бандлик - жами меҳнатга лаёқатли аҳолига ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишнинг ҳақиқий имконини бериш бўлиб, у 100 % дан камроқни ташкил қилади. Тўлиқ иш билан бандлик ноилож ишсизликнинг мавжуд эмаслигига тенг.

Тўлиқсиз (қисман) ишсизлик тўлиқсиз иш вақтининг миқдорий хусусиятлари бўйича қўйидаги шакллarga ажратилади:

Тўлиқсиз иш мобайнида бандлик (қисқартирилган иш ҳафтаси, қисқартирилган иш куни). Бу иш вақтининг инкирозли қисқартирилиши натижасидир.

Бундай тартиб корхоналарга малакали ва тажрибали ходимларни сақлаб қолиш ва ишсизликнинг олдини олишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.
2. Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. - Т.: «Меҳнат», 2004 йил.
3. Абдурахманов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2013 йил.
3. Абдурахманов Қ.Х. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. - Т.: Иқтисодиёт, 2014

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

Камолова Камола Султоновна,

ЎзМУ, Иқтисодиёт мутахассислиги 1-курс магистранти

Илмий раҳбар: и.ф.ф.д. (PhD) Қим Татьяна Валерьевна

Ўзбекистонда ислохотларнинг жадаллашуви, саноатнинг ривожланиши, аҳоли сони кўпайиши натижасида энергияга бўлган талаб кескин ошиши, 2030 йилга бориб қарийб 2 баробарга ортиши кутилмоқда. Бугунги кунда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт Стратегия лойиҳасида ҳам мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари, хусусан қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш орқали иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани қайд этиб ўтилган.

Хужжатда иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 10 фоизга қисқартириш мақсад қилинган. Стратегияда 2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш қўрсаткичини қўшимча 40 миллиард киловатт/соатга ошириб, жами 110 миллиард киловатт/соатга етказиш, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилига қарийб 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш ҳамда ҳавога чиқариладиган зарарли газларнинг ҳажмини 8 млн тоннага камайтириш ҳам мақсад қилинган.

Иқтисодиётнинг “жигар” ранг ривожланиш модели XX асрга хос бўлган ва энерго-ресурс сизими юқори бўлган анъанавий ишлаб чиқариш назарда тутилган. Унинг асосий салбий оқибатлари экологик муаммоларни кескинлаштириш, табиий бойликларни самарасиз ишлатилиши, сув ресурслар, озик-овқат ва энергия танқислиги билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда⁵.


⁵ Chapple K. Defining the Green Economy: A Primer on Green Economic Development // Berkeley: The Center for Community Innovation (CCI) at UC-Berkeley. - 2008. - P. 66.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш Ўзбекистон иқтисодиётига қўлаб имкониятларни ва харажатларни тежаш мумкин. Мамлакатда аҳоли сони ва даромадлари йилдан йилга ортиб бормоқда, бу ўз навбатида энергетика ресурсларига бўлган талабни ҳам ортишига олиб келади. Шунинг учун “Яшил иқтисодиёт”нинг муҳим компоненти қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти ва имкониятлари анча юқори деб баҳолаш мумкин. Халқаро молиявий институтларнинг ҳисоб-китобига қараганда, республикада муқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилги эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжимиздан уч карра кўп. “Яшил энергетика” соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга қўпайтириш имконини беради. Бу миллий иқтисодиёт учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига айланиб қолади.

2020-2030 йилларда қайта тикланадиган энергия манбалари орқали электр энергия ишлаб чиқаришга, айнақса қуёш энергиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Ушбу лойиҳалар фақат сармоядорлар - мустақил электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан амалга оширилади. Қайта тикланадиган энергетиканинг ривожланиш кўрсаткичларига эришиш мақсадида 2020-2030 йилларда 3 ГВт шамол ва 5 ГВт қуёш электр станцияларини қуриш кўзда тутилган ҚТЭМларнинг ҳар йили фойдаланишга топшириладиган қувватларининг мақсадли параметрлари белгиланган.

Шамол энергетикасида асосий эътибор ҳар бирининг қуввати 100-500 МВт бўлган йирик шамол электр станцияларини ташкил этишга қаратилади, уларнинг асосий қисми Шимоли-ғарбий минтақада (Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти) жойлаштирилади. Қуввати 100-500 МВт бўлган қуёш электр станциялари асосан марказий ва жанубий вилоятларда (Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) жойлаштириш кўзда тутилган. Бироқ, республиканинг бошқа минтақаларида 50-200 МВт қувватга эга қуёш электр станциялари қурилади. Шу билан бирга, йирик қуёш фотоэлектрик станциялари (300 МВт дан ортик) ўзгарувчан ишлаб чиқаришни барқарорлигини ва энерготизимда истеъмолнинг тигиз соатларидаги максимал юқламани тартибга солишни таъминлаш учун саноат миқёсида энергия сақлаш тизимлари билан босқичма-босқич жиҳозланади.

Республиканинг қайта тикланадиган энергетика соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида, 2020-2022 йилларда, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда “Build-own-operate” моделидан фойдаланган ҳолда инвесторларни аниқлаш бўйича тендерлар (тендерлар ва ким ошди савдолари) ўтказиш белгиланган, улар билан электр энергиясини сотиб олиш бўйича узоқ муддатли (25 йилгача) шартномалар тузилади. Шу боис, 2020 йилда халқаро молия институтларнинг (Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки гуруҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки) техник кўмаги билан Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 600 МВт бўлган қуёш электр станциялари қурилиши учун тендерлар ўтказилади ва қуёш энергиясига бой республиканинг бошқа минтақаларида умумий қуввати 800 МВт бўлган ФЭС, шунингдек, ҚТЭМ қуриш учун тендерлар эълон қилинади.⁶



1-расм – 2030 йилга қадар ҚТЭМ асосида энергия ишлаб чиқариш тузилмаси, МВт

Шунингдек, республиканинг олис аҳоли пунктларида, экотуризмни ривожлантириш режалаштирилаётган минтақаларда ҳамда изоляцияланган (ягона электр энергияси тизимига уланмаган) кичик қуёш электр станцияларини яратишга ҳам эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари ва саноат технопаркларнинг шахсий эҳтиёжлари учун электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича ўрта қувватли (1-2 МВт) қуёш электр станциялари қурилади.

Истеъмолчиларнинг ўз эҳтиёжлари учун электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ортикча электр энергиясини тизимига етказиб бериш қобилиятининг жадал ўсишини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, республикада инвестиция салоҳияти фаоллашишини рағбатлантириш мақсадида 2021-2025 йилларда 150 мингга яқин қуёш фотоэлектр станцияларини (қуввати 2-3 кВт) ва уй хўжалиқларининг 2-2,5 фоизида сув иситтичлари (ўртача 200 литр) ўрнатишни кўзда тутувчи мақсадли дастур тасдиқланди. 2026 йилга келиб, аҳоли томонидан ҚТЭМ объектлари ўрнатилишини ҳисобга олган ҳолда, республикадаги уй хўжалиқларининг 4,3 фоизини йилига қарийб 800 млн. кВт.с. ҳажмида электр энергияси билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда углеводород энергияси – нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялли ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизи сарфланмоқда. Шунингдек, мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи

⁶ 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш Концепцияси. <https://minenergy.uz/uz/lists/view/28>

куватларнинг салкам ярми эскирган, уларни модернизация қилиш учун эса катта инвестиция маблағларини талаб қилади.

Юкоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатда “Яшил иқтисодиёт”га ўтишда электр энергия соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни ва уларга яратиб берилаётган имтиёزلарни янада ошириш ҳамда ички инвесторларга ҳам тенг шароитларни яратиш асосида ривожлантириш самарадорлигини ошириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Chapple K. Defining the Green Economy: A Primer on Green Economic Development // Berkeley: The Center for Community Innovation (CCI) at UC-Berkeley. - 2008. - P. 66.
2. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш Концепцияси. <https://minenergy.uz/uz/lists/view/28>

PREKARIAT: BUGUNGI TRANSFORMATSION SINFMU?

*Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti
Iqtisodiyot Fakulteti Mintaqaviy iqtisodiyot
va menejment kafedrasida magistranti
Qodirov Bahodir Shuhratovich*

1980 yildan beri jahon iqtisodiyoti ishchi kuchining globallasuvi, avtomatlashtirishning yuksalishi eng avvalo, Big Finance (Ulkan moliya), Big Pharma (Katta tibbiyot) va Big Techning (Ilgor texnologiyalar)o'sishi bilan keskin o'zgarishlarni boshdan kechirdi.

Urushdan keyingi yaqin yillardagi sotsial-demokratik konsensus kapitalizmning yangi bosqichiga o'z o'rnini bo'shatib berdi, bu esa ishchilarni yanada ortda qoldirib, sinfiy tuzilmani qayta shakllantirmoqda. Beqaror mehnat tartiblari, o'ziga xoslikning yo'qligi va huquqlarning yemirilishi bilan tavsiflangan ommaviy sinf “prekariat” bugungi kunda "xavfli sinf" sifatida paydo bo'lmoqda. Uning talablarini hozirgi tizimda qondirish mumkin emasligi sababli, prekariatni o'zgaruvchan potentsialga ega bo'lishiga asos bo'lmoqda. Biroq bu potentsialni ro'yobga chiqarish uchun prekariat o'zining sinf maqomiga ega bo'lishi va umumiy mulkni qaytarib oladigan va hamma uchun yashashga yaroqli daromadni kafolatlaydigan tubdan o'zgartirgan daromad taqsimoti uchun kurashishi kerak.

Biz notinch iqtisodiy o'zgarishlarning og'ir davrida yashayapmiz. Muxtasar qilib aytganda, so'nggi qirq yil davomida global iqtisodiyot neoliberal iqtisodiyot tomonidan shakllantirildi, bu raqamli inqilob bilan kuchaygan holda ikkita bog'langan hodisani keltirib chiqardi: global rentyer kapitalizmi va prekariat yangi ommaviy sinf bo'lgan global sinf tuzilishi. Rentier kapitalizmi prekariatning boshiga tushgan qiyinchiliklarni yanada yomonlashtirmoqda.

Bugungi kunda ommaviy sinf - bu beqaror mehnat, past va oldindan aytib bo'lmaydigan daromadlar va fuqarolik huquqlarini yo'qotish bilan tavsiflangan prekariat sinfiga tobora yaqinlashmoqda. Bu esa yangi "xavfli sinf"ni shakllantirmoqda.

Prekariatning ehtiyojlarini mavjud ijtimoiy va iqtisodiy tizimdagi kamtarona islohotlar bilan qondirish mumkin emas. Prekariatning transformatsion pozitsiyasini tushunishning kaliti XX asr o'rtalarida daromadlarni taqsimlash tizimining buzilishidadir.

1945-1980 yillar orasida Kommunistik blokdan tashqarida rivojlangan va sanoatlashgan mamlakatlarda ijtimoiy-iqtisodiy paradigma bu ijtimoiy-demokratiya edi. 1970-yillarda sotsial-demokratik davr barbad bo'lgach, hozirda “neoliberalizm” deb nomlanuvchi iqtisodiy model paydo bo'ldi. Uning tarafdorlari “erkin bozorlar”, kuchli xususiy mulk huquqlari, moliya bozorini erkinlashtirish, erkin savdo, tovar ayirboshlash, xususiy lashtirish va ijtimoiy birdamlikning barcha institutlari va mexanizmlarini demontaj qilish to'g'risida va'z qildilar, ularning fikricha, bozorni “qattiqlik” ushlab turdi. Neoliberal o'z dasturlarini amalga oshirishda katta muvaffaqiyatlarga erishgan bo'lsa-da, sodir bo'lgan narsa ular va'da qilgan narsadan tubdan farq qildi.

Globallashuv va raqamli inqilob tufayli kuchaygan rentyer kapitalizmining asosiy natijasi XX asr daromadlarini taqsimlash tizimining muqarrar yemirilishi - Ikkinchi Jahon urushidan keyin paydo bo'lgan kapital va mehnat o'rtasidagi daromadning 1950 yilga to'g'ri kelishidir. Sotsial-demokratik konsensus yashirin qoidalarga asoslangan edi. Hosildorlik oshsa, ish haqi ham oshgan. Daromad oshsa, ish haqi ham oshgan. Ish bilan bandlik ko'tarilgach, ish haqi ham oshgan. Bugungi kunda ishlab chiqarish va bandlik o'sib bormoqda, lekin ish haqi to'xtab qolmoqda yoki pasaymoqda. Ish haqini tushkunlikka soladigan omillardan biri so'nggi o'ttiz yil ichida ikki milliardga ko'paygan global ishchi kuchining o'sishi bo'ldi. Bu esa haqiqiy ish haqiga nisbatan pasayish bosimi davom etishiga sabab bo'lmoqda.

Transformatsion o'zgarishlarsiz, mehnatga tayanganlar yo'qotishda davom etmoqda. Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti mamlakatlarida o'rtacha real ish haqi to'xtab qolishi va ijtimoiy daromadlar tengsizligi kuchayishini bashorat qilmoqda. Progressivlar o'zlarini aldashni bas qilishlari kerak. Agar globallasuv teskari yo'nalishga o'tmasa, ish haqini majburan ko'tarish orqali tengsizlikni bartaraf etishga urinish ko'p narsaga olib kelmaydi. Ish haqini sezilarli darajada oshirish faqat avtomatlashtirish orqali ishchi kuchining boshqa formatga o'zgarishini tezlashtiradi.

Maosh bilan bir qatorda, mustaqil ravishda ishlaydigan dasturiy ta'minot muhandislari, birja treyderlari, yuristlar va tibbiyot mutaxassislari kabi professional, mustaqil mutaxassislarning kichikroq guruhi mavjud. Ular o'zlarini shiddat bilan sotish orqali yuqori daromad olishadi, lekin haddan tashqari oppportunizm tufayli erta charchash

va ma'naviy korroziya xavfini tug'diradilar. Ulardan pastda daromad jihatidan proletariat, Yevropa ma'nosida "ishchi sinf", amerikacha ma'noda "o'rta sinf" timsoli joylashgan. Yigirmanchi asrda farovonlik davlatlari, mehnat huquqi, jamoa shartnomasi, kasaba uyushmalari, mehnat va sotsial-demokratik partiyalar ushbu guruh tomonidan va ular uchun qurilgan. Biroq, u hamma joyda kamayib bormoqda va progressiv energiya yo'nalishini yo'qotib bormoqda. Proletariat uchun qaraydiganlar proletar hayotining salbiy tomonlari va ko'pchilik omon qolish uchun nima qilishlari kerakligi haqida o'ylashlari kerak. O'zining gullagan davrida erishgan narsalariga hurmat bo'lishi kerak, ammo nostalgii – xayolparastlik buning yechimi emas.

Darhaqiqat, ko'pchilik yangi paydo bo'lgan ommaviy sinfga, ya'ni kollej bitiruvchilari va maktabni tashlab ketganlar, ayollar, migrantlar va boshqalar tobora ommalashayotgan prekariatga tushib qolishmoqda. Ishlab chiqarishning o'ziga xos munosabatlari prekariatning vaqtinchalik ish topshiriqlari ("kasualizatsiya"), agentlik mehnati, Internetga asoslangan platformada "topshiriq" orqali beqaror mehnat hayotini qabul qilishga majbur bo'lishi va unga ko'nikishi bilan boshlanadi. Bundan ham muhimi shundaki, prekariatdagilar kasbiy shaxsiyatga ega emaslar, o'zlarini martaba traektoriyasiga ega deb bilishmaydi. Ular, shuningdek, ko'p mehnat qilish va davlat uchun kerakligini anglamaydilar.

Prekariat ko'pchilik kasblarda va ko'p korporatsiyalarda mavjud. Masalan, yuridik kasblar ichida siqilgan maoshlar va paralegallar prekariati mavjud. Xuddi shunday bo'linish tibbiyot va o'qituvchilik kasblarida ham mavjud bo'lib misol uchun feldsherlar va "kasrlar" (ya'ni, to'liq ish vaqtining faqat bir qismi uchun haq to'lanadiganlar) shular jumlasidandir. Prekariat hatto "vaqtinchalik menejerlar" tushunchasi bilan korporativ boshqaruvga tarqalmoqda.

Prekariat, asosan, o'ttiz yil davomida turg'un bo'lgan yoki real ko'rsatkichlarda pasaygan va tobora o'zgaruvchan bo'lgan pul ish haqiga tayanadi. Prekariatning daromad kafolati mos ravishda pasayadi. Va bundan tashqari, haq to'lanmaydigan ishlarni bajarishi kerakligi sababli olinadigan daromadi past bo'ladi. Ushbu tendentsiya faqat onlayn platformalar orqali "topshiriq" ning tarqalishi bilan kuchayib bormoqda. Prekariat kamdan-kam hollarda haq to'lanadigan ta'tillar, pullik tibbiy ta'tillar, imtiyozli transport yoki turar joy, pullik tug'ruq ta'tillari va hokazolarni oladi. Va u professional yoki hunarmandchilik gildiyasiga tegishli bo'lgan kasbiy imtiyozlardan mahrum. Prekariat huquqqa asoslangan davlat nafaqalari olish huquqini yo'qotadi.

Prekariat, shuningdek, "tuzoqlarga" duch kelmoqda, nafaqa olish shular jumlasidandir. Prekariat, shuningdek, oila va jamiyatni qo'llab-quvvatlashdan, shuningdek, umumiy resurslar va qulayliklardan mahrum bo'lib kelmoqda.

Prekariatning daromadlari ishonchsizligining kaliti bu -noaniqlikdir. Noaniqlikdan sug'urta qilib bo'lmaydi. Ular bir kasallik, baxtsiz hodisa yoki kichik bir xato ularni boshpanasiz qoldirishini bilib, beqaror qarzning chekkasida yashaydilar. Kredit va kreditga muhtoj bo'lib, ular boy odamlarga qaraganda ancha yuqori foiz stavkalarini to'laydilar. Proletariat unchalik katta bo'lmagan huquqlarga -madaniy, fuqarolik, ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy ko'rsatkichlarga ega bo'lsada aksincha, prekariat bunday huquqlarni yo'qotadi. Masalan, ular odatda madaniy huquqlarga ega emaslar, chunki ular kasbiy gildiyalar kabi jamoalarga tegishli bo'lolmaydilar.

Ularning fuqarolik huquqlari yo'q, chunki sud jarayonida yetarli darajada himoyalaniish imkoniyati yo'qligi ko'pincha mutasaddilarning xohishiga ko'ra davlat imtiyozlarini olish huquqidan mahrum bo'lishadi. Ular iqtisodiy huquqlarini yo'qotadilar, chunki ular o'zlari bajarishga loyiq bo'lgan kasblarda ishlay olmaydilar.

Prekariatda bo'lish cho'kayotgan qum ustida yugurishga o'xshaydi. Surunkali ishonchsizlik tashvish uyg'otadi, ammo barcha yangi sinflarda bo'lgani ularning ham turli shakllari mavjud.

Prekariat uchta fraksiyaga bo'lingan. Birinchi fraksiya - Atavistlar. Ular proletariatdan chiqib ketgan yoki a'zolari bir vaqtlar to'liq ish bilan band bo'lgan eski ishchi oilalari yoki jamoalaridan chiqqanlar. Ba'zilari yosh, ko'plari keksayib, ortga hasrat bilan qaraydiganlardir.

Prekariatning ikkinchi guruhini Nostalgiklar tashkil qiladi. Bu guruh muhojirlar va ozchiliklardan iborat bo'lib, ular o'zlarini Sovg'adan mahrum, uylariga qo'ng'iroq qilish uchun joy yo'qdek his qilishadi. Ko'pincha, ular omon qolish va oldinga siljish uchun qo'llaridan kelganini qilib, "boshlarini pastga tushirishadi". Uchinchi fraksiya eng yaxshi ilg'orlar, ko'proq ma'lumotli va asosan yoshlar deb ta'riflanadi.

Prekariat bugungi kunning "xavfli sinfidir". Marksistlar uchun "xavfli sinf" atamasi "lumpen-proletariat" bilan bog'liq bo'lib, jamiyatdan uzilgan, jinoyat va ijtimoiy kasallikka aylangan, proletariatga qo'rquv qo'yishdan boshqa funktsiyasiga ega bo'lmagan sinfdir. Lekin prekariat lumpen emas.

O'zgartirish siyosati Tarixan har bir progressiv o'sish paydo bo'lgan ommaviy sinfnin talablari bilan ta'minlangan. Shunday qilib, bugungi progressiv o'zgarishlar prekariatga yo'naltirilgan bo'lishi kerak.

Prekariat qisman o'zgaruvchan sinfdir, chunki u barqaror mehnatga odatlanmaganligi sababli, u proletariatdan ko'ra noto'g'ri ondan aziyat chekadi.

Ishda bo'lish - boshliqqa javob berish, bo'ysunish holatida bo'lish demakdir. Bu insonning tabiiy holati ham, emansipatsiya ham emas. O'n to'qqizinchi asrda "ishda" bo'lish sharmandalik belgisi bo'lib, ko'pincha uy xizmatchisiga aylangan ayolni nazarda tutgan. Qo'shma Shtatlarning dastlabki yillarida maoshli ishchilar, agar ular mulk egasi bo'lmasalar, mustaqil bo'la olmaydilar, deb ovoz berishdan bosh tortgan holatlari ham bo'lgan.

Transformatsion siyosat - resurslarni kamaytirmaydigan ishni rag'batlantirishi va cheksiz iste'moldan ko'ra, qadimgi yunoncha maktab ma'nosida bo'sh vaqtni, bilim va ma'noga intilishni rag'batlantirishi kerak deganidir. Bu mehnatni qayta kontseptsiyalash, zamonning yangi siyosatini ishlab chiqish va yoshlarni fuqarolikka tayyorlashdan iborat asl maqsadini qayta tiklash uchun ta'limni dekommodifikatsiya qilish zarurligini ko'rsatadi. Eng asosiysi, bunday siyosat daromadlarni taqsimlashning yangi tizimini targ'ib qilishi kerak, chunki ishni qayta ko'rib chiqish unga bog'liq. Bunday tizim ish haqi unchalik ko'tarilmasligini va tengsizliklarni kamaytirish va prekariat uchun iqtisodiy xavfsizlikni yaratish uchun boshqa daromad manbalari kerakligini tan olishi kerak.

ИНСОН КАПИТАЛИ - ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Саидрасулова Муқаддамхон Саидвалихон қизи,
Ўзбекистон Миллий Университети
Иқтисодиёт факултети таянч докторанти (PhD),

Билимлар иқтисодиёти шароитида инсон капитали иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Инсон капитали тушунчасининг мазмунини яхшироқ англаш учун уни жисмоний капиталдан фарқлаб олиш зарур. Чунончи, жисмоний капиталдан фарқли ўлароқ, инсон капиталига фойда нуқтаи назаридан қаралади, унга фақат инсон эгаллик қилиши мумкин, шунингдек, капиталнинг бу шакли такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш натижасида йўқотилмайди, аксинча, қанча кўп циклни бошдан кечирса, шунча кўп янгиланиб, бойиб боради. Инсон капиталига сармоя киритиш жисмоний капиталга қараганда кўпроқ риск талаб қилади.

XX аср иккинчи ярмига келиб билим янги давр такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг таянч ресурси сифатида майдонга чиқди. П.Дракерга кўра, «билимлар жамияти муқаррар равишда биз билган ҳар қандай жамиятга қараганда анча рақобатбардош бўлади.» Билим, бойликнинг асосий манбаи сифатида, дунё миқёсидаги янги ижтимоий-иқтисодий тартибни белгилаб беради [1].

Инсон капитали, кенг маънода, кишиларнинг жамиятга манфаат келтирадиган ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган тўлиқ ақлий ва жисмоний лаёқати, ақлан ва жисмонан саломатлиги, йиллар давомида жамгарилган билим, малака ва тажрибаларининг бор потенциаллари мажмуи ва, шу билан биргаликда, ана шу потенциални юзага чиқариш имкониятини ифодалайди.

Бугунги кунда инсон капитали дунё миқёсида умумий бойликнинг учдан икки қисмини ташкил этади [2]. Ҳисоб-китобларга кўра, инсон капитали ёки маҳаллий билимлар захиралари даражасининг 1 фоизга ўсиши иқтисодиётда жами самарадорлик омилининг 1 фоиздан кўпроқ даражада ўсишига хизмат қилади [3].

Инсон капитали мамлакатда ишлаб чиқаришнинг самарали ташкил этилиши, унинг таркибий ва технологик жиҳатдан мунтазам янгиланиб боришига хизмат қилади. Натижада миллий бойлик кўпаяди, даромадлар даражаси кўтариледи, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланади, камбағаллик қисқаради. Буларнинг барчасини таъминлаш учун ҳукуматлардан инсон капиталига инвестицияларни етарли миқдорда ва манзилли йўналтириш талаб этилади.

Шу ўринда, дунёда инсон капитали жамгарилишининг пандемиягача бўлган даврдаги ҳолатига қисқача тўхталсак. Жаҳон банклари гуруҳининг бутунжаҳон Инсон капитали индекси (ИКИ) дунё мамлакатларида инсон капитали даражасини унинг таянч элементлари асосида баҳолайди. 2020 йилда қайд этилган кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, ИКИ глобал миқёсдаги ўртача кўрсаткичи пандемиягача бўлган давр учун 0,56 ни ташкил этган [4]. Бунинг маъноси – айти шарт-шароитларда тугилган бола айти пайтда мавжуд соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларидан фойдаланиб вояга етганида, тўлақонли ва сифатли соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари шароитида намоён қилиши мумкин бўлган потенциал самарадорлиги (100%)нинг 56 фоизини намоён қилади. Маълумот учун, мазкур кўрсаткич энг кам даромадли иқтисодиёт шароитида 37 фоиз, энг юқори даромадли иқтисодиёт шароитида тугилган бола учун 70 фоизни ташкил қилади [4].

Шуниси эътиборлики, инсон капитали индексидаги давлатлараро фарқлар фақатгина мамлакатдаги даромадлар даражаси билан изоҳланмайди. Яъни, даромадлар даражаси қанчалик юқори бўлса, кишилар ўз саломатликлари, таълим олишлари ва профессионал ривожланишлари ҳақида кўпроқ қайғурдилар ва, натижада, инсон капитали ўз-ўзидан ривожланади, деган қараш барча давлатлар учун ҳам ўзини оқламайди. Бурунди, Эстония, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Вьетнам каби давлатлар шулар жумласидан бўлиб, ушбу санаб ўтилган давлатларда инсон капитали натижалари аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот асосида прогноз қилинган кўрсаткичга қараганда юқори. Аксинча, бошқа бир қатор давлатларда эса инсон капитали аҳоли жон бошига тушадиган даромад прогнозига қараганда паст. Бу тенденция айрим ресурсга бой иқтисодиётга эга бўлган давлатларга хос бўлиб, бундай давлатларда инсон капитали ҳали мавжуд иқтисодий потенциалга мос равишда ривожланиб улгурмаган [4].

Инсон капитали иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш воситаси сифатида эътироф этилар экан, ҳар қандай иқтисодиётнинг муваффақияти унинг инсон капиталини ривожлантириш, ташкил этиш ва ундан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Бундан ташқари, билимлар иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсишнинг муҳим қисми номоддий активлардан иборат бўлиб, улар одамлар билими ёки интеллектуал капитали қиймати билан ифодаланади. Бундай ҳолда, интеллектуал капитал асосида ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар илмий соҳаларни ривожлантиради, техник тараққиётни тезлаштиради ва умуман иқтисодиётда инновацияларни рағбатлантиради. Бу жараёнларнинг барчаси иқтисодиётни осонгина барқарорликка олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Alvaro Turriago-Hoyos, Ulf Thoene, and Surendra Arjoon. Knowledge Workers and Virtues in Peter Drucker's Management Theory. SAGE Open, January-March 2016
2. World Bank Group. Investing in human capital for a resilient recovery: the role of public finance. Human capital project ministerial conclave, April 2021

3. Sanchis, T., Sanchis-Llopis, J.A., Esteve, V. et al. Total factor productivity, domestic knowledge accumulation, and international knowledge spillovers in the second half of the twentieth century. *Cliometrica* 9, 209–233 (2015). <https://doi.org/10.1007/s11698-014-0114-x>
4. World Bank Group. The human capital index update 2020. Human capital in the time of Covid-2019. 2021

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

*У.Райханов, ЎзМУ катта ўқитувчиси
Т.Юлдашев, ТДИУ 2-босқич магистранти*

Республикамызда таълим соҳаси харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш ва унда давлат ролининг айрим жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Олий таълим тизими ўзининг дастлабки ривожланиш босқичига чиққан пайтларда давлат бюджетининг аҳамияти юқори бўлган. Айни кунда ҳам кўплаб мамлакатлар олий таълим муассасаларига эгалик қилишни сақлаб қолган бўлсада, молиялаштириш механизмларига кўплаб хусусий омилларни жорий этишга улгурган.

Иزلанишлар натижасида, молиялаштириш ва таълим сифати мамлакатда олий таълим қамрови билан боғлиқ зарур. Шундай бўлсада, буларнинг барчасига бир пайтда эришиш албатта мураккаблик касб этади. Бунда қуйидаги ҳолатларни кўриш мумкин:

- олий таълимнинг катта қамров даражаси ва бюджетнинг бекиёс ўрни, лекин таълим сифатига бундай кенг аудиторияда эришишнинг қийин эканлиги;
- олий таълимда юқори сифат ва солиқлар ҳисобидан молиялаштириш, лекин таълим қамровнинг кичиклиги;
- юқори сифат ва йирик қамров даражаси давлат бюджетига катта молиявий юкни шакллантириб беради.

Олий таълим тизимида мамлакат ёшларини қамров даражасини тўлиқ миқёсга олиб чиқиш ва сифатни таъминлаш давлат бюджетига катта молиявий юкни вужудга келтирар экан. Бир пайтда келтириб ўтилган учта категориянинг барқарор даражасига эришиш учун тўртинчи кўрсаткични ҳам қўшимча қилиш вужудга келмоқда. Бунда хусусий молиявий манбаларнинг ролини ошириш ва давлат олий таълим муассасалари молиявий мустақиллигини тўлиқ таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, Ўзбекистонда бюджет харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши катта эканлиги олий таълим билан қамров олиш миқёсини кичик миқдорда сақлаиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат бюджети катта миқдордаги маблағларни ажрата олиш имкониятига тўлиқ эга эмаслиги ва хусусий манбалардан фойдаланиш механизмларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги билан ифодалаш мумкин.

Мамлакатимизнинг илм-фан сектори 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 та илмий марказ (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингига дунёнинг 50 та етакчи давлатлари қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Мазкур мақсад илм-фан соҳасини замонавий иқтисодиёт талабларига мослаштиришдан иборат бўлиб, ўз навбатида, илм-фандаги тегишли ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган туб таркибий, ташкилий, молиявий ҳамда кадрлар ва инфратузилмага оид ислохот-ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Сўнгги йилларда илм-фан соҳасини устувор ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган 20 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, улар узлуксизлик, очиклик, шаффофлик ва рақобат тамойилларига асосланган.

2017 – 2021 йилларда илмий ташкилотлар лабораторияларини мустаҳкамлаш ва янгилашга 32 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ажратилиши режалаштирилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, яқин келажакда илм-фан соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган қуйидаги асосий муаммолар сақланиб қолмоқда:

биринчидан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг илм-фанга эътибори юқори эмаслиги. Юртимиз олимларининг технологик ишланмалари ва илмий-тадқиқотлари натижаларини амалиётга татбиқ этишга тармоқлар томонидан қизиқишнинг пастлиги мамлакат иқтисодиётининг технологик ривожланишига тўсиқ бўлмоқда ва Давлат бюджети зиммасига оғир юк бўлиб тушмоқда;

иккинчидан, инновацион инфратузилманинг алоҳида элементлари (инновацион жамғармалар, технологияларни жорий этиш марказлари, муҳандислик лабораториялари, технопарклар ва бошқалар) ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланмаганлиги;

учинчидан, кичик инновацион тадбиркорлик ва илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги. Илмий ташкилотлар томонидан инновацион корхоналарни ташкил этиш бўйича тажриба ва кўникмалар тўлиқ шаклланмаган;

тўртинчидан, илмий ташкилотларда илм-фанни ташкил қилиш, илмий ишлар харажатларини прогнослаштириш ва натижаларнинг иқтисодий таҳлилини олиб бориш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги. Илмий ташкилотларнинг раҳбарияти асосан илм-фан намоёндаларидан иборат бўлиб, улар илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, ташкилот ресурс базаси ва инфратузилмасини янгилаб бориш, ишланмаларни рағбатлантириш каби соҳаларда етарли кўникмаларга эга эмас;

бешинчидан, илмий салоҳиятни ривожлантиришга хусусий секторни жалб этиш ишлари фаол эмаслиги;

олтинчидан, илмий-тадқиқот ўтказадиган жамоалар, академиклар ва тадқиқотчилар ўртача ёшининг катталиги. Илмий ташкилотларда фаолият кўрсатаётган илмий даражали тадқиқотчиларнинг ўртача ёши 51 ёшни ташкил этаётганлиги ёшларни илм-фанга жалб этиш ишларини жадаллаштириш ҳамда илмий-тадқиқотлар суръатларини оширишни талаб этади;

еттинчидан, аҳоли сонига нисбатан олимлар сонининг камлиги. Ҳозирда бир миллион аҳоли сонига ўртача 950 нафар илмий ходим тўғри келмоқда. Ёшларни илм-фанга жалб этиш ишларининг суст ташкил этилганлиги, фан ва таълим тизими ўртасида интеграция даражаси паст бўлганлиги, олимлар меҳнатининг моддий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги бунинг асосий сабабларидандир;

саккизинчидан, илм-фан ва илмий фаолиятга молиявий ресурсларнинг етарли даражада йўналтирилмаётганлиги. Ҳозирги кунда илм-фан ва илмий фаолиятга йўналтирилаётган маблаг мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,2 фоизини ташкил қилади ва ушбу кўрсаткич қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан илм-фанга йўналтирилаётган маблагларга нисбатан камдир;

тўққизинчидан, олимларнинг жаҳоннинг нуфузли маълумотлар базаларида индексациядан ўтган юқори импакт факторли жаҳон журналларида мақолалар чоп этиш даражасининг пастлиги. Ҳозирда WEB of Science, SCOPUS каби маълумотлар базасида индексация қилинадиган халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар орасида Ўзбекистоннинг ялпи улуши 0,1 фоизга яқин. Ўз ичига 5 мингдан ортиқ нашриётларнинг 22 минг номдаги илмий журналларини олган Scopus маълумотлар базаси асосида SJR (ScimagoJournal&CountryRank) ресурсининг таҳлилларига кўра, Ўзбекистон битта мақолага ҳаволалар кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг 239 давлати ўртасида 220-ўринни эгаллаб (6,52), мамлакатимизнинг H-index кўрсаткичи 86 ни ташкил этмоқда.

Таълимга барча даражадаги бюджетларнинг умумий харажатларини аниқлаш учун асос бўлиб муассасалар сони ва уларнинг режалаштирилган йилда кутилаётган ривожланиши, шунингдек, болалар, талабалар, ўқувчилар контингенти бўйича кўрсаткичлар ҳисобланади. Молиялаштириш нафақат таълим фаолияти, шунингдек, таълим муассасаларининг бир қатор ижтимоий функциялари, масалан, мактаб ўқувчилари учун овқатланиш, касб-ҳунар мактаби ўқувчиларини комбинезонлар билан таъминлаш ва бошқалар.

Тахминий буюртма ажратмалар умуман олганда шундай кўринади. Биринчидан, таъсисчи харажатлар сметаси шакллантирилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир муассаса учун самарадорлик кўрсаткичларини (вазифалар, мақсадли кўрсаткичлар, давлат буюртмалари) белгилайди. Учун мактабгача таълим муассасалари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари - ўқувчилар ва гуруҳлар сони, мактаблар учун - ўқувчилар ва синфлар сони, касб-ҳунар таълими муассасалари учун - ўқувчиларни (ўқувчиларни) қабул қилиш. бепул таълим ва ҳоказо.

КАПИТАЛ БОЗОРИ ВА УНИНГ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ: ХАЛҚАРО ИНДЕКС ВА ЎЗБЕКИСТОН КЎРСАРКИЧИ

Раҳматова Наргиза Аъзамхоновна

Иқтисодиёт факултети

“Макроиқтисодиёт” кафедраси

катта ўқитувчиси;

Маҳмудов Шохрух Пулат ўғли

Иқтисодиёт факултети

4-курс талабаси

Халқаро капитал ҳаракати халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларида бири бўлиб, унинг ўсиш суръатлари халқаро савдонинг ўсиш суръатларидан анча ортиқ. Мамлакатлараро кўчиб юраётган капитал ва инвестициялар ҳажми ўзининг жадал ривож, тобора кенгайиб бораётган миқёси билан тавсифланади.

Капитал бозори ривожланиши учун барқарор макроиқтисодий муҳит, изчил тараққий этаётган молиявий тизим ва мустаҳкам ҳуқуқий асос зарур. Ана шу жиҳатлар Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ўзининг ифодасини топган ва унинг яқин келажакдаги асосий йўналишлари белгилаб берилган. Хужжатга кўра, соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш асосида унинг капиталлашуви 2023 йил якунига қадар 45 триллион

сўмга етказилади, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизми яратилади.

Ана шу вақт мобайнида республика ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларнинг қимматли қозғаларини чиқариш орқали молиялаштирилган қисми 5 фоизга етказилади. Бу жараёнда халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илгор ёндашувларни қўллаш ёрдамида барча тоифадаги инвесторлар учун қулай муҳитни вужудга келтиришга алоҳида аҳамият қаратилади, қонунчилик базаси такомиллаштирилади. Замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар билан таъминлаш, истиқболли ёшларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибадор шарт-шароитлар яратилади.

Фармон билан 2021-2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ялпи ички маҳсулотда эркин муомаладаги қимматли қозғалар умумий ҳажмини камида 5 фоизга етказиш унинг асосий мақсади ҳисобланади. 2023 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий эмитентлар ўз акцияларини дастлаб республика фонд биржасида жойлаштиргандан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра, хорижий фонд бозорларига ҳам қўйишлари мумкин. Эндиликда корхоналардаги давлат улуши акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) усулида тақсимлаш қимматли қозғаларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, андеррайтер томонидан аниқланадиган ягона нарх асосида амалга оширилади.

Молия бозорини, шунингдек капитал бозорини баҳолашда Халқаро валюта фонди ҳамда Осиё тикланиш ва тараққиёт банки ишлаб чиққан метадолиялар асосида дунёнинг қўплаб мамлакатлари FSI[1] (Financial Stress Index) индексини ҳисоблашилади. FSI тўртта асосий секторларни қамраб олувчи ушбу индекс, банк сектори, валюта бозори, қимматли қозғалар бозори ва қарз мажбуриятларига бир вақтда баҳо берадиган индекс ҳисобланади.


Ҳисоблаш метадологиясини кўрадиган бўлсак,

$$FSI = \beta + Stockreturns + Stockvolatility + Debtsreads + EMPI$$

Тенгламадаги 5 та FSI компонентлари қуйидагилардан иборат:

- 1) **Банк сектори (β)**
- 2) **Қимматли қозғалар бозори даромадлари (биржа даромадлари)**
- 3) **Қимматли қозғалар бозори ўзгарувчанлиги (биржа ўзгарувчанлиги)**
- 4) **Давлат қарзининг тарқалиши (қарз тарқалиши)**
- 5) **Биржа бозори босими индекси (БББИ).**

Осиё мамлакатларида FSI индексини кўрадиган бўлсак 2020-йилги юқориликдан сўнг 2021-йил якуни 2022-йил бошида барқарорлик касб эта бошлаган. (1-расм)



1-расм. ASEAN+3[2] мамлакатларининг FSI индекси ва унинг ўзгаришига ташқи таъсирлар[3].

Ўзбекистон Республикаси учун FSI ни кўрадиган бўлсак ҳолат бирмунча барқарор эканлигини кўришимиз мумкин. (2-расм)



2-расм. Ўзбекистоннинг FSI индекси[4]. (2014-2021)

Халқаро тажрибага кўра, мамлакатдаги молия бозорларининг ривожланиш даражаси мавжуд институционал салоҳиятга қараб ҳукумат ёки мустақил идоралар томонидан тартибга солинади. Ривожланаётган давлатлар орасида Малайзия, Вьетнам ва Колумбияда Молия вазирлиги ёки унинг таркибида бўлган давлат идораси, Россия, Грузия ва Венгрияда Марказий банк капитал бозори регулятори бўлса, бу дастакни нисбатан ривожланган Сингапур, Аргентина ва Бразилияда ҳукуматдан мустақил бўлган муассасаси юритади.

Дастлабки босқичларда капитал бозорини ривожлантириш учун асосий драйвер бўлиб давлат қимматли қозғаларининг (ДҚҚ) чиқарилиши хизмат қилади. Хусусан, ДҚҚ макроиктисодий ва фискал рискни бошқариш учун восита бўлиб хизмат қилиши баробарида ташкилот ва корхоналарнинг маҳаллий капитал бозордаги қарзли қимматли қозғалари учун бенчмарк даромадлилик чизигини яратади. Инглизча бенчмарк сўзи ўзбек тилига ўгирилганда, эталон, йўналиш марраси, деган маъноларни билддиради.

Молия вазирлиги томонидан ДҚҚ бозорини ривожлантириш бўйича Халқаро валюта жамгармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда АҚШ Ҳазначилиги билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йил декабрь ойидан бошлаб миллий валютада давлат қимматли қозғаларини чиқариш амалиёти қайтадан тикланди. Натижада 2019 йилда чиқарилган ДҚҚ ҳажми 1,5 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич 3 баробардан зиёдга ортиб, 5 триллион сўмга етди.

Фойдаланилган манбалар:


1. <https://aric.adb.org/database/fsi>
2. ASEAN+3 includes Hong Kong, China; Japan; the PRC; the Republic of Korea; and Southeast Asia.
3. <https://aric.adb.org/database/fsiresult?tm=16>
4. Муаллифлар ҳисоб-китоби.

СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ.

Б.С.Мирзаев,

ЎзМУ таянч докторанти

Суғурта соҳаси катта миқдордаги капиталнинг марказлашувига ва бу орқали инвестицион фаолликнинг ошишига имкон беради. Мамлақтимиз суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, банк депозитларига жойлаштирилган маблаглар салмоқли ҳиссани ташкил этади. Қимматли қогозларга йўналтирилган инвестициялар эса 30-35 фоиз атрофида бўлса, кўчмас мулкларга қилинган инвестициялар 6-8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, бошқа хўжалик жамиятларининг устав фондларида иштирок этиш орқали суғурта ташкилотлари томонидан 6-7 фоиз миқдордаги маблаг инвестиция қилинган. Қуйидаги 1.1-расмда суғурта компанияларининг 2021 йил якунлари бўйича инвестициялари таркиби кўрсатилган.



1.1-расм. Суғурта ташкилотлари инвестициялари таркиби


Суғурта ташкилотлари инвестицияларининг ўсиб бориш тенденциясига қарайдиган бўлсак, охириги 5 йил давомида 3,9 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Қуйидаги 1.2-расмда суғурта компаниялари инвестицияларининг ўсиш динамикаси келтирилган.



1.2-расм. Суғурта ташкилотлари инвестицияларининг динамикаси (млрд.сўм)

Суғурта компанияларининг инвестициялари ҳажми барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлишига қарамай, бу соҳада баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Аввало суғурта ташкилотларининг инвестицион танловлари чекланган бўлиб, банк депозитлари етакчи ўринни (58,9%) эгаллайди. Суғурта ташкилотларининг яна бир асосий инвестицион инструменти 29,3% кўрсаткич билан қимматли қоғозлар ҳисобланади. Лекин қимматли қогозларнинг асосий қисми банк депозит сертификатлари ҳисобланади ва банк депозитлари билан катта фарқ қилмайди.

Шу ўринда, дунёда молия бозори ривожланганлик даражаси бўйича етакчи ўринни эгаллайдиган АҚШ суғурта компанияларининг инвестициялари таркибини ўрганишни лозим топдик.



1.3-расм. Сугурта ташкилотлари инвестициялари таркиби

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Уринбаева М.Ш.,

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети талабаси

Илмий раҳбар: проф.в.б. Хашимов П.З.

Шахс сифатида қарайдиган бўлсак, инсоннинг билим даражаси, онги, англай била олиш қобилияти ва тушунчаларининг қай даражада эканлиги унинг интеллектуал салоҳиятини белгилайди.

Интеллектуал салоҳият бу – кенг қўламга эга бўлган иқтисодий билим ва методлар жамланмаси, уларни қўллай билиш қобилияти ва барча иқтисодиётга доир техникавий база, корхона, ташкилотларнинг интеллектуал салоҳияти тушунчасидир.

Биз рақамли иқтисодиётни шакллантириш мақсадида турли илмий ва амалий ишларни амалга ошириб борамиз ва шулар орқали иқтисодиётимизнинг маълум даражада яхшиланишини ва ўсишини кузатамиз. Ваҳоланки, рақамли иқтисодиётни шакллантиришда интеллектуал салоҳият муҳим аҳамиятга эга.

Республикаимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, гайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз”.⁷

Ҳаётимизнинг рақамлашиб бориши, қўплаб тармоқлардаги хизматларни онлайн шаклга ўтиши бизга қулайликлар яратади. Айниқса давлат хизматларининг онлайн шаклга ўтиб бориши коррупция ва бошқа хилдаги қонунбузарликларга чек қўяди. Онлайн шаклда бажариладиган барча хизматлар интернет орқали амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида интернетга бўлган талабни оширади.

1-жадвал

Худудлар кесимида интернет тармоғига уланган абанентлар сони (минг бирликда)⁸

Худудлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	8339,1	9626,8	11168,0	13321,7	16386,2	19981,0
Қорақалпоғистон Республикаси	501,3	526,4	606,8	767,9	922,3	1 071,9
Андижон	621,5	731,1	842,0	991,3	1236,5	1484,2

⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

⁸ Ўзбекистон Ресаубликаси Давлат сиагистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Бухоро	430,9	482,6	547,3	694,0	855,2	1011,2
Жиззах	270,9	304,4	371,3	468,2	569,1	667,2
Қашқадарё	489,3	578,5	702,5	877,8	1162,4	1440,9
Навий	276,2	312,7	350,4	442,5	553,8	647,1
Наманган	523,5	621,4	749,8	961,5	1198,3	1379,5
Самарқанд	758,2	865,0	1018,7	1225,7	1505,9	1795,4
Сурхондарё	372,2	433,5	551,5	721,4	958,6	1151,5
Сирдарё	212,4	299,8	284,6	349,1	441,4	505,7
Тошкент	273,6	353,1	352,3	506,7	1007,7	1255,2
Фаргона	751,9	881,4	1048,0	1245,5	1552,3	1937,4
Хоразм	391,8	448,5	573,3	710,2	872,1	1012,9
Тошкент ш.	2465,3	2858,3	3169,7	3359,9	3359,9	4620,9

Жадвал маълумотларинг кўрсатишича, вақт ўтгани сари интернетга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бунга сабаб сифатида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб боришини келтиришимиз мумкин. Глобаллашув жараёни бугунги кунда ҳеч бир тармоқга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Айниқса, иқтисодиёт тармоқларида янги техникавий база, интернет, замонавий инфратузума ва бошқа замон талабларига жавоб берадиган ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар албатта етук интеллектуал салоҳиятга эга, иқтисодий билимлари кучли бўлган кадрларга бўлган талабни оширади.

Интеллектуал салоҳияти кучли бўлган кадрларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётган бир пайтда, нафақат илмий соҳада, балки жамиятнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай кадрларнинг етишмовилиги кўзатишмоқда. Бу муаммоларнинг асосий сабаблари сифатида биз куйидагиларни келтиришимиз мумкин:

Баъзи жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришга, яъни пулга бўлган талаби туфайли ўзларининг қизиқишларидан йироқ соҳаларда ишлаши ва бунинг оқибатида ишга бўлган лоқайтсизлик натижасида салоҳиятнинг пасайиб кетиши.

Оила аъзолари ёки бошқаларнинг этиборсизлиги натижасида етишиб келаётган авлоднинг ўз интеллектуал салоҳияти ва қизиқишларининг юзага чиқишига бўлган тўсиқлар, яъни уларни керакли соҳаларга йўналтирилмаслик ва қамраб олинмаслик.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: “Ўзбекистон”, 2020.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2018
4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

GIDROLOGIK VA METEOROLOGIK QURG'OQCHILIK INDEKSLARI ORASIDAGI BOG'LANISHLARNI O'RGANISH

Akromova G.M., Xo'jamova I.M., Raxmonov K.R.

Аннотация: Мақола метеорологик ва гидрологик қург'оқчилик индекслари орасидagi bog'lanishlarni o'rganishga bag'ishlangan. Gidrometeorologik qo'rg'oqchilik indekslari SPI generator v 1.7.5 dasturi asosida 1965-2018 yillar uchun Piskom meteostansiyasida kuzatilgan yillik atmosfera yog'inlari hamda Piskom daryosi o'rtacha yillik suv sarflari haqidagi ma'lumotlar asosida o'rganildi.

Калит со'злар: daryo, atmosfera yog'inlari, suv sarfi, meteorologik va gidrologik qurg'oqchilik, qurg'oqchilik indeksi, korrelyatsiya koeffitsienti, “hit-score” indeksi.

Tadqiqot ishining maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, SPI dasturi asosida 1965-2018 yillar uchun Piskom meteorologik stansiyasida qayd etilgan atmosfera yog'inlari haqidagi ma'lumotlar b'ycha meteorologik qurg'oqchilik indekslari aniqlandi. Ishning dastlabki bosqichida meteorologik (SPI1, SPI2, ..., SPI12) va gidrologik (SSI1, SSI2, ..., SSI12) qurg'oqchilik indekslari orasidagi bog'lanishlar Piskom meteostansiyasi va Piskom dar'psi suv sarflari bo'yicha aniqlandi. To'plangan ma'lumotlar asosida SPI va SSI indekslari maxsus SPI generator v 1.7.5 dasturi yordamida hisoblandi. Ushbu bosqichda SPI1÷SSI1, SPI2÷SSI2, ... SPI12÷SSI12 qurg'oqchilik indekslari mos ravishda 12 oylik davrlar uchun hisoblandi (1-jadval).

Ushbu dasturda SPI indeksi qiymatlari soddalashtirilgan ko'rinishda quyidagi ifoda yordamida hisoblanadi:

$$SPI_i = \frac{X_i - \bar{X}}{\sigma_i}, \quad (1)$$

bu yerda: X_i – o'rtacha oylik yog'in miqdori, \bar{X} – ko'p yillik o'rtacha yog'in miqdori, σ_i – o'rtacha kvadratlari farq bo'lib qo'yidagicha aniqlanadi:

$$\sigma_i = \sqrt{\frac{x_i - \bar{x}}{n}} \quad (2)$$

Piskom va Ugom daryolari uchun SPI va SSI indeksleri hisoblanib, ular orasidagi bog'lanishlar o'rganildi. Ushbu SPI1 va SSI1 indeksleri orasidagi bog'lanishlar Pirson korrelyatsion bog'lanish ifodasi yordamida hisoblandi:

$$r_p = \frac{cov}{\sigma_x \cdot \sigma_y} = \frac{\sum(x-\bar{x})(y-\bar{y})}{\sqrt{\sum(x-\bar{x})^2 \sum(y-\bar{y})^2}} \quad (3)$$

Bu yerda: X, Y – o'zgaruvchilar, \bar{X} , \bar{Y} – o'zgaruvchilarning o'rtacha arifmetik qiymatlari, cov – kovariatsiya koeffitsiyenti, $\sigma_x \cdot \sigma_y$ – X va Y o'zgaruvchilarining o'rtacha kvadrati chetlashishlari.

Jadval natijalaridan ko'rinib tutibdiki, SPI1÷SSI1 orasidagi bog'lanishlar korrelyatsiya koeffitsiyentining eng katta qiymati 0,37 ga teng bo'lgan. Bir oylik qurg'oqchilik indekslar tahlili havzada oylik yog'inlarning mazkur o'zida oqim shakllanishida hissasi kichikligini ko'rsatadi. Buning asosiy sabablaridan biri Piskom havzasida daryo oqimining shakllanishida yomg'ir suvlari hissasi kichikligi bilan izohlanadi.

1-jadval

Meteorologik (Piskom MS) va gidrologik (Piskom daryosi) qurg'oqchilik indeksleri (SPI÷SSI) orasidagi statistik bog'lanishlar qiymatlari

Oylar	SPI1 va SSI1	SPI2 va SSI2	SPI3 va SSI3	SPI4 va SSI4	SPI5 va SSI5	SPI6 va SSI6	SPI7 va SSI7	SPI8 va SSI8	SPI9 va SSI9	SPI10 va SSI10	SPI11 va SSI11	SPI12 va SSI12
Yanvar	-0,04	0,08	0,13	0,37	0,33	0,24	0,25	0,21	0,28	0,43	0,54	0,57
Fevral	0,06	-0,02	0,04	0,10	0,35	0,33	0,24	0,29	0,22	0,29	0,44	0,54
Mart	0,27	0,26	0,18	0,21	0,19	0,34	0,33	0,26	0,27	0,19	0,23	0,37
April	0,30	0,45	0,43	0,37	0,36	0,36	0,49	0,48	0,41	0,38	0,29	0,30
May	0,11	0,39	0,49	0,50	0,49	0,50	0,54	0,61	0,59	0,53	0,48	0,37
Iyun	-0,13	0,12	0,40	0,54	0,57	0,57	0,61	0,66	0,73	0,72	0,67	0,62
Iyul	0,29	0,19	0,33	0,56	0,66	0,67	0,67	0,70	0,74	0,80	0,79	0,75
Avqust	0,00	0,29	0,17	0,34	0,57	0,67	0,67	0,67	0,71	0,75	0,81	0,79
Sentabr	-0,12	-0,06	0,15	0,13	0,30	0,53	0,65	0,65	0,65	0,70	0,73	0,80
Oktabr	0,37	0,11	0,05	0,06	0,06	0,21	0,45	0,59	0,61	0,61	0,67	0,71
Noyabr	0,15	0,33	0,17	0,08	0,08	0,05	0,19	0,38	0,52	0,54	0,56	0,64
Dekabr	0,13	0,21	0,42	0,34	0,22	0,21	0,15	0,23	0,40	0,53	0,56	0,59

Izoh: ranglar korrelyatsiya koeffitsiyentlari darajasini ifodalaydi (qizil-kichik, yashil- yuqori).

Shu kabi holatlarni ikki va uch oylik qurg'oqchilik indekslarini o'rtasida bog'lanishlar natijalarida ham ko'rish mumkin. SPI2÷SSI2 va SPI3÷SSI3 orasidagi korrelyatsion bog'lanishlar mos ravishda mart-aprelda (0,45) va mart-may oylari (0,49) davrida eng yuqori ko'rsatkichga ega bo'lgan. Bu holat havzada asosan yomg'ir shaklida atmosfera yog'inlari asosan bahor oylariga to'g'ri kelishi, shu davrdagi oqimni shakllanishiga ta'sir etganligini bildiradi.

SPI÷SSI bog'lanishlar jadvaliga e'tibor qaratadigan bo'lsak, 1-3 oylik davrlardan 12 oylik davrlargacha korrelyatsiya koeffitsiyenti ko'rsatkichlarining oshib borganligini ko'rishimiz mumkin.

Ishning keyingi bosqichida Piskom meteostansiyasi SPI indeksleri bilan Ugom daryosi oqimi SSI indeksleri o'rtasida statistik bog'lanishlar aniqlandi. Piskom daryosi kabi meteorologik va gidrologik qurg'oqchilik indeksleri 1 oydan 12 oylik indekslar uchun yanvardan dekabrgacha bo'lgan davrlar uchun aniqlandi. Olingan natijalardan ko'rinib turibdiki, Piskom daryosidagi kabi, SPI1 va SSI1 bog'lanishida eng kichik korrelyatsiya koeffitsiyentlari aniqlandi (-0,06 – 0,58). Ta'kidlab o'tish kerakki, bir oylik indekslar orasida bog'lanishlarda nisbatan yuqori qiymatlar kuzatildi (0,58 mart, 0,51 may, 2-jadval). Mazkur indeks 1 oylik bog'lanishlarni ifodalagan uchun, ushbu oylarda yoqqan yog'inning shu oylarning o'zida daryo oqimi miqdoriga ta'sir etishi bilan izohlanadi. Ishda, shuningdek, SPI÷SSI o'rtasida statistik bog'lanishlarni SPI2, SPI3, ..., SPI12 va SSI2, SSI3, ..., SSI12 turdagi indekslar bo'yicha ko'rib chiqildi.

Statistik tahlil natijalaridan ko'rinib turibdiki, o'zgaruvchilar asosida aniqlangan SPI2÷SSI2 qurg'oqchilik indeksleri orasidagi bog'lanishlar ham nisbatan kichikroq qiymatlar olindi. Mazkur 2 oylik indekslar orasida eng zich bog'lanishlar mart-aprel- va aprel-may oylari davrlariga to'g'ri kelib, ularning qiymatlari mos ravishda 0,67÷0,62 ga teng bo'lgan (3.3-rasm). Undan keyingi nisbatan zichroq bog'lanishlar fevral-mart va may-iyun oylari davrlariga to'g'ri kelgan (2-jadval).

2-jadval


Meteorologik (Piskom MS) va gidrologik (Ugom daryosi) qurg'oqchilik indeksleri (SPI÷SSI) orasidagi statistik bog'lanishlar qiymatlari (r – Pirson korrelyatsiya koeffitsiyenti)

Oylar	SPI1 va SSI1	SPI2 va SSI2	SPI3 va SSI3	SPI4 va SSI4	SPI5 va SSI5	SPI6 va SSI6	SPI7 va SSI7	SPI8 va SSI8	SPI9 va SSI9	SPI10 va SSI10	SPI11 va SSI11	SPI12 va SSI12
Yanvar	-0,06	0,14	0,31	0,47	0,42	0,30	0,30	0,30	0,40	0,49	0,62	0,67
Fevral	0,24	0,11	0,15	0,31	0,47	0,46	0,36	0,37	0,38	0,45	0,53	0,65

Mart	0,58	0,53	0,46	0,45	0,53	0,62	0,60	0,52	0,48	0,43	0,45	0,50
Aprel	0,49	0,67	0,66	0,65	0,63	0,69	0,75	0,75	0,70	0,67	0,60	0,57
May	0,51	0,62	0,73	0,73	0,74	0,73	0,80	0,82	0,83	0,80	0,78	0,71
Iyun	0,36	0,54	0,65	0,75	0,75	0,77	0,78	0,84	0,86	0,86	0,84	0,83
Iyul	0,42	0,48	0,62	0,71	0,79	0,79	0,82	0,82	0,86	0,88	0,89	0,87
Avgust	0,25	0,45	0,46	0,62	0,73	0,81	0,81	0,83	0,83	0,88	0,89	0,89
Sentabr	0,08	0,17	0,35	0,44	0,60	0,71	0,81	0,80	0,82	0,83	0,88	0,90
Oktabr	0,36	0,20	0,07	0,11	0,13	0,36	0,54	0,69	0,72	0,74	0,77	0,82
Noyabr	0,41	0,53	0,40	0,21	0,15	0,14	0,31	0,45	0,60	0,64	0,68	0,72
Dekabr	0,26	0,38	0,49	0,41	0,25	0,21	0,19	0,31	0,43	0,58	0,64	0,68


Izoh: ranglar korrelyatsiya ko'effitsiyentlari darajasini ifodalaydi (qizil-kichik, yashil- yuqori).

SPI÷SSI o'rtasida statistik bog'lanishlarning yuqori qiymatlari SPI5÷SSI5 dan SPI12÷SSI12 da muayyan davrlarda qayd etilgan. Xususan, SPI5÷SSI5 qurg'oqchilik indeksleri ichida eng zich bog'lanishlar yanvar-may oylaridan aprel-avgust oylari davrlari oralig'ida qayd etilgan. Mazkur 4 ta davrda korrelyatsiya ko'effitsiyentlari $r = 0,70$ dan yuqori bo'lgan. SPI6÷SSI6 bog'lanishlarida korrelyatsiya ko'effitsiyentlari $r = 0,70$ dan yuqori bo'lgan 5 ta davrda, 7, 8, 10 va 11 oylik qurg'oqchilik indekslarida 6 ta davrni va 9 va 12 oylik indekslarda eng ko'p 7 ta davrni tashkil etadi. Korrelyatsiya ko'effitsiyentlarining eng yuqori ko'rsatkichi ($r=0,90$) ham 12 oylik indekslarda oktabr-sentabr davrida kuzatilgan.



1-rasm. Meteorologik va gidrologik qurg'oqchilik indekslari (SPI6÷SSI6) orasidagi bog'lanish grafiklari a) Piskom daryosi; b) Ugom daryosi

Meteorologik va gidrologik qurg'oqchilik indekslari o'rtasida aniqlangan eng zich bog'lanishlarning ba'zilar grafik ko'rinishda keltirildi (1-rasm). Ushbu rasmda SPI6÷SSI6 o'rtasida bog'lanishlarning fevral-iyul oylari davridagi bog'lanish grafiklari va ularning determinatsiya ko'effitsiyentlari (R^2) aks etgan.



2-rasm. Meteorologik va gidrologik qurg'oqchilik indekslari (SPI12÷SSI12) o'rtasida bog'lanishlar grafiklari a) Piskom daryosi; b) Ugom daryosi

Shu kabi grafiklar SPI12÷SSI12 uchun ham keltirildi (2-rasm). Grafiklar natijalaridan ham ko'rinib turibdiki, SPI6÷SSI6 va SPI12÷SSI12 o'rtasida bog'lanishlarda Ugom daryosi bo'yicha Piskom daryosiga nisbatan yuqori bo'lgan. Kuzatilgan davr bo'yicha SPI6÷SSI6 bog'lanishlar Piskom daryosi bo'yicha $R^2=0,45$ qiymatda bo'lgan bo'lsa, Ugom daryosi oqimi bilan bog'lanish qiymati $R^2=0,63$ ga teng bo'lgan. SPI12÷SSI12 ning oktabr-sentabr davrlar uchun keltirilgan grafikda bog'lanishlar ko'rsatkichlari SPI6÷SSI6 nisbatan yuqori ekinligini ko'rish mumkin,

ya'ni Piskom daryosi oqimi indeksi bo'yicha $R^2=0,57$ ga, Ugom daryosi oqimi indeksi bo'yicha esa $R^2=0,81$ qiymatlarda bo'lgan.

Xulosa. 1. Chirchiq daryosi havzasiga yoqqan atmosfera yog'inlari daryolar oqimiga to'g'ridan-to'g'ri bog'langan bo'lib, ular yordamida daryolar oqimini atmosfera yog'inlariga bog'liq holda prognozlash imkoniyatlari mavjud;

2. Meteorologik (SPI) va gidrologik (SSI) qurg'oqchilik indekslari orasidagi bog'lanishlar tahlilidan ma'lum bo'ldiki, korrelyatsiya koeffitsiyentlarining qiymati daryolarning to'yinish manbalariga bog'liq holda o'zgaradi. Piskom daryosiga nisbatan Ugom daryosi uchun aniqlangan korrelyatsiya koeffitsiyentlarining qiymatlari kattaroqdir;

3. Qurg'oqchilik indekslari SPI va SSI oraliqlarining ortib borishi bilan ular korrelyatsiya koeffitsiyentlarining qiymatlari ham ortib boradi. Shuning uchun eng yaxshi ko'rsatkich har ikkala daryoda ham SPI12 va SSI12 indekslariga to'g'ri kaladi. Chunki, ushbu davr daryolar havzasida namlikning to'planishi va sarflanishi kuzatiladigan oraliqni to'liq qamrab oladi.

4. Meteorologik qurg'oqchilik (SPI) va gidrologik qurg'oqchilik (SSI) indekslari o'rtasida bog'lanishlar zichligini ifodalaydigan korrelyatsiya koeffitsiyentlari qiymatining ancha kattaligi kelajakda daryo havzasida qurg'oqchilikni prognozlash imkoniyatlarini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Хикматов Ф.Х., Тургунов Д.М. Маловодные годы на горных реках, вопросы расчета их нормы и параметров углубления // Весник НУУз. № 3/1. Естественные науки. – Ташкент, 2017. – С. 330 – 335.

2. Guo, H., Bao, A., Ndayisaba, F., Liu, T., Jiapaer, G., El-Tantawi, A.M. and De Maeyer, P., 2018. Space-time characterization of drought events and their impacts on vegetation in Central Asia. *Journal of Hydrology*, 564, - P. 1165-1178.

3. Sheffield, J., Wood, E.F., Characteristics of global and regional drought, 1950–2000: analysis of soil moisture data from off-line simulation of the terrestrial hydrologic cycle. *J. Geophys. Res.* 112, D17115. 2007. <https://doi.org/10.1029/2006JD008288>.

4. Svoboda, Mark D., and Brian A. Fuchs. *Handbook of drought indicators and indices*. Geneva, Switzerland: World Meteorological Organization, 2016.

АМУДАРЁ ОҚИМИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ ҲАҚИДА

Иллатдинов Т.С.

Аннотация. Мақола дарёлар оқимининг ўзгарувчанлигини статистик баҳолаш масалаларига бағишланган. Шу мақсадда, дарё оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентини Амударёнинг Туямўйин гидрологик постидида сўнгги йилларда қайд этилган гидрометеорологик маълумотлар асосида ҳисобланди. Ўзгарувчанлик коэффициентини асосида қаторнинг ўртача квадратли хатолиги аниқланди.

Калим сўзлар: дарё ҳавзаси, дарё, сув сарфи, ўзгарувчанлик коэффициентини, статистик баҳолаш.

Дарёлар оқимининг йилларо ўзгарувчанлигини ўрганиш натижалари сув ҳўжалиги тизимлари ва гидротехник иншоотларни лойихалашда ҳамда улардан самарали фойдаланишда муҳим ҳисобланади. Ушбу турдаги масалалар билан ўз даврида Б.В.Поляков, Г.В.Лопатин, Г.И.Шамов, А.В.Караушев, В.Л.Шулц, Б.В.Светиский, Ю.Н.Иванов, Чуб В.Е., З.С.Сирлибоева, Ф.Х.Ҳикматов, Б.Е.Аденбаев, Ғ.Х.Юнусов, С.А.Ҳайдаров, Р.Р.Зияев ва бошқалар шуғулланганлар.

Ушбу ишнинг асосий мақсадда Амударё оқимининг ўзгарувчанлигини сўнгги йилларда қайд этилган маълумотлар асосида ўрганишдан иборат. Ишда белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қўйидаги **вазифалар** белгиланди:

- 1) сув сарфлари кузатилиб бориладиган гидрологик постларни танлаш;
- 2) уларда ўлчанган гидрометеорологик маълумотларни тўплаш;
- 3) тўпланган маълумотлар асосида ўзгарувчанлик коэффициентини ҳисоблаш.

Сув ҳўжалиги тизими мақсадларида дарё сувидан самарали фойдаланишда фақатгина оқим меъёри ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш етарли эмас. Бунда характерли йиллардаги оқим миқдорларини, уларнинг такрорланиш ва таъминланишини билиш ҳам талаб этилади. Маълумки, дарё оқими турли табиий ва антропоген омиллар таъсирида йилларо ўзгариб туради. Гидрометрик маълумотлар, яъни кузатилган йиллари старлича узун қатор ($n \geq 25-30$) бўлганда, дарё оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентини (C_v) ни миқдорий баҳолаш эҳтимоллар назарияси қонуниятлари асосида олиб борилади ва унинг қиймати қўйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$C_v = \sqrt{\frac{\sum(K_i - 1)^2}{n-1}},$$


бу ерда: K_i – модуль коэффициентини; n - кузатиш йиллари сони.

Дарё оқимининг таъминланиши эса қўйидаги ифода ёрдамида аниқланади ва фоизларда ифодланади:

$$P = \frac{m - 0,3}{n + 0,4} \cdot 100 \%,$$

бу ерда: m - дарёларда маълум йилда кузатилган оқим миқдорининг камаювчи қатор бўйича аниқланган тартиб рақами; n - гидрологик кузатиш йиллари сони [1, 2].

Амударёда кузатилган характерли йилларни аниқлаш мақсадида дастлаб Туямўйин гидрологик постида қайд этилган маълумотлар таҳлил қилинди. Ушбу гидрологик пост маълумотлари асосида таъминланиш эгри чизиги графиги чизилди (1-расм).



1-расм. Амударё (Туямўйин к.) оқимининг таъминланиш эгри чизиги

Характерли йилларни ажратиш учун қуйидаги мезонлар танланди:

1) $Q \leq 33\%$, яъни сув сарфи 33 фоизли таъминланишдан кичик бўлса, кўп сувли;

2) $33\% \leq Q \leq 67\%$ шarti бажарилса, ўртача сувли;

3) $Q \geq 67\%$ шarti бажарилганда эса кам сувли бўлади.

Расмдан кўриниб турибдики, таъминланиш 50% га тенг бўлган қиймат ўртача кўп йиллик сув сарфи (800 м³/с) га тўғри келмоқда. Юқорида

келтирилган мезонларга асосан дарёда кузатиладиган кам сувли йиллар $Q \leq 610$ м³/с қийматда бўлса, кўп сувли йиллар $Q \geq 1010$ м³/с ораликларга тўғри келади [2].

Гидрологик ҳисоблашлар тажрибаси шунни кўрсатадики, агар ўзгарувчанлик коэффиценти (C_v) билан ассиметрия коэффиценти (C_s) орасидаги муносабат мос тушса, эмпирик (ўлчанган) нукталар назарий таъминланганлик эгри чизигига яқин, яъни зич жойлашади. Агар эмпирик нукталар назарий эгри чизикдан узоқ, яъни тарқоқ ҳолатда жойлашса, у ҳолда C_v билан C_s орасидаги муносабат ўзаро мос эмаслигидан дарак беради. Д.Л.Соколовский таҳлили бўйича текислик дарёлари учун ассиметрия коэффиценти (C_s) ва ўзгарувчанлик коэффиценти (C_v) орасидаги муносабат $C_s = 2 \cdot C_v$ мос эканлигини эслатиб ўтади.

Амударёнинг Туямўйин гидрологик пости бўйича ўртача кўп йиллик оқим қуйидаги ифода ёраида аниқланди:

$$Q_{\text{урм}} = \frac{\sum Q_i}{n} = \frac{30503}{36} = 847 \text{ м}^3/\text{с}.$$

Ҳисоблаш натижаларидан кўриниб турибдики, Амударёнинг Туямўйин сув ўлчаш пости бўйича ўртача кўп йиллик оқим 847 м³/с га тенг бўлди. Йиллик оқимнинг ўзгарувчанлик коэффицентини ҳисоблашда қуйидаги ифодадан фойдаландик [1, 2].

$$C_v = \sqrt{\frac{\sum (K - 1)^2}{n}} = \sqrt{\frac{5,45}{36}} = \sqrt{0,151} = 0,39$$

Амударёнинг Туямўйин гидрологик пости маълумотлари бўйича каторнинг ўртача квадратли хатолиги қуйидагича аниқланди:

$$E_Q = \frac{100 \cdot C_v}{\sqrt{n}} = \frac{100 \cdot 0,39}{\sqrt{23}} = \frac{100 \cdot 0,39}{6} = 6,5\% < 10\%$$

Шундай қилиб, $E_Q < 10\%$ бўлганлиги сабабли, шарт бажарилди, яъни ўртача кўп йиллик оқим қиймати 6,5 м³/с *оқим меъёри* деб қабул қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. –Тошкент: Университет, 2003. - 327 б.
2. Сирлибоева З.С. Гидрологик ҳисоблашлар. -Тошкент: Университет, 2001. -118 б.
3. Хикматов Ф.Ҳ., Юнусов Г.Ҳ., и др. Закономерности формирования водных ресурсов горных рек в условиях изменения климата. Монография. -Ташкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. -232 б.
4. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. -Л.: Гидрометеоздат, 1965. -691 с.

АТМОСФЕРА ЁГИНЛАРИНИНГ ТОҒ ДАРЁЛАРИ ОҚИМИГА ҚЎШГАН ХИССАЛАРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Сайдуллаев У.З.

Аннотация: мақолада тоғ дарёлари оқимига атмосфера ёгинларнинг таъсири Писком дарёси мисолида кўриб чиқилган. Дарё оқими билан турлари бўйича ажратилган йиллик атмосфера ёгинлари

орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик таҳлил қилинган ҳамда боғланишларда ҳар бир турнинг қўшган ҳиссалари аниқланган.

Калит сўзлар: дарё, дарё оқими, гидрологик йил, атмосфера ёгинлари, корреляция коэффициентини, регрессия тенгламаси, статистик баҳолаш.

Ишни бажариш жараёнида Писком дарёси Муллала гидрологик постида 1980-2018 йиллар давомида кузатишган ўртача ойлик ва кунлик сув сарфлари ҳақидаги гидрологик ҳамда Писком ва Ойгаинг метеорологик станцияларида қайд этилган ойлик атмосфера ёгинлари ва ўртача кунлик ҳаво ҳарорати ҳақидаги метеорологик маълумотлардан фойдаланилди. Махсус жадваллар ёрдамида атмосфера ёгинларининг қаттиқ (қор) ва суюқ (ёмгир) турлари ажратиб олинди. Тадқиқот жараёнида гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар ҳамда гидрометеорологияда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, кам сувли йилларда Писком дарёси оқимининг шаклланишида 60 фоиздан ортиги ер ости сувларининг ҳиссасига тўғри келади. Кўп сувли йилларда эса бу миқдор 30 фоизгача камайиши кузатишган. Экстремал сувли йилларда дарё оқимининг шаклланишида бошқа тўйиниш манбаларининг, яъни қор, ёмгир ва музликлар эриши ҳисобига шаклланган оқим миқдори, мос равишда, 20÷30%, 10÷15% ва 10÷25% ораликларда ўзгаради.

1-жадвал

Писком дарёси оқими билан турлари бўйича ажратилган атмосфера ёгинлари орасидаги боғланишлар

№	Боғланишлар	Метеостанция	Регрессия тенгламаси	Корреляция коэффициентини ва унинг хатолиги, $r \pm \sigma_r$	Қор, %	Ёмгир, %
1	$Q_{\text{й}} = f(\sum X_{\text{к}}; \sum X_{\text{ё}})$	Писком	$Q = 0,022X_{\text{к}} - 0,048X_{\text{ё}} + 95,41$	0,81÷0,055	18	82
2	$Q_{\text{вег}} = f(\sum X_{\text{к}}, X_{\text{III}}; \sum X_{\text{ё}}, X_{\text{III}})$		$Q = 0,092X_{\text{к}} - 0,12X_{\text{ё}} + 129,3$	0,68÷0,089	40	60
3	$Q_{\text{й}} = f(\sum X_{\text{к}}; \sum X_{\text{ё}})$	Ойгаинг	$Q = 0,062X_{\text{к}} - 0,021X_{\text{ё}} + 55,06$	0,83÷0,051	75	25
4	$Q_{\text{вег}} = f(\sum X_{\text{к}}, X_{\text{III}}; \sum X_{\text{ё}}, X_{\text{III}})$		$Q = 0,154X_{\text{к}} - 0,073X_{\text{ё}} + 72,07$	0,79÷0,060	85	15

Писком дарёсида кўп сувли 1990 йилда қайд этилган йиллик оқим миқдори кўп йиллик меъёрга нисбатан 21 фоизга кўп бўлган (91,1 м³/с). Бунинг асосий сабабини дарё ҳавзасининг юқори баландлик зоналарига гидрологик йил давомида тушган атмосфера ёгинларининг 72 фоизи қор қўринишида бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Кам сувли 2000 йилда эса бу миқдор 49 фоизга тенг бўлган. Шу йили дарёда кўп йиллик меъёрнинг 85 фоизи оқиб ўтган. Ушбу таҳлилларнинг ўзи дарёларда кам сувли йилларни шаклланишида атмосфера ёгинлари турларининг ўрни юқори эканлигидан далолат беради. Шу ҳолатни инобатга олиб, ишда Писком дарёси оқими билан турлари бўйича ажратилган йиллик атмосфера ёгинлари орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланди ва боғланишда ҳар бир турнинг қўшган ҳиссалари аниқланди (1-жадвал).

Писком дарёси оқими билан Писком метеорологик станциясида қайд этилган йиллик атмосфера ёгинлари миқдори орасидаги кўп ҳадли боғланишлар зичлигини ифодаловчи корреляция коэффициентининг қиймати 0,81 га тенг бўлди. Мазкур боғланишда қор қўринишида ёққан атмосфера ёгинларининг қўшган ҳиссаси 18 фоизга тенг бўлган бўлса, ёмгирлар эса 82 фоизни ташкил этади. Худди шу боғланиш Ойгаинг метеорологик станцияси маълумотлари асосида тузилганда атмосфера ёгинлар турларининг қўшган ҳиссалари, мос равишда, 75 ва 15 фоизга тенг бўлди. Писком дарёсининг вегетация даври оқимнинг шаклланишида гидрологик йилнинг совуқ ярим йиллигида ёққан атмосфера ёгинлари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу боғланишларда қаттиқ турдаги атмосфера ёгинларининг улуши сезиларли ортган. Таъкидлаш лозимки, Писком дарёси оқими билан Ойгаинг метеорологик станцияси маълумотлари асосида турларга ажратилган атмосфера ёгинлари орасидаги кўп ҳадли боғланишларда корреляция

Фойдаланилган адабиётлар

1. Турғунов Д.М. Ўрта Осиё тоғ дарёларида кам сувли йилларнинг метеорологик шароитлари // География ва география таълимидаги муаммолар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2018. - Б. 8-10.

2. Турғунов Д.М., Холматжанов Б.М., Нуриддинова С.И. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёлари оқимининг метеорологик омилларга боғлиқлиги // Ўз ГЖ ахбороти. 48-жилд. –Тошкент, 2016. – Б. 140-144.

3. Ҳикматов Ф.Х., Турғунов Д.М. Тоғ дарёларида кам сувли йиллар, уларнинг меъёри ва кам сувлиликнинг чуқурлашуви масалалари // ЎзМУ хабарлари. Табиий фанлар. -Ташкент, № 3/1. 2017. - Б. 330 - 335.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ ЎНКУНЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎЗГАРИШИ

Қозокбоева А., Холбаев Г.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинлари (ғўза, донли экинлар) ўзининг ўсиши ва ривожланиши жараёнида тупроқ-иқлим шароити ва уни ўраб турган муҳитнинг турли омиллари таъсирига тушиб уруғ унади, ўсади ва ривожланади, улардан асосийлари ҳаво ҳарорати, ёгингарчилик ва бошқалар.

Ушбу катталиклар экилган экиннинг ривожланиш чегаралари ва даврда максимал ҳосил олишга имкониятини пасайтиради. Ушбу омиллардан фойдаланиш учун энг аввало экиш муддатларига алоҳида аҳамият беришимиз, сўнгра ўсимликга омиллар қандай таъсир кўрсатишини тушуниб ва ҳар бир ҳудудда экишни оптимал таъминланганлик муддатини аниқлаш зарур бўлади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг сугориладиган ҳудудларида сўнгги 1991-2020 йиллар оралигидаги метеорологик катталикларнинг ўзгаришини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўсимлик уруғларини сепиши, экиш ва сабзавот кўчатларини ерга қадаш муддатларини мақбул кунларини белгилаш аввало тупроқ (ҳаво) ҳароратини ҳар бир ўсимлик ривожини учун етарли даражада бўлишига қараб аниқланади [1-6].

Метеорологик режимни тадқиқ қилишда ҳаво ҳароратини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Шу сабаблардан келиб чиққан ҳолда, базавий (1961-1990 йй.) ва жорий (1991-2000 йй.) иқлимий даврларда декадалар бўйича кўп йиллик метеорологик режимни тадқиқ этишда ҳаво ҳароратининг ўртача ойлик қийматларидан фойдаланилди.

Жадвалда 1991-2020 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси да жойлашган метеорологик станцияларида (Қўнғирот, Чимбой, Тахиотош, Тахтақўпир, Нукус) ўртача ҳаво ҳароратининг базавий ва жорий иқлимий даврларда декадалар давомида ҳамда ҳаво ҳароратининг ўзгариши такқосланган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, жорий иқлимий даврда ўртача ҳаво ҳароратининг кўпроқ ўзгариши январ ва апрел ойининг биринчи ўнқунликларида қузатилган бўлиб, августъ декабрь ойларида нисбатан камроқ ошган. Бу ҳудудларда бошқа ойларга нисбатан қиш ойларида иқлимнинг ўзгаришини билдиради.

Жадвал

Сугориладиган ҳудудлардаги метеорологик станцияларда базавий (1961-1990 йй.) ва жорий иқлимий (1991-2020 йй.) даврда ҳаво ҳароратининг ўнқунликлар бўйича ўзгариши

Ойлар	Ўн кунлик	Қўнғирот	Чимбой	Тахиотош	Тахтақўпир	Нукус
Сентябрь	1	20,5 / 21,6	20,3 / 21,5	21,8 / 23,0	20,5 / 21,3	21,6 / 22,7
	2	18,6 / 19,2	18,5 / 19,1	19,8 / 20,5	19,2 / 18,9	19,7 / 20,2
	3	16,2 / 16,3	15,9 / 16,2	17,3 / 17,8	15,5 / 15,9	17,0 / 17,3
Октябрь	1	12,3 / 13,7	12,1 / 13,8	13,5 / 15,1	13,6 / 13,3	13,1 / 14,5
	2	10,3 / 11,3	10,1/11,3	11,5 / 12,7	10,5 / 10,9	11 / 12,1
	3	7,4 / 8,5	7,2 / 8,7	8,5 / 10,2	8,2 / 8,4	8, / 9,6
Ноябрь	1	5,5 / 6,2	5,4 / 6,4	6,7 / 7,6	6,8 / 6,0	6,2 / 7
	2	3,5 / 2,5	3,3 / 2,8	4,5 / 4,0	2,1 / 2,3	4,0 / 3,2
	3	1,5 / -0,3	1,2 / 0,1	2,5 / 1,4	-0,9 / -0,3	2,0 / 0,6
Декабрь	1	-0,4 / -2,1	-0,6 / -1,5	0,6 / -0,6	-1,4 / -1,9	0,1 / -1,4
	2	-1,9 / -3,1	-2,1 / -3,0	-0,9 / -1,7	-1,7 / -3	-1,4 / -2,4
	3	-3,9 / -3,2	-4,2 / -2,7	-3,3 / -1,5	-2,8 / -3,2	-3,8 / -2,4
Январь	1	-4,6 / -4,4	-4,6 / -4,2	-3,8 / -2,8	-5,0 / -4,4	-4,2 / -3,6
	2	-5,2 / -4,4	-5,1 / -4,3	-4,0 / -3,0	-5,8 / -4,5	-4,5 / -3,7
	3	-6,7 / 4,6	-6,9 / -4,4	-5,5 / -3	-3,5 / -4,5	-6,1 / -3,8
Феврал	1	-5,9 / -3,1	-6,2 / -2,8	-4,8 / -1,6	-3,1 / -3,0	-5,4 / -2,2
	2	-4,2 / -2,8	-4,2 / -2,7	-2,6 / -1,2	-4,9 / -2,8	-3,2 / -2,1
	3	-3,0 / -0,7	-2,9 / -0,4	-1,5 / 1,2	-2,7 / -0,6	-1,9 / 0,3
Март	1	-1,1 / 2,5	-0,9 / 3,0	0,7 / 4,4	0,7 / 2,6	0,3 / 3,8
	2	2,9 / 4,5	3,2 / 5,0	4,6 / 6,1	1,6 / 4,8	4,3 / 5,6
	3	6,2 / 8,2	6,5 / 9,0	7,9 / 9,8	6,3 / 8,7	7,7 / 9,4
Апрель	1	9,4 / 11,2	9,8 / 11,5	11,0 / 12,5	9,6 / 11,4	10,8 / 12,2
	2	13,2 / 14,6	13,6 / 14,9	14,7 / 15,9	14,5 / 14,9	14,5 / 15,6
	3	15,3 / 16,9	15,6 / 17,1	16,6 / 17,8	16,4 / 17,1	16,5 / 17,6
Май	1	18,3 / 19,4	18,5 / 19,6	19,5 / 20,3	18 / 19,5	19,4 / 20,1
	2	20,4 / 21,7	20,5 / 21,8	21,5 / 22,7	20,5 / 21,7	21,3 / 22,4
	3	22,1 / 23,4	22,3 / 23,4	23,3 / 24,3	22,2 / 23,3	23,2 / 24,1
Июнь	1	23,8 / 25,3	23,9 / 25,2	25,1 / 26,2	25,1 / 25,3	25,0 / 26,2

	2	25,4 / 27,1	25,5 / 27,1	26,8 / 27,9	26,7 / 26,9	26,7 / 27,9
	3	26,4 / 27,9	26,5 / 27,7	27,6 / 28,7	27,8 / 27,8	27,6 / 28,9
Июль	1	27,5 / 28,6	27,4 / 28,4	28,7 / 29,4	27,9 / 28,4	28,7 / 29,6
	2	27,6 / 28,5	27,5 / 28,4	28,7 / 29,1	27,8 / 28,3	28,8 / 29,5
	3	27,2 / 28,2	27,2 / 27,9	28,4 / 28,9	28,1 / 28,0	28,5 / 29,2
Август	1	26,0 / 27,7	25,7 / 27,6	26,9 / 28,4	26,7 / 27,6	27,0 / 28,8
	2	25,6 / 26,2	25,4 / 25,9	26,7 / 27,1	25,8 / 25,9	26,7 / 27,3
	3	22,8 / 24,3	22,6 / 24,1	24,0 / 25,2	23,6 / 24,1	23,9 / 25,4

Изоҳ: 1 – биринчи ўнқунлик, 2 - иккинчи ўнқунлик, 3 - учинчи ўнқунлик. Қаср суръатида 1961-1990 йиллар. Қаср махражида 1991-2020 йиллар маълумотлари

Хулоса қилиб айтганда, ушбу маълумотлардан Қорақалпоғистон Республикаси сугориладиган ҳудудларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳудудларнинг термик режимини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Таҳлил қилиш ҳамда ушбу изланишлар келажакда иқлим ўзгариши жараёнида Республикаимизнинг турли чегарадош қўшни Республикалар ҳудудлари маълумотлари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда зарур бўладиган термик ресурсларнинг ўзгаришини қайтадан кўриб чиқиш каби илмий ишлар олиб бориш лозимлигини тақоза этади.

Адабиётлар

1. Группер С.Р. Агрометеорологическая оценка продуктивности озимой пшеницы в Узбекистане. Ташкент. 1998. -156 с.
2. Назаров Р.С., Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х. Ўзбекистонда гўза агротехникаси, агроиклимий шароитлар ва ресурслар. Тошкент. -2009. -161 б.
3. Холбаев Г.Х., Курганов Р.Н., Расулов А. Ҳудудларнинг термик ресурсларини баҳолаш (Қорақалпоғистон республикаси мисолида) / Физика фанининг ривожига истеъдодли ёшларнинг ўрни / илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2-жилд. ИАК-VIII. 2015 йил 24-25 апрель. Тошкент – 2015. – Б.359-364
4. Kholbaev G. Kh, Abdullaev A.K. Change of meteorological values in the autumn of Republic of Karakalpakstan and Khorezm region. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. 2020. Vol. 7, Issue 3, March. –PP. 123123-13130.
5. Kholbaev G.Kh., Khadjaeva G. The air temperature changes in the irrigated areas of the republic of Karakalpakstan. SJIF Impact Factor: 7.001 EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). 2020. Volume: 5. Issue: 5. May <https://doi.org/10.36713/epra2016>. [www.eprajournals.com\(online\)](http://www.eprajournals.com(online)).
6. Kholbaev G.Kh., Abdullaev A.K., Egamberdiev Kh.T. The vegetation period of winter wheat in southern areas of the Republic of Uzbekistan. Journal of Critical reviews. 2020. Vol 7, Issue 9, –PP. 122-125.

JIZZAX MSDAGI O'RTACHA HAVO HARORATINING YILLARARO O'ZGARISHINI TADQIQ QILISH

Eshmirzayev D., Axmuratova B.X.

So'nggi yillarda iqlimning tabiatga, tirik organizmlarga ta'sirini o'rganish muhim vazifalardan biriga aylanib bormoqda. Shuningdek, mamlakatimiz iqtisodiyotining turli tarmoqlariga bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatuvchi meteorologik sharoitlarning va iqlimiy kattaliklarning o'zgarishini tadqiq etish dolzarblik kasb etib borayotganligini inkor etib bo'lmaydi. So'nggi yillar davomida o'zimiz yashab turgan hududlarda iqlimiy kattaliklarning keskin o'zgarishlarini har birimiz o'z tanamizda his qilib turibmiz. Masalan, yoz oylarida havo haroratining keskin ko'tarilib ketishi, qish oylarida yog'ingarchiliksiz kunlar sonining ko'payib ketganligi, bahor mavsumida kuzatilayotgan anomal issiq haroratlari va ularning ortidan kelayotgan jala yog'inlari yog'ishi hodisalarining ortganligi kabi ob-havo hodisalarini keltirishimiz mumkin.


Shularni hisobga olgan holda, Jizzax MS da kuzatilgan o'rtacha havo haroratining joriy iqlimiy davrdagi o'zgarishini tadqiq qilishni maqsad qildik. Hammamizga ma'lumki, olimlar tomonidan 1961-1990 yy oralig'i bazaviy iqlimiy davr sifatida o'rganilgan va 1991-yildan shu bugungi kungacha bo'lgan davrni joriy iqlimiy davr sifatida o'rganishga kelishib olingan. Ilmий tadqiqot ishimizning maqsadidan kelib chiqqan holda, joriy iqlimiy davrda kuzatilgan o'rtacha havo haroratlarining o'rtacha oylik hamda o'rtacha dekadalik qiymatlari asosida grafik va jadvallar tuzdik. Quyida olingan natijalarni havola etamiz.

Quyidagi 1-grafikda ko'rilganidek, yanvar oyidagi eng past harorat ko'rsatkichi joriy iqlimiy davrning birinchi o'n yilligi hissasiga to'g'ri kelmoqda. Dekadalar bo'yicha olingan havo haroratining o'rtacha qiymatlari yanvar va fevral oylarida keskin ko'tarilib tushish xarakterini aks ettirganligini ko'rishimiz mumkin. Yanvar oyining ikkinchi va uchinchi dekadasi 2011-2021 yy oralig'ida avvalgi ikkala o'n yilliklarga nisbatan sezilarli qiymatda ortganligini ko'rishimiz mumkin. Kuzatuv davrining birinchi o'n yilligida fevral oyi ikkinchi va uchinchi dekadalari, hamda mart oyining uchala dekadasi ham keyingi o'n yilliklarga nisbatan past ko'rsatkichni egallaganini ko'rishimiz mumkin.


Yanvar va fevral oylaridan farqli ravishda dekabr oyining ikkinchi va uchinchi dekadalarida o'rtacha

qiymatning ilk o'n yillikda yuqori ekanligini ko'rishimiz mumkin.

Navbatdagi keltirilgan 2-grafikda o'rtacha havo haroratining oylar bo'yicha tebranishini ko'rishimiz mumkin. Xuddi dekadalik qiymatlarda ko'rilganidek, bu grafikda ham yanvar oyidagi nisbatan past harorat joriy iqlimiy davrning birinchi o'n yilligiga va mos ravishda nisbatan yuqori haroratlar ikkinchi va uchinchi o'n yilliklarga to'g'ri kelgan. Xuddi shunday haroratlar farqini may va iyun oylarida ham kuzatishimiz mumkin. Fevral va mart oylarida esa nisbatan sovuq harorat 1991-2000 yy ga to'g'ri kelsa, nisbatan eng iliq harorat 2001-2010 yy ga to'g'ri kelganligini ko'rishimiz mumkin. Qayd etilgan o'rtacha havo haroratlari keltirilgan jadvalni yuqorida e'tiboringizga havola qilamiz.



1-расм. Ko'p yillik dekadalik ortacha haroratlarning on yilliklar bo'yicha tebranishi



2-расм. Jizzax meteorologiya stansiyasida o'rtacha oylik havo haroratlarning o'n yilliklar bo'yicha o'zgarishi

Shuningdek, tadqiqot davri uchun atmosfera yog'inlarining o'rtacha qiymatlari ham ko'rib chiqildi. O'rtacha dekadalik qiymatlar asosida chizilgan grafikda yog'in miqdorlarining notekis taqsimlanganligini ko'rishimiz mumkin. Eng yuqori ko'rsatkich joriy iqlimiy davrga tegishli bo'lib, bu qiymat mart oyining uchinchi dekadasi to'g'ri kelgan. Ushbu dekadada atmosfera yog'inlarining o'rtacha qiymati 27.5 mmni tashkil qilgan. Eng kam yog'in miqdorlari ikkala davr uchun ham yoz oylariga to'g'ri kelgan.

Адабиётлар

1. Назаров Р.С., Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х. Ўзбекистонда гўза агротехникаси, агроиклимий шароитлар ва ресурслар. Тошкент. -2009. -161 б.
2. Холбаев Г.Х., Курганов Р.Н., Расулов А. Худудларнинг термик ресурсларини баҳолаш (Қорақалпоғистон республикаси мисолида) / Физика фанининг ривожда истеъдодли ёшларнинг ўрни / илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2-жилд. ИАК-VIII. 2015 йил 24-25 апрель. Тошкент – 2015. – Б.359-364
3. Петров Ю.В., Ахмедова М.Ш. Биоклиматические условия Узбекистана // Известия Географического общества Узбекистана, 55-том. 2019. – С. 206-209.

ТУРИСТИК МАҚАДЛАР УЧУН УРГАНЧ ШАҲРИНИНГ БИОИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Бегматов С.У., Холматжанов Б.М.

Аннотация: Мақолада кўп йиллик ўртача биометеорологик шароитлари Урганч метеорология станциясида 2009-2018 йиллардаги кузатиш маълумотларини статистик қайта ишлаш асосида иссиқлик комфорт, об-ҳаво шароитларининг эстетик ва физикавий ташкил этувчилари орқали акс эттирувчи “Туризм иқлимий ахборот схемаси” ҳавола қилинади.

Калит сўзлар: ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициент, иссиқлик ҳиссиёти, ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, атмосфера ёгинлари, булутлилик, шамол тезлиги, “Туризм иқлимий ахборот схемаси”

Ўзбекистон Республикасида жадал ривожланаётган туризм соҳаси учун иқлимий маълумотлар мажмуаси талаб қилинади. Хоразм воҳасида мавжуд туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш сўнги йиллардаги метеорологик кузатув маълумотлари асосида ҳудуднинг иқлимий ва биоиқлимий шароитларини баҳолашни тақозо этади. Мазкур эҳтиёжни инобатга олган ҳолда тадқиқот ишида Ўзбекистонлик олимлар томонидан таклиф қилинган янги биометеорологик индекс – ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициентидан (ТГК) фойдаланиб Урганч шаҳрининг биоиқлимий шароитлари баҳоланди.

Мазмунига кўра ТГК бирликсиз катталиқ бўлиб, ҳаво ҳарорати ва намлигининг инсон организми иссиқлик ҳиссиётига биргаликдаги таъсирини ҳисобга олиш имконини беради. Индекс куйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади [1, 3, 4]:

$$K = \frac{T - t_a}{T} = \frac{\Delta}{T} \quad (1)$$

бу ерда T – ҳаво ҳарорати (Кельвинларда); t_a – шудринг нуқтаси ҳарорати; Δ – шудринг нуқтаси ҳарорати дефицити.

Ҳаво ҳарорати ва ТГК орасидаги боғлиқлик асосида инсон организми иссиқлик ҳиссиётининг 1 – ўта совуқ, 2 – совуқ, 3 – комфорт, 4 – нисбий комфорт, 5 – иссиқ, 6 – ўта иссиқ зоналари ажратилади [2, 4].

Урганч метеорология станциясининг 2009-2018 йиллардаги 10 йиллик кузатув маълумотлари асосида Урганч шаҳрида иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг кўп йиллик ўртача қийматлари тақсимоти, уларнинг сутка ва йил ичидаги ўзгаришлари аниқланди ҳамда ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, атмосфера ёгинлари, булутлилик ва шамол тезлиги маълумотлари статистик қайта ишланиб, шаҳарнинг иқлимий шароитлари баҳоланди. Олинган натижалар умумлаштирилиб, иссиқлик ҳиссиёти, об-ҳаво шароитларининг эстетик (булутлилик ва нисбий намлик) ва физикавий (димқиш, ёгингарчилик, шамол) ташкил этувчиларини акс эттирувчи “Туризм иқлимий ахборот схемаси” декадалик қийматлар асосида ҳавола қилинади [5].

Схема батафсил иқлимий маълумотлардан иборат бўлиб, сайёҳларга йил давомида об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда таътил ва дам олиш вақтини режалаштириш имкониятини яратади ва куйидаги ташкил этувчиларни ўз ичига олади:

- иссиқлик ҳиссиёти ташкил этувчилари: совуқлик стресси (ТГК = 1-зона), термик комфорт (ТГК = 3-зона), иссиқлик стресси (ТГК = 6-зона);

- эстетик ташкил этувчилар: очик об-ҳаво (булутлилик < 5 балл), туман (нисбий намлик > 93%);


- физикавий ташкил этувчилар: димқиш (сув буги босими > 18 гПа), ёгинли кунлар (ёгинлар миқдори > 5 мм), куруқ кунлар (ёгинлар миқдори < 1 мм), шамолли кунлар (шамол тезлиги > 8 м/с).

Таҳлил қилинаётган катталиқларнинг тақсимоти фоизларда ифодаланган тақдорланувчанлик кўринишида ҳавола этилиб, ҳар бир рангли устун муайян катталиқларнинг мос тақдорланувчанлигини тавсифлайди. 100% тақдорланувчанлик жадвалнинг ўнг қисмида берилган ҳолатнинг ойнинг ҳар бир кунда қайд этилганини англатади. 50% тақдорланувчанлик ҳолатнинг 15 кун давомида, 10% тақдорланувчанлик эса - 3 кун давомида қайд этилишига мос келади. Биоиқлимий маълумотларнинг сайёҳлар томонидан тушунишини енгилаштириш мақсадида “Туризм иқлимий ахборот схемаси”нинг биоиқлимий шароитларни “ўта ноқулай” дан “идеал” гача бўлган, ҳар бири тахминан 14% эҳтимолликка эга бўлган 7 та синфдан иборат шкаласи ҳам ҳавола этилади. Совуқлик ва иссиқлик стресси, туман, димқиш, ёгинли ва шамолли кунлар учун тақдорланувчанликнинг катта қийматлари ноқулай шароитларни, термик комфорт, очик об-ҳаво ва куруқ кунлар учун эса қулай шароитларни англатади [5].

Кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёгинлари миқдорининг йил ичидаги тақсимоти Урганчда энг иссиқ ой июль (28,7°C), энг совуқ ой январь (-1,5°C) эканлигини кўрсатди (1-расм). Ўрганилаётган давр мобайнида Урганч шаҳрида кўп йиллик ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 13,6°C ни, атмосфера ёгинлари миқдори эса 147,8 мм ни ташкил этган.

Урганчда октябрнинг биринчи декадасидан бошлаб апрелнинг иккинчи декадасигача бўлган даврда совуқлик стресси шароитларининг тақдорланувчанлиги 50% дан юқорини ташкил этади (2а-расм). Бу давр

сайёҳлар учун ҳам совуқлик стресси, ҳам термик комфорт кўрсаткичлари бўйича “ноқулай”, “жуда ноқулай” ва “ўта ноқулай” даражаларга мос келади ва ҳаво ҳароратининг паст қийматлари билан изоҳланади (2б-расм).



1-расм. Урганч шаҳрида кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳарорати (Т) ва атмосфера ёгинлари миқдорининг (R) йил ичидаги тақсими (2009-2018 йй.)

Қолган ойларда совуқлик стресси кўрсаткичи бўйича “аъло” ва “идеал” шароитлар қайд этилсада, ёз ойларида (июль-август) термик комфорт бўйича “ноқулай” ва “жуда ноқулай”, иссиқлик стресси бўйича эса “жуда ноқулай” ва “ўта ноқулай” шароитлар кузатилади (2б-расм).

5 баллдан катта булутлилик кузатишган кунлар ноябрнинг биринчи декадасидан мартнинг биринчи декадасигача бўлган даврда 50% дан юқори такрорланувчанликка эга бўлиб (2а-расм), бу даврда булутлилик бўйича “ноқулай” шароитлар, қолган вақт оралиғида эса “қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар қайд этилади (2б-расм). Эстетик ташкил этувчилар каторига кирувчи нисбий намлик 93% дан юқори бўлган кунларнинг такрорланувчанлиги 25% дан кичик, қулайлик даражалари бўйича бу ҳолат “жуда қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитларни таъминлайди (2а,б-расм).

Инсон организмга таъсир кўрсатувчи об-ҳавонинг физикавий ташкил этувчилари – сув буги босими 18 гПа дан юқори бўлган кунлар, ёгинларсиз ва ёгинли кунлар ҳамда флюгер сатҳидаги шамол тезлиги 8 м/с дан катта бўлган кунлар сони бўйича Урганч шаҳрида “жуда қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар йил давомида кузатилади (2а,б-расм).

Шундай қилиб, бажарилган тадқиқот натижасида Урганч шаҳрида туристик нуқтаи назардан энг қулай бўлган давр апрелнинг иккинчи декадасидан июннинг иккинчи декадасигача (кўк ранг билан белгиланган 1-оралик) ҳамда августнинг иккинчи декадасидан сентябрнинг учинчи декадасигача (кўк ранг билан белгиланган 2-оралик) бўлган вақт оралиқларида қайд этилиши аниқланди (2б-расм).

Адабиётлар рўйхати

1. Петров Ю.В., Абдуллаев А.К. К вопросу оценки сухости воздуха // Метеорология и гидрология. – М.: НИЦ «Планета», – № 10. 2010. – С. 90-95.
2. Петров Ю.В., Ахмедова М.Ш. Биоклиматические условия Узбекистана // Известия Географического общества Узбекистана, 55-том. 2019. – С. 206-209.
3. Холматжанов Б.М., Петров Ю.В., Абдикулов Ф.И., Абдикулова М.Р., Сайпиддинов З.Ф., Махмудов М.М., Халматжанов Ф.М. Условия теплового комфорта города Ташкент // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. №2. 2020. – Б. 74-82.
4. Kholmatjanov B.M., Petrov Yu.V., Abdikulov F.I., Abdikulova M.R., Saypiddinov Z.F., Makhmudov M.M., Khalmatjanov F.M., Safarov F.B. Bioclimatic Resources and Their Consideration for Tourism Development in Selected Destinations of Uzbekistan // Indonesian Journal of Law and Economics Review IJLER 7 (0). doi: 10.21070/ijler.2020.V7.481.
5. Matzarakis A. Transfer of climate data for tourism applications – The Climate-Tourism/Transfer-Information-Scheme // Sustain. Environ. Res., 2014. 24(4). – PP. 273-280.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ ДАВРЛАР БЎЙИЧА ЎЗГАРИШЛАРИ

Умирзаков И.Б.

Аннотация: мақола Самарқанд вилоятида ҳаво ҳароратининг турли иқлимий даврлар бўйича ўзгаришларини ўрганишга бағишланган. Шу мақсадда, ўрганилаётган ҳудудда кузатишлар олиб борадиган, 5 та метеорологик станциялар танлаб олинган. Ҳисоблашлар натижалари таҳлиллари асосида, ҳаво ҳароратларининг турли иқлимий даврлар бўйича ўзгаришлари баҳоланган.

Калит сўзлар: иқлим, иқлим ўзгариши, ҳаво ҳарорати, ҳаво ҳароратларининг фарқи, илми, салбий оқибатлар, қурғоқчилик.

Бугунги кунда, дунё микёсида саноатнинг ривожланиши натижасида атмосферага чиқаётган



углекислот газлари миқдори йил сайин кўпаймоқда. Бу эса сайёрамизда “иссиқхона эффекти” ни кучайтириб, иқлим ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Оқибатда гидрометеорологик келиб чиқишли табиий офатлар кўпаймоқда. Масалан, дунёнинг айрим жойларида ёгингарчилик одатдагидан анча кўп бўлса, бошқа ҳудудларда қурғоқчилик авж оляпти [2; 294–301-б., 7; 18–40-б.].

Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ) маълумотларига кўра, Ер юзасида ҳарорат 1975-йилдан бошлаб, ҳар ўн йилда Цельсий бўйича тахминан 0,15-0,20 даражагача кўтарилмоқда. Бунинг натижасида дунё океани сув сатҳи маълум даражада кўтарилди, ер юзасида муз қопламлари майдони камайиши ва бошқа экстремал гидрометеорологик ҳодисалар кузатишмоқда [9; 109–127-б.].



Бугунги кунда, Ўзбекистонда аҳоли сони бўйича олдинги ўринларда турувчи Самарқанд вилоятида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши қандай салбий оқибатларни келтириб чиқаришини аниқлаш ва ундан тегишли амалий ҳулосаларга келиш жуда муҳимдир. Аини пайтда ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган жиддий метеорологик тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Биз ўрганаётган ҳудуд жанубий кенгликларда жойлашганлиги сабабли, бу ерда ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича ва йиллик ўзгаришлари ўзига хослиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради.

Самарқанд вилоятида 5 та метеорологик станцияларда мумтазам равишда кузатишлар амалга оширилади. Ушбу метеорологик станциялар Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати марказларига – Ўзгидрометга тегишлидир. Мазкур ишда ушбу метеорологик станцияларда базавий иқлимий давр (БИД, 1961-1990 йй.) ҳамда жорий иқлимий давр (ЖИД, 1991-2020 йй.)ларда қайд этилган ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар тўпланди ва улар таҳлил қилиниб бирламчи қайта ишланди.


Тадқиқот ишининг кейинги босқичида Самарқанд вилоятида базавий ва жорий иқлимий даврларда ҳаво ҳароратининг йиллараро ўзгаришлари масаласи кўриб чиқилди. Шу мақсадда вилоят ҳудудида жойлашган метеорологик станцияларда БИД ва ЖИДларда қайд этилган ҳаво ҳароратларининг йиллараро ўзгариш графиклари чизилди ва улар таҳлил қилинди (1-расм).



Самарқанд метеорологик станцияси



Даҳбит метеорологик станцияси



2.2-расм. Самарқанд вилоятида жойлашган метеорологик станцияларда БИД ва ЖИДларда кузатишган ўртача йиллик ҳаво ҳароратларининг ўзгариши

Графиклардан кўриниб турибдики, базавий иқлимий даврда Самарқанд метеорологик станциясида ўртача йиллик ҳаво ҳароратларининг энг катта қиймати 14,7 °С га тенг бўлиб, бу қиймат 1988 йилга тўғри келган. Ушбу метеорологик станция учун кўп йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 13,5 °С га тенг бўлди. Жорий иқлимий даврда энг юқори ҳаво ҳарорати 2019 йилда кузатишган бўлиб, 15,9 °С га тенг бўлган.

Самарқанд метеорологик станциясида базавий иқлимий ҳисоб даврда энг паст ўртача йиллик ҳаво ҳароратлари 1964, 1969, 1972, 1984 ва 1989 йилларда кузатишган. Масалан, Дахбит метеорологик станциясида энг паст ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1972 йилда 11,25 °С ни ташкил қилган. Худди шу йили Нуробод метеорологик станциясида эса ҳаво ҳарорати 12,71 °С га тенг бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида жойлашган метеорологик станцияларда кузатишган ҳаво ҳароратларининг базавий (БИД) ва жорий (ЖИД) иқлимий даврларда ўзгаришлари

Т/р	Метеорологик станция	Баландлиги, Н, м	БИД ҳаво ҳарорати, °С			ЖИД ҳаво ҳарорати, °С			$\Delta t_{\text{ўрт.}} = \bar{t}_{\text{жид}} - \bar{t}_{\text{бид}}$
			мах	мин	ўрт.	мах	мин	ўрт.	
	Нуробод метеорологик станцияси								15,6
	Пайшанба метеорологик станцияси								14,4
	Қўшрабод метеорологик станцияси								12,6
	Нуробод метеорологик станцияси								15,6
	Пайшанба метеорологик станцияси								14,7
	Қўшрабод метеорологик станцияси								13,5

1	Самарқанд	695	14,7	11,4	13,5	15,4	13,1	14,6	1,10
2	Даҳбед	645	16,5	11,3	13,6	15,1	12,8	14,3	0,70
3	Нуробод	530	15,9	12,7	14,9	16,8	14,4	15,5	0,60
4	Пайшанба	459	15,3	12,2	14,4	15,4	13,7	14,7	0,30
5	Қўшрабод	737	13,8	10,0	12,6	14,7	13,7	13,5	0,90

Изоҳ: БИД – базавий иқлимий давр (1961-1990 йй.); ЖИД – жорий иқлимий давр (1991-2020 йй.); $\bar{T}_{\text{баз}}$ ва $\bar{T}_{\text{жид}}$ – мос равишда БИД ва ЖИДлардаги ўртача кўп йиллик ҳаво ҳароратлари; $\Delta t_{\text{урт}}$ – ҳаво ҳароратларининг фарқи, °С.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Самарқанд вилоятида жойлашган метеорологик станцияларда кузатишган ҳаво ҳароратларининг кўп йиллик ўртача қийматлари орасидаги фарқ базавий иқлимий даврга нисбатан жорий иқлимий даврда бирмунча ортган. Масалан Самарқанд метеорологик станциясида базавий иқлимий даврда кузатишган ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати 13,5 °С га, жорий иқлимий даврда эса 14,7 °С га тенг бўлган. Яъни, базавий иқлимий даврга нисбатан жорий иқлимий даврда кузатишган кўп йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг фарқи 1,2 °С ни ташкил қилган. Ўрганилаётган бошқа метеорологик станцияларда ҳам ҳаво ҳароратининг ўртача кўп йиллик қийматлари базавий иқлимий даврга нисбатан жорий иқлимий даврда 0,30÷1,0 °С оралиқларда ортган (1-жадвал).

Хулоса. Тадқиқотда олинган натижалар таҳлилларини умумлаштириб, хулоса сифатида қайд этиш мумкин:

1) Самарқанд вилояти иқлимнинг юқори даражада ўзгарувчанлиги, унинг географик жойлашиши билан белгиланади. Вилоят Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, унинг худуди кескин континентал ва қуруқ иқлим билан тавсифланади;

2) Самарқанд вилояти худуди шимол ва гарбдан кириб келадиган турли хил ҳаво массаларига нисбатан очиқдир. Бу ҳолат худудда ҳаво ҳароратининг мавсумий ва йиллик тебранишлари анча юқори бўлган, сернам баҳор ва беқарор киш кузатиладиган иқлимни шакллантиради;

3) Самарқанд вилояти худудида, базавий иқлимий даврга нисбатан жорий иқлимий даврда ҳаво ҳароратининг ўртача қийматлари ортган. Ҳаво ҳароратларининг бундай илиши айниқса охириги 10 йилликларда сезиларли даражада ортганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатлар иссиқхона эффекти, сув танқислиги ва бошқа кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Будыко М.И. Климат в прошлом и будущем. -Л.: ГМИЗ, 1980. -350 с
2. Зияев Р.Р. Зарафшон дарёси ҳавзасида ҳаво ҳароратидаги ўзгаришлар ва унинг белгилари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 57-жилд. -Тошкент: 2020. -Б 294-301.
3. Изменчивость климата Средней Азии // Под ред. Ф.А. Муминова, С.И. Иногамовой. -Ташкент: САНИГМИ, 1995. -215 с.
4. Иногамова С.И., Мухтаров Т.М., Мухтаров Ш.Т. Особенности синоптических процессов Средней Азии. – Ташкент: САНИГМИ, 2002.-485с.
5. Карандаева Л.М, Царёв Б.К. Динамика полей температуры и осадков в бассейне Зеравшана // Труды НИГМИ. -2007. – Вып. 8(253). -С.48-62.
6. Климат Самарканда / Под редакцией д.г.н. Б.А. Айзенштата, д.г.н. Ц.А. Швер, к.г.н. Г.Н. Леухиной –Л.: Гидрометеиздат, 1983. -190 с.
7. Ососкова Т.А., Хикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Изменение климата. - Ташкент: НИГМИ, 2005. -40 с.

НУКУС ВА ЖИЗЗАХ МЕТЕОРОЛОГИК СТАНЦИЯЛАРИДА ҲАВО ҲАРОРАТИ ВА НИСБИЙ НАМЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Қозоқбоева А.Т., Эшмирзаев Д.Р., Холбаев Г.Х.

Бугдой ўсимлиги ўзининг ўсиши ва ривожланиши жараёнида тупроқ-иқлим шароити ва уни ўраб турган муҳитнинг турли омиллари таъсирига тушиб уруғ унади, ўсади ва ривожланади, улардан асосийлари ҳарорат ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги ва бошқалар.

Ушбу катталиклар кузда экилган экиннинг ривожланиш чегаралари ва даврда максимал ҳосил олишга имкониятини пасайтиради. Биз ушбу омиллардан фойдаланиш учун энг аввало экиш муддатларига алоҳида аҳамият бериш зарур, сўнгра ўсимликга омиллар қандай таъсир кўрсатишини тушуниб ва ҳар бир худудда экишни оптимал таъминоти муддатини аниқлаш зарур бўлади. Ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигининг ўзгариши тўғрисидаги йўналишлар бўйича [7, Б. 03560, 8, Б. 341-348 16, Б. 907-617, 17, Б. 336-342] ва уларнинг айрим қишлоқ хўжалиги экинларига таъсири ҳақида илмий тадқиқотлар олиб боришган [9, Б. 46-49, 14, Б. 257-264, 15, Б. 632-637, 17, Б. 336-342]. Ўзбекистонда ушбу катталикларнинг ўзгаришини ўрганишга

қаратилган тадқиқотлар [1, Б. 99-105, 2, Б. 149, 3, Б. 61-64, 5, Б. 99-105, 6, Б. 161-163, 10, Б. 13123-13130, 12, Б. 1-5, 13, 242-247] ва бошқа қўпчилик олимлар томонидан амалга оширилган. Бирок, юқорида келтирилган тадқиқотларда маълум бир йўналишда амалга оширилган бўлиб, уларда эришилган натижалар, уларнинг таҳлиллари асосида олинган илмий-амалий хулосалар шу тадқиқот доирасига мос бўлган.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзгидромет архивидаги 1991-2020 йиллар маълумотлари асосида Ўзбекистонда кузги бугдойнинг вегетация даврида метеорологик катталиклар (ўртача ҳаво ҳарорати ($t_{\text{ўрт}}$, °C), ҳаво нисбий намлиги, (f , %)) нинг ўзгариши аниқлашдир.

Тадқиқот объекти ва предмети. **Объекти** Ўзбекистон Республикаси турли ҳудудларида метеорологик катталиклар (ўртача ҳаво ҳарорати, ҳаво нисбий намлиги), **предмети** эса ўртача ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлигининг фасллар бўйича ўзгариши.

Бошланғич маълумотлар. Ишда 1991-2020 йиллар давомида ўртача ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзгидромет архив фондидаги ТМ-1 олинган. Ўртача ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлигини ўзгаришларини ҳисоблаш учун республиканинг турли агроиклимий районларида жойлашган (Нукус, Жиззах) станциялари маълумотларидан фойдаланилди.


Тадқиқот услубияти. Ишни бажаришда манбаларда [1, Б. 149, 4, Б. 198, 5, 18, Б. 21] келтирилган ва уларда қўлланилган усуллардан фойдаланилди.

Асосий натижалар. Ўзбекистонда кузги бугдойнинг вегетация даври сентябрь-июн ойларига тўғри келади. Шунинг учун биринчи навбатда географик жойлашиши турлича бўлган ҳудудларда ўртача ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлигининг сентябрь-июнь ойларидаги ўзгаришлари ва уларни таққослаш ишларини таҳлил қилиб чиқамиз. Мисол сифатида 1-6-расмларда Республиканинг шимолий (Нукус), марказий (Жиззах) ҳудудларида денгиз сатҳига нисбатан турли баландликларда жойлашган станцияларда ўртача ҳаво ҳароратининг ($t_{\text{ўрт}}$) ва ҳаво нисбий намлиги (f %) ўзгариши ва ҳаво ҳароратининг 3,0°C дан ўтиши келтирилган.


Сентябр ойидан ноябр ойигача ўртача ҳаво ҳароратининг йиллар давомида ўзгариши чиқиқли характерга эга бўлиб ҳудудлар бўйича қуйидагини ташкил этган: таҳлил этилаётган станцияларда сентябр ойида ўртача ҳаво ҳарорати орасидаги фарқ деярли бир хил бўлса, октябр ойида Нукус станциясига нисбатан Жиззах станциясида юқори, ноябр ойида ҳароратлар фарқи 4°C гач етган. Йиллар давомида сентябр ойида ўртача ҳаво ҳароратининг ошганлиги, октябр ойида деярли ўзгариш кузатилмаган бўлса, ноябр ойида Нукус станциясида 2000 йилдан 2010 йилгача, Жиззах станциясида 1998 йилдан 2010 йилгача ўртача ҳаво ҳарорат ошганлигини қўришимиз мумкин (1-расм).

2-расмда киш ойларида Нукус ва Жиззах станцияларида ўртача ҳаво ҳароратининг йиллар давомида ўзгариши келтирилган. 2-расмдан кўриниб турибдики, Нукус станциясида ҳаво ҳарорати декабр-феврал ойларида +2...-7°C, Жиззах станциясида 0...+7°C оралигида ўзгариб турган. Нукусда 2006 йил (-13,4°C) ва 2008 йил (-15,5°C), Жиззахда 2008 йил (-7,6°C) энг совуқ йил бўлган. 3-расмда Нукус ва Жиззах станцияларда баҳор ойларида ўртача ҳаво ҳароратининг йиллар давомида ўзгариши келтирилган.


Ушбу 3-расмдаги тренд чизигидан кўриниб турибдики, март ойида Нукус ва Жиззах станцияларида 1991 йилдан 2020 йилгача ўртача ҳаво ҳарорати 3-4°C гача, апрелда деярли ўзгариш кузатилмаган бўлса, май ойида эса 2-3°C ошганлиги кузатилади.



1-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда куз ойларида ўртача ҳаво ҳароратининг йиллар давомида ўзгариши




2-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда киш ойларда ўртача ҳаво ҳароратининг йиллар давомида ўзгариши



3-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда баҳор ойларда ўртача ҳаво ҳароратининг йиллар давомида ўзгариши


Сентябр-ноябр ойларда ҳавонинг нисбий намлиги ошиб бориши кузатишган. Ҳавонинг нисбий намлиги Нукус станциясида 43% дан 75% гача. Жиззах станциясида 49% дан 78% гача ошган. (4-расм).



4-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда сентябр-ноябр ойларда ҳаво нисбий намлиги (f , %) нинг ойлар давомида ўзгариши


5-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда декабр-феврал ойларида ҳаво нисбий намлигининг ойлар давомида ўзгариши келтирилган.

5-расмга эътибор берсак, ҳавонинг нисбий намлиги Нукус станциясида январ ойининг биринчи ўнқунлигида, Жиззах станциясида декабр ойининг биринчи ўн қунлигида максимал қийматга эришган бўлса, Жиззах станциясида декабр ойининг иккинчи ўнқунлигидан январ ойининг охиригача деярли бир хил қийматлар орасида тебраниб турган.



5-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда декабр-феврал ойларида ҳаво нисбий намлиги (f , %) нинг ойлар давомида ўзгариши

6-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда март-июн ойларида ҳаво нисбий намлигининг ойлар давомида ўзгариши келтирилган.



6-расм. Нукус ва Жиззах станцияларда март-июн ойларида ҳаво нисбий намлиги (f , %) нинг ойлар давомида ўзгариши

6-расмдан кўриниб турибдики, март ойидан бошлаб июн ойигача ҳавонинг нисбий намлиги полиномиал камайиши кузатилиб Нукусда 66% дан 40% гача, Жиззахда 74% дан 44% гача пасайиши кузатирилган.

Хулоса қилиб айтганда, 1991 йилдан 2020 йилгача ўртача ҳаво ҳарорати ошиши, ҳаво нисбий намлигининг январ ойига ортиб бориши ундан кейин тесқари жараён кузатилади. Куз фаслида ҳаво нисбий намлигининг ошиб бориши полиномиал характерга, ўртача ҳаво ҳарорати камайиб бориб чизикли характерга эга. Ҳаво нисбий намлигининг ойлар давомида ўзгариши ҳароратга тесқари. Ушбу маълумотлардан станциялар фаолият юритадиган туманларда кузги бугдой етиштиришда ҳудуднинг термик режимини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар

1. Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Сафаров Э.Ю. Агрометеорологияда муносабатли тенгламаларни топишда математик статистикани қўллаш, ЭҶМ ва географик ахборот тизимларидан фойдаланиш учун кўрсатма. -Тошкент, 2009. -149 б.
2. Группер С.Р. Агрометеорологическая оценка продуктивности озимой пшеницы в Узбекистане. Ташкент. 1998. -156 с.
3. Холматжанов Б.М., Петров Ю.В., Абдикулов Ф.И. Имом Ал-Бухорий мажмуаси ҳудудининг биоиклимий шароитлари. Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги. №2, 2021. –Б. 19-31.
4. Уланова Е.С., Сиротенко О.Д. Методы статистического анализа в агрометеорологии. –Л.: Гидрометеониздат, 1968. -198 с.
5. Abdullayev A.Q., Xolbayev G.X., Ro'ziyeva M.B., Sattorov M.M. Samarqand va Jizzax viloyatlarida havo haroratining o'zgarishi // GMITI ilmiy to'plami. – 2013. – 7(262) nashr. – B. 99-105.
6. Ellen Audia, M. Megan Woller-Skar&Alexandra Locher. Crowd-sourced data link land use and soil moisture to temperature and relative humidity in southwest Michigan (USA). Theoretical and Applied Climatology. 2021. Volume 143, -PP. 341–348.
7. Kudovarova G.R., Veselov D.S., Faizov R.G., Veselova S.V., Ivanov E.A.& Farkhutdinov R.G. Stomata response to changes in temperature and humidity in wheat cultivars grown under contrasting climatic conditions. Russian Journal of Plant Physiology. 2007. Volume 54, - PP.46–49.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Уринбаева М.Ш.,

ЎзМУ Иқтисодийёт факультети талабаси

Илмий раҳбар: проф.в.б. Хашимов П.З.

Шаҳс сифатида қарайдиган бўлсак, инсоннинг билим даражаси, онги, англай била олиш қобилияти ва тушунчаларининг қай даражада эканлиги унинг интеллектуал салоҳиятини белгилайди.

Интеллектуал салоҳият бу – кенг қўламга эга бўлган иқтисодий билим ва методлар жамланмаси, уларни қўллай билиш қобилияти ва барча иқтисодийётга доир техникавий база, корхона, ташкилотларнинг интеллектуал салоҳияти тушунчасидир.

Биз рақамли иқтисодийётни шакллантириш мақсадида турли илмий ва амалий ишларни амалга ошириб борамиз ва шулар орқали иқтисодийётимизнинг маълум даражада яхшиланишини ва ўсишини кузатамиз. Ваҳоланки, рақамли иқтисодийётни шакллантиришда интеллектуал салоҳият муҳим аҳамиятга эга.

Республикаимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимишга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, гайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз”.⁹

Ҳаётимизнинг рақамлашиб бориши, кўплаб тармоқлардаги хизматларни онлайн шаклга ўтиши бизга қулайликлар яратади. Айниқса давлат хизматларининг онлайн шаклга ўтиб бориши каррупция ва бошқа хилдаги қонунбузалриқларга чек қўяди. Онлайн шаклда бажариладиган барча хизматлар интернет орқали амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида интернетга бўлган талабни оширади.

1-жадвал

Худудлар кесимида интернет тармоғига уланган абанентлар сони (минг бирликда)¹⁰

Худудлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	8339,1	9626,8	11168,0	13321,7	16386,2	19981,0
Қорақалпоғистон Республикаси	501,3	526,4	606,8	767,9	922,3	1 071,9
Андижон	621,5	731,1	842,0	991,3	1236,5	1484,2
Бухоро	430,9	482,6	547,3	694,0	855,2	1011,2
Жиззах	270,9	304,4	371,3	468,2	569,1	667,2
Қашқадарё	489,3	578,5	702,5	877,8	1162,4	1440,9

⁹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

¹⁰ Ўзбекистон Ресаубликаси Давлат сиагистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Навоий	276,2	312,7	350,4	442,5	553,8	647,1
Наманган	523,5	621,4	749,8	961,5	1198,3	1379,5
Самарканд	758,2	865,0	1018,7	1225,7	1505,9	1795,4
Сурхондарё	372,2	433,5	551,5	721,4	958,6	1151,5
Сирдарё	212,4	299,8	284,6	349,1	441,4	505,7
Тошкент	273,6	353,1	352,3	506,7	1007,7	1255,2
Фаргона	751,9	881,4	1048,0	1245,5	1552,3	1937,4
Хоразм	391,8	448,5	573,3	710,2	872,1	1012,9
Тошкент ш.	2465,3	2858,3	3169,7	3359,9	3359,9	4620,9

Жадвал маълумотларинг кўрсатишича, вақт ўтгани сари интернетга бўлган талаб ортиб бормокда. Бунга сабаб сифатида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб боришини келтиришимиз мумкин. Глобаллашув жараёни бугунги кунда ҳеч бир тармоқга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Айниқса, иқтисодиёт тармоқларида янги техникавий база, интернет, замонавий инфратузлима ва бошқа замон талабларига жавоб берадиган ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар албатта етук интеллектуал салоҳиятга эга, иқтисодий билимлари кучли бўлган кадрларга бўлган талабни оширади.

Интеллектуал салоҳияти кучли бўлган кадрларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётган бир пайтда, нафақат илмий соҳада, балки жамиятнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай кадрларнинг етишмовилиги кўзатишмоқда. Бу муаммоларнинг асосий сабаблари сифатида биз куйидагиларни келтиришимиз мумкин:

Баъзи жамият аъзоларининг эҳтиёжларини кондиршига, яъни пулга бўлган талаби туфайли ўзларининг кизиқишларидан йироқ соҳаларда ишлаши ва бунинг оқибатида ишга бўлган лоқайтсизлик натижасида салоҳиятнинг пасайиб кетиши.

Оила аъзолари ёки бошқаларнинг этиборсизлиги натижасида етишиб келаётган авлоднинг ўз интеллектуал салоҳияти ва кизиқишларининг юзага чиқишига бўлган тўсиқлар, яъни уларни керакли соҳаларга йўналтирилмаслик ва камраб олинмаслик.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: “Ўзбекистон”, 2020.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018
4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

MILLIY IQTISODIYOTDA INFLYATSIYA VA ISHSIZLIK O‘RTASIDAGI FILLIPS EGRI CHIZIGI ASOSIDA MODELLASHTIRISH

Abdusattorov Azizbek Muxtor o‘g‘li
O‘zbekiston Milliy universiteti
2-bosqich magistranti

Inflyatsiya va ishsizlik an’anaviy ravishda eng muhim makroiqtisodiy muammolar qatoriga kiradi. Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda mehnat resurslarining holati muhim ahamiyatga ega. Mehnat bozorida boshqa resurslar bozori singari talab va taklif qonuni amal qiladi. Ishchi quchining bahosi hisoblangan real ish haqi hajmi oshsa ishchi kuchiga bo‘lgan talab qisqaradi, agar real ish haqi hajmi kamaysa, ishchi kuchiga bo‘lgan talab ortadi, ishchi kuchi taklifi esa kamayadi. Ishchi kuchiga bo‘lgan talab miqdorining ishchi kuchi taklifi miqdoridan kam bo‘lishi ishsizlikni keltirib chiqaradi. Ishsizlar - bu ishchi kuchining bir qismi bo‘lib, ijtimoiy ishlab chiqarishda band bo‘lmagan, lekin ishlashni xohlovchi va faol ish qidirayotgan aholidir.

Ishsizlik darajasining oshishi natijasida iqtisodiyot potensial YaIM hajmiga erisha olmaydi. Shu sababli mamlakat miqyosida ishsizlikni uning tabiiy darajasida saqlash va tartibga solish iqtisodiy jihatdan katta ahamiyatga ega. Ishsizlikning haqiqiy darajasi uning tabiiy darajasidan qanchalik yuqori bo‘lsa, YaIM uzilishi shuncha ko‘p bo‘ladi. Shuning uchun ham potensial hajmdagi YaIM haqiqiy YaIM dan katta bo‘ladi. Potensial YaIM deganda mamlakatdagi ishlab chiqarish resurslaridan to‘liq foydalanilgan sharoitda ishlab chiqarishning mumkin bo‘lgan hajmi tushuniladi. Potensial YaIM ni hisoblashda mamlakatda ishsizlik mutlaqo yo‘q deb emas, balki mavjud, biroq u tabiiy darajada, deb hisoblanadi. Ishsizlik darajasi va YaIM uzilishi o‘rtasidagi miqdoriy nisbatni ingliz iqtisodchisi Artur Ouken matematik holda isbotlab bergan [1]. Qonunning mohiyati shundan iboratki, agar ishsizlikning haqiqiy darajasi uning tabiiy darajasidan 1% ga oshsa, ya’ni davriy ishsizlik 1% ni tashkil etsa, milliy iqtisodiyot YaIM ni 2,5% ga kam yaratadi. Ouken qonuni ishsizlikning turli darajalaridagi mahsulot yo‘qotishlari hajmini aniqlash imkonini beradi.

Iqtisodiyot rivojlanishida potensial darajaga yaqinlashgan sharoitda yoki bandlilik darajasini oshirish yoki inflyasiya darajasini pasaytirish kabi alternativ variantlardan birini tanlashga to‘g‘ri kelinadi. Bunga sabab qisqa muddatli davrda ishsizlik va inflyasiya darajalari o‘rtasida teskari bog‘liqlik mavjudligidir. Ishsizlikni pasaytirish ish

joylarini yaratish uchun qo‘shimcha mablag‘lar ajratilishini anglatadi. Ayni paytda bu ish haqi miqdorining oshishiga ham olib keladi. Har ikkala holat ham baholar darajasining ko‘tarilishiga olib keladi, ya‘ni talab inflyatsiyasi ro‘y beradi. Ishsizlik va inflyatsiya ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni ingliz iqtisodchisi A.V. Fillips tomonidan aniqlangan [2]. Unga ko‘ra inflyatsiya va ishsizlik darajalari o‘rtasida bog‘liqlik teskari hisoblanadi.

Mazkur ishda inflyatsiya va ishsizlikning o‘ziga xos xususiyatlarini o‘rganiladi va shu asosda rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarning amaliy materiallari bo‘yicha Fillips egri chizig‘ining namoyon bo‘lish xususiyatlarini tadqiq qilinadi. Buning uchun:

- 2001 yildan 2019 yilgacha O‘zbekistonda inflyatsiya tendentsiyalari, sabablari va xususiyatlarini o‘rganildi;
- 2001 yildan 2019 yilgacha rivojlanayotgan mamlakatlarda inflyatsiya tendentsiyalari, sabablari va xususiyatlarini o‘rganildi;
- inflyatsiya va ishsizlik o‘rtasidagi bog‘liqlikni Fillips egri chizig‘i orqali tahlil qilindi.

Adabiyotlar

1. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - 5-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2006.
2. Блауг М. Кривая Филлипса // Экономическая мысль в ретроспективе. М.: Дело, 1994. С.629-631.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЮЗАСИГА ЁҚҚАН АТМОСФЕРА ЁГИНЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Жангабаев Д.М., Артикова Ф.Я.

Орол денгизи хавзасидан охириги йилларда сувни сугоришга олишнинг кескин ўсиши, яъни сув олиш ҳажмининг кўпайиши туфайли денгиз ўлиб борапти. Бу эса денгизнинг сув балансида жиддий салбий оқибатларга олиб келди. Орол денгизига келиб тушадиган сув миқдори анчагина пасайди ва антропоген давр мобайнида Орол денгизи 2 та Жанубий ва Шимолий қисимга бўлиниб кетди. Кейинчалик Шимолий денгизнинг ўзи яна 2 та Шарқий ва Ғарбий денгизларга бўлинди бунга сабаб Орол денгизига қирим қисмининг камайиб кетганлигидир, шу сабабли Орол денгизи қирим қисмининг бир бўлаги ҳисобланган атмосфера ёгинларини ўрганиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ушбу мақоланинг асосий мақсади антропоген даврда Орол денгизига тушаётган атмосфера ёгинларини баҳолашдан иборатдир. Белгиланган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Орол денгизига яқин жойлашган метео станция маълумотлари асосида атмосфера ёгинларининг ойлик қийматларини аниқлаш:

- Орол денгизи юзасига тушаётган атмосфера ёгинларини метр ва ҳажм бирлиги қийматларида аниқлаш:

Орол денгизига ёққан атмосфера ёгинларининг қийматларини “Муйноқ” ва “Аральск” метеорологик станциялари маълумотлари бўйича ўрганилди. Дастлаб, булутлик қиймати ўрганилди. Ўрганилаётган ҳудуднинг булутлар билан қопланган осмоннинг ўртача фоизи йил давомида мавсумий ўзгаришлар кузатилди.

Муйноқда йилнинг булутсиз оғи июль бўлиб, бу вақтда осмон ўртача 92% очиқ, кўпроқ мусаффо ёки қисман булутли бўлади. Йилнинг булутли даври 21 октябрдан бошланади ва 6,9 ой давом этади ҳамда 16 майда тугайди.

Муйноқда йилнинг энг булутли оғи январь бўлиб, бу вақтда осмон ўртача 58% булутли баъзан ундан ҳам кўп булутли бўлади.

Муйноқда ёгингарчилик кунлар (яъни 1 миллиметрдан ортиқ суяқлик ёки суяқ ёгингарчилик бўлган кунлар) миқдориде сезиларли мавсумий тебранишлар кузатилмайди. Ёгингарчилик кунларининг такорорланиш миқдори 1% дан 5% гача, ўртача эса 3% ни ташкил қилади.

Йилнинг феврал-ноябр ойларида яъни 9,5 ой давомида ёгингарчиликнинг энг кўп кузатиладиган тури ёмғирдир. Муйноқда энг кўп ёмғир ёғадиган ой апрелдир, ўртача 14 кунни ташкил этади.

Йилнинг ноябр-февраль ойларида яъни 2,5 ойлик ёгингарчиликнинг энг кўп кузатиладиган тури фақат қор туридаги ёгинлар ҳисобланади. Муйноқда фақат қор ёғадиган кунлар сони энг кўп бўлган ой декабрь, ўртача 0,5 кунни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Муйноқ метеорологик станциясида атмосфера ёгинларининг
1980-2010-йиллардаги ўртача ойлик қийматлари

Ёгин тури	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ёмғир	0.6	1	4.7	7	5	4.3	1.1	1.1	1.3	3.7	3.1	1.1
Қор	4.1	13	6.2	0	0	0	0	0	0	0.3	6.8	23
Йиғинди	4.7	14	10.9	7	5	4.3	1.1	1.1	1.3	4	9.9	24.1

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкин, Муйноқда йил давомида маълум бир миқдорда атмосфера ёгинлари кузатилади. Муйноқда энг кўп ёгин тушадиган ой апрель, ўртача 7 миллиметр ёгингарчилик. Энг кам ёгингарчилик бўлган ой январь, ўртача ёгин миқдори 1 миллиметр атрофида кузатилади.

Йилнинг қорли қисми 4,0 ҳафта давом этади, 18 декабрдан 15 январгача, 31 кунлик даврда камида 25 миллиметр атрофида қор ёғади. Мўйноқда энг кўп қор ёғадиган ой январда, ўртача 24 мм қор ёғади. Йилнинг қорсиз даври 11 ой, 15 январдан 18 декабргача давом этади. Энг кам қор миқдори тахминан июльга тўғри келади, ўртача умумий тўпланиши 0 миллиметрни ташкил қилади. Бир йиллик атмосфера ёгинлари 87-127 мм ни ташкил этади.

Энг кам атмосфера ёгинининг максимал ва минимал қийматлари 2011 йил ва 2003 йилда кузатилган бўлиб 42 мм ҳамда 210 мм ни ташкил этади.


Аральск метеорологик станцияси энг ёмғирли даврлар май, март, апрель бўлиб, 7 кун давомида 11,30 мм гача ёгингарчилик тушади. Намликни кам миқдорлари июль, февраль, август ойларида кузатилади. Бу даврда ойига ўртача 3 кун ёмғир ёғади ва ойлик ёгингарчилик 2,1 мм ни ташкил этади.

2-жадвал

Аральск метеорологик станциясида атмосфера ёгинларининг 1980-2010-йиллардаги ўртача ойлик қийматлари

Ёгин тури	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ёмғир	1	1	4	7	10	7	8	5	5	7	6	2
Қор	14	10	5	0.3	0	0	0	0	0	0.3	4	11
Йиғинди	15	11	9	7.3	10	7	8	5	5	7.3	10	13

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Аральскда йил давомида 110-135 мм миқдорда атмосфера ёгинлари ёгиши аниқланди. Демак, ҳар икки кузатиш станцияларидаги маълумотларни таҳлил қилиб шу нарса аниқ бўлдики, Орол денгизининг шимолий қисмида йиллига ўртача 110-135 мм, жанубида 87-127 мм атмосфера ёгинлари ёғади. Денгиз сув юзасига тушадиган атмосфера ёгинлари миқдорини ҳисоблашда эса ўртача 130-131 мм деб олинди (1-расм).



1-расм. Денгиз сув юзасига тушган атмосфера ёгинлари (X) метр да ва ҳажм бирликдаги қийматларда (X) км³

Денгиз сув юзасига ёгган атмосфера ёгинларини Катта ва Кичик денгиз сув юзаси учун алоҳида ҳажм бирликларида ҳисоблаб топилди. Ҳисоблаш натижаларига кўра, Катта денгизга ўрганиш даврида 0,9-7,3 км³ миқдорида атмосфера ёгинлари ёгган бўлса, Кичик денгизда бу кийматлар мос равишда 0,19-0,64 км³ га тенг бўлган.

Margaret Midning asarlari antropologik tadqiqot obyekti, uning vazifalari va ularga adekvat usullari o'rtasidagi munosabatni ko'rsatadi. Uning ta'kidlashicha, "antropologlar laboratoriyasi - bu yakka holda yashaydigan va geografik joylashuvi yoki tarixiy sharoitlari tufayli izolyatsiya qilinganligi sababli o'z urf-odatlarini saqlab qolgan, yirik madaniyatli xalqlar orasida kuzatilganidan yaqqol farq qiladigan odamlarning kichik guruhlarini o'rganishi kerak edi. Uning ta'kidlashicha-"Antropologiyaning vazifalari ham obyektning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqadi". Ibtidoiy jamiyatlarni o'rganish jarayonida inson xulq-atvorining turlari haqida fikr yuritishga yordam beradigan materialni olish mumkin, umumiy yoki o'ziga xos xususiyatlar haqida ma'lumotlarni topish mumkin. Barchamizni inson sifatida, shuningdek, o'z ko'zimiz bilan kuzatmaganimizda tasavvur ham qila olmaydigan insoniy xulq-atvordagi farqlar borligini ta'kidlab o'tgan"

¹¹ Кон И.С. Маргарет Мид и этнография детства // Мид М. Культура и мир детства. - М.: Наука, 1988.

¹² Леви-Строс К. Структурная антропология. - М.: Акад. проект, 2008.

¹³ 5. Мид М. Культура и мир детства. - М.: Наука, 1988.

¹⁴ Мид М. Мужское и женское: исследование полового вопроса в меняющемся мире. - М.: РОССПЭН, 2004.

“ Amerikalik yosh antropologlarning uslubiy tayyor emasligi tufayli”, dedi Margaret Mid , "biz uni amalga oshirish jarayonida tadqiqot usullarini ishlab chiqishga majbur bo'ldik. Antropologlar faqat jamiyat haqidagi ma'lumotlarning umumiylikini hisobga olgan holda xulosalar chiqarishga o'rganib qolishgan edi. Sohada biz ko'p narsalarni ularning umumiylikida tushunishni o'rganamiz, bu inson xatti-harakatlarini o'rganuvchilar uchun juda g'ayrioddiydir".

Adabiyotlar ro'yxati

1. <https://cyberleninka.ru/article/n/margaret-mid-i-stanovlenie-metodiki-polevyh-issledovaniy-v-sotsialno-kulturnov-antropologii>

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СТРАТЕГИЯНИНГ МАЗМУН - МОҲИЯТИ

Толибова (Бакирова) Моҳизул Холмурод қизи

*Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети
Тарих йўналиши 4-босқич талабаси.*

«Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли бўлган меҳрибон ва мўътабар аёлларга битта яхшилик қилсак, ишонинглар, бу ўзимизга ўнта яхшилик бўлиб қайтади».

Шавкат Мирзиёе

Аннотация: мақолада “гендер тенглик” тушунчасининг мазмун – моҳияти очиб берилган бўлиб, бутун дунёда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам гендер тенгликка эришишнинг ҳуқуқий асослари яратилиши ҳамда жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш борасида қилинаётган амалий ишлар хусусида фикр мулоҳазалар юритилган.

Аннотация: В статье рассматривается сущность понятия «гендерное равенство», создание правовой базы для достижения гендерного равенства во всем мире, а также в Узбекистане, а также проводимая практическая работа по повышению роли женщин в обществе.

Annotation: The article explains the essence of the concept of "gender equality" and discusses the practical work being done to create a legal framework for achieving gender equality around the world, as well as in Uzbekistan, and to increase the role of women in society.

Калит сўзлар: «Гендер» атамаси, «Гендер тарихи», «Гендер психологияси», «Фалсафанинг гендер томонлари», «Гендер антропологияси», «Гендер социологияси», «Гендер педагогикаси», “Барқарор ривожланиш мақсадлари”, гендер-ҳуқуқий экспертиза, гендер статистика.

Ключевые слова: Термин «Гендер», «Гендерная история», «Гендерная психология», «Гендерные аспекты философии», «Гендерная антропология», «Гендерная социология», «Гендерная педагогика», «Цели устойчивого развития», гендерно-правовая экспертиза, гендер статистика.

Keywords: The term "Gender", "Gender History", "Gender Psychology", "Gender Aspects of Philosophy", "Gender Anthropology", "Gender Sociology", "Gender Pedagogy", "Sustainable Development Goals", gender and legal expertise, gender statistics.

Бугунги кун аёллари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида катта кучга айланиб бормоқда. Ҳозирги глобал замонда аёлларнинг жамиятдаги ўрнига етарлича баҳо бериш лозим. Жаҳон ҳамжамиятида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, уларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш, гендер тенглик, аёллардаги ўзгарувчан роллар, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган илмий ишлар аҳамиятга моликдир.

Хусусан гендер атамасига эътибор берадиган бўлсак, бу атама жамиятдаги эркаклар ва хотин-қизлар ролларини ижтимоий жиҳатдан фарқлайдиган ва белгилайдиган тушунчадир. Гендер тенглик - аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, кадрият натижасидир.

Ҳозирги замон дунё ҳамжамияти ҳам хотин-қизларнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини тўғри англаган ҳолда халқаро механизмларни яратмоқда. Хусусан БМТ томонидан 2015 йил қабул қилинган 70-сонли резолюцияда кўрсатилган “Барқарор ривожланиш мақсадлари”ни изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари” қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги 5 – мақсад сифатида – “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” масаласи белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни камраб олади. Ушбу вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъул эътиб белгиланди.

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида миллий қонунчилигимизда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси тўғрисида амалга оширилган ишлар хусусида қуйидагиларга тўхталиб ўтилди:

- “Мамлакатимизда сўнгги йилларда Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

- Ўзбекистон тарихида илк мартаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди.

- Сиёсий партиялардаги хотин-қизлар улуши 44 фоизга, олий таълим соҳасида 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди, хотин-қизлар ахборот коммуникация, инновация, энергетика, муҳандислик соҳаларига кенг жалб этилмоқда.

- Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга етди. 81 та вазирлик ва идорада илгор ва билимли аёллардан иборат 15 минг нафардан ортиқ кадрлар захираси шакллантирилди.

- Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида “Аёллар дафтари” тизими жорий этилди.

- Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловларини қоплаб бериш тизими жорий этилди, олий ўқув юртиларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони икки бараварга ортди;

Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 224 мингдан ортиқ хотин-қизга жами 6,9 трлн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит ажратилди, уларга Халқ банки бириктирилди, 14 та ҳудудда Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ташкил этилди. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди.

Гендер тенгликка эришиш стратегияси асосан, узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, қатор устувор йўналишларда амалга оширилади. Давлат хизматида, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш шулар жумласидан. Шунингдек, стратегияда гендер тенгликни таъминлаш тадбирларини ҳисобга олган ҳолда давлат дастурларини бюджетлаштириш ва молиялаштириш ҳам кўзда тутилган”.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда жаҳонда, хусусан юртимизда ҳам гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини қабул қилинаётган ҳар бирта қонун ёки қарор ва бошқа амалий ишлар ифодасида кўришимиз мумкин. Бу мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илгор қадамларидан бири саналади. Мамлакатимиз аҳолисининг 49.7 фоизини (2022 йил 1 апрель ҳолатида) аёллар, қарийб 64 фоизини 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар ташкил этади.

Гендер тенглик масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтаришдан асосий кўзланган мақсад эса юртимизда хотин - қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш шунингдек, хотин – қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминлашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев. Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т., “Ўзбекистон”, 2017. 23 бет

2. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент. 2017 йил, 7 феврал.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й, 11-12-сон, 295-модда.

4. Каримов И. А. нинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3434-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., 21-сон, 251-модда; 2014 й, 29-сон, 356-модда.

5. Хоф .Р. Возникновение и развитие гендерных исследований. / Пол, тендер, культура. // Под ред. Шоре .Э. и Хайдер. К. – М., 1999. –С. 23-53.

6. Бок Г. История, история женщин, история полов. / THESIS: Женщина, семья. 1994, №6. -С. 170-200.

7. Доклад по целям развития тысячелетия. Узбекистан 2006. Представительство ООН в Узбекистане. Ташкент.

8. Ўзбекистон – Пекин Платформаси ва ҳаракат Дастури (ППХД). БМТнинг «Хотинқизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида» Конвенцияси (CEDAW), Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш (MDGs) асосида гендер тенглигига эришиш йўлида. Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази. Тошкент.

9. Бойченко Л.Д. ООН и права женщин: история и современность. (Бойченко Л.Д. БМТ ва хотин-қизлар ҳуқуқлари: тарих ва ҳозирги пайт).

10. Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш. Т., 2007.

“KATTA UCHLIK” DAVLAT RAHBARLARINING TEHRON KONFERENSIYASIDA UCHRASHUVI

Siddiqov Mirshod Baxiyorovich

O‘z MU tarix fakulteti 2-kurs magistranti

Ergashev Kamoliddin Erkin o‘g‘li

magistrant

Annotatsiya: Maqolada Ikkinchi jahon urushi arafasida nemis fashizmiga qarshi AQSh, Buyuk Britaniya va SSSR davlat rahbarlari o‘rtasida bo‘lib o‘tgan Tehron konferensiyasi to‘g‘risida fikrlar bayon qilinadi.

Аннотация: В статье рассматривается Тегеранская конференция руководителей США, Великобритании и СССР против германского фашизма накануне Второй мировой войны.

Annotation: The article discusses the Tehran conference between the leaders of the United States, Great Britain and the USSR against German fascism on the eve of World War II.

Kalit so‘zlar: “Katta uchlik”, Tehron konferensiyasi, deklaratsiya, o‘q davlatlar, okkupatsiya, koalitsiya, Kasablanka, Vashington, Trident, Kvadrant, Kvebek.

Ключевые слова: Большая тройка, Тегеранская конференция, Декларация, Оккупация, Коалиция, Касабланка, Вашингтон, Трезубец, Квадрант, Квебек.

1943-yil 28-noyabrdan 1-dekabriga qadar bo‘lgan vaqt oraliq‘i tarixdagi eng muhim voqealardan biridir. Chunki ushbu sanada Ikkinchi jahon urushining uzoq vaqt davomida orziqib kutilgan uchrashuvi sodir bo‘lgan. Ya‘ni Buyuk Britaniya Bosh Vaziri Uinston Cherrhill, SSSR Xalq Komissarlari Kengashining Raisi Iosif Stalin va Amerika Qo‘shma Shtatlari Prezidenti Franklin Ruzvelt birinchi marta Eronning Tehron shahriga uchrashdilar. Ushbu davlat rahbarlari uchrashuvining tashkilotchisi va tashabbuskorlaridan biri shak-shubhasiz AQSH Prezidenti Franklin Ruzveltdir. “Katta uchlik” o‘rtasidagi uchrashuv haqida yozishmalar uzoq vaqt davomida olib borilgan. Biroq fashistlarning hujumi kuchayib borayotga bir vaqtda, uchchala rahbar ham yuzma-yuz uchrashuv o‘tkazish muhimligini anglab yetdilar. 1943-yil 4-sentabrda F.Ruzvelt Cherrhill va Stalin o‘rtasida uch tomonlama uchrashuv shaklda bo‘lib o‘tadiga muzokaralarni 15-noyabrdan 15-dekabrgacha o‘tkazishni, Shimoliy Afrikani esa uchrashuv joyi sifatida taklif qiladi¹⁵. Biroq uchrashuv joyi masalasi Stalinga maq‘ul tushmaydi va u Eronning Tehron shahrini maqsadlari uchun juda yaxshi joy sifatida taklif etgan. Shu o‘rinda Sovet rahbarining aynan Tehron shahrining tanlaganligiga ikkita asosiy sababni keltirib o‘tish mumkin: **birinchidan**, bu vaqtda Sovet Rossiyasi Shimoliy Eroni nazorat qilar edilar. Bu esa xavfsizlik nuqtayi nazaridan qiyinchilik tug‘dirmagan. **Ikkinchidan** esa ushbu joyning SSSR hududiga yaqinligi Moskva bilan aloqalarni doimiy olib borishni osonlashtirardi. Shu boisdan ham Stalin Tehron shahridan uzoq bo‘lgan barcha takliflarni rad etgan. “Katta uchlik” o‘rtasidagi uchrashuv joyi aniq bo‘lib ulgurgandan so‘ng, endigi asosiy masala uchrashuv sanasini muhokama qilishga kirishdilar. Natijada Tehron konferensiyasini 28-noyabr kuni boshlanishiga kelishib olindi. Tehron konferensiyasi ishtirokchilarini himoya qilish asosan Sovet qo‘shinlari va xavfsizlik idoralari kuchlari tomonidan ta‘minlangan¹⁶. SSSR ning Konferensiya vaqtida yetarli darajada xavfsizlikni xizmatini ta‘minlashlariga qaramay, Cherrhill Britaniya elchixonasini himoya qilish maqsadida Fors va Iroq qo‘shinlarining 350 askarga ishonib topshirgan¹⁷.

Eron shohi Muhammad Rizo Pahlaviy katta uchlik Tehronda uchrashishini bilganidan so‘ng, Franklin Ruzveltni aeroportdan kutib olish uchun xabar berganida, amerikaliklar xavfsizlik nuqtai –nazaridan shohning taklifini rad etishadi. Chunki bu vaqtda Eron hududida nemis josuslari bo‘lib, ulardan himoyalani uchun ham shunday qarorga kelishgan. Eronning 24 yoshli hukmdori Tehrondagi **Goliston saroyiga** 88 martabali mehmonlar uchun ziyofat uyushtirmoqchi bo‘lib, “Katta uchlik” va delegatsiya a‘zolarini taklif qilganida ham rad javobini olgan¹⁸.

Ittifoqchilar Tehron shahriga kelganlaridan so‘ng, o‘z elchixonalariga joylashib olganlar. Tehrondagi asosiy uchrashuvlar Franklin Ruzveltning Rossiya elchixonasidagi qarorgohida 28-29-30 va 1-dekabr kunlari bo‘lib o‘tdi. Konferensiyaning birinchi yalpi majlisi 28-noyabr kuni Sovet elchixonasida shohona uslubda bezatilgan katta zalda bo‘lib o‘tdi. Konferensiya ishlarida Sovet Ittifoqidan —Tashqi ishlar Xalq Komissari V.M.Molotov, marshal K.Y.Voroshilov; Qo‘shma Shtatlardan—Prezidentning maxsus yordamchisi G.Gopkins, AQSh ning SSSRdagi elchisi A. Garriman, Amerika Qo‘shma Shtatlari armiyasi shtabining boshlig‘i general D. Marshall, Amerika Qo‘shma Shtatlari harbiy-dengiz kuchlarining qo‘mondoni admiral E. King, Amerika Qo‘shma Shtatlari harbiy-havo kuchlari shtabining boshlig‘i, general G. Arnold, Amerika Qo‘shma Shtatlari armiyasining ta‘minot boshlig‘i, general B. Somervell, Prezident shtabining boshlig‘i, admiral U.Legi, Amerika Qo‘shma Shtatlari ning SSSRdagi harbiy missiyasi boshlig‘i general R. Din; Buyuk Britaniya— Tashqi Ishlar Ministri A. Eden, SSSRdagi elchisi A. Kerr, imperiya bosh shtabining boshlig‘i general A. Bruk, feldmarshal D. Dill, birinchi dengiz lordi flot admirali E. Kenningxem, Buyuk Britaniya harbiy-havo kuchlarining boshlig‘i marshal Ch.Portal, Mudofaa ministri shtabining

¹⁵James Benjamin Dressler. Anglo –American Rivalry at the Cairo and Teheran Conferences, 1943. Middle Tennessee State University, 1983.-P. 105

¹⁶ Валентин Бережков. Тегеран, 1943. Издательство Агентства печати новости Москва, 1968. С.8

¹⁷ Mayle, Paul David. “Agreement in Principle: The Anglo-Soviet-American Alliance and the Tehran Conference of 1943”. Ph.D. dissertation, West Virginia University, 1982. –P.103

¹⁸ Mayle, Paul David. “Agreement in Principle: The Anglo-Soviet-American Alliance and the Tehran Conference of 1943”. Ph.D. dissertation, West Virginia University, 1982. –P.113

boshlig'i general Ismay, Buyuk Britaniyaning SSSRdagi harbiy missiyasining boshlig'i general G. Martel ishtirok etganlar¹⁹.

Tehron konferensiyasida bo'lib o'tgan masalalarni asosan quyidagi guruhga bo'lsak maqsadga muvofiq bo'ladi.

1. Ikkinchi frontning ochilishi
2. Turkiyani urushga kirish masalasi
3. Yaponiya masalasi
4. Polsha masalasi
5. Finlandiya muammoasi

6. Nemis davlati mag'lubiyatga uchragandan so'ng dunyo tinchligini himoya qilishni talab qiladigan xavfsizlik tashkilotini yaratish borasidagi dolzarb muammolar.

SSSR, AQSh va Buyuk Britaniya hukumat rahbarlari o'rtasidagi Tehron konferensiyasining yakuniy yig'ilishi 1-dekabr kuni bo'lib o'tdi. Unda asosan siyosiy masalar Polsha va Germaniya masalasi bilan bir qatorda Finlandiya, Eronga oid masalalar ham muhokama qilindi.

Konferensiya dunyoni urushdan keyin tuzish muammolarini birgalikda hal qilish sohasida davlatlarning hamkorligini saqlab qolishga qaratilgan boshqa ba'zi masalalarni ham ko'rib chiqdi. 1943-yil 1-dekabr chorshanba kuni uch davlat rahbarlari "uch qudrat deklaratsiyasi" nomli kommunikatsiya imzoladilar.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Tehron konferensiyasi Sovet Ittifoqining xalqaro aloqalari, tashqi siyosati va diplomatiyasi tarixida alohida o'rin tutadi. Bu antifashistik koalitsiyaning uchta yetakchi kuchlari-SSSR, AQSh va Angliya rahbarlarining birinchi konferensiyasi bo'lib, unda urush va urushdan keyingi dunyo tartibining bir qator eng muhim masalalari ko'rib chiqilgan. Gitlerga qarshi koalitsiya tarixda birinchi marta umumiy dushmanga qarshi koalitsiya strategiyasini kelishib oldi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. James Benjamin Dressler. Anglo –American Rivalry at the Cairo and Teheran Conferences, 1943. Middle Tennessee State University, 1983.-P. 105
2. В.Л.Израеляны. Дипломатия в год войны (1941-1945). Москва. Международные отношения. 1985. –С.229
3. Валентин Бережков. Тегеран, 1943. Издательство Агентства печати новости Москва, 1968. С.64-65
4. Санакоев Ш.П., Цыбулевский.Б.Л. «Тегеран-Ялта-Потсдам: Сборник документов»: «Международные отношения»; М.: 1970.
5. Uch davlatning Eron to'g'risida Deklaratsiyasi.// Qizil O'zbekiston. 1943-yil 7-dekabr
6. Tehronda uch ittifoqchi davlat—Sovet Ittifoqi, Amerika Qo'shma Shtatlari va Buyuk Britaniya rahbarlarining konferensiyasi.// Qizil O'zbekiston. 1943-yil 7-dekabr

AFG'ONISTONDA ROSSIYA VA BUYUK BRITANIYANING TO'QNASHUVI

Akramova Yulduz Ulug'bekovna
O'zbekiston Milliy Universiteti

Tarix yo'nalishlar va faoliyat turi yo'nalishi magistratura 1 – bosqich talabasi .

Annotatsiya: Mazkur maqolada XIX asrdagi Markaziy Osiyoning eng muhim nuqtalaridan biri bo'lgan Afg'oniston haqida so'z yuritiladi. Shu sababli yurik mustamlakachi mamlakatlar , ayniqsa, Rossiya va Buyuk Britaniyaning Afg'onistonga turli yo'llar bilan tajavuzlar uyushtira boshlashi haqida so'z yuritiladi. "Katta o'yin" boshlovchilari o'z manfaatlari yo'lida Afg'onistondan foydalana boshlagani, birinchi va ikkinchi ingliz – afg'on urushlari va uning natijalari to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan. Quyida ingliz va ruslar o'rtasidagi Afg'oniston masalasiga qaratilgan shartnoma va bitimlar keltirilgan.

Abstract: This article encompasses information about one of the well-known country in Central Asia , Afghanistan, which was played the most important role XIX century. Many industrial countries, especially, Russia and Great Britain tried to capitulate Afghanistan with power. The member of "Great game", Russia intended to protect south borde of Russian colonies. Great Britain's main goal was to protect India from Russia. In the below was given information about contractis and treatiesis Russia and Great Britain about Afghanistan.

Аннотация: Статъе заключається сведение об одном из важнейших государств Средня Азия, Афганистан и его роль в геополитики. Колониальные державы, именно, Россия и Великобритания старались оккупироват Афганистан с путём вторжение. Члены "Большая игра" , Россия хотела обеспечить безопасность на севере в своей колонии, а Великобритания хотела не пускат Россию в Индию и обеспечить безопасность на юге. В ниже , дань информация о контракте и договори между Россией и Великобритания по поводу Афганистана.

¹⁹ Tehronda uch ittifoqchi davlat—Sovet Ittifoqi, Amerika Qo'shma Shtatlari va Buyuk Britaniya rahbarlarining konferensiyasi.// Qizil O'zbekiston. 1943-yil 7-dekabr

Kalit soʻzlar: Afgʻoniston, Buyuk Britaniya, Rossiya, ingliz – afgʻon urushlari, geosiyosiy, demokratik, Doʻst Muhammadxon, Sherali xon, “Katta oʻyin”, “Salobatli urushlar”, “Rossiya ayigʻi”, “Britaniya sheri”, Divoc Agril, Lord Lyutton, Kaufman.

XIX asrning eng muhim boʻlgan xalqaro muammolaridan biri bu Markaziy Osiyo masalasi edi. Agarda Markaziy Osiyo geosiyosiy jihatdan muhim mintaqaga hisoblansa, Afgʻoniston esa aynan oʻsha mintaqadagi muhim strategik nuqtadir. Shu sababli ham koʻp yillar davomida Rossiya va Buyuk britaniya oʻrtasida katta bahs munozaraga sabab boʻldi va fitnalar, muajorolar maydoniga aylanib qoldi. Chunki bu yirik mamlakatlar uchun Afgʻoniston bozor yoki mahsulot bazasi vazifasidanda muhim boʻlgan yaʼni bu ikki yirik mustamlakachi davlatning mustamlakalari ostonasi edi. Rossiya uchun janubiy sarhadlarining xavfsizligini taʼminlaydigan Afgʻoniston “buffer” zona vazifasini bajarishi lozim boʻlsa, Buyuk Britaniya uchun esa Afgʻoniston avvalo, Eron va Markaziy Osiyo yerariga harbiy yurishlar olib brogan taqdirda eng muhim amaliyotlarni amalga oshiradigan nuqta, hamda oʻzining jonajon mustamlakasi boʻlmish Hindistonga Rossiyaning yaqinlashishini oldini olish uchun kerak edi [1].

Afgʻonistonga qiziqishda rus va ingliz manfaatlari toʻqnasha boshlaydi, buning asosiy xususiyatlarini ochib berishda ikki “Katta oʻyin” va “Salobatli yurishlar” kabi tarixiy - siyosiy jarayonlarning oʻrni beqiyos [2]. “Katta oʻyin” ning haqiqiy oʻyinchilari hisoblangan Rossiya va Angliya hukumatlari tomonidan Afgʻonistonda va boshqa hududlardagi podsholarni, amirlarni, shahzodalarni, sardorlarni va xonlarni qoʻldan bermay oʻz ishlaringa tobe qilishga harakat qilganlar. Bu oʻyin oʻz ichiga Londondan Sankt-Peterburgacha, Afgʻonistondan Istanbulgacha va Kalkutttagacha boʻlgan barcha daryolar, togʻlar, sahrolar va shaharlarni qamrab olgan edi. Ikkinchi termin hisoblangan “Salobatli yurishlar” haqida ruslar Sankt-Peterburgda “Niva” daryolari atrofida Markaziy Osiyo tomonga harakatlanishi va Kavkazni egallagandan soʻng Markaziy Osiyoga tomon yoʻlolanliklarini koʻrsatadi.. Bu ikki siyosiy jarayonlar juda koʻplab muhokama va munozaralarga sabab boʻladi, hattoki Villian Dalrymple, Hillari Clinton, Stanley Mc Chrystal va David Richardlar bu masalaga fikr bildirar ekan “Rossiya ayigʻi” va “Britaniya sheri” atamasini qoʻllaydi [3].

1873 yil 21-yanvarda Buyuk Britaniya va Rossiya oʻrtasida sharqiy Badaxshon hududi va Sari-Qul koʻlidagi Vaxon yoʻlagi Afgʻoniston hududi, Afgʻonistonning shimoliy chegarasi Xudja Salargacha boʻlgan Amudaryo chegarasi va qoʻshma rus-ingliz komissiyasi Amudaryodan Fors chegarasigacha Harirudga qadar boʻlgan chegarani belgilab olishadi. Biroq, Amudaryoning gʻarbiy qismida 1885 - yilgacha chegara aniqlanmagan edi [4].

1885-yil bitimi Afgʻoniston chegaralarini belgilash toʻgʻrisida Londonda 29-avgust (10-sentabr)da imzolandi [5]. Bitim Angliya va Rossiyaning Turkiston (Janubiy Tur-kmaniston) dagi 1885-yil nizosini, ikki yirik davlat oʻrtasidagi urush xavfini bartaraf qildi. Tuzilgan ingliz-rus chegara komissiyasi asosan Rossiya talablarini nazarga olib, Afgʻonistonning shimoli-gʻarbiy chegaralarini aniqladi va bu haqda 1887-yil 10 (22) iyulda Peterburgda bitim imzolandi. Afgʻoniston Chegara Komissiyasi Rossiya oʻzlarining bosib olgan eng uzoq hududlaridan voz kechishiga, ammo Panjdeni saqlab qolishiga kelishib oldi. Shartnoma Amudaryodagi doimiy shimoliy Afgʻoniston chegarasini belgilab qoʻydi, ayniqsa Panjdeh atrofida koʻp sonli hududlar qoʻldan ketdi.

1893 - yil 12-noyabrda Kobulda Buyuk Britaniya va Afgʻoniston oʻrtasida bitim imzolandi [6]. Shartnoma 1873 - yilgi kelishuvni yana bir bor tasdiqladi, Afgʻonistonni Amudaryoning shimolidagi 1884 - yilda bosib olgan hududidan chiqib ketishini talab qildi va Sari koʻli sharqidagi chegarani delimitatsiya qilishga chaqirdi.

1907-yil 18 – (31) avgustdagi Peterburgda imzolangan bitim Oʻrta Sharqdagi taʼsir doiralari chegaralarini belgilashga qaratilgan edi. Bu bitimlar asosan Tibet, Afgʻoniston va Eronga doir edi. Angliya va Rossiya Tibetni mustaqil deb tan oldi. Eron 3 zonaga: Rossiya taʼsir doirasidagi Shimoliy zona va Angliya taʼsir doirasidagi Janubiy zona hamda bular oʻrtasidagi betaraf zonaga boʻlindi [7]. Afgʻoniston Angliya hukumati taʼsirida qoldi. Rossiya Afgʻoniston hukumati bilan faqat Angliya hukumati orqali aloqa qilishga rozi boʻldi; tomonlar Afgʻoniston hududiy butunligini buzmaslik majburiyatini oldilar.

Adabiyotlar

1. Хидояттов.Г.А Британская экспансия в Средней Азии, Т.,1981, с.7
2. М. А. Гареев. Моя последняя война (Афганистан без советских войск). М., ИНСАН, 1996. стр.161, 192
3. Ю. Тыссовский. «Заговор в Кабуле: как это было». // «Известия», № 70 (22973) от 11.03.1990, стр.6
4. История Афганистана с древнейших времён до наших дней / отв. ред. Ю. В. Ганковский. М., «Мысль», 1982. Стр. 341
5. <https://www.jstor.org/stable/40105749> Great Britain's Great Game : An Introduction
6. Rashidov R. Afgʻonistonda davlatchilik masalasi: tarix va hozirgi zamon. Monografiya. - T.: Navroʻz, 2017. - B. 21.
7. Hindistonning Himolay chegaralari: tarixiy, geosiyosiy va strategic istiqbollari edited by K. Warikoo. Routledge, Abingdon, 2009. P14
https://uz.wikipedia.org/wiki/Angliya-Rossiya_bitimlari

XITOIY MANBALARIDA XORAZMSHOHLAR DAVLATIGA OID MA'LUMOTLATNING AHAMIYATI

Ibodullaeva (Norbutayeva) Gulchehra

O'zbekiston Milliy Universiteti

Tarix fakulteti "Tarixshunoslik, manbashunoslik

va tarixiy tadqiqot usullari yo'nalishi"

1-bosqich magistranti

Qadimgi va o'rta asr zamon tariximizdagi bo'sh saxifalarni to'ldirishda dunyo tarixidagi turli xalq va millatlarning tillarida bitilgan yozma manbalarni, yirik tarixchi olimlarning ular ustida olib borgan tadqiqotlarini, xususan Xorazm tarixiga bevosita bog'liq bo'lgan Xitoy xalqining qadimgi va o'rta asr yozma manbalarini chuqur va atroflicha o'rganish, ulardagi ma'lumotlarni ilmiy muomalaga kiritish bu maqsad sari quyilgan qadamlarning biridir.

Xorazmshohlar bilan Xitoy o'sha vaqtdagi hukmronlik qilgan sulolalari o'rtasida ma'lum bir darajada savdo va elchilik aloqalari bo'lgan. Ya'ni elchilik aloqalari deganda, biz Xitoyning o'sha vaqtlarda hukmronlik qilgan sulolalar davrida xitoylik sayyohlar yoki elchilar ma'lum bir hududga tashrif chog'larida aynan Markaziy Osiyo hududlarida bo'lib qaytishgan. Aynan xitoylik sayyohlarning sayohatlari chog'ida yozib qoldirgan safarnomalari orasida biz Xorazmshohlarga tegishli ma'lumotlarni uchratishimiz mumkin. Bunga misol qilib, o'z davrining taniqli dao tariqati ruhoniysi Chan Chun (Chang Chun 長春, 1148–1227) ham hozirgi Shimoliy Xitoy va Mo'g'uliston bo'ylab Xorazmshohlar hududiga yetib keladi. Mazkur sayohat haqida Chan Chun bilan birga ketgan Li Chjichan (Li Zhichang 李志常) ismli shogirdi "G'arbga sayohat haqida xotiralar" (Si yu szi / Xi you ji 西遊記) nomli safarnoma yozib qoldiradi. Mazkur asar to'la ravishda rus tiliga va qisqartirilgan shaklda ingliz tiliga tarjima qilingan.

Mazkur safarnomada ham Xorazmshohlar va umuman Markaziy Osiyo aholisi Xuyxe "uyg'urlar", deb tilga olinadi. Yana bir bor ta'kidlash joizki, XIII asr xitoy manbalarida mazkur atama nafaqat uyg'urlarga, balki butun Markaziy Osiyo aholisiga nisbatan ishlatilishi odat bo'lgan. Xorazmshohlar hukmdori Muhammad Alouddin esa Suanduan (Suanduan 算端) – "Sulton" nomi bilan zikr etilgan bo'lib, muallif Jaloliddin Manguberdi haqida ham ma'lumot berib o'tadi.

Safarnomada qayd etilishicha, Chan Chun 1221-yil fevrali oyida Pekin shahrini tark etib, hozirgi Mo'g'uliston, Qozog'iston va Qirg'iziston hududlari bo'ylab dekabr oyida Samarqand shahriga yetib keladi. Xorazmshohlar davlatining markaziy shaharlaridan biri bo'lmish Samarqand mo'g'ullar tomonidan endigina bosib olingan edi. Safarnoma muallifi Samarqand shahri va aholisi haqida qiziqarli ma'lumotlarni berib o'tadi. Jumladan, asarda Samarqand "Semizkent" (Xiemisigan 邪迷思干) tarzida tilga olingan bo'lib, muallif bahor faslida Samarqand shahrining chiroyi, bodom daraxtining gullashi hamda go'zal bog'lari haqida bayon qilib o'tadi. Hatto, xitoy bog'lari Samarqand bog'lariga teng kela olmasligini alohida ta'kidlaydi. Bundan tashqari muallif ta'kidlashicha, Xorazmshohlar sulolasi davrida Samarqand shahrining aholisi 100 ming xonadondan iborat bo'lgan. Mo'g'ullar bosqinidan so'ng esa shaharda mazkur aholining faqat to'rt dan bir qismi qoladi. Agar bir xonadonda o'rtaacha 4–5 kishi istiqomat qilgan bo'lsa, unda Xorazmshohlar davrida Samarqand aholisi tahminan yarim millionga teng bo'lganligini aniqlab olishimiz mumkin.

Yuqorida tilga olingan sayyoh Xorazmshohlar mamlakati haqida xabar bersa-da, ular davlatning asosiy markazi bo'lmish Urganch shahrida bo'lishmagan.

Yana bir sayyoh Yeli Chusay (Yeli Chucai 耶律楚材, 1190–1244) 1219–1224-yillarda Xorazmshohlar hududining ko'plab shaharlarida bo'lib, ularning geografik joylashuvi, iqlimi, aholisi va boshqa masalalarga oid ma'lumotlarni "G'arbga sayohat xotiralari" (Si yu lu / Xi you lu 西游錄) nomli asarida bayon qilib o'tadi. Xorazmshohlar davrida Xo'jand, Koson, Samarqand, Buxoro va boshqa bir qator shaharlar kabi mamlakat poytaxti Urganch shahrining tavsifi ham keltiriladi.

Yeli Chusay Muhammad Xorazmshohni "Musulmon qabilalarining sultoni" (Mousulumani chjunlo solitan / Mousuluman zhongluo suolitan 謀速魯蠻種落梭里檀), deb tilga olib, Xorazmshohlarga qarashli Samarqand, Buxoro va Urganch shaharlari haqida ma'lumotlar berib o'tadilar.

Muallifi Samarqand shahrini Xorazmshohlar davlatining markazi sifatida tilga oladi. Urganch esa Muhammad Xorazmshoh onasi Turkon xotunning qarorgohi tarzida tavsiflanadi. Aslida davlat poytaxti Urganchda joylashganligi ma'lum. Biroq Muhammad Xorazmshoh Samarqandda ham o'z qarorgohiga ega bo'lganligi tufayli safarnoma muallifi shunday ma'lumotni berib o'tadi.

1220–1221 - yillarda jurjenlarning Jin sulolasi imperatori Syuanzong (Xuanzong 宣宗, 1213–1224) tomonidan yuborilgan Ugusun Chjuduan (Wugusun Zhongduan 吾古孙仲端) boshchiligidagi elchilar Xorazmshohlar hududiga ham tashrif buyurishgan. Ugusun Chjuduan merkit, mekrin, qirg'iz, nayman, qang'li, uyg'ur, tumat va qarluqlar istiqomat qilgan hududlar bo'ylab uzoq masofani bosib o'tib, Xuroson hududigacha yetib boradi. U o'z ko'zi bilan ko'rganlarini Lyu Si (Liu Qi 劉, 1203–1250) ismli do'stiga so'zlab beradi. Lyu Si esa o'z navbatida ushbu ma'lumotlarga tayanib, "Shimolga jo'natilgan elchilik xotiralari" (Bey shi szi / Bei shi ji 北使記) nomli safarnomani yozib qoldiradi. Muallif Xorazmshohlar davlati hamda umumiy ravishda Markaziy Osiyo hududiga nisbatan Xueyxe guo (Huihe guo 回紇國) "Uyg'urlar mamlakati" atamasini ishlatadi. Ko'rinib turibdiki, mazkur davrda xitoyliklar nazdida g'arbiy hududlar uyg'urlar bilan bog'liq ravishda tasvirlangan. Biroq, bu yerda Xorazmshohlar mamlakati nazarda tutilgan bo'lib, mazkur atamani "Musulmonlar davlati" yoxud "Turkiston", deb tarjima qilmoq darkor. Keyinchalik bu atama Xueyxuey / Huihui 回回 shaklida butun Markaziy Osiyo aholisiga nisbatan qo'llanilib, asosan

“musulmonlar” degan ma’noni anglatgan. Aynan shu davrdan boshlab uyg’urlarga nisbatan Xuyxe / Huihe 回紇 atamasi o’rniga hozirgi kungacha xitoy tilida qo’llanib kelayotgan Veyuer (Weiwu'er 維吾爾) nomi ishlatila boshlandi.

Xorazmshohlar haqida ma’lumot beruvchi xitoy manbalari qatoriga mo’g’ullar asos solgan Yuan sulolasining rasmiy solnomasi “Yuani sulolasi tarixi” (Yuani shi / Yuan shi 元史) ham kiradi. Mazkur asarda Xorazmshohlar qaysi nom bilan atalganligi ahamiyatga ega. Negaki, ushbu solnoma ko’rilayotgan voqealardan bir asr o’tgach yaratilgan. Shu tufayli, atamalar ham o’zgarib borgan. Jumladan, Xorazmshohlar mamlakati “G’arbiy zamin” (Siyuy / Xiyu 西域), tushunchasi doirasiga kiritiladi.

Rasmiy tarix va solnomalarda Xuyxuy guo / Huihui guo 回回國 “Musulmonlar davlati” va Siyu / Xiyu 西域 “G’arbiy zamin” atamalari ishlatilgan bo’lsa, safarnomalarda Xuyxe guo / Huihe guo 回紇國, ya’ni “Uyg’urlar davlati” toponimi qo’llanilgan. Mo’g’ullar bosqini davrida bitilgan safarnomalarda shu davr ruhiyati aks ettirilgan. XIII asrda Xitoyda hukmronlik qilgan mo’g’ullar ma’muriyati Markaziy Osiyo, jumladan, Xorazmshohlar hududini va uning aholisini asosan uyg’urlar bilan bog’liq tarzda ko’rgan. Bunga asosiy sabab, Xitoydagi mo’g’ullar ma’muriyatida xizmat qilgan, ayniqsa yozuv-chizuv ishlari bilan shug’unlanuvchilarning ko’pchiligi uyg’ur bo’lganligining natijasi bo’lsa kerak. Demak, ular xorazmliklarni “uyg’ur” deb bilishgan. Boshqa tomondan olib qaralsa, Xitoyda mazkur o’lkalar haqidagi geografik va etnografik bilimlar yetarli bo’lmagan deb hisoblash ham biroz noo’rin. Chunki, hammaga ma’lumki, Chingizxon davrida mo’g’ullar Xorazmni yaxshi bilgan. Bunga asosiy sabablardan biri, Xorazmlik Mahmud Yalavoch va boshqalar Pekinda hokim, davlat maslahatchisi bo’lib faoliyat ko’rsatishgan.

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, biz xitoy manbalardagi atamalarni tahlil qilish vaqtida unga obyektiv yondashib, hamda faqatgina xitoy manbalari bilangina yoki bir tarixchining asarlari bilan cheklanib qolmasligimiz balki, boshqa tarixchining asarlari yoki safarnomalari bilan taqqoslab yozishimiz zarur. Shundagina o’lkamiz tarixiga xususan, Markaziy Osiyo tarixiga oid ma’lumotlar o’zining aniqligi va orginalligini saqlab qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati

1. Duturayeva D. Xitoy manbalarida xorazmshohlar tarixiga oid ayrim ma’lumotlar. Toshkent, 2018.
 2. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов–Ануштегинидов. Москва, 1986.
 3. Палладий (Кафаров) А. Си Ю Цзи или Описание путешествия на запад даосского монаха Чан Чуня, пер., 1866 г. // Пустыня Тартари / Составление и подготовка издания А.И.Курчки. Москва, 1993. С. 280–378.
 4. Токто. Ляо ши (История династии Ляо). Гл. 30. / Перевод с китайского языка К.Д. Джусаева // Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана (извлечения из китайских источников II в. до н.э. – XVIII в.). Т. 2. Бишкек, 2003. С. 72–76.
 5. Токто. Ляо ши (Ляо сулалесинин тарыхы) 30-бап / К. Жусаев таржимаси // Кыргыздардын жана Кыргызстандын тарыхый булактары. Т.2. Бишкек, 2003. Б. 82–86.
 6. Хо’jaev A. Buyuk ipak yo’li: munosabatlar va taqdirlar. Toshkent, 2007.
 7. Song Lian 宋濂. Yuan shi 元史 [Yuan sulolasi tarixi]. Shanghai, 2004.
 8. Tuotuo 脱脱. Liao shi 辽史 [Liao sulolasi tarixi]. Beijing, 1976.
- e-mail: norbutavevagulchehra.98@gmail.com
t/me: @Lawyer_ng yoki +998907888263
Ibodullayeva Gulchehra Quvondiq qizi

1900–1917 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИ

Хабибжон Олимжонов

ЎзМУ тарих факультети таянч докторанти

Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан жамият ҳаётида эзгу кадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтириш, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, элу юртга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамининг барча кутубхона ва ахборот-кутубхона марказлари бутунжаҳон илмий-таълим маълумотлар базалари - “Library Press Display”, “JSTOR”, “East View”, “Springer Link”, “ProQuest” каби тармоқларга уланди.

Кутубхоналар тарихи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, 1900–1917 йилларда Туркистон ўлкасидаги кутубхоналар тарихи қенг кизиқишга сабаб бўлмоқда.

ЎзМАда 1898 йилга тегишли Фаргона вилояти бошқармасининг “Вилоят ва шаҳар марказларида оммавий кутубхона ва ўқув хоналарини очиш тўғрисида”ги 421-сонли ҳужжатлар йигма жилди мавжуд²⁰. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича 1898 йилда Ўш оммавий кутубхона ва ўқув хонаси очилади²¹. Янги

²⁰ ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йигмажилд. 15 варак.

²¹ ЎзМА, И-1-фонд, 13-рўйхат, 102-йигмажилд. 4 варак.

Маргилон шаҳар оммавий кутубхонаси 1899 йил 14 январда Фаргона вилояти губернаторининг қарорига мувофиқ ташкил қилинади¹⁰.

Бундай кутубхоналар Қўқон шаҳрида ҳам очилган. Масалан, Қўқон шаҳар бошлигининг 1900 йил 24 октябрда Фаргона вилояти губернаторига йўллаган 520-сонли мактубида шу йили Қўқон шаҳрида кутубхона очилганлиги, шунингдек кутубхонадан фойдаланиш тартиб-қоидалари ва низоми ишлаб чиқилганлиги маълум қилинади²².

1907 йилда Қўқон оммавий кутубхонасидан бепул фойдаланиш тўғрисида низом ишлаб чиқилади ва кутубхона иккита бўлимга бўлинади. Биринчиси бепул хизмат кўрсатувчи ўқув хонаси, иккинчиси пуллик хизмат кўрсатиш бўлимларидан иборат бўлади²³. Бу пайтда кутубхонада 1200 нусхага яқин китоб мавжуд бўлган.

1901 йил 26 январда Фаргона вилояти ҳарбий губернаторига шу мазмундаги мактуб йўлланади, фақат бу мактубни Наманган уезди бошлиги юборади. Мактубда Наманган оммавий кутубхонаси очилганлиги ва кутубхона протоколи нусхаси тақдим этилаётганлиги маълум қилинган.

1907 йилда Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг буйруғига асосан Скобелев шаҳрида кутубхона очилади. 1908 йил 18 ноябрда Скобелев оммавий кутубхонасининг 144-сонли протоколи ишлаб чиқилади ва кутубхонанинг фаолияти тартибга солинади ҳамда у расмий фаолият юритувчи муассасага айланади.

1909 йилнинг август ойида Ўратепа шаҳар оммавий кутубхонаси очилади. Дастлаб кутубхона учун кичикроқ бино берилади ва кутубхона таъмирлаш ҳамда жихозлаш учун 100 рубль ва газета, журнал, китоблар сотиб олиш учун 100 рубль маблағ ажратилади²⁴. Албатта, бу маблағ етарли эмас эди. Арцишевскийда кутубхонанинг фаолиятини йўлга қўйиш учун бундан бошқа маблағ йўқ эди. Шу билан бирга маҳаллий аҳоли томонидан кутубхона харажатлари учун маблағ тўплаб берилади.

Туркистон генерал-губернаторининг 1897 йил 10 майдаги 3150-сонли хатига асосан Еттисув (Семирченск) вилоятининг Лепсинск²⁵ шаҳрида умумий кутубхона ва ўқув хонаси очилади²⁶. Шу билан бирга, шаҳарда китоб дўкони ва шахсий кутубхона ўқув хоналари ҳам очилади.

Акмола вилояти ҳарбий губернатори, генерал М.А.Левинцов²⁷нинг 1897 йил “Омск шаҳар кутубхонаси” тўғрисидаги 1840-сонли қарорига асосан очилган. 1897 йил 2 сентябрда кутубхонанинг низоми ишлаб чиқилган²⁸.

Сирдарё вилояти Қазала²⁹ шаҳар оммавий кутубхонаси 1899 йил 28 октябрда очилган. 1900 йил 15 сентябрда “Қазала оммавий кутубхонаси тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилган³⁰.

1900 йилда яна бир кутубхона Пржевалск³¹ шаҳар кутубхонаси очилади. Пржевалск шаҳар кутубхонасига ҳам бошқа кутубхоналар сингари кутубхонанинг низомини ишлаб чиқиш ва ҳарбий губернаторга тақдим этиш вазифаси қўйилади. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, 1901 йил 15 майда “Пржевалск шаҳар кутубхонаси тўғрисида”ги низоми³² тасдиқланади ва жаҳон адабиётининг нодир нашрлари сақланган ўқув хонаси иш бошлайди. Сирдарё вилояти генерал-губернатори генерал-лейтенант М.Я.Романов³³

¹⁰ ЎзМА, И-1-фонд., 13-рўйхат, 102-йигмажилд. 2–4 варақ.

²² ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йигмажилд. 17 варақ.

²³ ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 28789-йигмажилд. 56 варақ.

²⁴ ЎзМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 8209-йигмажилд. 16 варақ.

²⁵ Лепсинск – Туркистон генерал-губернаторлиги Еттисув вилояти таркибида 1867 йил 14 апрелда ташкил қилинган шаҳар. Ҳозирги кунда Қозоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

²⁶ ЎзМА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 1865-йигмажилд. 9 варақ.

²⁷ Степанов В. С., Григорович П. И. В память столетнего юбилея императорского Военного ордена Святого великомученика и Победоносца Георгия (1769–1869). – СПб., 1869. – С. 29.

²⁸ ЎзМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 15769-йигмажилд. 8 варақ.

²⁹ Сирдарёнинг ўнг қиргоғида жойлашган шаҳар. Унга 1853 йилда асос солинган ва 1867 йилга қадар 1-Истеҳком қалъа деб аталган. Ҳозирда Қозоғистоннинг Қизилўрда вилоятига қарашли.

³⁰ ЎзМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 16630-йигмажилд. 3 варақ.

³¹ Қоракўл (Пржевалск) шаҳри–Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган шаҳар. 1865 йилда Россия империяси томонидан Қошғар чегарасида қурилган бўлиб, 1872 йилда бу шаҳарда ҳарбийлардан ташқари Тошкентдан, Туркистон вилоятининг бошқа шаҳарларидан келган 150 нафар аҳоли бор эди (асосан татарлар ва ўзбеклар ҳамда 12 нафари рус) 1897 йилда аҳолисининг сони 8108 нафарга етган.

³² ЎзМА, И-1-фонд, 13-рўйхат, 112-йигмажилд. 25 варақ.

³³ Михаил Яковлевич Романов (1848—1915) – рус пиёда қўшинининг генерали. 1903 йил 1 январдан Акмола вилояти ҳарбий губернатори, 1906 йил 3 августдан Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори. 1911 йил 20 январда генерал унвонини олган.

томонидан³⁴ 1907 йил 19 декабрда Авлиёота³⁵ шаҳар кутубхонаси устави тасдиқланади. Устав 29 банддан иборат бўлган³⁶.

Туркистон генерал-губернаторининг 1899 йил 18 декабрда 16468-сонли буйруғига асосан Амударё кутубхонаси очилади ва унинг вақтинчалик низоми қабул қилинди. Кутубхонанинг ўқув хонаси Ўрта Осиё темир йўллариغا қарашли Фароб бекатида жойлашган³⁷.

1907 йилда Сирдарё вилояти Амударё уездига Петро-Александровск кутубхонаси ташкил топади. Шу йили 28 мартда Кутубхона низоми муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Низом 25 банддан иборат бўлган³⁸.

1905 йил 26 апрелда Ўрта Осиё темир йўллариининг Черняев бекатида темир йўл хизматчилари учун кутубхона очилади. Кутубхона низоми Самарқанд харбий губернатори генерал-майор Гескет томонидан 1906 йил 23 майда тасдиқланади. Низом 34 банддан иборат бўлиб, кутубхона фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат саналган³⁹. Губернаторнинг 1910 йил майдаги 6-сонли қарорига мувофиқ Жиззах шаҳар кутубхонаси очилади⁴⁰. 1907 йил 12 сентябрда маҳаллий мусулмонлар кутубхонаси очилган. Кутубхонада 200 нусха тарихий ва илмий китоблар бўлиб, хусусан, Қуръони Карим таржимаси ҳамда китоблар, 15 нусхадаги газета ва журнал бўлган. Китоб ва газеталар асосан араб, форс ва рус тилларида эди. Кутубхона хизматларидан Арабистон ярим ороли шаҳарлари, мусулмон динининг марказлари Макка ва Мадинадан ҳамда Истанбул, Санкт-Петербург, Москва каби 15 га яқин жаҳоннинг энг бой кутубхоналаридан олимлар келиб фойдаланган. Кутубхонанинг ташкил этилишида кутубхона бошлиғи Маҳмудхўжа Бехбудий ва кутубхона ходими, котиб Абдуҳолиқовларнинг хизматлари сингади.

Самарқанд тарихи ва кутубхоналари тўғрисида тарихчи И.М.Мўминов шундай ёзади: “XIX асрнинг 70 ва 80 -йилларида Самарқанд шаҳрининг янги қисми вужудга келди, бу ерда харбий мустамлакачилик маъмурияти жойлашди. Янги шаҳарда кутубхона ва шу каби маданий-оқарту муассасалари пайдо бўла бошлади⁴¹.”

Россияда фуқаролар уруши йилларида Самарқанд ишчилар ва солдатларнинг маданий ва сиёсий савиясини ошириш мақсадида социал-демократик ташкилот аъзолари 1905 йил 24 февралда Самарқанд жамоат кутубхона ва ўқув хонасини очдилар. Бу кутубхона ўша пайтдаги Зирабулок ва Черняев кўчаларининг кесишадиган чорраҳасида жойлашган эди. Кутубхона аҳолининг барча қатламлари ва айниқса ишчилар ўртасида катта обрў қозонди. Бу ерда жуда кўп адабиётлар сақланган. Кечки пайтда, кутубхона ёпилгандан кейин унинг биносида кўпинча йигилишлар, тўғарака машғулотлари бўлиб турар эди.

Аммо, мазкур кутубхона Туркистон генерал-губернаторининг илтимосига кўра ички ишлар вазири Дурновнинг 1906 йил 5 февралда чиқарган буйруғи билан ёпиб қўйилган⁴².

Самарқанд шаҳар оммавий кутубхонаси (ҳозирги кундаги А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят илмий кутубхона) 1909 йилда ташкил этилган⁴³ бўлиб, кутубхонанинг асосчиларидан бири археолог В.Вяткин, биринчи бошлиғи В.Андреев. Кутубхонада китоб сақлаш, адабиётларга ишлов бериш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, даврий матбуот, маълумот-библиография, техника ва кишлоқ хўжалиги адабиётлари, оилавий ўқув хонаси, санъат, хорижий адабиётлар, илмий методик, каталог ва картотекалар, ўлкашуносликка доир адабиётлар бўлимлари ҳамда ҳуқуқий ахборот марказлари мавжуд бўлган. 1911 йилда кутубхонада 2 минг нусхага яқин китоб сақланган.

Самарқандда оммавий ва шахсий кутубхоналардан ташқари харбий қисмлар қошида ҳам кутубхоналар бўлган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Туркистонда шарқ қўлёзмаларини тўплаш ва сақлаш гоёсини дастлаб Д.Граменитский илгари сурган. У Туркистон халқ кутубхонасини фақат шарқ қўлёзмалари сақланадиган кутубхонага айлантириш таклифини киритади, аммо бу режа амалга ошмайди.

Кутубхонадаги шарқ қўлёзмаларининг каталогини биричи бўлиб А.Л.Кун тузган, у жами 57 та рўйхатни қамраб олган. А.Л.Кунга қўлёзма китобларни тўплаш ишларига шарқшунослар Н.Н.Пантусов, С.М.Граменитский, Е.Ф.Кал, Ростивлавов ҳамда бошқалар ҳам яқиндан ёрдам беришди.

А.Умаровнинг ёзишича Марказий Осиё Россия харбийлари томонидан босиб олингандан сўнг Туркистон ўлкасида қўлёзмаларни жамлаш билан илмий жамиятлар ва жамоат кутубхоналари шугулланди, бу соҳада айниқса Туркистон халқ кутубхонаси томонидан кўпгина ишлар қилинди .

³⁴ Волков С. В. Генералитет Российской империи. Энциклопедический словарь генералов и адмиралов от Петра I до Николая II. Том II. Л—Я. – М., 2009. – С. 690.

³⁵ Мил. авв. IV–V асрларда Талас дарёси яқинидаги даштларда сақлар ва усунларнинг қабила иттифоқлари шаклланиб, улар Тараз аҳоли пунктига асос солишган. 1856 йилда шаҳар “ Аулие-Ата” – муқаддаси бобо (аждод), деб ўзгартирилган. Бу ном Қорахонийлар сулоласининг асосчиси–Қорахон шарафига қўйилган. Ҳозирда Қозогистон ҳудудидаги Тароз шаҳрининг 1936 йилгача номи.

³⁶ ЎЗМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 21657-йигмажилд. 45 варақ.

³⁷ ЎЗМА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 70-йигмажилд. 2 варақлар.

³⁸ ЎЗМА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 16258-йигмажилд. 7 варақ.

³⁹ ЎЗМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 8097-йигмажилд. 15 варақ.

⁴⁰ ЎЗМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 8322-йигмажилд. 2 варақ.

⁴¹ Мўминов И.М. Самарқанд тарихи. Т. 2. – Тошкент: “Фан”, 1971. – Б. 18.

⁴² Мўминов И.М. Самарқанд тарихи. Т. 2. – Тошкент: “Фан”, 1971. – Б. 322.

⁴³ ЎЗМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 8255-йигмажилд. 9 варақ.

1889 йилда шарқшунос Е.Ф.Кал⁴⁴нинг шахсий ташаббуси билан, халқ кутубхонасининг шарқ кўлёмаларини илмий жиҳатдан тавсифлаб чиқиш тугалланди, у тавсифлаш вақтида Ч.Ренинг машҳур европача каталоглаштириш методидан фойдаланди. Е.Ф.Калнинг каталоги ўзида 126 та номдаги 87 жилд кўлёмани ташкил этиб⁴⁵, бу эса Туркистон халқ кутубхонасида сақланган кўлёмалар тўғрисидаги тасавурларни анча бойитарди. Каталог⁴⁶даги кўлёмалар асосан Туркистон, Ерон, Ҳиндистон ва қўшни давлатлар тарихига доир китоблардан иборат бўлиб, шундан 78 таси форсча (тожикча), 19 таси арабча ва 29 таси туркий (ўзбек) тилидаги китоблар эди.

Туркистон халқ кутубхонасининг коллекцияси эски ўзбек тилидаги адабиётларга анча бой эди, бу ерда ўрта асрлар ва энг янги тарихига оид жуда кўп қимматли китоблар сақланган. 1895 йил кутубхона директори Н.В.Дмитровский қолдирган маълумотларга қараганда 90 га яқин кўлёмалар⁴⁷ таркибида бўлган Пайгамбар Ибн Ишқ таржимаи ҳолининг таржима нусхаси, Али бен Жалол ал-Исломнинг “Темур тарихи” (хижрий 801-йилгача), Муҳаммад Вафо Карминагининг 1134 йилдан 1170 йилгача бўлган Мовароуннаҳр тарихи ҳамда бошқа китоблар бўлган. Кўлёмалар ичида Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Ҳожи Муҳаммад Ҳақимхон Тўранинг “Солномадан парчалар” номли китоблари диққатга сасовордир.

Кутубхона фондининг кенгайишида маҳаллий аҳоли вакилларининг шахсий кутубхона фондлари муҳим роль ўйнади. 1898 йилда Андижонлик Муҳаммад Али Собиров (“Дукчи Эшон”)нинг шахсий кутубхонасидан мусодара қилинган 194 нусха кўлёмалар китоб муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шарқшунос ва академик В.В.Бартольд бу китоблар 1880 йилдан кейин келиб тушган жиддий қўшимча⁴⁸ деб, ҳисобларди.

В.В.Бартольднинг изланишларига кўра Туркистон халқ кутубхонасида генерал Жўрабекнинг кўлёмалар тўпламидан Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” китоблари ҳам бўлган. Ажойиб миниатюралар билан безатилган китоблар жуда қимматли бўлшига карамай, кўп қисми маҳаллий аҳолидан сотиб олинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Волков С. В. Генералитет Российской империи. Энциклопедический словарь генералов и адмиралов от Петра I до Николая II. Том II. Л—Я. – М., 2009. – С. 690.
2. Кормилицин А., Расулов М., Давлатов С. Кутубхонашунослик ишининг назарияси ва тарихи. – Тошкент: “O’zgeokadastr”, 2003. – Б. – 67.
3. Лахтин С.И. Каталог книг иностранного отделения Туркестанской Публичной Библиотеки. – Ташкент: “Тип-Лит”. 1891. – С. 15.
4. Мўминов И.М. Самарқанд тарихи. Т. 2. – Тошкент: “Фан”, 1971. – Б. 18.
5. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том1. – Ташкент, 1952. – С.6.
6. ЎзМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 8322-йигмажилд, 2 варак.
7. ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йигмажилд, 15 варак.

ТУРКИСТОНДА ТАТАР-БОШҚИРД МАРКАЗИЙ БЮРОСИ ВА СЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ

Рислигой Расулова

ЎзМУ Тарих факултети

Ўзбекистон тарихи кафедраси

Таянч докторанти

Туркистонда миллий озчилик қаторидан татар ва бошқирдлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар XX аср 20 йиллари бошидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, хусусан Бошқирдистон АССР, Татаристон АССР ташкил топиши, юқоридаги автоном республикалар алоҳида тузилгунга қадар, қўшалок, яъни Татар-Бошқирд АССР тузиш лойиҳаси илгари сурилгани ҳам жойларда, хусусан ўлкада Татар-Бошқирд Марказий бюроси тузилишига туртки берган.

Туркистон халқ маорифи комиссарлиги қошидаги Миллий озчилик кенгаши таркибида ўз фаолиятини олиб борган Татар-Бошқирд Марказий бюроси (ТБМБ) ўлка бошқарув тизимида ҳамда маданий-маърифий ишларга татарларни тайёрлаш ишларида муҳим роль ўйнаган. ТБМБ аслида 1920 йили Туркистон халқ маорифи комиссарлиги қошидаги миллий озчилик бўлимининг маориф кенгаши сифати тариқасида жорий этилган. Дастлаб миллий озчилик бўлими 1919 йил бошларида Туркистон миллатлар иши бўйича комиссарлик қошида ташкил топган бўлса-да, кейинчалик Туркистон халқ маорифи комиссарлиги тасарруфига ўтказилган. Халқ маорифи комиссарлигига ўтказилишига сабаблар қаторида, асосий эътиборни

⁴⁴ Каль Евгений Фёдорович (1863–1891). Филолог, шарқшунос, археолог, коллекционер, Туркистон бўйлаб саёҳат қилган.

⁴⁵ Кормилицин А., Расулов М., Давлатов С. Кутубхонашунослик ишининг назарияси ва тарихи. – Тошкент: “O’zgeokadastr”, 2003. – Б. – 67.

⁴⁶ Лахтин С.И. Каталог книг иностранного отделения Туркестанской Публичной Библиотеки. – Ташкент: “Тип-Лит”. 1891. – С. 15.

⁴⁷ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том1. – Ташкент, 1952. – С.6.

⁴⁸ Бартольд В.В. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Записки коллегии востоковедов. Т. 1. – Ленинград, 1925. – С. 87.

миллий озчилик тили, турмуш тарзини, маданий-маърифий ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолиш ҳисобланган. Туркистон халқ маорифи комиссарлиги қошидаги миллий озчилик кенгаши таркиби қуйидаги бюрларни ўз ичига олган эди: 1. Татарлар, Бошқирдлар; 2. Тожиклар; 3. Дунган-таранчилар; 4. Ерли яҳудийлар; 5. Арманлар; 6. Украинлар; 7. Немислар; 8. Поляк ва литовликлар; 9. Латиш ва эстонлар; 10. Европалик яҳудийлар; 11. Эрон-озарбайжонлар⁴⁹.

ТБМБ нинг мудир Ақбердин ўз фаолияти доирасида ўлканинг барча вилоятларида истикомат қиладиган татар ва бошқирдлар манфаати, хусусан жойлардаги татар мактаблари, татар ва бошқирдлар маданий-маърифий зарурияти, уларни янги жамият ҳарбий-сиёсий ҳаётида, унинг бошқарув тизимида қанчалик даражада иштирок этаётганини жойларда, яқинан танишиш лозим деб ҳисоблаган. Шу сабабдан келиб чиқиб, ТБМБ мудир Ақбердин Туркистон халқ маорифи комиссарлигига мурожаат қилиб, тегишли миқдорда маблағ ажратилиши сўраган. Масалан, Ақбердин 1922 йил 6 июнда Еттисув вилоятидаги татар ва бошқирдлар маданий-маърифий аҳволини ўрганиб чиқиши йўлида, вилоятдаги тегишли пунктларни айланиб чиқишга, йўл харажатлари учун 252 500 000 сўм маблағ ажратилишини сўраган⁵⁰.

Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий аҳвол ўлка ерли аҳолинигина эмас, балки миллий озчиликни ташкил қилган миллатлар ҳақ-ҳуқуқини тиклашга, уларни ҳам маданий-маърифий соҳаларда: тили, турмуш тарзи, маданияти, маърифатини йўлга қўйиш, ўлка бошқарув тизимида ўз ўрнига эга бўлишга ундаган. Юқоридаги масалалар ечимида ТБМБ ҳам ваколати доирасида фаол қатнашган. Хусусан, ТБМБ ўлкада истикомат қилаётган татар ва бошқирдларни тури соҳаларда таълим олишига, бошқарув тизимига йўналтириш ишлари билан изчил шугулланган. Масалан, ТБМБ мудирлари А. Алпаров ва кейинчалик А. Айдаровлар ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида 1922 йил январ-сентябр ойларида Х. Хабибуллинни мактаб ўқитувчилигига, Музаффаровни “Мулламур Воҳитов” номли мактаб мудирлигига, Валиевни Самарқанд вилоят партия мактабида ўқишга, “Мулламур Воҳитов” номли мактаб ўқитувчилари бўлмиш Баширов ва Хамзинларни эгаллаб турган лавозимларидан четлатишга тавсия берганлар⁵¹.

ТБМБ мудир А. Айдаров томонидан Туркистон МИБХК ва Туркистон халқ маорифи комиссарлигига 122 йил ноябрида қилган ёзма мурожаатида “Туркистон давлат университетидаги талабаларни қайси йўсинда сақлаб туриш бўйича маълумот беришингизни сўраймиз... [уларнинг] моддий шарт-шароитлари жуда ҳам ёмон аҳволда, ҳеч нима билан таъминланмаётган. Татар талабалари 50 нафар атрофида. Уларнинг моддий шарт-шароитини яхшилаш керак. Ҳеч бўлмаса 50 фоизини стипендия билан таъминлаш зарур. Акс ҳолда улар олий мактабда ўқишни тўхтатишга мажбур бўладилар”, - дейди⁵². Деярли айнан шу мазмундаги ёзма мурожаатда, “бошқирд талабалари 40 нафар атрофида. Уларнинг моддий шарт-шароитини яхшилаш керак” деб, уларни стипендия билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш зарурлигини қайд этади.

Татар-Бошқирд Марказий бюроси ўз сафларидан ўлка бошқарув тизимида фаолият олиб бораётганлардан “ички тозалаш” ишларини ҳам олиб боранлар. Бошқарув тизимида фаолият олиб бораётган татарлардан, Воҳидов номидаги татар мактаби мудирини “маъмуриятчи ва педагог сифатида ягона меҳнат мактаби сифатини юритишда нўноқлиги сабабли, унинг ўрнига Маликбоевни тайинлаган”⁵³.

Татар-Бошқирд Марказий бюроси раиси А. Айдаров 1922 йил 12 ноябрда Туркистон ички ишлар халқ комиссари қилган мурожаат хатида ИИХК таржимони Маликбоевни ўз ихтиёрига юборишларини сўраб, у “собиқ ўқитувчи, махсус таълим ва амалиётга эга. Унга М. Воҳидов номидаги 7 йиллик мактабнинг мудирини ва ўқитувчилик лавозими берилди”, - дейилган⁵⁴.

ТБМБ нинг Туркистондаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, асосий эътибор татар ва бошқирдларни ўлкадаги ўқув юрларига юбориш, салоҳияти ва маълумоти, ташкилотчилик, бошқарув имкониятига эгаларни мавжуд вакант лавозимларга тавсия этиш ишлари муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, 1922 йил ноябрида ТБМБ томонидан Бурнашева ва Кутмашевлар Тошкент шаҳридаги акушерлик курсларига юборилган бўлса, айнан шу ойда Тошкент ХТБ га юборилган хатда Музаффаровни Мутаваллилар кенгаши мактаби Воҳитов номидаги мактабига мудирликка тайинлангани қайд этилган.

ТБМБ нинг 12 декабридаги қарорига биноан, Туркистон татар ва бошқирдлар қўмитаси жамияти ихтиёрига Туркистон ички ишлар халқ комиссарлигидан Абдусаттарова ва ўлка халқ маорифи комиссарлигидан Фатхуллинлар вакил сифатида юборилган⁵⁵. Бундан кўриниб турибдики, ТБМБ жойлардаги бошқарув, жамоатчилик, партия ва совет органларида фаолият олиб бориш ёки ўз миллатининг вакили бўлиб қатнашиши учун ҳам тавсия этиш билан шугулланган. Айни пайтда татарларни ўз устида ишлаши, уларни бошқарув тизимида, Татар маориф институтида таълим олишда ҳам амалий ёрдам кўрсатган. Масалан, 1923 йил 9 августда Татар-Бошқирд Марказий бюросимудир А. Айдаров Татар маориф институти раҳбариятига мурожаат қилиб, Шарипов, Галимов, Гарауллин, Ёқубова, Жалаевларни ўқишга тавсия этган⁵⁶.

⁴⁹ Саипова К. История национальных меньшинств Узбекистана (1917-1990 гг.). Ташкент: “TURON-IQBOL” 2021. -С. 43.

⁵⁰ Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 120-варақ.

⁵¹ Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 1-2, 7-9, 14- варақлар.

⁵² Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 15-16, 31-36 варақлар.

⁵³ Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 17-варақ.

⁵⁴ Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 18- варақ.

⁵⁵ Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 39-варақ.

⁵⁶ Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 2239-иш, 69-варақ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Саипова К. История национальных меньшинств Узбекистана (1917-1990 гг.). Ташкент: "TURON-IQBOL", 2021. -С. 43.
2. Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 120-варақ.
3. Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 1-2, 7-9, 14- варақлар.
4. Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 15-16, 31-36 варақлар.
5. Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 17-варақ.
6. Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 18- варақ.
7. Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 39-варақ.
8. Ўз МА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 2239-иш, 69-варақ.

TARIX FANIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR

Javohir Qodirov

O'zMU Tarix fakulteti magistranti

Kalit soʻzlar: 3D MAX, virtual muzeylar, Tarixiy madaniy meʼros.

XXI asrda zamonaviy texnologiyalarning oʻrni oʻshib bormoqda shu miqyosda kompyuter dasturlari va ular yordamida qilingan ishlar ahamiyati beqiyosdir. Mana shunday kompyuter dasturlaridan biri 3d max dasturi bugungi kunda bir qancha sohalarda qoʻllanilmoqda masalan professional dizaynerlar, meʼmorlar rassomlar oʻz loyihalarini yaratish uchun foydalanadi. Bu dasturni barcha sohalarga kirib borishi Tarix fani xususan, Arxeologiya sohasida ham oʻzgarishlar boʻlishiga olib keldi. Tarix fanlari ichida aynan arxeologiya birinchilardan boʻlib axborot texnologiyalariga murojat etgan. Bizga maʼlumki oʻquvchi koʻrish sezgisi orqali, eshish sezgisiga nisbatan koʻproq axborotni qabul qiladi va uning mazmunini, tub mohiyatini yaqqol koʻra oladi. Bu esa oʻz navbatida ustoz-pedagoglarning bironbir elementni ogʻzaki tushuntirishdan koʻra, uni koʻrgazmali namoyish etish usuli bilan maʼlumotni oʻquvchining ongiga oson va tez yetkazish usul hamda yoʻllarini qidirib topishlariga undaydi. Bu dasturni tarixiy rekonstruksiya xususan arxeologiya sohasida erishilgan yutuqlardan foydalanib yodgorliklarni 3d nusxalarini yasashda qoʻllanilsa katta yutuqlarga erishish mumkin. Bu bizga avvalo yodgorlikni qanday koʻrinishda boʻlganligi memorchilik anʼanasini va sivilizatsiya tarqiyoti darajasini belgilab beradi. Uch oʻlchovli grafika kompyuter grafikasi tarkibiga kiruvchi eng murakkab va keng qamrovli yoʻnalishdir. **Autodesk 3ds Max** (avval **3D Studio MAX**) – Autodesk kompaniyasi tomonidan yaratilib boʻlingan, animatsiya va uch oʻlchamli grafika yaratuvchi va tahrir qiluvchi toʻliq funksiyali professional dastur[5]. Oʻz ichiga multimediya sohasidagi mutaxassislar va rassomlar uchun eng zamonaviy vositalarni oladi. Windows operatsion tizimlari oilasi tarkibida ishlaydi (ham 32 bitda, ham 64-bitda). Toʻplamning ilk versiyasi 3D Studio DOS nomi ostida 1990-yilda ishlab chiqarilgan[5]. Toʻplam ishlab chiqarilishi ustida dasturchi Gari Yost asos slogan. 3ds Max turli koʻrinishdagi va murakkablikdagi kompyuter uch oʻlchamli modellarni, atrof-muhitdagi real yoki fantastik obyektlarni yaratish uchun barcha zaruriy vositalariga ega. Ishni bajarishda dastur turli xil usul va uslublarni qoʻllaydi jumladan:

- poligonal modellashtirish, tarkibiga Editable mesh (yuzani tahrirlash) va Editable poly (poligon tahrirlaydi) kiradi. Bu eng keng tarqalgan modellashtirish usuli boʻlib, murakkab modellar va oʻyinlar uchun maʼlum modellar yaratish uchun ishlatiladi.
- Beze yuzalar (Editable patch) asosida modellashtirish - aylanuvchi jismlarni modellashtirishga qulay;
- oʻrnatilgan standart kutubxona va modifikatorlarni qoʻllash orqali modellashtirish;
- splaynlar (Spline) asosida NURBSning ibtidoiy muqobili Surface modifikatorini qoʻllash orqali modellashtirish;
- splaynlar asosida Extrude, Lathe, Bevel, Profile modifikatorlarini qoʻllash orqali modellashtirish yoki Loft obyektlari splaynlari asosida yaratish. Bu metod binolarni modellashtirishda ishlatiladi.

Vizuallashtirish [tahrir | manbasini tahrirlash]

➤ Modellashtirilayotgan narsa ishining soʻnggi bosqichi bu vizualizatsiyadir. Bu bosqichdan soʻng obyektning barcha xossalari koʻrina boshlaydi va ish davomida oʻrnatilgan atrof-muhit effektlari namoyon boʻladi. Ungacha esa barchasi juda oddi koʻrinishda koʻrsatiladi (misol uchun, murakkab geometrik shakllar va turli xil effektlar koʻrinmaydi). Yakuniy tasvirni chiqarish uchun vizualizatsiyaning tegishli muduli tanlanadi (VM) va u matematik algoritmlar yordamida tasvirni jonlantiradi. Tasvirning tashqi koʻrinishini hisoblash ishning qiyinligiga qarab soniyadan tortib bir necha oygacha choʻzilishi mumkin. VMlarning koʻpchiligi dasturga qoʻshimcha oʻrnatiladigan alohida dasturlar hisoblanadi.

3ds Max turli vazifalarni bajaruvchi plaginlarga ega[5]. Har bir plagin maʼlum ishni bajaradi. Ular yordamida olov, suv, tutun va boshqalarni haqiqiy effektlarini yaratish mumkin. Plaginlar tashqi oʻrnatiladigan modul hisoblanib, 3ds Max dasturidan alohida sotiladi yoki ularni inernetdan bepulga yuklab olish mumkin. Plaginlar maxsus kompaniyalar yordamida yoki qiziquvchi-dasturchilar tomonidan yaratiladi. 3ds Max dasturining qoʻshimcha modullari nihoyatda koʻp boʻlib, hatto dastur standart vositalaridan oʻn barobar oshib ketadi. Plaginlar koʻplab masalarni yechishda yordam beradi, masalan, vizualizatsiya hisob-kitobini tezlashtiradi, obyektlarni modellashtirishni tezlashtiradi. Particle Flow, Cloth FX, Reactor kabi qoʻshimcha modullar shu darajada mashxur boʻlib ketdiki, ularni 3ds Max dasturiga moslashtirishga qaror qilindi, endi ular dasturning bir qismi hisoblanadi. Quyida 3ds Maxning baʼzi plaginlari roʻyxati keltirilgan:

- **FumeFX** - olovning, gulxan uchquning, tutunning va h.k.ning fotorealistik effekti.
- **Feniks FD** - olov va tutunni hosil qilish uchun Chaos Groupdan FumeFXning muqobili.
- **DreamScape** - turli xil landshaftlar, tog'lar, osmon, atmosfera effektlari va b.
- **AfterBurn** - osmon, tutun, porlash va b.ning fotorealistik effektini beradi.
- **GrowFX** - istalgan turdagi o'simliklarni yaratadi. Yaratilgan har bir o'simlikni jonlantirish mumkin [5].

Qurilgan barcha uch o'lchovli ob'ektlarni geometrik va nogeometrik ob'ektlarga bo'lish mumkin. Geometrik ob'ektga asosan sahna tashkil etuvchilarini qurishda ishlatiladi personajlar, jismlar, boshqa so'z bilan aytganda mavjud borliq ob'ektlari.

Nogeometrik ob'ektlar esa sahnaga jonlilik hissini berish uchun (to'g'ri yoritish), ob'ektlarga ta'sir etuvchi kuchlarni modellashtirishda (masalan gravitasiya yoki shamol esishi) va hokozolar. Tarix fanlari ichida aynan arxeologiya birinchilardan bo'lib axborot texnologiyalariga murojat etgan bu biz virtual arxeologiya sohasida ham ko'rishimiz mumkin.

2. Bugungi kunda mamlakatimiz hududidagi turli muassasalar, korxonalar, qurilish tashkilotlari, qishloq, jamoa boshqaruv xo'jaliklari qoshida, shahar, tuman, viloyat markazlarida, xalq ta'limi tizimida jami 1200 tadan ortiq muzeylar bo'lib, ularning eng yiriklari poytaxtimizda joylashgan. Shu bilan birga, o'nlab yozuvchilar, shoirlar, rassomlar, olimlar va mashhur san'at arboblarning uy muzeylari ham faoliyat ko'rsatmoqda[4: B. 93].

Zamonaviy pedagogik texnologiyalar nafaqat darsni samarali tashkil etish va ta'lim sifatini oshirish, balki hamkorlik pedagogikasi doirasida o'quvchilarning tadqiqotchilikka doir faoliyatini muvafaqqiyatli tashkil etishga ham imkon beradi. Zamonaviy muzey pedagogikasi esa, eng avvalo, o'quvchi shaxsining ijodiy qobiliyatini rivojlantirish vazifasini hal etishga yo'naltirilgan. Ana shu maqsad bilan bog'liqlikda muzey-pedagogik jarayonda o'quvchilarning nuqta nazarlari va rolini o'zgartiruvchi ular bilan ishlashning xilma-xil metodikasi ishlab chiqiladi.

Muzey pedagogikasida o'qitishning o'ziga xos jihati – norasmiylik va ixtiyoriylikdir. O'qitishning o'ziga xos xususiyati sifatida o'quvchilarning o'z qobiliyatlarini maksimal darajada amalga oshirish va qiziqishlarini qondirishga imkon berishi aks etadi. O'quvchilarning muzey materiallari bilan ishlashini tashkil etish ularning fan, texnika, texnologiya, ijodiy sohada egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini integratsiyalash zaruriyatini yuzaga keltiradi. Virtual muzeyni yaratish ikkita metodikaning – muzey pedagogikasi va zamonaviy axborot texnologiyalariga asoslanadigan loyihalar metodi integratsiyasi natijasida yuzaga keladi.

Virtual muzey veb-saytlarning shunday turiki, unda muzeydagi materiallar ko'rgazmasi amalga oshiriladi. Virtual muzeylarning afzalligi shundaki, ular eksponatlarni saqlash, himoyalash, keng, tez va osonlik bilan ommaga taqdim etishni Internet texnologiyalari yordamida amalga oshiradi. Birinchi veb-sayt muzeylari, ya'ni virtual muzeylar Internetda 1991-yilda paydo bo'lgan[4: B. 94]. Dastlab virtual muzeylar haqiqiy muzeylarning saytlari bo'lgan bo'lsa, keyinchalik shaxsiy veb-sayt – muzeylar paydo bo'la boshladi. Birinchi shaxsiy virtual muzeylar 1994-yilda paydo bo'lgan. Biroq barcha rasm to'plamlari ham virtual muzey bo'la olmaydi. Virtual muzeylarning to'plamlari ikkita o'ziga xos xarakteristikaga ega bo'lishi kerak. Bu virtual turlar va eksponatlarning mukammallashtirilgan qidiruvidir. Birinchi bo'lib, virtual muzeylarning afzalligini ko'ra bilgan odam Microsoft firmasi rahbari Bill Geys bo'lgan.

Virtual muzeylar nafaqat madaniy – ma'rifiy muassasasigina bo'lib qolmay, balki o'quvchilar uchun katta qiziqish uyg'otuvchi ko'rgazmalarni virtual tomosha qilish imkonini beruvchi dunyo san'ati boyliklari jamlamasidir. Umumta'lim maktablari o'quvchilarining ilmiy dunyoqarashini shakllantirishda ularning roli kattadir. Chunki virtual muzeylar real muzeylardan farqi o'qituvchi yordamisiz o'quvchilar mustaqil o'zlari sayohat qilishlari mumkin. Shunday ekan, bu ularga keng imkoniyatlarni yaratadi. Bu nafaqat ilmiy dunyoqarashni rivojlantiradi, balki o'quvchilarning ma'naviy dunyosini boyitishga asos bo'ladi. Virtual muzeylardan foydalanish o'quvchilarni nafaqat muzey eksponatlari bilan tanishishga, balki Internet tarmog'idan erkin foydalana olish ko'nikmasini hosil qilishga ham imkon yaratadi.

“Virtual ekskursiyalar” – real muzey ekskursiyalaridan farq qilib, o'quvchilarga muzey fondlariga virtual sayohat qilish imkoniyatini beradi. Bunda u real hayotda ko'ra olmaydigan muzeylarga ham sayohat qila oladi. O'quvchilar virtual muzeylarga sayohat qilish orqali ma'naviy merosning tarixiy ildizlarini anglaydilar, tarixiy, adabiy, san'at namunalari bir butun, yaxlit ma'naviy meros sifatida tushunishga erishiladi. Demak, virtual muzeylar bilan o'quvchilarning mustaqil ishini tashkil qilish o'qituvchining yordami va ko'rsatmasi orqali amalga oshirilishi umumta'lim dasturlariga muzey pedagogikasini keng targ'ib etishni talab etadi. Bu esa o'quv dasturlariga muayyan o'zgartirishlar kiritilishiga olib keladi. Bunday tarzda o'quv ishlarini tashkil etish samarali hisoblanadi. Hozirgi kunda dunyo bo'ylab o'n ettita muzey Google Art Project-da mavjud. Bular Metropolitan san'at muzeyi va Nyu-Yorkdagi zamonaviy san'at muzeyi, Parijdagi Versal saroyi, Londondagi milliy galereya va boshqa shu kabi masshtabdagi muassasalar. Rossiya muzeylaridan Tretyakov galereyasi va Ermitaj bu yerda taqdim etilgan. Ammo bu ro'yxat yanada kengayib, kengayishda davom etadi. Google Art Project-dan foydalanib, to'g'ridan-to'g'ri veb-saytida siz muzey zallarida sayr qilishingiz, interyer, rasmlar, haykallar bilan tanishishingiz, imzolaringizni, yaratilish tarixini, rassomlarning tarjimai hollarini o'qishingiz, sharhlar qoldirishingiz, taassurotlaringiz haqida gapirib berishingiz, maslahat berishingiz va hk.

Suratlar o'zlari 7 gigapiksellik o'lchamda suratga olingan (ha, aniq 7 milliard piksel)! Shunday qilib, san'at ixlosmandlari xohlasalar, har bir yoriqni ko'rishi, batafsil o'rganishi va sevimli rassomlarning ishonchli harakatlaridan zavqlanishi mumkin.



1-rasm

Versal saroyining Ko'zgdagi galereyasidagi shiftdagi rasmlarga uzoq vaqt qoyil qoling, keyin Madriddagi Reina Sofiya muzeyida Pikassoning "Gernika" asarini tomosha qilishga boring, Ermitajga kirishni unutmaysizmi? Endi siz virtual muzey ostidagi 1000 dan ortiq san'at asarlarini to'plagan Google Art loyihasi - Google Art loyihasi tufayli divandan turmasdan turib buni amalga oshirishingiz mumkin. [4: B. 96]

Virtual sayohatlar dunyoning 17 yirik muzeyida Nyu-Yorkdagi zamonaviy san'at muzeyidan Ermitajgacha, Amsterdamdagi Van Gog muzeyidan Versal saroyigacha bor. Aytgancha, Versal saroyi ushbu ro'yxatdagi yagona frantsuz muzeyi edi.

Luvr muzeyi tashrif buyuruvchilar soni bo'yicha dunyodagi birinchi muzey (2010-yilda 8,5 million) Google-ning sherigiga aylanmadi. Muzey vakilining so'zlariga ko'ra, Google ushbu taklif bilan Luvr ma'muriyatiga 2009 yilda murojaat qilgan ammo Luvr ushbu loyihani taklifni rad etgan. Versal saroyi muzeyi direktori Jan-Jak Ayagon, o'z navbatida, Versal ushbu ro'yxatdagi yagona frantsuz muzeyi bo'lganidan xursand. Bundan bizga nima foyda? Hammasi juda oddiy. Har yili Versal saroyiga juda ko'p sayyoh tashrif buyuradi: taxminan 6 million. Biroq, dunyodagi ko'p odamlar Versalni ko'rishni orzu qiladilar, ammo ular bu yerga hech qachon erisha olmaydilar. Patagoniya, Laplandiya yoki Uzoq Sharqda bo'lganlar dunyoning narigi tomonida bo'lganlar qachondir Versalga bora oladimi yoki yo'qmi, noma'lum va bu loyiha Versal saroyiga kela olmaydiganlarga uni ko'rish imkoniyatini beradi. Ko'zgul galereyasidan o'tib, shiftdagi rasmning tafsilotlarini sinchkovlik bilan o'rganishga harakat qilganda, men o'z-o'zimga ularni ko'rish qiyinligini aytan. Axir, biz har kuni es, balki oyna galereyasini iskala ostidan ko'rib chiqamiz. Badiiy loyiha Lui XIV hukmronligining muhim voqealarini eslaydigan ushbu siklning barcha tafsilotlarini ko'rib chiqishga imkon beradi.

3. Tarixiy va madaniy meros ob'ektlarini saqlash loyihalarida 3D ma'lumotlarni qayta ishlash va vizualizatsiya texnologiyalarini qo'llash

Kompyuter texnologiyalarining doimiy rivojlanishi va texnik jihozlarning takomillashtirilishi tarixiy va madaniy meros ob'ektlarini saqlash, modellashtirish va rekonstruksiya qilish (shu jumladan buzilgan va hatto yo'qolgan) sohasida 3D skanerlashdan foydalanishni kengaytirishga olib keladi. Ushbu texnologiya arxitektura, arxeologiya va tarixda yeng ko'p qo'llaniladi. Mutaxassislar fikriga ko'ra, olimlarning ushbu texnologiyalarni rivojlantirishga bo'lgan ishtiyoqi ortib borishi tarixiy ob'ektlarni saqlash yoki tiklash uchun mablag' yetishmasligini an'anaviy usullar bilan qoplash qobiliyati bilan ham bog'liq.

3D skanerlash texnologiyasining afzalliklari ob'ektning aniq uch o'lchovli raqamli nusxasini olish; shikastlangan eksponatlarni ehtiyotkorlik bilan, kontaktsiz qayta ishlash imkoniyati; qulab tushgan yoki g'oyib bo'lgan ob'ektlarni tiklash yoki tiklash uchun kompyuterni modellashtirish usullaridan foydalanish; keyinchalik replikasiya qilish imkoniyati bilan modelni hajmda saqlash; foydalanuvchilarga har qanday proektsiyalarda virtual nusxalarni tekshirish imkoniyatini berish; uch o'lchovli ob'ektlarning raqamli omborlarini yaratish.

Tarixiy va arxeologik tadqiqotlarda 3D vizualizatsiya texnologiyalaridan faol foydalanish 1990-yillarda Aqsh, Buyuk Britaniya va Frantsiya, Italiya, Ispaniya va boshqa Yevropa mamlakatlarining yetakchi universitetlarida boshlangan. Tarixiy va madaniy loyihalarni uch o'lchovli skanerlash va qayta qurish loyihalarining aksariyati dunyo miqyosida shuhrat qozondi. Masalan, 1990 - yillar oxiri-2000-yillar boshlarida professor Mark Levoy (Levoy, Mark) rahbarligida Stenford universiteti (Aqsh) Informatika fakulteti o'qituvchilari va talabalaridan bir guruhi "Mikelanjelo" (Digitalmichelanjeloprojet) raqamli loyihagini amalga oshirdi. [4: B. 96] Kiberhujumlardan an'anaviy lazerli triangulyatsiya skaneri yordamida guruh Florensiyada joylashgan buyuk italiyalik haykaltarosh Mikelanjelo Buonarroti (1475-1564) asarlarini (mashhur "Dovud" haykallari, "qullar" va Mediki cherkovidan yana to'rtta haykal) skaner qildi. Skanerlash aniqligi 0,25 mm edi, bu rasmda Mikelanjelo asbobining izlarini ko'rish imkonini berdi. Bunday batafsil skanerlash juda katta hajmdagi ma'lumotlarni (taxminan 32 gigabayt) qayta ishlashni talab qildi, bu taxminan 5 oy davom etdi 2004 yilda esa Stenford universiteti tomonidan yaratilgan raqamli model Dovudning qulab tushgan haykalini tiklash uchun ishlatilgan. Shu asnodda bu qurilmani yo'qlib ketgan yodgorliklarni skanerlashda ham qo'llash mumkin. Bizning yurtimizda ham bunday tarixiy ahamiyatga ega yodgorliklar juda ko'p. Bizdan faqat talab qilinadigan ish tadqiqotlarda zamonaviy texnologiyalardan foydalanishdir. O'zbekistonning qadimiy shaharlari, xususan, Toshkent, Samarqand, Buxoro, Xiva, Farg'ona, Qo'qon, Urganch, Shahrisabz va boshqa shaharlar o'tgan davr me'morchiligining cho'qqilarini jamlagan. Chiroyli ansambllar va haqiqiy me'moriy obidalar orasida o'rta asr shahar atmosferasiga kirib, uning maydoni, ko'chalari, karvon saroyi (mehmonxonalar), madrasalar (universitetlar va diniy seminarlar), masjidlarni osongina tasavvur qilib, hunarmandchilik buyumlari bilan ajoyib go'zallikdan bahramand bo'lasiz. O'zbekistonning qadimiy shaharlaridagi tarixiy ansambllar va yodgorliklarning o'ziga xosligi nafaqat mamlakatimizning madaniy merosi, balki butun jahon sivilizatsiyasining boyligi hamdir. O'zbekistonning tarixiy-me'moriy yodgorliklarining madaniy meros sifatida ahamiyati shubhasizdir. Ularning ko'pchiligi YUNESKO ning jahon merosi ro'yxatiga kiritilganligini aytish kifoya. Ma'naviy meros sohiblari sifatida har bir xalqning qadimiy

yodgorliklari qadimiy an'analarning dalilidir. Madaniy merosning umuminsoniy qadr-qimmatini biladigan jamiyat ham ushbu merosning kelajagi uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga oladi, kelajak avlodlar uchun barcha boyliklari va haqiqiylikida xavfsizlikni qabul qiladi. O'zbekistonda noyob yodgorliklar ehtiyotkorlik bilan muhofaza qilinadi va tiklanadi, ularning asl qiyofasi qaytariladi. Mamlakatimiz Konstitutsiyasida yodgorliklarni asrab-avaylash g'oyasi mustahkamlab qo'yilgan va ularning ilm-fan, madaniyat, xalq ta'limi rivojida ahamiyati belgilab qo'yilgan. Konstitutsiyaning tegishli qoidalari asosida O'zbekiston Respublikasi parlamenti tomonidan "Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida" gi qonun qabul qilindi. O'zbekiston Respublikasi hukumatining arxitektura yodgorliklarini muhofaza qilish, tiklash va ulardan oqilona foydalanish masalalariga doimiy e'tibor qaratilayotgani O'zbekistonning qadimiy tarixiy shaharlarini qayta tiklash dasturini ishlab chiqish imkonini berdi. Ayni paytda O'zbekiston poytaxti Toshkent va boshqa viloyat markazlarini rivojlantirish va rekonstruksiya qilish bosh rejalari arxitektura va shaharsozlik talablariga javob beradigan shaharlar qiyofasini uyg'unlashtirish uchun kechiktirib bo'lmaydigan ishlarni bajarish bilan bog'liq klassik shaharsozlik muammolarini hal etish ko'zda tutilgan. Qadim zamonlarda Xitoyni Yevropa davlatlari bilan bog'laydigan Buyuk ipak yo'li o'tgan shaharlarda sayyohlar orasida katta qiziqish uyg'otadigan turli tarixiy davrlarning ko'plab tarixiy-me'moriy yodgorliklari saqlanib qolgan. Bugungi kunda respublikada 10000 dan ortiq tarix va madaniyat yodgorliklari mavjud bo'lib, ulardan 7844 tasi davlat muhofazasida joylashgan: 3013 tasi me'moriy, 3843 tasi arxeologik, 998 tasi monumental, ulardan 20 tasi YUNESKO himoyasi ostidadir. Bular Bibixonim masjidi, Shohi Zinda maqbaralari ansambli, Registon maydoni, Afrosiyob shaharchasi, Go'ri-Amir maqbaralari, Ismoil Somoniy kabi Sharq va O'rta Osiyo me'morchilik san'atining mashhur asarlari hisoblanadi. Amir Temur va Mirzo Ulug'bek davrida tashkil etilgan Registon me'moriy daho durdonasi hisoblanadi. Maydon ansambli 14171420-yillarda Ulug'bek madrasasi, Sherdor madrasasi – 16191636-yillarda, Tilla Qori – 16471660-yillarda qurilgan[2: B. 3]. Samarqand me'moriy ansambli nafaqat O'rta Osiyo me'morchiligi, balki jahon me'morchiligi bilan ham beqiyos yodgorliklarni o'zida mujassam etgan. Faqat tarixiy shaharlarni saqlab qolish emas, balki rivojlanish muammosini muvaffaqiyatli hal qilish uchun arxitektura yodgorliklaridan zamonaviy foydalanish masalasi eng muhim masalalardan biridir.

Xulosalar. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, uch o'lchovli ma'lumotlarni vizualizatsiya qilishning turli xil zamonaviy texnologiyalaridan foydalanish tadqiqotchilar, o'qituvchilar, muzey kuratorlari, me'morlar, muhandislar va boshqa mutaxassislar oldida turgan barcha ilmiy va amaliy vazifalarni hal qilishga imkon beradi. Xususan, 3D modellardan foydalanish tarixiy va madaniy meros ob'ektlarini raqamli saqlashni amalga oshirishga yordam beradi. Bundan tashqari ma'lumki muzey kolleksiyalarining juda oz qismi (3-5%) odatda keng jamoatchilikka taqdim etiladi. 3D texnologiyalari sizga muzey omborlarini ochish binolarning kattaligi yoki eksponatlarni maxsus saqlash sharoitlari (yorug'lik darajasi, harorat, namlik va boshqalar) bilan ta'minlash zarurati kabi haqiqiy dunyoning cheklovlari bilan bog'liq bo'lmagan holda yangi o'ziga xos virtual ekspozitsiyalarni erkin yaratishga imkon beradi.). Noyob, shu jumladan tarix va madaniyatning qulab tushadigan ob'ektlarining realistlik uch o'lchovli nusxalarini yaratish ularni kelajak avlodlar uchun virtual makonda deyarli toza shaklda saqlashga imkon beradi va agar kerak bo'lsa, aniq nusxani qayta tiklash imkoniyatini kafolatlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Перспективы использования 3D-технологий для развития информационно-аналитической платформы «История современной России» Буянов Станислав Сергеевич Генеральный директор, ООО "ЭСТ" 119034, Россия, Москва, г. Москва, пер. Сеченовский, 9, оф. 18 2014-С.15
2. Камалова Д. З. Световая реконструкция древних городов Узбекистана // Молодой ученый-2013.- №11.-С.106-114
3. Виртуальная археология (неразрушающие методы, моделирование, реконструкции). Мат-лы конф. / Отв. ред. Д.Ю. Гук. СПб: Изд-во Гос. Эрмитажа, 2013. 340 с.
4. Dadamirzayeva G.A. Tarix fanida innovatsiyalar: texnologiyalar, modellar va metodlar. – Наманган, 2019. – 133 б.
5. INTERNET MALUMOTI
 1. <https://www.lex.uz>
 2. <https://www.portal-slovo.ru>
 3. <https://www.press-service.uz>
 4. <https://www.zivonet.uz>

XIX ACP IKKINCHI YARMI – XX ACP BOŞLARIDA SAMARQAND VILOYATI ŐRMON XŪJALIGINING ARXIV XŪJжатLARIDA ЁRITILISHI

Жонибек Бўтаев

Ўзбекистон Миллий университети

Манбаишunoslik ва архившunoslik кафедраси таянч докторанти

1868 йилда Самарқанд вилояти Россия империяси томонидан истило қилинган ўрмон хўжалиги соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тадбирлар тўғрисида архив хўжатлари ва Самарқанд вилояти статистика бўлими ҳисоботларида муҳим маълумотлар ўрин олган. Хусусан, вилоят статистика бўлими томонидан вилоят ўрмон хўжалиги тўғрисида йиллик статистик маълумотлар юритилган.

Уларга кўра вилоятдаги ўрмонлар учта турга бўлинган. Булар: тоғ ўрмонлари, тўқойзор ўрмонлари ва дашт (чўл) ўрмонлари [1].

Вилоят худуди тузилишига кўра 3 қисмга бўлинган: 1. Чўлли қисм – Жиззах ва Хўжанд уездларига тўғри келган; 2. Водийли қисм – вилоят умумий майдонинг тўртдан бир қисмини 4/1 эгаллаб, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими (Оқдарё ва Қорадарё) тўғри келган ва рус-бухоро чегарасидаги Хатирчигача давом этган ва 5500 кв. верста яқин майдонни эгаллаган. Бу қисмда Самарқанд ва Каттақўрғон уездлари жойлашган бўлиб уларда сугориш тизими яхши ривожланган ҳамда шаҳарлар, бир неча қишлоқлар, ўрмонзорлар, боғлар ва экинзорларни сув билан таъминловчи Зарафшон дарёси ўтган. 3. Тоғли қисм – вилоятнинг шарқий ва жанубий қисмларида жойлашган ва ушбу тоғлар Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларини тўлдирган [2]. Бироқ, мазкур кўрсатилган майдон микдорлари барчаси тахминий бўлиб, империя маъмурияти ўлчов тадбирларини яқунламаганлиги ҳамда ўлчов жиҳозларининг эскилиги учун худудлар бўйича яқуний маълумот мавжуд бўлмаган. Кейинчалик империя томонидан аҳоли солиқларни йиғиб олиш мақсадида вилоятда ўтказилган ер-сув тадбирлари натижасида умумий майдон тўғрисида маълумотлар ўзгариб борди.

Империя томонидан ўрмон хўжалиklarини ташкил этиш тадбирлари ўлка бўйлаб амалга оширилган. Хусусан, 1890 йилларда ўлканинг учта вилояти (Сирдарё, Самарқанд, Фарғона)даги тоғ ўрмонлари тадқиқ этиб чиқилган. Империя маъмурияти томонидан тўқайзор ва дашт ўрмонлари эса қисман ўрганилган ва улар эгаллаган майдон ҳақидаги маълумотлар тахминий бўлган.

Подшо маъмурияти томонидан вилоят истило қилинган ҳудудда ўрмонлар яратиш бошланиб, 1880 йилдан собиқ Зарафшон округи худудида тажриба тарикасида ҳар 10 десятина майдонга дарахтлар экиш тажрибаси яхши самара берган 1881 йилдан 1886 йилгача бўлган даврда округ худудида 450 десятина майдонда ўрмонзор вужудга келтирилган. Унинг 300 десятиналиги яқини Қоратепа дарасида бўлган [5].

Ўрмонларни тиклаш ишлари 1880 йилда Самарқанд, 1894 йилда Фарғона ва 1898 йилда Сирдарё вилоятида бошланган. Бу жараёнда ҳар бир вилоятда биттадан кичик ўрмон хўжалиги ташкил этилган ва бу ишларнинг ташаббускори генерал Корольков бўлган. Афсуски, бу ишлар кредит ажратилиши қисқартирилиши натижасида 1904 йилда деярли тўхтаб қолган.

Вилоятдаги мавжуд ўрмонлар эгаллаган майдонлар 1887 йилда қуйидагича бўлган: Самарқанд уездида 600000 десятин, Жиззах уездида 70000 десятин ва Хўжанд уездида 32800 десятин бўлиб, вилоят бўйича умумий 702800 десятиналиги ташкил этган [3]. Кейинчалик вилоятдаги ўрмонлар эгаллаган майдон кенгайиб бориб, 1913 йилда қуйидагича бўлган: тоғли ўрмонлар – 289417 десятина, тўқайзорли ўрмонлар – 53100 десятина, чўлдаги ўрмон бутазорлар – 1500000 десятина. Жами – 1842517 десятина. Бу даврда ўрмонзорларнинг 80 фоиздан кўп қисми чўлли бутазорларга тўғри келган [4]. Ўрмонзорлар 1887 йилга нисбатан 1913 йилга келиб икки баробардан ортганлигини кўриш мумкин.

1913 йилда Самарқанд вилоятидаги ўрмонлар эгаллаган майдоннинг бошқа вилоятлар билан таққослама статистикаси десятиналиги қуйидагича бўлган [6].

Вилоятлар	Тоғли	Тўқайзор	Чўлли	Жами
Сирдарё	165681	134660	7000000	7300341
Фарғона	586637	40000	45000	671637
Самарқанд	289417	53100	1500000	1842517
Еттисув	297050	379210	826000	1502260
Жами	1338785	606970	9871000(9371000)	11116755 (11316755)

Юқоридаги жадвалга кўра, чўлли ўрмонлар бўйича Самарқанд вилояти Туркистон ўлкаси бўйича иккинчи, тўқойзор ўрмонлари бўйича учинчи, тоғли ўрмонлар бўйича учинчи ва ўрмонлар эгаллаган умумий майдон бўйича иккинчи ўринда турган. Вилоятдаги ўрмонлар эгаллаган майдоннинг катта қисми биринчи ўринда чўлли (даштли), кейин ўринларда тоғли ва тўқойзор қисмларга тўғри келган.

1913 йилда Туркистон ўлкаси бўйича ўрмонлар эгаллаган умумий худуд фоиз ва квадрат верстада қуйидагича бўлган [7]:

Вилоят	Вилоятнинг умумий худуди кв. верстада	Тоғли	Тўқайзор.	Чўлли	Жами
Сирдарё	443442	0,4	0,3	15,1	15,8
Фарғона	141141	4,0	0,3	0,3	6,6
Самарқанд	81891	3,4	0,6	15,3	19,3
Еттисув	346556	0,8	1,1	2,3	4,2
Жами	1013030	1,3	0,6	8,7	10,6

Юқоридаги жадвалдан вилоят умумий худудининг 19,3 фоизини ўрмонзорлар ташкил этиб, шундан 15,3 фоизи чўлли, 3,4 фоизи тоғли ва охирида 0,6 фоизи тўқайзор ўрмонлари бўлган. Самарқанд вилоятидаги ўрмонлар эгаллаган майдон бошқа вилоятлар билан солиштириганда кўпроқни ташкил этиб биринчи ўринда бўлган. Лекин бу даврда вилоятнинг умумий худуди бошқа вилоятлар билан таққослаганда охириги ўринда турганлигини юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Туркистон ўлкаси бўйича ўрмонлар эгаллаган майдоннинг ўртача фоизи Сирдарё вилоятида – 1,9 %, Фарғона вилоятида – 2,6%, Самарқанд вилоятида – 3,9 %, Еттисув вилоятида – 1,4 % ва ўлка бўйича – 2,2 % ни ташкил қилган пайтда, тоғ ва тўқайзор ўрмонлари 1,3 % ва чўл (дашт) ўрмонлари 0,9 % бўлган.

Мазкур даврда Туркистон ўлкаси бошқа давлатлар солиштириганда ўрмонлар эгаллаган майдон фоизи бўйича охириги ўринда турган. Жумладан, Финландия – 54,4 %, Швеция – 48,6%, Канада – 38%, Россия Европаси – 34,5%, Германия – 25,87%, Ҳиндистон – 11,9%, Австралия – 4%, Буюк Британия – 4%, Португалия – 2,9% ва Туркистон – 2,2%.

Ўлка ва вилоят учун ўрмонлар иқлимий жиҳатдан табиатни сақлаш ва табиий ҳимоя воситаси сифатида катта аҳамият касб этган. Бундан ташқари сунъий сугоришга асосланган ва бутун хўжалиги сувга боғлиқ бўлган минтақанинг сув бойлигини сақлашда катта таъсир кўрсатган. Ўрмонлар юқоридаги аҳамиятларидан ташқари маҳаллий аҳолининг ёқилғи ва қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ягона маҳаллий манба сифатида иқтисодий роли катта бўлган. Ушбу жиҳатлар учун империя томонидан истило қилинган дастлабки вақтлардан бошлаб ўрмонларни кенгайтириш ишларига эътибор қаратила бошланган. Лекин, бунда биринчи навбатда маҳаллий аҳоли эмас, империя манфаатлари ҳисобга олинганлигини эътиборга олиш лозим. Бунинг империя ўлкадаги ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситалар, ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий имкониятларидан фойдалангани билан изоҳлаш мумкин.

Архив ҳужжатлари орқали подшо маъмуриятининг асосий мақсади ўлкадан даромад ортириш бўлганлиги туфайли вилоятда ўрмонларга зарар етказувчиларга қарши чоралар қўллаганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1906 йилда Каттакўргон уездида халқ суди томонидан жамоат ўрмонини ўзбошимчалик билан кесиш ва сотиш билан шугулланганларга 71 рубль 50 танга жарима солинган [8].

Хуллас, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида подшо маъмурияти томонидан империя манфаатлари йўлида ўрмон хўжалиги борасида тадбирлар амалга оширилди ва вилоятда ўлкада ўрмонлар эгаллаган майдон бўйича етакчи ўринда эди. Самарқанд вилояти ўрмонлар эгаллаган майдон бўйича ўлкада биринчи ўринда бўлса-да, умумий ҳудуди кўшни вилоятларга нисбатан охириги ўринда бўлган. Империя манфаатлари йўлида ўрмонларни ўзбошимчалик билан кесганларга нисбатан жарима солиш тизими қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йигмажилд, 2-варақ.
2. Обзор Самаркандской области за 1887 год. – Самарканд, 1888. – С. 8.
3. Обзор Самаркандской области за 1910 год. – Самарканд, 1912. – С. 2.
4. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йигмажилд, 2-варақ.
5. Обзор Самаркандской области за 1887 год. – Самарканд, 1888. – С. 8.
6. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йигмажилд, 2-варақ.
7. ЎзМА, И-7-фонд, 1-рўйхат, 3833-йигмажилд, 2-варақ.
8. ЎзМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 3263-йигмажилд, 253-орқа варақ.

1926 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИСИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИГА ТАРИХИЙ НАЗАР

Илҳомжон Ғуломов

*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент Ахборот технологиялари
университети Ижтимоий фанлар
кафедраси т.ф.ф.д. (PhD)*

Россия империяси ҳукмронлиги даврида ўлка ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг мантикий давоми сифатида совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида ҳам бир неча маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, XIX аср охиридан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган давр ичида икки сиёсий тузумлар шароитида, уларнинг амалдаги мафқурасидан келиб чиқиб, яратилган адабиётларнинг кенг кўлами мазкур тадбирларни асосан бир томонлама ёритди. Ўрта Осиёда Россия империяси кейинчалик эса совет ҳокимияти ушбу тадбир юзасидан олиб борган сиёсатни фақатгина оқлашга қаратилди.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири нима сабабдан ўтказилганлиги ва ундан кўзланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мақсадлар ҳамда совет ҳокимияти раҳнамоларининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги аҳолининг нафақат сонини, балки бошқа миллий республикалардаги халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият олиб боровчи ишчиларнинг миллий ва ижтимоий таркиби статистикаси қандайлигини билиш муҳим бўлган. 1926 йилги тадбир олдинги йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбиридан қайси жиҳатлари билан фарқ қилишини билиш муҳим эди. Олдинги тадбирлар натижасида аниқланган рақамларга нисбатан аҳоли тўғрисидаги аниқ маълумотларга эга бўлиш истагидан, қолаверса янги ташкил этилган миллий республикаларнинг иқтисодиётини олдиндан режалаштириш каби бир қатор мақсадлардан келиб чиқди.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирига алоҳида тайёргарликлар кўрилган бўлиб, 1897, 1917 ва 1920 йилларда ўлка ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига нисбатан маълумотларнинг аниқлиги ҳамда Ўзбекистон ССРнинг олдинги йилларда ўтказилган тадбирларга нисбатан барча ҳудудларини ўз ичига кенг қамраб олганлиги билан фарқланади.

Совет ҳокимиятининг партия ва ҳукумат раҳбарлари 1926 йилда Бутуниттифоқ аҳолисини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди [1.11]. Мазкур йилги тадбирда дастлаб 5 хил рўйхатга

олиш режалаштирилди: 1). Демографик; 2). Қишлоқ хўжалиги; 3). Саноат; 4). Тижорат; 5). Кооператив. Аммо бу тадбир ҳам алоҳида демографик рўйхатга олиш йўли билан ўтказилди[2.113]. 1926 йил 17 августда СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши мазкур йили ўтказилиши режалаштирилган тадбир юзасидан чиқарган қароридан шундай дейилади: Хусусан, ...“бу йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири фақат демографик рўйхатга олиш билан чекланилади, бир вақтнинг ўзида МСБнинг жорий статистикаси кучайтирилади”[3.7]. Марказий Ижроия Қўмитаси ва СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1926 йил 3 сентябрдаги қарорига кўра, аҳолини рўйхатга олиш ишлари 1926 йил декабрида ўтказилиши белгиланди. Бу қарор билан 1927 йил 1 апрелигача бошқа барча турдаги статистик ишлар бажарилиши тақиқлаб қўйилди[4.114]. Ушбу қарор сўнггида Совет Иттифоқининг узок жойлари ва етиб бориш кийин бўлган ҳудудлари учун аҳолини рўйхатга олишнинг махсус муддатлари ва усуллари белгилаб берилди[5.115].

Ўзбекистон ССРда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ишлари 1926 йил 17 декабрда бошланди[6.4]. СССРнинг маказий ҳудудлари ва бошқа миллий республикаларда ушбу тадбир ўтказилишини яқунлаш учун қатъий сана белгиланган. Аммо, Ўзбекистон ССРнинг айрим шаҳарларида асосан тоғли қишлоқ жойларида ва Тожикистон АССР таркибига кирувчи ҳудудларда ушбу тадбирнинг ўтказилиши ва яқунланиши юзасидан қатъий кун белгиланмаган[7.38]. Сабаби, олдинги ўтказилган тадбирларда ҳам аҳолини рўйхатга олиш тадбири белгиланган муддатларда ўз нихоясига етмаган. Ундан ташқари рўйхатга олувчи ҳисобчилар томонидан ҳам жуда кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Шу боис ҳам, мазкур йили ушбу тадбирга жалб этилган барча ходимларга ушбу жараён давомида батафсил ва аниқ маълумотлар олиш вазифаси топширилади. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари билан боғлиқ қизиқарли маълумотлардан яна бири шуки, Россия империяси кейинчалик эса совет ҳукумати ҳукмронлиги йилларида ҳам ушбу тадбирлар асосан қиш фаслида ўтказилган. Бунинг асосий сабабларидан бири қилиб эса аксарият аҳоли уйда бўлганлиги билан изоҳланади.

Мазкур йилги тадбирда тўлдирилган шахсий варақаларни қайта ишлаш асосан 1928 йил сентябрь ойида тугатилган бўлиб, яъни ушбу жараён умумий ҳисобда 20 ой давом этди[8.123]. 1926 йилги тадбирнинг якуний натижалари наشري “1926 йил Бутуниттифок аҳолисини рўйхага олиш” номи остида 56 та томда нашр этилди. Асосий нашр эса умумий ҳолда 1932 йилда тугатилди.

Бу даврда аҳоли сонининг нисбатан паст суръатлар билан ўсишини ХХ асрнинг 20-30 йилларда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг мураккаблашуви, унинг демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши билан изоҳлаш мумкин. Айнан шу даврда бой, босмачи деб мийг-минглаб маҳаллий аҳоли ўлдирилди, кўплаб кишилар она юртларини тарк этиб, чет элларга кетишга мажбур бўлдилар. Бу даврда айниқса маҳаллий зиёлилар катта талафот кўрдилар. Бу ҳам қайсидир маънода мазкур тадбир натижасида аниқланган маҳаллий аҳолининг зиёли қатлами сонини аниқ билган ҳолда уларни тобора турли уйдурма баҳоналар билан йўқ қилинишини келтириб чиқарди деб қараш мумкин. Сабаби ушбу тадбирда маҳаллий аҳолининг саводли қисмини аниқлаш бўйича ҳам алоҳида вазифалар белгилаб берилган.

1926 йили ўтказилган навбатдаги тадбир натижасида Мараказий Осиё республикаларида яшаган 8 131 062 нафар[9.15] умумий аҳолини Ўзбекистон ССР (Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибидан бўлган), Туркменистон АССР, Қирғизистон автоном области, Қорақалпоғистон автоном области ва Қозогистон АССР ўртасида бўлишни тақазо қиларди. Бу тадбир якуний статистикаси бўйича рўйхатга олинган умумий аҳолининг 48,5 фоизи Ўзбекистон ССР ҳудудида истиқомат қилиши аниқланган[10.16].

1926 йилги тадбирдан бироз аввал ўтказилган 1924 йилги миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида ўлкадаги умумий аҳоли сонининг силлий республикалар ва автоном областлар бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлган[11.160]: Ўзбекистон ССРда 3 963 285 нафар, Тожикистон АССРда 739 503 нафар, Туркменистон АССРда 855 114 нафар, Қозогистон АССРга қўшилган раёнлар бўйича 1 468 724 нафар, Қирғизистон автоном областида 714 618 нафар ва Қорақалпоғистон автоном областида эса 219 106 нафарни ташкил этганлиги қайд этилган. Албатта бу келтириб ўтилган рақамлар 1920 йилги кўплаб камчиликлар билан аниқланган якуний натижалари асосида келтирилган бўлиши ҳам мумкин. Сабаби, 1924 йили ҳеч қандай рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний маълумотларига кўра, Ўзбекистон ССР ҳудудида 89 та миллат вакиллари истиқомат қилиши (мавжудлиги) қайд этилган[12.13]. Фикримизча, ушбу 89 та миллат вакилларида ташқари аҳолиси жуда кам сонли бўлган аҳоли вакиллариининг миллати мазкур рақам остида келтирилмаган бўлиши ҳам мумкин.

1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари асосида тўпланган маълумотлар натижасида Марказий Осиё, шунингдек республика аҳолисининг умумий сони, жинси, тили, қўшни республикалар билан миграцион алоқаси, ижтимоий аҳоли, тирикчилик манбаи ва шу каби батафсил маълумотлар тўпланди. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирда ҳам кўплаб камчиликлар кузатилади. Сабаби, 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ҳамда айрим хато ва камчиликлардан холи эмасди. Ушбу рўйхатга олиш натижасида тўпланган статистик маълумотлар биринчи беш йиллик режа лойиҳасини, асосан “Сталинча” иқтисодиётни олдиндан режалаштиришда кенг миқёсда ишлатилиб келинди.

ХХ асрнинг биринчи чорагида СССР томонидан чиқарилаётган қарорлар одатда муайян маълумотлар асосида эмас, билъакс эътирозлар ва ана шу эътирозларга гайри эътирозлар асосида ишлаб чиқилар эди. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари нисбатан бутун Ўзбекистон ССР ҳудудини камраб олган. Мазкур аҳоли рўйхатини ўтказишдан энг аввало кўзланган бош мақсадлардан бири шу эдики, 1924 йили миллий-

худудий чегараланиш натижасида ўлка алоҳида-алоҳида республикаларга бўлинганидан сўнг ҳар бир худудда истиқомат қилувчи аҳоли сони, миллий таркиби, дини, тили, ёши ва жинси ҳамда асосий ишчи кучи қанча ва шу каби масалаларни аниқлаш ҳамда ундан оқилона ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш истақларидан келиб чиқди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, совет даври тарихшунослигида мазкур йилги тадбирнинг ўтказилиши ва унинг яқуний натижаларидан кўзланган бир қатор мақсадларга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий режалар мавжуд тузум мафқурасидан келиб чиққан ҳолда фақатгина бир томонлама ёритилиб, мақтаб борилди ҳолос. Ваҳоланки, мазкур тадбирлар яқунида аниқлаган маълумотлардан республикада истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг турмуш-тарзини яхшилашга умуман аҳамият қадрилмади. Республика худудида бугунги кунга қадар расман ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг яқуний натижаларини мазкур даврга оид бирламчи статистик манбалар ҳамда архив маълумотлари асосида ҳамда уларни қиёсий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Воробьев Н. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Редакционно-издательское управление В/О “СОЮЗОРГУЧЕТ”. Москва 1938 г.
2. Пустоход П.И., Воблий В.К. Переписи населения. – Москва, Государственное социально-экономическое издательство. 1936 г.
3. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том II. Узбекская ССР. Москва. Издания ЦСУ Союза ССР. 1928 г.
4. Ўз МА, фонд, № Р 1619, 11-рўйхат, 52-йигма жилд.
5. Пустоход П.И., Воблий В.К. Переписи населения. – Москва, Государственное социально-экономическое издательство. 1936 г.
6. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том XV. Узбекская ССР. Москва. Издания ЦСУ Союза ССР. 1928 г.
7. Воробьев Н. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Редакционно-издательское управление В/О “СОЮЗОРГУЧЕТ”. Москва 1938 г.
8. Ўз МА. Фонд, № Р 86, 1-рўйхат, 4507-йигма жилд.
9. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том XV. Узбекская ССР. Москва. Издания ЦСУ Союза ССР. 1928 г.
10. Материал межвузовской научной конференции по проблемам народонаселения Средней Азии. Ташкент. Узбекистан. 1965 г.
11. Материал межвузовской научной конференции по проблемам народонаселения Средней Азии. Ташкент. Узбекистан. 1965 г.
12. Ўз МА, фонд, Р 1619, 11-рўйхат, 54-йигма жилд.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТОЛЕРАНТЛИК ҲОЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

*Гулҳаё Ибадуллаева
ТАТУ “Гуманитар фанлар”
кафедраси ассистенти*

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг ўрта асрлардаги маданиятига бутун дунё аллақачон муносиб баҳо берган. Ҳатто Бактрия, Маргиёна, Сугд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч халқларининг қадимги маданияти ҳам жаҳонни ҳайратга солмоқда. Марказий Осиё минтақасининг қадимги маданиятини ўрганиш ўн йиллар илгари бошланган бўлсада, тадқиқотчиларнинг бу маданиятининг ўзига хослиги ва бой мазмуни лол қолдирди. Марказий Осиё маданияти Фарб ва Шарқнинг буюк маданият элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб ифодалаган ҳолда ўзига хос индивидуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тараққиёт учун ҳам негиз бўлиб қолади⁵⁷.

Толерантлик нафақат назарий тушунча, балки маълум бир маданият элементи ҳамдир. Шу билан бирга, маданият жамият аъзоларининг ҳаётий фаолиятини белгилайдиган билимлар, қадриятлар ва меъёрлар тўплами сифатида тушунилади. Фуқароларнинг онгида шаклландиган толерантлик тушунчаси - толерантлик маданияти орқали ривожланади, амалиётда намоён бўлади. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, толерантлик “рақобат ва курашлар, изоляция қилиниш, касталарга бўлиниш жараёнига қарши бўлган тушунча сифатида” ривожланган жамиятнинг маҳсулидир. Толерантлик нафақат бировнинг позициясига ҳурмат сифатида, балки бу ҳурматнинг танқидий мулоқот натижасида турли хил қиймат тизимлари ташувчилари позициясининг ўзаро ўзгаришига бўлган муносабат билан бирлашиши сифатида тушунилади. Бундан ташқари, жамиятда юз берадиган нохуш ҳолатлар, зиддият, келишмовчиликларни ҳал қилиш учун тинчлик воситаларининг устуворлигини тан олиш⁵⁸.

⁵⁷“Замонавий дунёда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кун тартиби”, 27 август 2020 й., <https://uza.uz/uz/posts/zamonaviy-dunyeda-zbekiston-tash-i-siyosatining-kun-tartibi-27-08-2020>

⁵⁸Ҳамидов Х. Асл насли деб... «Халқ сўзи» газетаси, 2000. 21 июнь.

“Толерантлик маданияти” тушунчасига қарама-қарши бўлган тушунчалардан яна бири бу - “эгоцентрик маданият” тушунчасидир. Эгоцентрик маданият шахснинг ўзини ўзи тасдиқлаш, ўзгалар устидан ҳуқумронлик қилиш истаги билан тавсифланади. Ушбу шахс учун қолган барча инсонлар унинг рақобатчиларидир. У ўзига эътиборни қаратиб, шахсий мақсадларига эришишга интилиб, эгоцентрик қарашлар ва маданиятни шакллантиради. Шунинг учун бундай инсон ўзи хоҳлаган нарсасига эришиш учун бошқаларнинг манфаатларини қурбон қилади⁵⁹.

Француз тилида – толерантлик “бошқаларнинг эркинлиги, унинг фикрлаш тарзи, ҳулқ-атвори, сиёсий ва диний қарашларига ҳурмат” деган маънони англатади.

Хитой тилида - толерантлик “бошқаларга нисбатан саховат кўрсатишга руҳсат бериш, ижозат бериш”ни англатади.

Араб тилида - толерантлик “кечиримли бўлиш, мурасага келиш, юмшоқлик, ён бериш, раҳм-шафқат, хайрихоҳлик, сабр-тоқат, бошқаларга нисбатан мойиллик” кўрсатишни англатади.

Форс тилида - толерантлик “сабр-тоқат, чидамлик, ярашишга тайёрлик” кўрсатишни англатади.

Рус тилида ўхшаш маънога эга иккита сўз бор - толерантлик ва бағрикенглик.

«Толерантлик» атамаси одатда тиббиётда, гуманитар фанларда қўлланилади ва “унинг таъсирига сезгирликнинг пасайиши натижасида ҳар қандай нохуш омилга жавоб йўқлиги ёки заифлашиши” деган маънони англатади. Қундалик нутқда ишлатиладиган “бағрикенглик” сўзи бирон-бир нарсага ёки кимсага, шу жумладан, масалан ўзга гайридин вакилига, ўзга мамлакат фуқаросига нисбатан бағрикенг муносабатни англатади. Бу сифат нафақат индивидуал кишига, балки ижтимоий гуруҳга ва умуман жамиятга ҳам хос бўлиши мумкин. Россиялик тадқиқотчи В.М.Соколовнинг таъкидлашича “Толерантлик” ва “сабр-тоқат” тушунчаларини фарқлаш керак. “Сабр-тоқат” - бу шахс (ижтимоий қатламлар, гуруҳлар) томонидан унга мос бўлмаган ижтимоий, маънавий ва бошқа таъсирларни идрок этиш даражаси, психологик чегараси бўлиб, у психологик ва иродавий барқарорлигини йўқотади ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳаракатларни келтириб чиқаради⁶⁰. Агар илмий адабиётда келтирилган таърифларни таҳлил қилсак, унда толерантликни қуйидагича ифодалаш мумкин: - бу модал стоицизм, бошқа инсоннинг ҳам қўллаб “ҳуқуқларга эга” эканлигини тан олиш;

- инсонпарварлик муносабатларида ифодаланган ахлоқий идеалнинг мавжудлиги;

- жамоат манфаатлари ва инсон ҳуқуқларининг уйғунлиги;

• **Dolzarbli.** Butun dunyoda ishlatiladigan eng muhim vositalardan biri kompyuterdir. Kompyuter va u ishlaydigan dasturiy ta'minot yangi jamiyatning muhim elementi bo'lib, zamonaviy sport menejeri uchun muvaffaqiyat kalitidir. Ma'lumotlar bazasiga kiritilgan murakkab sport musobaqasi nazorat qilish vazifasi yuklangan shaxsning misoli yorqin misol bo'la oladi. Rejalashtirilgan tadbir uchun vaqtni bitta jadvaldan olish mumkin, bu ro'yxatdan tadbirni boshqa stoldan boshqarish mumkin bo'lgan malakali hakamlar ismlari, natijada ishtirok etish mumkin bo'lgan barcha xodimlar ro'yxati keltirilgan bo'ladi. Buni yana bir yaxshi tomonlaridan biri shundaki, qog'oz yozuvlarini qo'lda yozish uchun bir necha soat vaqt talab qilish mumkin bo'lgan vazifalarni kompyuterda kamroq vaqt olishi mumkin. Hamda tadbirlarni boshqarishda dastur sport menejeriga musobaqalar bilan bog'liq ko'plab boshqa vazifalarni bajarishda yordam berishi mumkin. Jumladan sport obektlari: rejalashtirish, jihozlarni o'rnatish, sport tadbirlarini boshqarishda. Ushbu vositalar sport tadbirlarini tashkil etishda sportchilarni dasturiy ma'lumotlarni osongina joylash mumkin. Misol uchun vazni, bo'yi, yoshi, ismi va qaysi davlatdan ekanligi. Vaziyatni tahlil qilish orqali sport marketingini tashkil etishning ixtisoslashgan tizimini yaratish zarurati va sport tadbirlari bilan bog'liq kontentni diversifikatsiya qilish zarurligi kabi xulosalar chiqarildi. Bu esa o'z navbatida musobaqada ko'ngilsizliklar bo'lishini oldini oladi. Hatto jamoa fo'rmalari uchun kiyim o'lchamlari biografik ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.⁹⁵ Jismoniy tarbiya va sport sohasiga menejerlar tayyorlashda eng avval bitiruvchilar qanday sifat belgilarini o'zlarida mujassamlashtirgan boiishlari lozim degan savolni hal etishga to'g'ri keladi. Shundan kelib chiqqan holda menejment mutaxassisligini bitiruvchilar birinchi navbatda jismonan va aqlan sog'lom boiishlari, menejment va uning yaqinidagi boshqa fanlarni yaxshi o'zlashtirgan boiishlari hamda mustaqil fikrlay oladigan va o'z fikrlarini erkin holda, har xil ko'rinish (yozma, og'zaki va boshqa)larda ifodalay oladigan boiishlari shart. Ayniqsa, mustaqillik ijodiy va mantiqiy fikrlash, oqillik, sezgirlikni rivojlangan boiishi kabi sifatlar menejer xususiyatlarining ajralmas qismi boiishi lozim. Jismoniy tarbiya va sport menejmenti darsligi quyidagi aniq masalalarni hal etishga mo'ljallangan: Jismoniy tarbiya va sport tarmogini boshqarish sistemasining bozor tashkiliy tizimlarini yaxlit holda ta'minlab berish. Ijtimoiy-iqtisodiy sohalarni, jumladan, jismoniy tarbiya va sport sohasini samarali o'rganib, boshqarish to'g'risida birlamchi tushunchalarni shakllantirish. Mustaqil boshqaruv dunyoqarash va boshqaruv madaniyatini shakllantirish, sport faoliyatida to'g'ri va samarali boshqaruv qarorlarini qabul qilish. O'zbekiston jismoniy tarbiya va sporti zamonaviy boshqaruv organlari sistemasi haqida tasavvurga ega boiish, tarmoq boshqaruvi yutuqlari to'g'risidagi axborotni umumlashtirish va undan to'g'ri foydalanish. Zamonaviy axborot texnologiyalari haqida chuqur tasavvurga ega boiish va ularni jismoniy tarbiya va sport tashkilotlarida to'g'ri boshqaruv qarorlarini tayyorlash va qabul qilish hamda ularning bajarilishini tashkil etish. Bozor iqtisodiyoti sharoitida faoliyat ko'rsatayotgan yurtimiz va horijdagi jismoniy tarbiya va sport tashkilotlarining zamonaviy boshqaruv tajribasini o'rganish. Sport menejerining vazifasi personalning muhim sifat ko'rsatkichlari haqida tasavvurga ega boiish, ulardan jismoniy tarbiya va sport rivoji uchun unumli foydalanishdan iboratdir

Tadqiqot maqsadi. Sport sanoatlarini va sport tadbirlari uchun moslashtirilgan raqamli texnologiya qo'llanishi uchun rivojlanayotgan bozorlar ham mavjud. sport tadbirlarini mahalliy turizm tijoratlashtirish uchun asos yaratish.

• **Tadqiqotning vazifalari.** Lekin hozirgi „Texnologiyalar asrida“ ham yetarlicha muammolar mavjud. Ba'zi davlatlarda hali ham texnologiya yaxshi rivojlanmagani ma'lum. Bu esa ko'plab muammolarni keltirib chiqaradi. Birinchidan, bu sport tadbirlarini rejalashtirish va boshqarishni tizimlashtirish. Sport tadbirlari dasturlari va mazmuni tadbir muvaffaqiyatining hal qiluvchi omili bo'lib, dunyodagi sport tadbirlarining raqobatbardoshligi o'tkaziladigan sport tadbirining turiga bog'liq va dasturni rejalashtirish va rejissyorlik nisbati juda katta. Muammo shundaki, dunyoda o'tkaziladigan sport tadbirlari boshqa shahar va viloyatlarda o'tkaziladigan tadbirlardan farqlanmaydi. Muayyan obodonlashtirish rejasini ishlab chiqish, ishtirokchilarni qayta tashrif buyurishga undaydigan talablarga javob beradigan ob'ektlar va xizmatlar bilan ta'minlash taklif etildi qoniqishlarini oshirish va hamrohlar uchun alohida tajriba turini joriy etish orqali. sport ta'limi tizimini tubdan takomillashtirish va raqamlashtirish, olimpiya va paralimpiya dasturlariga kiritilgan sport turlari bo'yicha yuqori natijador va olimpiya sportchilar zaxirasini yaratish, litsenziyalar sonini sezilarli darajada ko'paytirish;

⁹⁵ <https://www.investopedia.com>

- sport menejmentini takomillashtirish, har bir bo'g'inni auditdan o'tkazish va xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish;

- O'yinlarda ishtirok etish uchun talabgorlar orasida ayol sportchilar ulushini oshirish, O'zbekiston sportchilari o'rtasida gender tenglikni ta'minlash va boshqalar.

Tadqiqotning usullari. Ba'zi davlatlarda moliyaviy yetishmovchilik uchun bu davlat vakillari Xalqaro sport o'yinlariga bora olmayapti. Buni bartaraf etish uchun „Xalqaro Olimpiyada qo'mitasi ularga yordam berish kerak. Shundagina ba'zi muammolarni oldini olish mumkin.“⁹⁶

Tadqiqotning natijalari va ularning muxokamasi Sport tadbirlarini daromadini oshirish uchun tomoshabinlar sonini kengaytirish kerak. Ikkinchidan, bu sport tadbirlarini boshqarish va ishlashning yaxlit tizimini yaratishdir. Viloyatda o'tkazilayotgan sport tadbirlari sifatini oshirish maqsadida yaxlit baholash tizimini yo'lga qo'yish taklif etilmoqda. Chunki, viloyatda o'tkazilayotgan sport tadbirlarida mahalliy sport birlashmalari, sport uyushmalari, tegishli sport turlari bo'yicha uyushmalar o'z baholarini olib borishlari sport tadbirlarining sifatini tashvishga solmoqda. Shu maqsadda sport tadbirlarini xolis va izchil baholay oladigan baholash tizimini ishlab chiqish va sport tadbirlarini jalb qilish bo'yicha nazorat ro'yxatini ishlab chiqish taklif etiladi. Bu sport tadbirlarining raqobatbardoshligini kuchaytirish uchun infratuzilmani tashkil etish. Sport marketingi mutaxassislarini sport tadbirlarini muvaffaqiyatli o'tkazish uchun zarur bo'lgan barcha sohalarga jalb qilish mumkin bo'lgan institutsional tizimni joriy etish, masalan, sport tadbirlarini rejalashtirish va o'tkazish, dasturlarni ishlab chiqish va rag'batlantirish, shuningdek, iste'molchilarni yaratish uchun ishtirokchilarni o'rganish va tahlil qilishni faollashtirish. tizimli marketing strategiyalarini belgilab, yoshlar va yoshlar o'rtasida sport tadbirlari dasturini kengaytirish, dala mashg'ulotlari jamoalarini jalb etishni kengaytirish maqsadida sport sohasiga oid bo'lim tashkil etish, mavjud bo'lgan mas'ul boshqarmalarning vakolatlarini kengaytirish taklif etildi. Elektra tijorat qanday qilib arzon narxlardagi jihozlar orqali ishtirok etish qulay bo'ladi. Ommaviy jozibasi aniq mahalliy tarzda sport tadbirlarini, ularni televediniya translatsiyasi uchun internet orqali ham qandaydir qiziqqan kishiga tarqalishi mumkin. Rivojlanayotgan davlatlarda internet yaxshi bo'lsada ba'zi davlatlarda masalan, Afrika deyarli butunlay uzulib qolgan. Buni yechish uchun yaqin kelajak Ishida keng palasali texnologiyalarni joriy etish bilan hal qilinadi. Bu esa sport menejmentida biznes yuritish uchun uslubini tubdano'zgartirmoqda. O'yinlarga tayyorgarlik ko'rish dasturi doirasida sportchi va trenerlarga O'yinlarga O'zbekiston sportchilarini tayyorlash bo'yicha respublika komissiyasi tomonidan belgilanadigan miqdorda stipendiya ko'rinishida har oyda to'lanadigan to'lovlar tayinlanadi. Milliy terma jamoalar sportchilari, trenerlari va boshqa mutaxassislari uchun har oylik stipendiyalar, bir martalik to'lanadigan pul mukofotlari, qimmatbaho sovg'alar va boshqa yordam ko'rinishida olinadigan to'lovlar JShDSga tortilmaydi va ularga ijtimoiy soliq hamda sug'urta badallari hisoblanmaydi. Jismoniy tarbiya va sportda bularga faqat personal ishlab chiqarishning haqiqiy egasi sifatida mehnat qilgan holdagina erishish mumkin, bu juda murakkab masala, chunki inson faqat ijtimoiy shaxs, ya'ni jamiyatga bog'liq va uning ta'siri ostida bo'lib qolmay, tabiiy mavjudot hamdir. Xuddi shunga bog'liq holda uning shaxsiy manfaatlarini (unga bog'liq holda xulqi, harakatlari) har doim ham ijtimoiy manfaatlar bilan bog'liq emas, balki o'z idroki manfaatlari bilan ham mos kelmaydi. Kishilar o'rtasidagi ijtimoiy va iqtisodiy munosabatlar aks etuvchi manfaatlar ular maqsadlari, mehnat intizomi faolligiga bevosita ta'sir ko'rsatadi va ularning harakatlarini tartibga soladi. Jismoniy tarbiya va sport menejmenti kursining mazmunini iqtisodiyotni yurg'izishning, boshqarish tizimlari va ulami tuzishning tashkiliy shakllari, xo'jalik mexanizmi va boshqaruv uslublari, boshqaruv texnika va texnologiyasining nazariy va metodologik asoslarini o'rgangan holda ulami jismoniy tarbiya va sport tarmog'iga joriy etishni tashkil etishdan iboratdir. Jismoniy tarbiya va sport menejmenti boshqaruv faoliyatining umumiy qonunlari va prinsiplari, boshqaruv tizimiga ta'sir usullarini shakllantiradi, boshqaruv apparatining aniq vaziyatlaridagi harakatlari va o'zini tutish hollarini umumlashtiradi. Jismoniy tarbiya va sportda iqtisodiy jarayonlarni boshqarishning nazariy va amaliy tomonlarini o'rganadi. Boshqaruv nazariyasi boshqaruv faoliyatining qirralarini butun bir majmua ko'rinishida, nazariy tahlil va mantiqiy uslub asosida boshqarishning asosiy qonunlari va usullarini ajratib o'rganadi. Jismoniy tarbiya va sport menejmentining amaliy tomonlari quyidagi aniq vazifalarni hal etishga: bozor iqtisodiyoti munosabatlariga o'tishga, foyda olishga, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga, aholi ijtimoiy himoyasini kuchaytirishga, kishilar ma'naviy darajalarini o'stirish sharoitida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga va boshqalarga qaratilganidir. Jismoniy tarbiya va sport menejmentining bu amaliy qismi faqatgina boshqaruv prinsiplarining o'zini emas, balki ulami boshqaruv amaliyotida qo'llash qobiliyati, ya'ni ularning aniq ko'rinishlaridan yorqin vaziyatda foydalana olish qobiliyatini o'rganadi. Uning boshqarish nazariyasidan farqi u iqtisodiyotni, jumladan, jismoniy tarbiya va sportni boshqarish amaliyotida qonunlari, prinsiplar va uslublardan foydalanish namunalarni ishlab chiqarishdadir. Menejmentning jismoniy tarbiya va sportga keng tadbiriq etilishi ayni muddaodir, chunki biz yuqorida keltirilgan menejmentning har bir elementlari sportchilar, murabbiylar, sport jamolari va ularning rahbarlari, turli boshqa jismoniy tarbiya va sport jamolari orasida o'z yechimini kutayotgan masalalarni hal etishda har doim, har soat va har daqiqada uchrab turishi, mavjudligi, ularni o'z vaqtida to'g'ri hal etish lozimligi hech kimda shubha tug'dirmaydi. Shuning uchun menejment qoidalarining jismoniy tarbiya va sportga ilmiy asosda joriy etilishidan juda katta samara kutilishi aniq. Jismoniy tarbiya va sportni boshqarishning zamonaviy tizimini belgilovchi omillardan biri sifatida menejmentdagi vaziyatli yondashuvini ko'rish mumkin. XX asming 60-yillarida nazariy va amaliy menejmentga tizimli yondashuv bilan birga uni to'ldiruvchi va rivojlantiruvchi yana bir vaziyat yondashuvi kirdi. Tizimlar nazariyasi tashkilotiga (firma, korporatsiyaga) qanday elementlarning kirishini aniqlaydi, ammo ushbu elementlarning

⁹⁶ https://en.wikiversity.org/wiki/Sport_event_management

qaysi biri ko'proq muhimroq degan savolga javob beradi. Bu kabi izlanishlarning diqqat markazi vaziyatdir, ya'ni ma'lum bir holat to'plami, qaysiki tashkilotga hozirgi aniq bir vaqtga ko'proq ta'sir ko'rsatadi. Samarali menejment sifatiga «Tizimli fikr yuritish»ga «vaziyatli fikr yuritish» qobiliyati qo'shimcha qilinadi. Shu borada «Rahbar» va «Menejer» tushunchalariga aniqlik kiritish ham maqsadga muvofiqdir. Boshqaruv va menejment soha, faoliyat yo'nalishlari hisoblanadi, rahbar (boshqaruvchi) va menejer esa personal lavozimlarini bildiradi. Rahbar korxonaga yoki tashkilotning yuridik boshlig'i (prezident, bosh direktor, rektor, direktor va hokazo) bo'lib, u korxonaning barcha funksional yo'nalishdagi (ishlab chiqarish, texnika va texnologiya ta'minoti, iqtisod, moddiy-texnika ta'minoti, logistika, energetika, tijorat, personal (xodim) va boshqalar faoliyatiga javobgardir va ulami boshqaradi. Eng asosiysi, u moliya va uning taqsimotiga javobgar, moliyaviy harajatni boshqarib boradi, bank tizimida faqat uning imzosi inobatga olinadi. Rahbar o'z faoliyatini amalga oshirishda yozma (og'zaki) buyruq va boshqa ko'rsatmalar orqali ish yuritadi, faqatgina rahbar yuqoridagi hujjatlarga imzo chekish huquqiga ega. Menejer esa yuqorida keltirilgan funksional yo'nalishlar faoliyatini amalga oshirishda personal (xodimlar) ishtirokini ta'minlaydi. Personal ishtiroki muhim masala bo'lib, u xodimlarning malakasi va boshqa ko'rsatkichlari (parametrlari) bo'yicha tanlash, rasmiy ishchi gumhlari tuzish, ish bilan ta'minlash, xodimlarning tashkiliy faoliyatini to'g'ri yo'lga qo'yish, qayta o'qitish, malakasini oshirish, xizmat pog'onasida ulami yuqoriga ko'tarish, pastga tushirish yoki ishdan chetlatish kabi masalalarni o'z ichiga oladi. Menejer moliya-bank hujjatlari, buyruqqa imzo chekish huquqiga ega emas, shuning uchun uning faoliyati korxonaga ishining provard samarasi uchun o'ta muhim bo'lishiga qaramay, rahbar uchun tayyorlangan tavsiya bilan cheklanadi. Menejerning har qanday tavsiyasi rahbariyat tomonidan o'rganilib, asosli axborot (informatsiya)ga tayangan holda tegishli qaror qabul qilinib, rahbar tomonidan buyruqqa imzo chekilgach, kuchga kiradi. Jahon boshqaruv nazariyasi va amaliyotida rahbar shaxsining bilim va malakasi, ish tajribasi, tadbirkorlik xususiyatlari va boshqa xislatlariga nisbatan qanchalik yuksak talablar qo'yilgan bo'lsa, menejerlarga ham ulardan kam mas'uliyat yuklatilmagan.

1- jadvalda rahbar faoliyatidagi xususiyatlar tavsiflangan, ularning menejerlarga ham taalluqli ekanini payqash mumkin (1-jadval). Mavjud standart va talablarga ko'ra menejer birinchidan, jismoniy va aqlan sog'lom, ikkinchidan, o'z sohasi va unga yaqin ilmlarni puxta egallagan, uchinchidan, mustaqil fikrlay oladigan, o'z fikrlarini yozma, og'zaki va boshqa ko'rinishlarda ifodalay oladigan, murakkab holatlarda to'g'ri yechimlarni topa oladigan personal (shaxs) bo'lishi lozim. Sobiq Ittifoq tizimida markazlashgan boshqaruvning kuchli bo'lishi va boshqa siyosiy sabablarga ko'ra menejment tanqid qilib kelingan, amaliyotga joriy etilmagan va mutaxassislar tomonidan o'rganilib, rivojlantirilmagan. Menejmentni eslash lozim bo'lgan hollarda, unga tanqidiy munosabat bildirilishi talab qilinardi, shuning uchun «Kapitalizm sistemasida ishchilarning biligidagi kuchi va oxirgi suvini siqib olishga mo'ljallangan mexanizm» - deb tanqid qilingan. Mustaqillik davriga kelib menejment hayotimizga jiddiy va jadal ravishda tadbir qilinayapti. O'zbekistonda deyarli barcha oliy o'quv yurtlarida menejment fani o'qitilyapti, korxonaga-tashkilotlar shtat jadvallarida menejer lavozimlari paydo bo'lyapti. Shu o'rinda O'zbekistonda menejerlar tayyorlashga tegishli bir misolni eslash joiz deb bilamiz. Sport menejmerining vazifasi personalning muhim sifat ko'rsatkichlari haqida tasavvurga ega bo'lish, ulardan jismoniy tarbiya va sport rivoji uchun unumli foydalanishdan iboratdir. Ma'mumki, biror ashyo (zahira yoki tovar) qancha kamyon bo'lsa, uning narxi shuncha baland bo'lyadi va binobarin, uni sotib olmoqchi bo'lganlar shuncha kam bo'lyadi. Iqtisodchilar buni narxning cheklovchilik sam'arasi deb ataydilar. Na'af - bu mahsulot (xizmat)ning iste'molchilarga qanchalik ijobiy natija keltirishidir. Xaridor xarid qobiliyati doirasida eng nafli molni tanlashga intiladi. Shundagina u qoniqadi. Ammo to'vaming nafilligi qancha yuqori bo'lsa, uning narxi ham shuncha baland bo'lyadi. Bu esa, o'z navbatida, xaridoming sotib olish qobiliyatini pasaytiradi. Bozor munosabatlariga o'tish ishlab chiqarish va bozorning samarali o'zaro ta'sirini, davlat boshqaruvi va korxonalarining, tashkilotlarning, jumladan, sport tashkilotlarining o'z-o'zini boshqarishning mutanosib nisbatda bo'lishini ta'minlovchi takomillashgan xo'jalik mexanizmini yaratishga yo'naltirilgandir. Menejment vakillarining fikricha, samarali menejment quyidagi belgilarga ega bo'lishi kerak: harakatchanlik va ushbu korxonaga ishlayotgan muhitga (vaziyatga) moslasha olish qobiliyati. Menejmentga tizimli yondashuv tarafdorlarining bosh negiz: barcha vaziyatlarga turli vazifani bajaruvchi samarali boshqaruv bo'lishi mumkin emas.

Xulosa. Xulosa shuki ushbu texnologiyalar ishlatayotgan sport menejerlari uchun zaruriyatga aylanib bormoqda.

Adabiyotlar

1. <https://www.investopedia.com>
2. https://en.wikiversity.org/wiki/Sport_event_management

JISMONIY TARBIYA VA SPORT MASHG'ULOTLARINING NAZARIY- AMALIY MUAMMOLARI

Iminova F.B. talaba

Professor V.Sh.Raximov Taekvondo va sport faoliyati fakul'teti

O'zbekiston Milliy Universiteti

fotima071000@gmail.com

Аннотация: Jismoniy mashqlarni bajarish jarayoni insonga faqat jismoniy tomondan ta'sir etib qolmasdan, shug'ullanuvchining ma'naviy dunyosiga, hissiyotiga, irodasiga, ruhiy tetikligiga ham ta'sir ko'rsatadi. Buning natijasida qo'yilgan vazifalarni hal etish uchun ko'ngildagidek sharoit yaratiladi.

Калит сўзлар: Jismoniy tarbiya, ommaviy sport, qonunlar, jismoniy ma'rifat.

Аннотация: Процесс упражнений влияет не только на человека физически, но и на духовный мир, эмоции, волю и умственную активность участника. В результате создаются условия для решения поставленных задач.

Ключевые слова: Физкультура, массовый спорт, законы, физкультура

Annotation: The process of exercise not only affects a person physically, but also affects the spiritual world, emotions, will and mental alertness of the participant. As a result, the conditions are created for the solution of the set tasks.

Key words: Physical education, mass sports, laws, physical education.

O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportning rivojlanishi va Milliy Olimpiya qo'mitasining tashkil etilishi, barkamol avlodni tarbiyalashda jismoniy tarbiyaning roli va o'rni muhim ahamiyatga ega. Davlat va jamoat tashkilotlari, ularning jismoniy tarbiya va sport sohasidagi faoliyatlarini o'rganish, «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi Qonun asosida jismoniy tarbiya va sport harakatini yuritish, unga rahbarlik qiluvchi davlat hamda jamoat idoralarining vazifalari, burchlari va huquqlarini belgilab berilgan. Bu jarayonlar fanni o'rganish va mutaxassislar tayyorlashda muhim ahamiyatga ega. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning «Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida»gi (06.06.2017 y.N PQ-3031) qarori ham mazkur sohani rivojlantirishning istiqbollari ko'rsatib berdi. O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish dasturiga muvofiq jismoniy tarbiya va sport sohasining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, zamonaviy sport komplekslarini qurish, ularni zamonaviy sport uskunalar bilan jihozlash, mazkur sohada xususiy sektorni rivojlantirish, jismoniy tarbiya va sport sohasida kadrlar tayyorlash, ularni qayta tayyorlash va malakasini oshirish muassasalarini ilmiy-uslubiy jihatdan qo'llab quvvatlash, sport maktablarini yuqori malakali murabbiylar va tibbiyot xodimlari bilan ta'minlash yo'nalishlarida kompleks chora tadbirlarni amalga oshirish ko'zda tutilgan. «Jismoniy tarbiya tarixi» ixtisoslikka oid maxsus fan sifatida, milliy qadriyatlar, ijtimoiy, tarbiya taraqqiyoti natijalari, mustaqillik yillarida joriy etilgan. Qonunlar, qarorlar, farmonlar, nizomlar hamda O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov asarlarida va Prezident SH.Mirziyoyevning ma'ruza va qarorlarida asoslab berilgan g'oyalarga tayanadi. Ularni jismoniy tarbiya fani ijtimoiy-pedagogik jarayon sifatida o'ziga metodologik asos qilib oladi. Jahon miqyosidagi va O'zbekiston sharoitidagi jismoniy tarbiya taraqqiyoti fanning mazmunini tashkil etadi. Bu fan sport turlari tarixi, pedagogika tarixi, jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati hamda boshqa fanlar bilan uzviy bog'liq holda o'rganilmoqda va rivojlanmoqda.

Jismoniy tarbiya bu - pedagogik jarayon bo'lib, odam organizmining, morfologik va funksional holatini, ruhiy va iroda tomonlarini tarbiyalab, bilim, ko'nikma, malaka sifatlarini yaxshilashga, mehnat va Vatan mudofaasida yuqori natijalarga erishishga qaratilgandir. Jismoniy tarbiyaga taalluqli bo'lgan vazifalardan kelib chiqib, unda ikkita tomonni ko'rish mumkin: jismoniy ma'rifat va jismoniy sifatlarini tarbiyalashdan iborat. Jismoniy ma'rifat - o'quvchilar tomondan ma'lum bilimlarni o'zlashtirish, jismoniy mashqlarni bajara bilishlik va hayotda uni qo'llay bilish malakasidir. Jismoniy sifatlarini tarbiyalashga - kuch va tezlik natijasining oshishi, chidamlilikning yaxshilanishi, egiluvchanlik va chaqqonlikni tarbiyalash kiradi. Shu yagona jarayonning tomonlari o'zaro yaqin bog'langandir. Masalan, agar o'quvchilar yugurish mashqlarini ko'p marotaba takrorlasa, bir vaqtning o'zida kuch va chidamlilik tarbiyalanadi, ba'zi hollarda esa tezlik ham ortadi. Boshqa tomondan esa o'sha yugurish mashqlarining ko'p martaba faqat katta tezlikda bajarilishi (tezlikni tarbiyalash uchun) texnikaning takomillashuviga va mustahkamlanishiga ta'sir etadi, ya'ni ma'rifat vazifasini hal etadi. Jismoniy mashqlarni bajarish jarayoni insonga faqat jismoniy tomondan ta'sir etib qolmasdan, shug'ullanuvchining ma'naviy dunyosiga, hissiyotiga, irodasiga, ruhiy tetikligiga ham ta'sir ko'rsatadi. Buning natijasida qo'yilgan vazifalarni hal etish uchun ko'ngildagidek sharoit yaratiladi. Jismoniy madaniyat Jismoniy madaniyat umumjamiyat madaniyatining bir qismi bo'lib, mazmuni eng qulay harakat faolligi hamda odamlarning uzoq tarixiy taraqqiyot jarayonida erishgan moddiy yutuqlarining ma'naviy tomonlaridan iboratdir. Uning rivojlanishi jamiyatning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish darajasiga bog'liq.

Sport ta'limining maqsad va vazifalari asosan quyidagilar kiradi:

I. Takomillashtirish, sport paytida gigiena ko'nikmalarini yaratish, maktabgacha tarbiyachilarning tegishli jismoniy tarbiya holati punktni tashkil qilish, yassi zarbaning oldini olish, barcha mushak guruhlarini rivojlantirish, xususan, tizimli jismoniy zo'ravonlik va qotib qolish tufayli, tashqi muhitning ta'siri bilan yaxshilandi va mustahkamlanmoqda. Muvofiqlashtirish tuyg'usini yaxshilash, bardoshi, defertivlik va tezlikni oshirishdan iborat.

II. O'qitish. Voyaga etgan holda motor faoliyatining ko'nikma va ko'nikmalarini o'rnatish. Sportga qiziqish va muhabbatni amalga oshirish.

III. Ta'lim. Axloqiy va ixtiyoriy xususiyatlarni o'rnatish. Sport halollik, qat'iyatlik va jasorat kabi fazilatlarni shakllantirishdan iborat. Maktabgacha tarbiyachi qat'iyatli, mustaqil va mas'ul bo'lishi, ushbu vazifalarni hal qilishda ustoz maktabgacha bolalarning jismoniy rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlariga qaratilgan bo'ladi. Ta'limga yondashuvlar bolaning yoshi va mahorati bo'yicha belgilanadi. O'yin orqali o'quv jarayoni tezroq va har qanday ma'lumotlar yaxshiroq qabul qilinadi, shuning uchun maktabgacha tarbiyachilar jismoniy tarbiya bo'yicha harakatlanish o'yinlarining o'rni juda katta. Bolalar o'ynashni yaxshi ko'rishadi. Motor-o'yin faoliyati tiklanish, o'qitish va ta'lim uchun, maktabgacha kamera bog'da yoki uyda bo'lgani uchun asos bo'lishi kerak.

Hozirgi kunda maktablarda o'quvchilar jismoniy tarbiya darslariga qiziqishi so'ngan, ular ushbu darsga loqaydlik bilan qarashadi. Bu esa achinarli hol. Yoshlar sportga qizishi va jismoniy tarbiya darslariga qatnashish protsesslari juda past foizda aks ettirilmoqda. Bu faqatgina maktab yoki oliy ta'lim muassasasining o'qituvchilari va jismoniy tarbiya bo'yicha mutaxassislarning xatolari emas, bu davlatning ham muammosi deb o'ylayman. Chet el davlatlarida sport murabbiylari va jismoniy tarbiya sohasi vakillari uchun katta imkoniyatlar bor, shuningdek, shu

soha bo'yicha kasb qilmoqchi bo'lgan talabalar, o'quvchilar uchun qo'shimcha imtiyozlar mavjud bo'lmagani o'quvchilar ongida jismoniy tarbiya bilan shug'ullanish bu ortiqcha keraksiz fan uchun qadrlil vaqtini ketkazish sifatida ko'rilmoqda. Mening fikrimcha, sport mutaxassislari uchun qo'shimcha imtiyozlar amalga oshirish kerak. Maktablarda jismoniy tarbiya mutaxassislarining oylik maoshlari boshqa o'qituvchilar oyliklaridan qisman farq qiladi, axir ular ham jismoniy tarafdin o'quvchilarni takomillashishiga yordam beradilar. Shuningdek sport va jismoniy tarbiya bo'yicha mutaxassislari uchun qo'shimcha malaka oshirish kurslari, tillar bo'yicha krujoklar tekinga joriy etilishi shu soxa mutaxassislari uchun foydali hisoblanardi. Eng yaxshi sport mutaxassislarini chet elga malakasini oshirish uchun bir haftalik amaliyotga yuborish ularda yangidan yangi malaka va ko'nikmalarni egallashiga zamin yaratadi. Shuningdek, shaxsni har tomonlama rivojlantirish asosi, tarbiyaning asosiy maqsadlaridan kelib chiqib - butun jamiyat a'zolarini har tomonlama rivojlantiradi. Unda insoniyatning har tomonlama o'z idealiga intilishi mujassamlashgan. Jismoniy tarbiya amaliyotida shaxsni har tomonlama rivojlantirish ikki asosiy yo'nalishda olib boriladi. Jismoniy tarbiya umumiy tarbiyaning boshqa tomonlari bilan uzilmas aloqasi (aqliy, axloqiy, estetik, mehnat) va jismoniy mashqlarning har tomonlamaligi bilan (umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlikning birligi, organizmning shakl va funksiyasi rivojlanishi, jismoniy sifatlar, harakat qila bilish va malaka hosil qilish). Jismoniy mashqlar mashg'ulotida, ayniqsa, bolalar bilan majburiy dastur asosidagi darsni yoki yosh sportchilarning trenirovkasini, albatta axloqiy tarbiyadan ajratilmaydi. Faqat shu yerda jamoatchilik (kollektivizm), vatanparvarlik, qat'iylik, botirlik va sof dillik, shaxsning ma'naviy va jismoniy sifatleri namoyon bo'ladi. Jismoniy mashqlar mashg'ulotlarga estetik tarbiyaning ham manbaysi sifatida xizmat qilishi kerak. Asta-sekin shakl go'zalligi, harakat go'zalligi tushunchasidan axloqiy, ma'naviy go'zallik tushunchasiga, o'zaro muomala tushunchasiga o'tmoq zarur. Bularning hammasi pedagog tomonidan tarbiyaviy ishlarning qanday qo'yilishiga bog'liq. Tarbiyaning qaysi bir tomonini hisobga olmaslik, bir tomonlama yo'nalishga intilish -harakat texnikasini o'zlashtirib olish yoki jismoniy sifatlar bo'yicha yuqori natijalarga erishish uchun qilingan hamma ishlarni yo'qqa chiqaradi. Insonni har tomonlama jismoniy rivojlantirish, jismoniy tarbiya jarayonida amalga oshirilishi mumkin. Odanning jismoniy sifatlerini tarbiyalash, unda harakat qila bilishning bilim va malakalari hamda hayotiy zaruriy amaliyotlarga katta ehtiyoj, sharoit yaratilgandagina, barkamol rivojlanish vujudga keladi.

Adabiyotlar

1. <http://librarv.navoiv-uni.uz/files/jismoniy%20tarbiya%20nazariyasi%20va%20uslubiyoti.%20ikkinchi%20nashr.pdf>
2. Sog'lom turmush tarzi tarbiya vositasi, darslik A.Rahimov. Toshkent, 2012 yil.

SPORTDA TIKLANISH VOSITALARI

Norqulova Sabrina Nurmurodovna

O'zMU, Taekvondo va sport faoliyati fakulteti talabasi

Kadirov Abdurashid Abduganiyevich

O'zMU, Taekvondo va sport faoliyati kafedrasi o'qituvchisi, a.kadirov1987@mail.ru

Mashq va musobaqa sharoitlarida sportchi og'ir ishlarni boshdan kechiradi. Ayniqsa bu hol sportda yuqori natijalarga erishishda sodir bo'ladi. Sportda yuqori darajadagi natijalarga erishish uchun tiklanish jarayonlarini tezlashtirish borgan sari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Mashq va musobaqadagi ishlar tezligi va ular hajmining ortib borishi, sportchidagi psixologik holatning, ayniqsa musobaqa davrida zo'rayishi sportchilarni tayyorlashda turli tibbiy-biologik choralar qo'llashni taqozo etadi.

Shiddatli mashq va musobaqa ishlardan keyin organizmning energiya sarfini tiklamay turib jismoniy chiniqishni va ish qobiliyatini oshirib bo'lmaydi. Pedagogik, psixologik va tibbiy-biologik usullarni o'zida mujassamlashtirgan tiklanish vositalari sistemasini to'g'ri qo'llash mashq jarayonlarini tezlashtirish va sport natijalarini oshirish imkonini beradi.

Tiklanishni tezlashtiradigan choralardan biri – aktiv dam olish birinchi marta I.M.Sechenov tomonidan 1903 yilda aniqlangan bo'lib, o'rtacha charchashdan keyin uni qo'llash yaxshi natija beradi. I.M.Sechenov ergografiyasi (mushaklar faoliyatini yozib oluvchi asbob) bir qo'lning barmog'i bilan to'charchaguncha yuk ko'tarish ishini bajarandan keyin tinch o'tirib dam olmasdan, ikkinchi qo'l bilan o'sha ishini bajaradi. Bunda charachagan birinchi qo'lning ish qobiliyatining tiklanishi passiv dam olishdagiga nisbatan tezroq sodir bo'ladi.

Shuni unutmash kerakki, aktiv dam olish faqat o'rtacha charchashdan keyin effektli bo'ladi. Haddan tashqari charchatarli ishlardan keyin esa, aksincha, aktiv dam olish tiklanishning kechikishiga sabab bo'ladi. [1]

Jismoniy omillarni qo'llash yillik mashq sikli davriga bog'liq. Masalan, tayyorlanish davrida umumiy ta'sir ko'rsatuvchi va agar zarur bo'lsa, mahalliy ta'sir etadigan omillarni qo'llash mumkin. Musobaqa davrida charchagan muskullarga umumiy emas, balki mahalliy ta'sir ko'rsatadigan vannalarni qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi, shu bilan birga, har xil dush turlarini tavsiya etish mumkin.

Suv muolajalarini qo'llashda eng muhimi, suv haroratiga alohida e'tibor berish kerak. Qo'zg'otuvchi ta'sir ko'rsatish uchun, ertalab mashqqacha va kunduzgi uyqudan keyin sovuq muolajalarni (33^oS dan past vannalar, 20^oS dan past dush), issiq vannalar va dushlarni (37-38^oS) esa, mashqdan keyin qo'llash lozim. Kuchli charchash chog'ida mashqdan keyin yeng kamida 15-30 daqiqa o'tgan jismoniy omillarni qo'llash tavsiya etiladi.

Massajda ham huddi suv muolajalariga o'xshash markaziy asab sistemasiga qo'shimcha afferent impulslar boradi va markaziy asab sistemasida yangi markazlar qo'zg'olishini yuzaga keltiradi, natijada asab jarayonlarining nisbati, dinamikasi yaxshilanadi. Bu o'z navbatida ish qobiliyatining tezroq tiklanishiga sabab bo'ladi.

Tiklanish jarayonlari natijasini oshiradigan aktiv dam olishga katta ahamiyat berish bilan birga, passiv dam olishning ahamiyatini ham unutmaslik kerak. Aktiv dam olishning tiklanishni kuchaytiruvchi ta'siri hamma vaqt ham yuzaga chiqavermaydi. Aktiv dam olish bilan bir qatorda passiv dam olish ham tiklanish jarayonlarining aktivatori bo'lib, uning ta'siri jismonan chiniqqan kishilarda, to'g'ri tashkil etilgan mehnat va dam olishda kuchli darajada ortadi. Passiv dam olishning eng keng tarqalgan turiga uyqu kiradi. Hozirgi zamon tushunchasiga ko'ra, uyqu bir xil holat emas bunda ikkita faza farqlanadi: sekin va tez. Bu fazalar tun davomida 4-5 marta almashinadi. Uyquning sekin fazasi vaqtida nafas olish va yurak urushi sekinlashadi, qon bosimi pasayadi, ayniqsa miya, jigar, buyrak kabi organlarda qon oqishi sekinlashadi, moddalar almashinuvi va tana harorati pasayadi, muskullar ancha to'liq bo'shashadi. [2]

Uyquning tez fazasi harakat aktivligining ortishi bilan ifodalanadi. Bu fazada yurak urishi tezlashadi, arteriya qon bosimi ko'tariladi, nafas olish tezlashadi. Uyquning sekin va tez fazalarini almashinuvi to'liq dam olishning muhim sharti bo'ladi. Uyquning buzilishi ish qobiliyatiga salbiy ta'sir etadi.

Choy, qahva yoki sharbat kabi ichimliklarni iste'mol qilish asab sistemasi va yurak-tomir kabi vegetativ organlar funksiyasini kuchaytirishi va organizmning ichki muhitini qandaydir darajada yaxshilashi ish qobiliyatining tiklanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Kislorodga boy bo'lgan havo bilan nafas olish muskul ishi ta'sirida to'plangan kislorod qarzini yo'qotish, ichki, bu jarayonlarning muhit reaksisini normallashtirish uchun muhim ahamiyatga ega, bu jarayonlarning ancha tezlashishini ta'minlaydi.

Autogen mashq sportchini ma'lum so'zlar bilan ishontirish orqali markaziy asab sistemasi faoliyatini yaxshilashga qaratilgan. Bunday yo'l bilan tiklanish jarayonlarini kuchaytirishda sportchining oliy asab faoliyati tipi muhim ahamiyatga ega. Autogen mashq olib boruvchining so'zlariga e'tibor beruvchi kishilarda sezilarli darajada funksiyalarning o'zgarishi yuzaga keladi. Masalan, gavdaning ma'lum qismlarini qon bilan ta'minlanishi o'zgaradi, muskullarning bo'shashishi kuchayadi va hokazo. [3]

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Salamov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubi // Darslik. I jild T.: ITA Press, 2015 – 296 b
2. Сологуб А. С., Солодкова Е. Б. Физиология человека: Общая, Возрастная, Спортивная: 527с. Учебник. - М., 2005.
3. Azimov I., Sobitov Sh. Sport fiziologiyasi. - T., 1993. - 225 b.

ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ ПУМСЭ В ТХЭКВОНДО

Студент группы 201 Каршиев Сардор Саттор угли

Уч. Пулатов Лазиз Азамат угли

Национальный университет Узбекистана

Аннотация *Таэквондо в Олимпийских играх также является самым популярным зрелищным видом спорта. Таэквондо (ВТ) имеет показательное направление, которое может привлечь всех людей. Будь то обычный человек или спортсмен, он может привлечь всех сразу. В мире есть 2 большие команды для показательных-выступлений. Это «WTF» и «Kukkiwon». Пока что нет команды, которая могла бы обыграть эти две команды.*

Ключевые слова. *Показательное выступление, пхумсе, демонстрация, спортивный клуб, тхэквондо, маркетинг, реклама.*

Таэквондо(ВТ) - один из самых передовых видов спорта. Он отличается от других видов спорта по популярности. Таэквондо в Олимпийских играх также является самым популярным зрелищным видом спорта. Таэквондо (ВТ) имеет показательное направление, которое может привлечь всех людей. Будь то обычный человек или спортсмен, он может привлечь всех сразу. В мире есть 2 большие команды для показательных-выступлений. Это «WTF» и «Kukkiwon». Пока что нет команды, которая могла бы обыграть эти две команды. [1]

Если говорить о направлении показательных выступлений, то это направление очень интересное и зрительское. В этом направлении спортсмен развивается по всем направлениям. Формируются и его спарринговые удары. Формируются толчки и движения, связанные с пумсе. Также формируются акробатические движения. К ним относятся, например, сальто, удары во время сальто и кёппа то есть ломание досок во время полёта сальто. В этом направлении проводятся различные соревнования. И проходят в очень захватывающем духе. К ним относятся видеоролики, которые размещаются в интернете, особенно в Instagram и YouTube, и за которыми смотрят с большим вниманием. [2]

Что еще делает показательную выступления более привлекательной для широкой публики? Одна из причин этого в том, что команда такая же и выполняет одни и те же действия в стиле флешмоба. В таком флешмобе желательно иметь 10 и более спортсменов. Потому что это одно из основных требований флешмоба. Таким же образом можно выполнять даже самые простые действия с помощью 10 и более спортсменов. Ведь атмосфера флешмоба не перестает привлекать население. Флешмоб, проигранный под

особую музыку, выглядит лучше и интереснее. В частности, команда K-Tigers в Корее уже давно использует эти методы. С помощью этих демонстраций полезнее вовлекать людей в пумсе или в область показательных выступлений. В частности, размещенные в Instagram рекламные ролики в основном являются демонстрационными. Как известно, в 2017 году список пумсе пополнились новым сборниками пумсе. Если вы видели их то, они в основном состоят из ударов ногами, вращательных ударов и ударов в прыжке со стороны. Причина в том, чтобы снова привлечь внимание людей к пумсе, популяризировать эту область во всех слаборазвитых странах, чтобы снова сделать ее основным видом спорта.

Есть еще один важный аспект Таэквондо(ВТ). Это направление «Pumse». Многие страны уделяют этой сфере недостаточное внимание. Но есть и страны, где сосредоточились только на направлении КЕРУГИ, а направление Пумсе не получило развития. [3]

Например, мы можем увидеть доказательство этого в небольших странах. Мы можем увидеть такие случаи, особенно в Средней Азии. Какие меры необходимо предпринять для развития Пумсе?

Что касается Южной Кореи, то в этой стране много клубов по Таэквондо (ВТ) и все они имеют квалифицированных тренеров. Большое количество клубов играет важную роль в росте популярности Таэквондо и в развитии бизнеса Таэквондо. В финансово богатом клубе есть весь спортивный инвентарь. Когда есть весь спортивный инвентарь, спортсмены развиваются очень хорошо и качественно.

Спортсмены в этой среде очень сильны. Вот почему внутренние соревнования Кореи бывают сильнее, чем зарубежные. Также они ввели такую мощную систему. Члены команды обновляются каждые 4 или 2 года. Это показатель того, что все их спортсмены тренируются в отличной форме. И играет большую роль в стабильности результатов. Именно поэтому они занимают высокие места во всех соревнованиях.

У каждого клуба есть небольшое название и небольшой логотип. Если у клуба есть название и нет логотипа клуба, его распознавание будет медленнее, чем у остальных. Желательно, чтобы униформа членов клуба была одинаковой. Это сыграет большую роль в развитии клуба.

Маркетинг, как и реклама, играет важную роль в развитии Pumse. Потому что в настоящее время социальные сети в Интернете занимают большое место в нашей повседневной жизни, поэтому все проводят много времени в социальных сетях. За это время они смотрят множество социальных роликов. Именно тогда они сталкиваются с множеством рекламных роликов, особенно в Instagram. Как социальная реклама может принести пользу клубу? Благо в том, что это способствует популярности клуба.

В Корее они всегда были хорошо приняты публикой за их выступления на светских и живых концертах. В народе есть любовь к «Пумсе». Если к аналогичным проектам присоединятся и другие клубы в разных странах, они внесут большой вклад в популярность «Пумсе».

Итак, получен вывод, что если эти меры будут приняты, то есть если будут проводиться демонстрации, если работа будет вестись в сфере рекламы, развитие «Пумсе» будет наблюдаться в странах, где эта «Пумсе» не развита. В людях пробудиться милосердие. Чем качественнее и привлекательнее будут рекламные и выставочные выступления, тем больше они будут интересны публике, тем больше полюбятся. И постепенно «Пумсе» станет более популярным во всех странах и завоеует любовь народа.

Литература

1. ["Taekwon-do". OxfordDictionaries.com. Oksford universiteti matbuoti.](https://www.oxforddictionaries.com/) Olingan 8 yanvar2017.
2. ["Taekwon-do". Merriam-Webster.](https://www.merriam-webster.com/) Olingan 8 yanvar 2017.
3. ["Taekwon-do". Kembrii ingliz lug'ati. Kembrii universiteti matbuoti.](https://www.kembrii.com/) Olingan 8 yanvar 2017.
4. ["Flying Kicks: The Roots of Taekwondo and the Future of Martial Arts".](https://www.flyingkicks.com/) Olingan 18 fevral2019.

YOSH FUTBOLCHILARNING TEZKORLIK VA CHIDAMKORLIGINI OSHIRISH USULLARI

*O'zbekiston Milliy Universiteti,
Taekvondo va sport faoliyati fakulteti o'qituvchisi
Raximov Umorbek Ikromboyevich.*

1-Kurs talabasi Ergashaliyev AbdulboqiAbdumannob o'g'li.

Yuguruvchilarning o'rtacha tayyorlashning usuli yo'naltirilganligini belgilashda quyidagilarni hisobga olish lozim: maxsus jismoniy tayyorgarlikning omillari asosidagi «sur'ati» o'z tarkibiga tezlik imkoniyatlari yig'indisini, umumiy chidamlilikni, maxsus chidamlilikni oladi. Bu sifatning 800 m ga yugurishga qo'shgan ulushi 70 % ni, 1500 m ga yugurishda esa 77% ga teng. Eng muhimi, maxsus chidamlilik omili sanaladi (800 m ga yugurishda - 31%, 1500 m ga esa - 26,3%).Organizmning aerob va anaerob imqoniyatlari mashqni bajarish shiddati va davom etish vaqti, takrorlash soni va dam olish oraliqlariga bog'liq.

Shu bilan bir qatorda tekshiruvchilarning diqqati sportchilar uchun eng kerakli jismoniy sifat, chidamlilik va uni tarbiyalash uslublari to'g'risida hamda uni takomillashtirishga kam e'tibor berilgan. Ayniqsa, bolalar va o'smirlarda chidamlilik muammosi kam o'rganilgan.Ko'pchilik ishlar yosh xususiyatlari bo'yicha yosh sportchilarda emas, balki sport bilan doimiy ravishda shug'ullanmagan maktab bolalarida olib borilgan.Yosh futbolchilarda chidamlilikni tarbiyalash bo'yicha olib borilgan tekshirish ishlari ilmiy va metodik tomondan yoshlarni tarbiyalashda katta ahamiyatga ega bo'lsa-da, umuman chidamlilik muammosini yechish uchun to'liq javob bera olmaydi.

O'tkazilgan tekshiruv ishlarini ko'rsatishicha, aylanma mashg'ulot uslubini yengil atletikaga, yugurish, o'yin va musobaqa shaklida qo'shib o'tkazganda 15-16 yoshli futbolchilarni chidamliligini oshirish, shuningdek, boshqa

jismoniy sifatlarni ham rivojlanganligini ko'rsatgan. Yosh o'smirlarni o'rta masofaga yugurish bo'yicha mutaxassisligiga kirish uchun, chidamlilik, kuch, tezkorlik va boshqa jismoniy sifatlarga yo'naltirilgan mashg'ulot vositalaridan har tomonlama foydalangan holda ularni jismoniy tayyorgarligini oshirganligi aniqlangan. Bunda boshlang'ich sport tayyorgarligi davrida mashg'ulotning umumiy vaqtidan 50 foizini chidamlilikni tarbiyalashga, 25 foizini tezkorlik va 25 foizini kuchni tarbiyalashga qaratish kerakligi uqtirilgan.

Ko'pchilik olimlarning ta'kidlashicha, yuguruvchining ko'p yillik mashg'ulot jarayoni birinchi yillarida umumiy chidamlilikni tarbiyalash, keyinchalik bu yuguruvchining maxsus chidamliligini negizi bo'lib xizmat qilishi aniqlangan. Shu bilan birga boshqa bir guruh olimlar boshlovchi futbolchilarda umumiy chidamlilikni tarbiyalashda, trenirovkani bir tekisda yugurish uslubi va har xil o'zgaruvchan mashqlar uslubi variantlaridan foydalanishni taklif qiladilar. Boshqa bir qancha tadqiqotlarda umumiy chidamlilikni samarali oshirish uchun qisqa vaqt ichida takrorlangan, uncha katta bo'lmagan interval dam olish oraliqida ham ijobiy natijaga erishish mumkinligi ko'rsatilgan.

Bolalar va o'smirlarda chidamlilikni tarbiyalashda, organizmning funksional tayyorgarligi sustligini e'tiborga olgan holda sekin va ilmiy yondoshish kerak hamda bu yosh davrida ko'proq tezkorlik sifatlarini tarbiyalash kerakligini ko'rsatishgan. Ayrim olimlarning fikricha, chidamlilikni rivojlantirishda, juda ehtiyot bo'lish, maktab yoshidagi bolalarda umumiy jismoniy tayyorgarlikni to'liq berilmaganligini tasdiklaydi. Shu bilan bir qatorda o'smir yoshda umumiy chidamlilikni tarbiyalashda jismoniy tarbiya vositasi sifatida asosan yugurishni; uzun masofa bo'laklarida qayta yugurishni umumiy rivojlantiruvchi mashqlar va nafas olish mashqlari bilan almashtirishni olimlarimiz taklif qilishgan.

Har bir o'qituvchi mashqlar shiddatini individual va o'quvchining tayyorgarligiga bog'liq ekanligini unutmashligi kerak. Yangi shug'ullanayotgan bolalarda maksimal shiddatdan 75-80% bir chegarani tashkil qilsa, yaxshi tayyorlangan sportchilarda esa boshqacha ko'rinishda bo'ladi. Boshlovchilarda aerob imqoniyatlar 1 km. masofani 5-7 daqiqada bosib o'tganda rivojlanishga yordamlashsa, yuqori tasnifli sportchilarda esa 3,5-4,5 daqiqada rivojlanadi.

Xulosa

Bolalar va o'smirlarda chidamlilikni tarbiyalashda, organizmning funksional tayyorgarligi sustligini e'tiborga olgan holda sekin va ilmiy yondoshish kerak hamda bu yosh davrida ko'proq tezkorlik sifatlarini tarbiyalash kerakligini ko'rsatishgan. Ayrim olimlarning fikricha, chidamlilikni rivojlantirishda, juda ehtiyot bo'lish, maktab yoshidagi bolalarda umumiy jismoniy tayyorgarlikni to'liq berilmaganligini tasdiklaydi. Shu bilan bir qatorda o'smir yoshda umumiy chidamlilikni tarbiyalashda jismoniy tarbiya vositasi sifatida asosan yugurishni va har bir o'qituvchi mashqlar shiddatini individual va o'quvchining tayyorgarligiga bog'liq ekanligini unutmashligi kerak. Yangi shug'ullanayotgan bolalarda maksimal shiddatdan 75-80% bir chegarani tashkil qilsa, yaxshi tayyorlangan sportchilarda esa boshqacha ko'rinishda bo'ladi. Boshlovchilarda aerob imqoniyatlar 1 km. masofani 5-7 daqiqada bosib o'tganda rivojlanishga yordamlashsa, yuqori tasnifli sportchilarda esa 3,5-4,5 daqiqada rivojlanadi.

Foydalanilgan Adabiyotlar

1. Abidov Sh.U. Yosh futbolchilarning o'quv-mashg'ulot jarayonini tashkil qilish va rejalashtirish. Uslubiy tavsiyanoma. Toshkent. 2011.
2. Аверин, В. А. Психология детей и подростков / В. А. Аверин. – М.: Издательство Михайлова В. А., 1998. – 379 с.
3. Akramov J.A Abidov Sh.U. Yosh futbolchilarning musobaqa faoliyatning xususiyatlari. G'G' Fan-sporga №1 -2007 y.
4. Годик, М. А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок / М. А. Годик. – М. : Физкультура и спорт, 2003. – 136 с.

JISMONIY YUKLAMA VA UNING MAZMUN-MOHIYATI.

*O'zbekiston Milliy Universiteti,
Taekvondo va sport faoliyati fakulteti o'qituvchisi*

Raximov Umorbek Ikromboyevich.

1-kurs talabasi Raimqulov Abdulaziz Abdinosir o'g'li

Maxsus chidamlilik ikki asosiy jismoniy sifat - tezlik va chidamlilikning sintezi hisoblanadi. Bu ikki sifat sport mahorati o'sgan sari olib boriladigan maxsus kuch bilan mustahkam aloqadadir. 800, 1000 va 1500 metr masofaga yugurishga ixtisoslashgan sportchilar uncha tezkor bo'lmashliklari hamda zarur musobaqaviy tezlikni uzoq muddat davomida saqlashni bilishlari va ayni vaqtda juda chidamli bo'lishlari lozim. Maxsus chidamlilikka hamda tezlikni musobaqaning eng mas'uliyatli davrida, sportchi eng charchagan paytida, chidamlilikni esa butun masofa davomida namoyish qilish kerak.

Anaerob jarayonlarda energiyaning 2 manbai bo'lib, ular atmosferadagi kislorodning ishtirokisiz sodir bo'ladi. Anaerob jarayonlarga kuyidagilar kiradi: A-mushaklardagi fosfoorganik birikma bo'lishi kreatinfos-fatning parchalanishi; B-glyukoliz, ya'ni uglevodlarning fermentativ parchalanishi (u sut kislotasi hosil bo'lishi bilan tugaydi). Hozirgi paytda chidamlilikning sifat jihatdan har xil turlari va darajalarini aks ettiruvchi yetakchi funksiyalar organizmning energetik imkoniyatlari demakdir, degan fikr ko'pchilik tomonidan qabul qilingan.

Chidamlilik sifati, shu bilan birga, mashg'ulot yuklamalari sifatining fiziologik belgilariga qarab baholash, o'rta masofalarga yuguruvchilarni tayyorlash uslubiyotini aniqlash va detallashtirish (batafsil o'rganish) imkonini beradi. Fiziologik tamoyillar asosida jismoniy mashqlarni hisobga olish, qo'llanadigan mashg'ulot vositalarini ularning organizmga ta'sir qilish xususiyati va darajasiga ko'ra aniq hamda tabaqalab ro'yxatga olish uchun yul ochadi.

So'nggi yillarda chidamlilik haqida gap ketganda, pedagogik va fiziologik tushunchalarning birikib ketganligini kuzatish mumkin. Kundalik nutqimizga aerob va anaerob chidamlilik degan tushunchalar kirib keldi. Chidamlilik turlarini talab qiladigan sport mashg'ulotlari taassurot yo'nalishini aniq ochib bera olmayapti, shuning uchun endi chidamlilik kichik turlarga ham tasniflanadigan bo'ldi. Shu tariqa aerob chidamlilik qisqa muddatli, aerob, o'rta va uzoq aerob chidamlilikka bo'linadi. Bularning birinchisi 3-10 daqiqali jismoniy zo'riqishni, ikkinchisi 10 daqiqadan 30 daqiqagacha, uchinchi 30 daqiqadan ortik davom etuvchi jismoniy zo'riqishni o'z ichiga oladi. Bunday tasniflashga ko'ra, 1500 m. ga yugurish qisqa muddatli aerob chidamlilik turiga kiradi.

Anaerob chidamlilik ham xuddi shunday: qisqa muddatli, o'rta va uzoq davom etuvchi turlarga bo'linadi. Bularning birinchisiga eng yuqori tezlik bilan 20 soniyagacha vaqt orasida yugurish (200 m. gacha bo'lgan masofalar), ikkinchisiga - 60 soniyagacha, uchinchisiga - 3 daqiqagacha vaqt sarflanadigan yugurish kiradi. Yuklamalar yo'nalishi va shiddatini yurak-qon tomir urishi tezligi nuqtai nazaridan asoslash to'g'risidagi taklif ham mavjud. Bunda yurak faoliyatining asosiy mezoni sifatida yurak qisqarishi tezligi (YuQT) qabul qilingan. Mutaxassislar fikriga ko'ra yugurishda shiddatning I darajada shug'ullanish umumiy yugurish chidamliligini oshirmaydi, fakatgina "sarflangan" kuchlarni tiklaydi (YuQT 114-132 ur/min), II darajada shug'ullanish umumiy chidamlilikni oshiradi (YuQT 174 ur/min). III darajada umumiy yugurish chidamliligini shiddatli mashg'ulotga moslashtiradi (YuQT 150-174 ur/min).

Yuqorida ko'rsatilgan shiddat darajalari asosida chidamlilik sifati kichik sinflarga bo'linadi. Mutaxassislar bu borada umumiy, sur'at va kuch chidamliligini ko'rsatadi. Buning ustiga, sur'at chidamliligi, masofa uzunligiga qarab yana 3 turga bo'linadi: a) qisqa chidamlilik, b) o'rtacha, v) uzoq muddatli chidamlilik. Aniq mashg'ulotlar chidamlilikning barcha turlari orasida o'zaro aloqada bo'ladi. Masalan, razryadlar guruhida umumiy va maxsus chidamlilik orasidagi o'zaro bog'liqlik korrelyatsiya koeffitsienti 0,48-0,70 ga teng bo'ladi.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, odamlarning sog'lomligini takomillashtirish, jismoniy tarbiya va sportning rivojlanishining ajralmas qismidir. Shuboisdan yosh avlodni har tomonlama: aqliy, ahloqiy va jismoniy jihatdan rivojlanishida jismoniy tarbiya asosiy o'rinlardan birini egallaydi. Zero O'zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi qonunida «Kollegacha yoshdagi bolalar, o'quvchi-yoshlar, talabalar salomatligini asrash va mustahkamlash, ularni jismoniy barkamollik ehtiyojini shakllantirish kollegacha tarbiya muassasalari va o'quv yurtlarining asosiy vazifasi hisoblanadi» deyiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Sh. Mirziyoyev "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz." Toshkent "O'zbekiston" 2017
- 2.Sh. Mirziyoyev "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz." Toshkent "O'zbekiston" 2017
- 3.Karimov I.A. O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. T.:O'zbekiston. 1999.
- 4.Abdullayev A., Xonkeldiyev SH.X. Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi. Farg'ona, 2001.

OMMAVIY SPORTNI RIVOJLANTIRISHDA MURABBIYLAR FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

Z.A.Bakiev, Dotsent, O'zMU

B.B.Davidov, Stajyor o'qituvchi O'zMU

Islomov Ruslanbek 106 guruh

Annotatsiya: ommaviy sportni rivojlantirish orqali aholi salomatligini mustahkamlash muhim masalan ekanligini murabbiylarga tushuntirish va murabbiylar faoliyatini ko'lamini ko'rib chiqish.

Kalit so'zlar: jamoa, murabbiy, salohiyat, maqsad, ko'nikma, faoliyat, Malaka, ommaviy sport.

Tadqiqot vazifasi: sportni ommalashtirish deganda malakali murabbiylarni tayyorlash tushuniladi. Murabbiylar jamoadagi har bir personal shaxsning jismonan va aqlan sog'lomligi, bilim, madaniyat, tajriba

darajalarini, tashkiliy xulqining qay darajada rivojlanganini, qaysi shijoat temperamentga mansub ekanligini, insonga taalluqli barcha individuallik, psixologik, tashkilotchilik, jamoada o'zini tuta olish, o'z-o'zini topa olish va boshqa xususiyatlarini hisobga olgan holda, unga nisbatan faoliyat turlarini belgilaydi, rasmiy va norasmiy ishchi guruhlarini shakllantirishda uning bo'lajak a'zolarining barcha yutuq va kamchiliklaridan samarali foydalanish masalalarini hal etadi. murabbiy har qanday jamoada uning a'zolari orasidagi o'zaro munosabatlar, jamoa bilan boshqa jamoalar orasidagi munosabatlar, jamoa bilan rahbar o'rtasidagi munosabatlar, boshqa korxonalar, hattoki xorijdagi hamkasblar orasida bo'ladigan ishchi munosabatlarni qanday bolishini ilmiy asoslab beradi»

Tadqiqot maqsadi: Ommaviy sportdagi murabbiy ishtirokini ko'rib chiqish va qayta tashkillashtirishni o'rganish.

Tadqiqotning dolzarbliligi: Ommaviy sport aholi salomatligini mustahkamlaydi. Shu orqali aholi tibbiy balansini ko'rishga yordam beradi, murabbiylarga shu tushunchalarni tushuntirish orqali ommaviy sportni yanada rivojlantira bilishi.

¹/Hozirgi kunda nafaqat sport balki boshqa sohalarida ham menejment ya'ni boshqaruv muhim ahamiyati kasb etyadi. Sababi tizimli ish har doim samaradorlikni oshiradi. Tizimni qanaqa shakllantirishda albatta menejerga bog'liq. /Mamlakatda yosh avlodning jismoniy va ma'naviy barkamolligini ta'minlash, sog'lom turmush tarziga intilish va sportga mehr-muhabbatni rivojlantirish, joylarda bolalar sportining moddiy bazasini yaratish, aholi yashaydigan joylarda zamonaviy bolalar sport komplekslari tarmog'ini barpo etish hamda sport uskunlari va jihozlari bilan ta'minlash ishlarini yanada faollashtirish maqsadida, 2002-yilda "O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi" tuzildi. Sport mashg'ulotlariga o'quvchilarni ommaviy ravishda, uzluksiz jalb qilishni tashkil etish maqsadida, 2003-yilda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "o'quvchi va talaba yoshlarni sportga jalb qilishga qaratilgan uzluksiz sport musobaqalari tizimini tashkil etish to'grisida"gi qarori qabul qilindi. Mazkur qaror asosida mamlakatda umumta'lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari hamda oliy ta'lim muassasalari talabalarining "Umid nihollari", "Barkamol avlod", "Universiada" musobaqalarining hududlarda respublika final bosqichlarini o'tkazish rejasi belgilandi. Bolalar uchun sport mahsulotlari turlarini ko'paytirish hamda mintaqalar, maktabgacha bolalar muassasalari, maktablar, akademik litseylar, kasb-hunar kollejlari, oliy o'quv yurtlari ehtiyojlarini ta'minlashga qaratilgan "Bolalar sportini targ'ib qilish va bolalar uchun sport mahsulotlari ishlab chiqarish turlarini kengaytirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'grisida"gi 2003-yili Vazirlar Mahkamasining qarori qabul qilinib, uning asosida mamlakatda sport kiyimlari va anjomlarini ishlab chiqarish yo'lga qo'yildi. Joylarda sport turlarining jadal rivojlanishi shug'ullanuvchilar sonining muntazam oshishiga va aholini ommaviy tarzda qamrab oladigan turli musobaqalarning tashkil etilishiga zamin yaratmoqda. Bu musobaqalar orqali o'quvchi-yoshlar, nogironlar, ishchi va xizmatchilar, barcha ijtimoiy qatlama mansub aholi vakillari sportga jalb qilindi. Har yili umumta'lim maktabi, kasb-hunar kolleji, akademik litsey o'quvchilari, talabalar, ishchi va xizmatchilar, huquq-tartibot, mudofaa xodimlari o'rtasida basketbol va voleybol bo'yicha "Kamolot kubogi", milliy sport o'yinlari musobaqalari, harbiy xizmatga chaqiriladigan yoshlar o'rtasida "Shunqorlar" harbiy sport musobaqalari, nogironlar o'rtasida "Jasorat - iroda g'alaba" musobaqalari, shuningdek ayollar, qishloq xotin-qizlari spartakiadalari va boshqalar muntazam o'tkazib kelinyapti. 2000-yildan boshlab uzluksiz sport musobaqalari tizimi asosida talabalar o'rtasida "Universiada", o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimida "Barkamol avlod" va o'quvchilarning "Umid nihollari" sport musobaqalari o'tkazila boshlandi.²Bu ham boshqaruvchilarning ya'ni sport menejerlarining hizmatlari. Sohamiz shundan iborat ekanki avvalo boshqaruvga qo'yiladigan talablarni bilishimiz kerak. /Maqsad - bu muddao, murod, ya'ni u yoki bu niyatga erishmoq uchun ko'zda tutilgan mushtarak orzu. Aynan shu maqsad kishi faoliyatini, o'z orzularini ushalishiga yo'naltiradi. Biz dastlab o'zimizning oldimizdaturgan maqsadimizni aniqlab olamiz, so'ngra esa shu maqsadimiz: Bo'lajak harakatlarimizni oldindan aniqlab beradi; Faoliyatimizning ustuvor yo'nalishini belgilaydi; Faoliyatimizni aniq sohaga, ishga yo'naltiradi; U yoki bu faoliyatimizning zarurlik darajasini belgilab beradi; Pirovard natijamizning baholash me'yorini belgilaydi Maqsadning ilmiy asoslanganligi va to'g'ri belgilanganligi boshqaruv uchun juda muhimdir. Chunki aynan shu maqsadga binoan:

- Boshqarish funksiyalari;
- Boshqarish usullari;
- Boshqarishning tuzilmaviy tarkibi;
- Lavozimlarni belgilash va kadrlarni tanlash kabi muhim masalalar hal etiladi.

Boshqaruv maqsadi quyidagi talablarga javob berishi lozim.

Boshqaruv maqsadiga qo'yiladigan asosiy talablar.

1. Maqsad bir ma'noli va aniq bo'lishi kerak: Agar qaerga borishni bilmasangiz, u holda biror yo'lni tanlashga ham xojat qolmaydi.

2. Maqsad real va bajarilishi mumkin bo'lishi kerak: Qaysi tomonga suzishni aniq maqsad qilib olmagan elkanli qayiqqa hech qanday shamol ham hamroh bo'la olmaydi. Maqsad - bu navbatdagi bosqichda "jang" bilan zabt qilinadigan bamisoli cho'qqi. Buni zinhor unutmaslik

darkor. Shu "jang"da g'oli6 chiqish uchun bajarilishi mumkin bo'lgan real maqsadni o'z oldimizga qo'yishimiz kerak. Undan ortiqcha ham, kam ham emas, vassalom.

3. Maqsad miqdoran o'lchovga ega bo'lishi kerak. Miqdoran o'lchovga, me'yorga ega bo'lmagan maqsad - bu sarob. Bu talabga rioya qilmaslik rejalashtirilgan maqsadning oldindan bajarilmasligiga zamin tayyorlash demakdir.

4. Maqsad barcha bajaruvchilarga tushunarli bo'lmog'i darkor. Maqsad, uni boshqarish printsiplari, pirovard natijasi bajaruvchilarga tushunarli bo'lishi va ularga yozma ravishda sodda tilda etkazilishi kerak.

5. Maqsad bo'limlar va mas'ullar bo'yicha detallashtirilgan bo'lishi kerak. Maqsad har bir faoliyat turi, har bir mas'ul shaxs bo'yicha mayda-chuydasigacha batafsil taqsimlab chiqilgan bo'lishi lozim. Shundagina bu maqsadning ijro qilinish darajasini aniq nazorat qilish mumkin bo'ladi.

6. Maqsad ko'p qirrali bo'lishi kerak. Bu - umumiy, bosh maqsadning xususiy va yakka maqsadlarga bo'linishini, "Maqsadlar shajarasi" (derevo-seley)ni tuzishni talab qiladi.³ Boshqarishning iqtisodiy usullari - iqtisodiy manfaatlardan foydalanishga asoslanadi. Zero, hap qanday jamiyatning iqtisodiy munosabatlari, eng avvalo manfaatlarda namoyon bo'ladi. /Manfaatlar uch xil bo'ladi:

- umumjamiyat manfaatlari;
- jamoa manfaatlari;

· shaxsiy manfaatlar.

Bu manfaatlarni uyg'yn sur'atda bog'lab olib borish muammosi bir qator muammolarni hal qilishni, har bir davr sharoitlariga muvofiq keladigan munosabatlarni o'rnatishni talab qiladi.

Masalan, bozor iqtisodiyoti sharoitida umumjamiyat manfaatlarini ruyobga chiqarish maqsadida quyidagi iqtisodiy boshqaruv usullariga, ya'ni:

korxonalar va xo'jaliklarga faoliyat yuritishlarida erkinlik va mustaqillik berish;

xo'jaliklarni pirovard natijalariga binoan moddiy rag'batlantirish, soliq imtiyozlarini berish;

korxonalar va xo'jaliklar o'rtasidagi o'zaro shartnomalarning bajarilish intizomini mustahkamlash va ularning rolini oshirish;

moliya-kredit munosabatlarini takomillashtirish;

bozor munosabatlari mexanizmlari: baho, foyda, soliq, rentabellik, raqobat va hokazolarga keng e'tibor beriladi.

Iqtisodiy boshqaruv usullarining asosiy vazifasi ishlab chiqariladigan mahsulot (xizmat) birligiga sarflanadigan xarajatlarni kamaytirishga imkon beruvchi xo'jalik mexanizmlarining yangi usullarini, shuningdek, manfaatdorlik muhitini vujudga keltirish va ulardan samarali

foydalanishdir. Bu usulda kishilarning shaxsiy va guruhiy manfaatlarini yuzaga chiqarish orqali ularning samarali ishlashi ta'minlanadi. Bu maqsadda

qo'shimcha ish haqi to'lash, mukofotlar berish, bir yo'la katta pul bilan

taqdirlash kabilar muhim ahamiyat kasb etadi. Iqtisodiy metodlar

boshqarishning barcha metodlari ichida etakchi o'rinni egallaydi. Har

qanday darajadagi rahbar bu usulning mazmunini yaxshi bilishi va ularni

to'g'ri qo'llay olishi kerak. Boshqariluvchi ob'ektga iqtisodiy usullar

orqali ko'rsatiladigan ta'sir korxonalarini:

jiddiy rejalar qabul qilishga;

mehnat va moliya resurslaridan yanada unumliroq foydalanishga;

yangi texnologiyalarni joriy qilishga;

mehnat unumdorligini oshirishga;

raqobatbop mahsulotlarni ishlab chiqarishga rag'batlantiruvchi va

shynga da'vat etuvchi bo'lishi kerak.

Shu bilan birga iqtisodiy metodlar shunday tanlanishi va qo'llanilishi kerakki, bunda jamoalar va har bir xodimning manfaatlarigagina emas, balki butun jamiyat manfaatlariga rioya qilinadigan bo'lsin. Bir korxonalar uchun foydali tadbir davlatga ham foydali bo'lsin. Boshqarishning iqtisodiy usullari jumlasiga: kredit va foiz stavkasi;

· soliq va soliq yuki;

· boj to'lovlari;

· subsidiya va sanksiya; litsenziya;

· transfert to'lovlari;

· narx-navo va hokazolalar kiradi.

Boshqaruv organlari, xususan, davlat bu usullarni qo'llab, bozorni shakllantirish chog'ida ham, uning o'zini o'zi boshqarishi bosqichida ham g'oyat muhim jarayonlarni boshqaradi. Agar ma'muriy boshqarish usullari o'zini o'zi boshqaradigan bozor mexanizmlariga qarshilik ko'rsatsa, ularga to'sqinlik qilsa, iqtisodiy usullar esa aksincha, ulardan foydalanishga tayanadi. Xo'jalik sohasiga davlatning ta'siri ham tubdan o'zgaradi. Binobarin, ma'muriy boshqarish usulida davlat korxonalariga o'z ta'sirini qat'i belgilangan reja orqali o'tkazadi. Boshqarishning iqtisodiy usullari yordamida esa u korxonalariga bozor orqali ta'sir o'tkazadi.

Natijada, bozor korxonalar va firmalar faoliyatini, davlat esa bozorning o'z qonuniyatlaridan kelib chiqqan holda makroiqtisodiyot boshqarishini amalga oshiradi. Bu esa davlatning bozor va korxonalar faoliyatiga minimum darajada aralashyivini ifodalaydi.⁴

XULOSA. Boshqaruv muayyan funktsiyalar orqali amalga oshiriladi. Funktsiyalarni aniqlash, ularning mohiyatini ochish va o'rganish boshqaruv jarayonini to'g'ri tashkil qilishning muhim shartidir. Boshqaruv bu tizimli kelajak uchun dastur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. B. KATTAKISHIYEV, I. MAMAYUSUPQV STRATEGIK MENEJMENT 2008 yil. 19 bet
2. Jismoniy tarbiya va iqtisodiyot. Yuldoshev U. Rasulov A. 2010 yil 54 bet
3. T.D.I.U "Menejment nazariyasi" 2008 yil 33 bet
4. A.N.Norchaev, E.T.Rabbimov, K.M.Xursandov. – Menejment nazariyasi. - 2011 y. - 224 b.

SPORTCHILARNI JISMONIY TAYYORLASH JARAYONIDA TIBBIY-BIOLOGIK VA DOPINGGA QARSHI TA'MINOTI

Z.A.Bakiev, Dotsent, O'zMU

B.B.Davidov, Stajyor o'qituvchi O'zMU

O'zMU talabasi **Bozorboyeva Salomat**

Annotatsiya: Ushbu ishda sportchilarni jismoniy tayyorlash jarayonida tibbiy-biologik va dopingga qarshi ta'minoti asosida sportchilarni jismoniy tayyorlash jarayonida tibbiy-biologik va dopingga qarshi ta'minoti bo'yicha tahliliy ma'lumotlar berilgan.

Annotation: This paper provides analytical data on the medical-biological and anti-doping support of athletes in the process of physical training on the basis of medical-biological and anti-doping support in the process of physical training of athletes.

Kalit so'zlari: sport tibbiyoti, shifokor nazorati, tibbiy ko'rik, sportchining tibbiy ko'rigi, doping.

Keywords: sports medicine, medical supervision, medical examination, medical examination of the athlete, doping.

Dolzarbligi. Yuqorida keltirilgan sportchilarni jismoniy tayyorlash jarayonida tibbiy-biologik va dopingga qarshi ta'minoti asosida sportchilarni jismoniy tayyorlash jarayonida tibbiy-biologik va dopingga qarshi ta'minoti dolzarb hisoblanadi. Sport tibbiyoti – ilmiy fan bo'lib, sog'lom va bemor organizmiga har xil darajali jismoniy yuklamalarning ijobiy va salbiy ta'sirlarni o'rganadi. Bundan maqsad organizm salomatligini yaxshilash va mustahkamlash, funksional holatini oshirish, sportdagi natijalarini oshirish uchun, shuningdek har xil kasalliklarning oldini olish va davolash uchun optimal darajadagi jismoniy aktivlikni aniqlashdir. Sport tibbiyotining asosiy maqsadi – jismoniy tarbiya bilan shug'ullanuvchi insonlarni va sportchilar sog'lig'ini saqlash, mustahkamlash, kasallik va patologik holatlarni davolash va profilaktikasi, sport va JT usul va omillarni ratsional qo'llashga yondashish, ish qobiliyatini va zo'riqishdan keyingi jarayonni tiklash, faollikni uzaytirish hisoblanadi.

Sport tibbiyotining vazifalari quyidagi aspektlarda keltiriladi:

1. Tekshiruvchining sport orientatsiyasi savollarni hal qilishi uchun jismoniy rivojlanishni, funksional holatni, salomatlikni aniqlash, jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga, sportga, ratsional jismoniy yuklamalar qo'llanishiga, shug'ullanish uchun mashg'ulotlar rejimini aniqlashi kerak.

2. Shug'ullanish va musobaqa paytida doimiy faol holatni, jismoniy rivojlanishni, salomatlik holatini nazorat qilib turish kerak.

3. Noratsional jismoniy yuklamalar va sport mashg'ulotlarida yuz beradigan spetsifik jarohatlar bo'lishi, kasalliklar tahlilari, ularni erta diagnostikasini ishlab chiqish, profilaktikasi, davolash rehabilitatsiyasi.

4. Sport ish qobiliyatini oshirish, tiklanish jarayonlarini tibbiy – biologik vosita va usullar bilan kuchaytirish, ishlab chiqish va yoqlash.

Sport tibbiyotning asosiy qismi bo'lib shifokor nazorati hisoblanadi. Shifokor nazorat-bu o'tkazilayotgan mashg'ulotlarning organizmga ta'sirini aniqlash maqsadida sport va jismoniy tarbiya bilan shug'ullanuvchilarni saralash va ularni doimiy tibbiy kuzatilishidir. Shifokor nazoratining mazmuni quyidagilardan iborat: salomatlik holatini, jismoniy rivojlanganlikni va ichki a'zolarining funksional holatini aniqlash; shug'ullanuvchining organizmga jismoniy yuklamaning ta'sirini kuzatish va o'rganish; funksional tekshirish, diagnostika va davolash usullarini ishlab chiqish va jismoniy yuklamalardan ratsional foydalanilganda kelib chiqadigan asoratlarning oldini olish. Shifokor nazoratining ish mazmuniga quyidagilar kiradi:

- ayrim sportchilarni va jismoniy tarbiya bilan shug'ullanuvchilarni dispanser kuzatib turish (kuzatish kasallikni aniqlab davolash va oldini olish);

- sport va jismoniy tarbiya bilan shug'ullanuvchilarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish;

- o'quv-mashq darslarini shifokor – pedagog bilan birga nazorat qilish;

-sport va jismoniy tarbiya bilan shug'ullanish sharoitlari ustidan doimiy sanitariya mazoratini o'tkazib borish;

-sport musobaqalarini tibbiy yordam ko'rsatish tadbirlari bilan ta'minlash;

- sport va jismoniy tarbiya masalalari bo'yicha shifokor maslahatlarini berish

-mashg'ulotlarda va musobaqalarda yuz beradigan sport jarohatlarining oldini olish;

-aholining jismoniy tarbiya bilan shug'ullanishni targ'ibot qilish.

Ko'rib chiqilgan shifokor nazorati asosan shifokor-jismoniy tarbiya dispanserlarda olib boriladi.(1)

Maqsadi. Sportchilarni jismoniy tayyorlash jarayonida tibbiy-biologik va dopingga qarshi ta'minotini bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqarishdan iborat. Sportchilarni tibbiy – biologik ta'minotini bosqichma – bosqich yo'lga qo'yish usullaridan yana biri, sportchilarni har oyda tibbiy ko'rikdan o'tkazishga maqsadga muvofiq bo'lardi. Hozirgi kunda dolzarb muammolardan biri bu doping masalasidir. Doping (ing. doping, dope - narkotiklar bermoq) - organizmning ruhiy va jismoniy faoliyatini qisqa muddat kuchaytiradigan moddalar. Sport o'yinlari natijalarini yaxshilash maqsadida qo'llanilgan. Sportchilar orasida dopingdan zaharlanish va o'lim holatlari kuzatilganligi uchun 1967-yildan Xalqaro olimpiada qo'mitasi sport o'yinlari chog'ida doping qabul qilishni man etgan va qat'iy nazorat o'rnatgan. Doping ishlatgan sportchilar o'yindan chetlashtiriladi. Ko'plab sportchilar doping mahsulotlarini iste'mol qilish natijasida, musobaqadan diskvalifikatsiya qilinmoqda. Buni oldini olish maqsadida doping mahsulotlarini sotish va uni tarqatishni man etilgan. Musobaqa nizomlarida ham ta'kidlab o'tilgan.(2)

Tibbiy tekshiruv qanday bo'lishidan qat'iy nazar ularni o'tkazishda ma'lum majburiyatlarga amal qilish kerak: kompleksli tibbiy tekshiruvni funksional va dinamikaga yo'naltirish, shuningdek olingan ma'lumotlar

interpretatsiyasida alohida yondashuv lozim. Hozirgi kunda ko'plab sportchilar doping mahsulotlarni qabul qilishyapti. Doping mahsuloti taqiqlangan hisoblanadi. Doping mahsulotini qabul qilgan sportchi sportdan chetlashtiradi. Doping tarkibida inson organizmini charchatmaydigan mahsulotlar bor.

Vazifalari. Sportchilarni jismoniy tayyorlash jarayonida tibbiy-biologik va dopingga qarshi ta'minotiga oid ilmiy-uslubiy bishlarni tahlil qilish va o'rganish. Shifokor – jismoniy dispanserlarida asosan sport ustalari, 1-razryadli sportchilar, shahar, viloyat yoki respublika terma jamoalari nazorat qilinadi. Qolgan sportchilarning shifokor nazorati poliklinika, tashkilotlarning sog'liqni saqlash qismlari, sport jamiyatlari, ishlab chiqarish korxonalari va oliy o'quv yurtlarida tashkil etilgan shifokor-terapevti tomonidan o'tkaziladi. Shuni ta'kidlab o'tish kerakki, jismoniy tarbiya bilan shug'ullanish organizmini mustahkamlaydi, himoya -moslashuv jarayonlarining biologik mexanizmlarini oshiradi. " Har doim jismoniy tarbiya bilan shug'ullanishda shunga erisha olamizmi?" – degan savol tug'iladi. Qachonki jismoniy mashq bajarayotgan shaxs uchun jismoniy yuklama darajasi optimal bo'lgandagina ijobiy ta'sirga olib keladi. Agar jismoniy yuklama darajasi past bo'lsa, u holda hech qanday ta'sirga olib keadi. Agar jismoniy yuklama darajasi past bo'lsa, u holda hech qanday ta'sirga olib kelmaydi; agar katta bo'lsa, u holda har xil kasalliklarga va hatto yurakning tez va ko'p ishlab yuborishi hisobiga "to'satdan o'limga" olib keladi. Jismoniy yuklama katta bo'lganda yoki haddan tashqari ko'p shug'ullanganda yurak, buyrak, qon, jigar va hatto suyaklarda har xil o'zgarishlar kelib chiqishi mumkin. Sport bilan shug'ullanuvchilarga "sog'lom" degan diagnoz qo'yilishi kerak, chunki salomatlik holatlarida o'zgarishlar bo'lsa, ular sport bilan shug'ullanishga qo'yilmaydilar. Sababi hozirgi vaqtda sport bilan shug'ullanuvchilar juda katta jismoniy yuklamalar bajaradilar, masalan: og'ir atletikachi shug'ullanish vaqtida 20000 kggacha yuk ko'taradilar; suzuvchilar 12 km gacha suzadilar; yuguruvchilar 40 km gacha yuguradilar. Mashg'ulotlar haftasiga 10-12 martgacha, har kuni 1,5-2 soatgacha davom etadi. Sport va jismoniy tarbiya bilan shug'ullanuvchilarda surunkali infeksiyon o'choqlarning bo'lishi muhim ahamiyatga ega, ya'ni karies tishlar, surunkali tonzilit va surunkali holetsistit. Chunki shug'ullanish vaqtida har xil, ba'zida og'ir asoratlarning hosil bo'lishiga sabab bo'ladi. Shifokor nazoratida salomatlik holatini aniqlash o'ziga xos xususiyatga egadir. Sport va jismoniy tarbiya bilan shug'ullanuvchilarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish vaqtida shifokor birinchidan ularning jismoniy rivojlanganligini, salomatlik holatini va ichki a'zolarining funksional holatini aniqlashi muhim ahamiyatga ega. Jismoniy tarbiya bilan har bir odam shug'ullanishi mumkin, lekin bunda har bir shug'ullanuvchi uchun mashqlar hajmi alohida belgilanadi, bundan maqsad mashqlardan foydalanib, ijobiy ta'sir olishdir.

Xulosa. Xulosa sifatida shuni aytish joizki sportchilarning sog'lig'i juda muhim hisoblanadi. Ular har oyda tibbiy ko'rikdan o'tishlari lozim. Doping mahsulotlarini qabul qilmasliklari darkor. Doping mahsulotni sotish va sotib olish ham qat'iy man etilgan. Sportchilarni har oy tibbiy ko'rikdan o'tishlari dasturi ishlab chiqilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sport tibbiyoti va reabilitologiya darsligi
2. <https://uz.m.wikipedia.org>

IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLAR SOHASIDA ILMIIY-TADQIQOTLAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH (SPORT SOHASINI RIVOJLANTIRISH VA UNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH)

*Z.A. Bakiev, Dotsent, O'zMU
B.B. Davidov, Stajyor o'qituvchi O'zMU
talaba, Bozorboyeva Salomat Rustam qizi*

Annotatsiya: Ushbu ishda sport sohasini rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish bo'yicha tahliliy ma'lumotlar berilgan.

Abstract: This paper provides analytical data on the development of sports and its effectiveness.

Kalit so'zi: sport, innovatsiya, rivojlanish, texnika, texnologiya, zamonaviylashtirish.

Keywords: sports, innovation, development, technique, technology, modernization.

Dolzarbligi. Yuqorida keltirilgan sport sohasini rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish asosida sport turlaridan unumli foydalanish, sport bilan shug'ullanish dolzarb hisoblanadi. Mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish ijtimoiy siyosatning muhim yo'nalishlaridan biri etib belgilangan. Chunki sport aholi salomatligini mustahkamlash, yosh avlodni sog'lom va barkamol etib tarbiyalash orqali jamiyatda sog'lom turmush tarzini qaror toptiradi. Turli kasalliklar, yoshlar o'rtasida zararli odatlarning oldini oladi. Sport yuksak madaniyat, vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirishda ham muhim o'rin tutadi. Bu sohada erishilgan yutuqlar mamlakatni dunyoga tanitadi, barcha yurtdoshlarga g'urur-iftixor bag'ishlaydi.

Mustaqillik yillarida bu borada keng ko'lamli ishlar amalga oshirildi. Aholining, ayniqsa, yosh avlodning jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanishi uchun zarur sharoitlar yaratildi. Shahar va qishloqlarda zamonaviy sport komplekslari bunyod etildi. "Umid nihollari", "Barkamol avlod" va universiada musobaqalari yoshlarni ommaviy sportga, sog'lom turmush tarziga oshno qilish vositasiga aylandi. (1) Sport sohasini har tomonlama yuksaltirish har bir insonning vazifasi hisoblanadi. Chunki mamlakatni sportchalik tanitadigan narsa bo'lmasa kerak. Shuningdek sport odam organizmiga ham juda katta ta'sir ko'rsatadi. Sport – sog'liq garovi deyilganidek sport bilan shug'ullangan inson hech qachon kasal bo'lmaydi. Men sport sohasida faoliyat yuritarkamman, sport sohasiga yangilik kiritmoqchiman. Bu yangilik voleybol sport turiga bag'ishlanadi.

Hamamizga ma'lumki, O'zbekistonda jamoaviy sport turi yaxshi rivojlanmagan. Bunga sabab bizda sport tovarlari yetishmovchiligi hisoblanadi. Men sport tovarlarini ishlab chiqaruvchi korxonaga ochmoqchiman. Ishlab chiqarishda birinchi bo'lib voleybol basketbol va futbol to'plari ishlab chiqiladi. Sifatli va hamyonbop sport tovarlarini ishlab chiqarilsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Sport tovarlari yetarli bo'lsagina sport musobaqalarida yaxshi natijalar ko'rsatiladi. Tasavvur qiling, hamma sport bilan shug'ullanishuvchi insonlarning qo'llarida bittadan to'p va ular xoxlagancha shug'ullanishyapti. Bu qanday yaxshi natija olib kelishni xayolga keltirilmasa ham bo'ladi. Bizda sport tovarlari, shuningdek sport zallar ham kam. Mening o'ylashimcha, sport tovarlari va sport zallarni ko'paytirish kerak. Sport sohasini rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish hozirgi kunda o'z dolzarbligini yo'qotmayapti.

Maqsadi. Sport sohasini rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqarishdan iborat. Yuqorida aytilganidek sportni rivojlantirish davlat, nafaqat davlat, balki har bir fuqarolarning vazifasi hisoblanadi. Voleybol sport turini rivojlantirishdan maqsad shuki, bu sport turidan O'zbekiston hali katta musobaqalarga chiqqani yo'q. Shuning uchun bu sport turini rivojlantirib, yaqin kelajaklarda Jahon chempionatiga olib chiqish ulkan maqsadlarimizdan biri desak adashmayotgan bo'laman. Sport tovarlari ishlab chiqaruvchi korxonamiz bunga yaqqol misol bo'la oladi. Tuzilgan rejalarimizni amalga oshirish uchun qo'ldan kelgancha harakat qilamiz.

Vazifalari. Sport sohasini rivojlantirish va uning samaradorligini oshirishga oid ilmiy-uslubiy ishlarni tahlil qilish va o'rganish. Oldimizga qo'yilgan vazifalar juda ko'p. Ulardan birinchisi sport tovarlarini ishlab chiqarish. Sport tovarlarini ishlab chiqaruvchi korxonani qayerga qurish, xomashyoni qayerdan olish va hokazo savollari tug'iladi albatta. Sport tovarlarini ishlab chiqarish korxonasi uchun mos joy topish kerak bo'ladi. Hammamiz bilamizki, hamma sohada innovatsion texnologiya tushunchasi mavjud. Shuningdek sport sohasida ham bor. «Texnologiya» tushunchasi sport pedagogikasiga nisbatan yaqinda paydo bo'lgan. Turli manbalarda turlicha talqin qilinganligi sababli uni batafsilroq ko'rib chiqish zarurati tug'iladi. Bu tushuncha moddiy ishlab chiqarish sohasidan kiritilgan, bu yerda turli sohalarda amalga oshiriladigan xomashyo, materiallar, yarim tayyor mahsulotlar yoki mahsulotlarni olish, qayta ishlash yoki qayta ishlash texnikasi va usullari yig'indisi tushuniladi. Texnologiya deganda, shuningdek, qazib olish, qayta ishlash, qayta ishlash, tashish, saqlash va saqlash operatsiyalari, ya'ni ishlab chiqarish jarayonini tashkil etuvchi jarayonlar majmui tushuniladi. Innovatsion faoliyat jismoniy tarbiya jarayonini tashkil etishning yangi texnologiyalarini ishlab chiqishda o'z ifodasini topadi. (2) Innovatsion texnologiya - sport sohasini qayta ishlash, yangilik yaratish va uni bajarish, yangi zamonaviy g'oyalarni kiritish va uni amalda tatbiq etish kabi tushunchalarni o'z ichiga oladi. Bu ko'rilganlardan maqsad shuki zamonaviy yurtda zamonaviy o'qish metodikasini rivojlantirish va shuningdek undan unumli foydalanish ko'zda tutilgan. Va shuningdek zamonaviy sportdan ham foydalanish tushuniladi. Berilgan imkoniyatlardan unumli foydalanishimiz kerak. Bizga berilayotgan e'tibor kamdan-kam davlatlarda uchraydi. Bepul ta'lim olish, bepul tibbiy ko'rikdan o'tish kabi hollar ba'zi davlatlarda pulli hisoblanadi. Shunday ekan har bir narsalardan unumli foydalanishimiz darkor. Shu bilan birga sportdan ham. Sport sohasini rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish bo'yicha tizim, uslubiyat, texnologik jarayonlarni joriy etish dasturini yaratish. Hozirda sport sohasini rivojlantirish dasturlari ishlab chiqilgan va amalga oshirish bo'yicha yo'lga qo'yilgan. Ko'plab dasturlar sport sohasini rivojlantirishga qaratilgan.

Tadqiqot natijalari. Yuqoridagilardan ko'rishimiz mumkinki, oldimizga qo'ygan maqsadimiz ortida katta sabr-qanoat, harakat, kuch-quvvat talab qilinadi. Men shuni aytishim mumkinki, bu rejalarimizdan yaxshi natijalar kutib qolamiz. Chunki biz ishlab chiqilgan dastur tizimi puxta o'ylangan. Shunga yarasha puxta harakat qilsak kifoya. Men 10-yillik ichida O'zbekistonni quyidagicha tasavvur qilaman: O'zbekiston voleybol sport turi bo'yicha Jahon chempionatida, O'zbekistonda sport tovarlari ishlab chiqilyapti, sport zallar, trenejyor zallari haddan tashqari ko'p, har qadamda sportchilarni ko'rish mumkin.

Xulosa. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, sportni rivojlantirish istiqbollari haqida ko'p gapirilsa bo'ladi. Lekin gapirish bilan amalga oshirishning farqi juda katta. Mamlakatimizda sportni rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan keng islohotlarni ko'rish mumkin. Mamlakatimiz Prezidenti sport sohasiga juda katta e'tibor berib kelmoqda. Sport sohasiga oid ko'plab qaror va farmonlar qabul qilinganini ko'rishimiz mumkin. Braziliyada bo'lib o'tgan 2016-yil yozgi Olimpiya o'yinlarida sportchilarimiz faxrli o'rinlar olib kelishdi. Bu gapimiz isboti sifatida keltirildi. Shuningdek, Prezidentimiz tashabbuslari bilan 2018-yilda Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universitetida Taekwondo va sport faoliyati fakulteti ochildi. Hozirda bu fakultetda ko'plab talablar tahsil olishyapti. Fakultet talabalarining yarmidan ko'pi sportchilar tashkil qiladi. Bu fakultetda Tokio 2020-yil yozgi Olimpiya oltin medali sovrindori Ulug'bek Rashidov ham tahsil oladi. U sport turining taekwondo sport turi bilan shug'ullanadi. Bu misollardan bitta narsani ko'rish mumkinki, O'zbekistonda sportga bo'lgan qiziqish kundan – kunga oshib bormoqda va rivojlanmoqda.

Foydalangan adabiyotlar

1. <http://www.ddsfa.uz>
2. <https://cyberleninka.ru>

BOSHLANG'ICH TAYYORLOV BOSQICHIDAGI TAEKVONDOCHILARNI TEXNIK TAYYORGARLIK USLUBYATI

401-guruh talabasi *Saydiev Kuvandik Musurmankulovich*

o'qituvchi *Po'latov Laziz Azamat o'g'li*

O'zbekiston Milliy universiteti

Annotatsiya. Ushbu maqolada, boshang'ich tayyorlov bosqichidagi taekvondochilarni oyoq zarbalarini bajarishni takomillashtirishda nimalarga e'tibor qaratish, taekvondo texnikasi tushunchasi va uni takomillashtirish haqida yoritib berilgan.

Kalit so'zlar. Taekvondo texnikasi, oyoq zarbalari, fazalar, mashg'ulot, jismoniy sifatlar, tana tuzilishi, taktika, musobaqa.

Dolzarbli. Bugungi zamonaviy sportda natijaga erishish kundan-kunga qiyinlashib borayabotiki, bu esa sportchilarning texnik tayyorgarligini tubdan o'zgartirishga qaratilgan ilmiy izlanishlarga qo'l urishga undaydi. So'ngi davrda dunyo mamlakatlar tomonidan ushbu sohada maxsus dasturlarning ishlab chiqilishi va amaliyotga joriy etilishi jadal sur'atda oshganini kuzatishimiz mumkin. Bugungi kunda yurtimizda bu masalani amalga oshirishda faol maqsadga yo'naltirilgan ishlar olib borilmoqda. Taekvondo texnikasidagi fazalarni mukammal o'rganish esa haligacha muammoligicha qolmoqda. Ulardan quyidagilarni misol qilib olish mumkin.

Birinci muammo: texnik harakat bajargan vaqtda, beshta faza orqali bajariladigan zarbani olti-yettita harakat orqali, yani ikki va undan ortiq texnik harakatlar bilan bajarilganda, vaqtdan yutqiziladi.

Ikkinchi muammo: Ortiqcha fazalarning yig'indisi sportchida tezkorlikgini pasaytiradi.

Uchinchi muammo: Ortiqcha harakatlar ortishi natijasida, pik darajadagi sportchida ham charchash alomatlari kuzatiladi va chidamlilik sifati pasayadi.

To'rtinchi muammo: Sportchi ortiqcha harakatga ketgan vaqt evaziga (moment) vaziyatni boy beradi.

Tadqiqot maqsadi. Boshang'ich tayyorlov bosqichidagi taekvondochilarni texnik tayyorgarligini takomillashtirishda zarbalar fazalarini o'rganish, hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biri bo'lib qolmoqda. Hozirgi kunda barcha mutaxassislar va sportchilarning malakasi va darajasining yuqoriligi va mashg'ulotlar jarayonida turli zamonaviy metodlardan foydalanayotganligi barchamizga ma'lum. Bu esa texnik harakatlarning optimallashtirishiga olib keladi. Texnik harakatlarning detallari usullari harakat elementlarini tahliliy ajratib olishga imkon beruvchi kinematik va dinamik tavsifdagi harakatlar tavsifini qayd qilishning turli usullarini o'z ichiga oladi. [1]

Sportchini jahon, osiyo chempionatlari kabi yirik musobakalarga tayyorlashda, musobaqalarni tahlil qilish, asosiy e'tiborni boshang'ich tayyorlov bosqichidagi taekvondochilarning bellashuvlariga qaratish, shaylikning texnik-taktik ko'rsatkichlarini aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. Shunday qilib, sport tayyorgarligi dasturining maqsadli vazifalari, olinayotgan ko'rsatkichlar va darajani aniqlashda qayd qilinadi. [2]

Sport morfologiyasi sohasidagi ilmiy tadqiqotlarda aniqlanishicha, muayyan umumiy o'lchamlar va gavda mutanosibligiga ega bo'lgan taekvondochilar ba'zi bir usullarni muvaffaqiyatliroq qo'llaydilar. Masalan, son va oyoq qanchalik uzun bo'lsa, son egiluvchi va yoziluvchi mushaklarining absolyut kuchlari shunchalik katta, nisbiy kuchlari esa shunchalik kam bo'ladi.

Shu kungacha tadqiqotchilar o'rtasida boshang'ich tayyorlov bosqichidagi taekvondochi ega bo'lishi lozim bo'lgan texnik-taktik hujum harakatlarining eng kam darajasi to'g'risida umumiy fikr mavjud emas. Mashxur taekvondochilar o'zlariga mos bir «shox» usulni egallab, undan muvaffaqiyatli foydalanib kelganlar. [3]

Xulosa qilib aytganda, taekvondoda boshqa sport turlariga qaraganda, sportchidan texnik va taktik holatining mukammaligini talab qiladi. Ayniqsa taekvondoda oyoq harakatlar texnikasining fazalari taekvondochilarni texnik tayyorgarligini rivojlantirishda jang paytida zarbani yo'llash bilan bir vaqtda taekvondochilarning muvozanatini saqlashga e'tibor qaratish, texnik harakatlar davomida tana og'irligini nazorat qilish holatlariga e'tibor qaratsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Adabiyotlar

4. Lim A.V. Fetisova N.A Organizatsiya i provedeniye sorevnovaniy po Taekvondo VTF (kyorugi). Metodicheskoye posobiye. g. T.: 2009 god 28 s.

5. Ligay B. Put k sovershenstvu. Tashkent, «Shark» 1994 g. 159 s.

6. Yu.M.Babak, Ye. Konstantinova Txeqvondo: Metodicheskoye posobiye Kiyev: 2010 g. 88 s.

SPORT TADBIRLARINI REJALASHTIRISH

Z.A.Bakiev, Dotsent, O'zMU

B.B.Davidov, Stajyor o'qituvchi O'zMU

106-guruh Xudoynazarov Saydullo

Anatatsiya: O'zbekistonda elektron mashinalar asrida sportni jahon innovatsion texnologiyalari va g'oyalari asosida qulay boshqarish

Kalitsozlar: sport, turnir, qadam, qurilma, rivojlanish, soha, davomat, xodimlar, boshqarish, prinsiplar, asos, tuzilma.

Maqsad: yangi o'zbekiston qurish davrida sog'lom raqobat orqali dunyoning eng rivojlanganini mamlakatlari andozasi ostida eng innovation texnologiyalar asosida sport tadbirlarni, o'yinlarini qulay va chiroyli rejalashtirish

Vazifa: O'zbekistonda sport tadbirlarini yetakchi mamlakatlarning sport menejerlaridan innovation g'oyalarni o'rganish va olish orqali insonlarga eng qulay yollarda tashkillashtirishni o'rganish

Dolzarbli: sport tadbirlarini o'zbekistonda jahon yetakchi mamlakatlari andozasi orqali qulay va ishonchli tashkillashtirishda innovatsion g'oyalardan foydalanishni joriy etish

Sport tadbirini tashkil qilish juda ko'p tayyorgarlik, logistika rejalashtirish va sportning o'zi haqida asosiy tushunchani talab qiladi. Har qanday ob-havoga tayyorgarlik ko'rish va kunlik logistikani tashkil qilish uchun joy topish va tegishli miqdordagi ko'ngillilarni jalb qilishdan boshlab, muvaffaqiyatli tadbirni birlashtirishga ko'p narsa kiradi. Yaxshiyamki, InitLive o'nlab tashkilotlarga tadbirlar xodimlari va ko'ngillilarni boshqarish yechimi orqali muvaffaqiyatli sport tadbirlari va turnirlarini rejalashtirish va o'tkazishda yordam berdi. Ushbu maqolada o'zingizning sport tadbiringizni rejalashtirish va muvaffaqiyatli o'tishini ta'minlash uchun kerak bo'lgan hamma narsa tasvirlangan. Xususan, biz quyidagilarni ko'rib chiqamiz: 5 oson qadamda sport tadbirini rejalashtirish Bo'lajak sport tadbiringizni targ'ib qilish

• 8 ta sport tadbiri ko'ngilli roli Sport tadbirlari va turnirlar uchun tadbirlarni rejalashtirish jarayoni haqida ko'proq ma'lumot olishga tayyormisiz? Qani boshladik.

Sport tadbirini 5 oson qadamda rejalashtirish Rejalashtirish jarayonini boshlaganingizda, sport tadbiringizning asosiy maqsadini tushunishingiz kerak va keyin rejalashtirish jarayonini boshqarish oson bo'lgan bosqichlarga bo'lishingiz mumkin. Suvga sho'ng'ishda quyidagi savollarga javob berish juda muhim:

• Sizning tadbiringiz qanday bo'ladi? Tomoshabinlar uchun sport tadbiri, marafon yoki sport turniri bo'ladimi, tadbir formati uni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun zarur bo'lgan logistika talablarini aniqlashga yordam beradi.

• Tadbirda kimlar ishtirok etadi? Vour tadbirining maqsadli auditoriyasi kim? Bu tomoshabinlar, ishtirokchilar yoki ikkalasi?

• Tadbir qachon va qayerda bo'lib o'tadi? Qaysi turdagi joyni ko'ryapsiz? Tadbirni rejalashtirish jarayonida e'tiborga olishingiz kerak bo'lgan ob-havo sharoitlari bormi? Bu savollarga qanchalik batafsil javob bersangiz, tadbiringizni shunchalik yaxshi rejalashtirasiz. Keyin, siz bilan boshlashingiz mumkin quyidagi asosiy qadamlar: ¹

1. Kutilayotgan davomat va xodimlarni aniqlang Hech bir tadbir to'g'ri miqdorda xodimlar va ko'ngillilarsiz o'tkaza olmaydi. Kattaroq sport tadbirlari bilan bog'liq asosiy muammolardan biri shundaki, ular bir nechta sayt yoki marshrutlarda o'tkaziladi va bu muammoli bo'lishi mumkin, chunki har bir hududni tashkil qilish va boshqarish uchun ko'p sonli xodimlar va ko'ngillilarni jalb qilishingiz kerak bo'ladi. Shuni yodda tutingki, tadbir ishtirokchilarining o'zlari kabi tarafdorlar ham ko'p bo'ladi - shuning uchun hatto kichikroq tadbirlarni boshqarish tezda qiyinlashishi mumkin. Bu erda tadqiqot muhim rol o'ynaydi. O'tmishdagi voqealarni o'rganishga vaqt ajrating va siz kutishingiz mumkin bo'lgan faollikni o'lchashga yordam beradi va tadbiringizni samarali boshqarish uchun etarlicha katta jamoaga ega ekanligingizga ishonch hosil qiling. Sizga qancha xodim va ko'ngillilar kerakligini aniq tushunganingizdan so'ng, ishga qabul qilish jarayonini boshlashni xohlaysiz. Tadbiringizga ko'ngillilarni jalb qilish uchun veb-saytingiz va ijtimoiy kanallaringizda ko'ngillilar ro'yxatga olish sahifangizni va ro'yxatdan o'tish shaklini targ'ib qilishdan boshlang. Sizning tadbir sahifangiz nafaqat ko'ngillilar ro'yxatdan o'tishlari uchun markaziy joyni taqdim etadi, balki u qiziqqan har bir kishiga muhokama bo'limiga joylash yoki sizga to'g'ridan-to'g'ri xabar yuborish imkonini beradi. Odamlarda savollar bo'ladi va siz ularga osongina va ochiq javob bera olasiz.


2. Joyingiz xavfsizligini ta'minlang. Sayt yoki joy qulflanmaguningizcha, rejalashtirishning ko'p qismini bajara olmaysiz, shuning uchun tartibga solish haqida gap ketganda, bu sizning ro'yxatingizda yuqori ekanligiga ishonch hosil qiling. Ko'rib chiqilishi kerak bo'lgan bir qator amaliy jihatlar mavjud. Siz o'tkazayotgan sport turiga qarab, hududingizdagi joylar soni cheklangan bo'lishi mumkin. Misol uchun, faqat bitta yoki ikkita gimnastika to'garaklari mavjud bo'lishi mumkin. Aksincha, agar siz futbol turniriga mezbonlik qilayotgan bo'lsangiz, tanlash uchun maydonlar ko'p bo'lishi mumkin. Tashish ko'pincha tashkil qilishning eng qiyin ishlaridan biridir - shuning uchun asosiy joy himoyalangan bo'lsa, odamlar sizning tadbiringizga qanday borishi va qaytib kelishlari, shuningdek, ko'rib chiqilayotgan kuni sayt(lar) atrofida o'ylab ko'rishingiz kerak bo'ladi. Masalan, shahar hududini yopish uchun ruxsat olish uchun mahalliy hokimiyat organlariga murojaat qilishingiz kerakmi? Agar tadbiringiz oldidan kerakli ro'yxatdan o'tmoqchi bo'lsangiz, bu sizga ko'p vaqt ajratish uchun o'ylashingiz kerak bo'lgan narsadir.

3. Chiptalarni sotish va ro'yxatdan o'tishni soddalashtiring. Mijozlarni murakkab xarid jarayonidan ko'ra xafa qiladigan narsa yo'q. Shu sababli, butun bosqichni soddalashtirish uchun qulay va oddiy chipta sotib olish vositasiga sarmoya kiritish juda muhimdir. Mijozlar chiptalarni to'g'ridan-to'g'ri veb-saytingizdan sotib olishlari kerak va siz o'zingizning tadbir chiptangizni ijtimoiy media kanallaringizdan ham taqdim etishni o'ylab ko'rishingiz mumkin. Sportchini ro'yxatdan o'tkazishga kelsak, sizga kerak bo'ladi ro'yxatdan o'tish jarayoni ham oddiy ekanligiga ishonch hosil qiling. Veb-saytingizdan onlayn ro'yxatdan o'tish shakli - bu ajoyib imkoniyat. Keyin, katta kungacha bo'lgan davrda ishtirokchilar bilan muntazam aloqada bo'ling.

4. Xavfsizlikka jiddiy yondashing. Medallar, yakuniy vaqtlar va sovrinlar uchun sport tadbirlari ko'pincha dunyodagi eng raqobatbardosh sportchilarni olib chiqadi. Ular tajribali sportchilarni yoki shunchaki tanlangan xayriya tashkiloti uchun mablag to'plashga sodiq bo'ladimi, ishtirokchilar o'z tanalarini o'z chegaralariga ko'tarishlari ehtimoldan yiroq emas. Tegishli tibbiy xodimlar joyida ekanligiga va futbolchilar yoki muxlislarning engil jarohatlarini davolashga tayyor ekanligiga ishonch hosil qiling. Birinchi yordam ko'ngillilaridan tortib muntazam hidratsiya to'xtashlarigacha, agar kerak bo'lsa va qachon ishtirokchilarga yordam berish uchun hamma narsangiz borligiga ishonch hosil qiling. Mumkin bo'lgan taqdirda, tadbir ko'ngillilari va xodimlaridan to'liq ta'sir ko'rsatish

uchun ularni qo'lingizda ushlab turing. Sizning jamoangizni samarali boshqarishga imkon beradigan dasturiy ta'minot, shubhasiz, stressning bir qismini olib tashlaydi va barchangizni bitta platformada bog'lashingizni ta'minlaydi. Oxir oqibat, bu sizga har doim, ayniqsa favqulodda vaziyatda, tadbirni samarali tarzda osonlashtirishga yordam beradi.

5. Ob-havoga tayyorlaning. Tadbirni qayerda o'tkazayotgan bo'lsangiz ham, ob-havo muhim ahamiyatga ega bo'lishi mumkin, ayniqsa tadbiringiz tashqarida o'tkazilsa. Buyuk Britaniyadagi Manchesterning yomg'irli ko'chalaridan tortib, iliqroq iqlimdagi chidab bo'lmas issiqlikgacha, ob-havo oldindan aytib bo'lmaydigan narsa - va bu omil tadbiringizni rejalashtirishda qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. Mumkin bo'lgan taqdirda, zaxira rejaga ega bo'lish foydalidir. Iloji boricha tez-tez ob-havo ma'lumotlarini tekshiring va barcha mumkin bo'lgan natijalarga tayyorlaning. Marafon tadbirida yomg'ir yog'ishi dargumon bo'lsa-da, bu transport va tomoshabinlarga ta'sir qiladi - shuning uchun yugurishning o'zi davom etsa ham, siz ishtirokchilarni hisobga olishingiz kerak. Xuddi shunday, ayniqsa issiq kunga olib kelishi mumkin sportchilar, ishtirokchilar va xodimlar uchun har xil muammolar. Ishtirokchilarni etarli darajada suv bilan ta'minlash uchun soyani olish va mo'l-ko'l suv zaxiralash uchun ko'p joylar mavjudligiga ishonch hosil qilishingiz kerak.²



Bo'lajak sport tadbiringizni targ'ib qilish Ijtimoiy tarmoqlar kundalik hayotimizning ajralmas qismi bo'lgan dunyoda, sizning tadbiringiz internetda qiziqish uyg'otishdan foyda ko'rishini aytish o'rinni. Alohida Twitter sahifasidan Facebook tadbirini o'tkazishgacha, odamlar sizning tadbiringiz qachon va qaerda bo'lishini bilishlariga ishonch hosil qiling. Tizerlarni yuborishdan boshlang va voqea yaqinlashgani sari aniqroq tafsilotlarni oshkor qiling. Ijtimoiy tarmoqlardan ham obunachilarni ishtirok etishga undash uchun foydalanishingiz mumkin. Maqsadli xeshtegni ishga tushiring va izdoshlarni o'zlarining sport hikoyalari bilan bo'lishishga undash va kun o'tganda foydalanuvchi tomonidan yaratilgan kontentdan maksimal darajada foydalanish uchun Snapchat filtrlari va Facebook jonli videolarini ko'rib chiqing. Qanchalik ko'p so'zni oldin, davomida va keyin tarqatishingiz mumkin. Sizning tadbiringiz qanchalik muvaffaqiyatli bo'lishi mumkin. Yana bir nechta sevimli strategiyalarimiz:

1. Facebook-da Voqealar sahifasini yarating. Odamlar sizning tadbiringiz haqida bilish uchun tashrif buyuradigan voqea sahifasini yarating. Yuqori sifatli tasvirlar ularni darhol kutib oladi va sizning tadbiringiz haqida bilishi kerak bo'lgan barcha ma'lumotlarga kirish mumkin bo'ladi. Masalan, quyidagi savollarga albatta javob bering:

- Siz kimsiz? Tadbir sahifangizdan tashkilotingizning ijtimoiy media profili va veb-saytiga osongina havola qiling.

- Qaerda va qachon bo'lib o'tadi? Bu muhim ma'lumotlar foydalanuvchilar sahifani bosishdan oldin ham ko'rinadi; Facebook voqealar sahifalari sana va vaqtni voqealar ro'yxati bilan joylashtiradi.

- Tadbiringiz nima haqida va nima uchun uni o'tkazayapsiz? Voqealar sahifasi formati tadbiringizga qiziqqan odamlar sahifangizning yuqori qismidagi tafsilotlarga kirish imkoniyatini beradi. Keyin, muhim ma'lumotlardan tashqari, Facebook foydalanuvchilarning e'tiborini jalb qilish va ushlab turish uchun galereyaga tadbiringiz bilan bog'liq rasmlarni qo'shish uchun maydonni taqdim etadi.

2. Boshqa ijtimoiy media platformalari va kanallarini o'rganing. Facebook tadbirni reklama qilishning ajoyib imkoniyatlarini taklif qilsa-da, tadbiringizni barcha ijtimoiy media kanallarigiz orqali targ'ib qilish muhim. Bu erda bir nechtasini ko'rib chiqish kerak:

- Twitter
- Instagram
- TikTok
- Eventbrite

Siz tanlagan kanal(lar)ingizdan qat'i nazar, noyob xeshtegni boshlash, tanlovlar va chaqiruvlar o'tkazish va so'zni iloji boricha kengroq tarqatish uchun foydalanuvchilarning o'zaro ta'sirini rag'batlantirishni o'ylab ko'ring. Sport tadbirlari keng auditoriya olib kelishi mumkin, shuning uchun siz qancha ko'p kanallar orqali targ'ib qilsangiz, kengroq auditoriyani qamrab olish ehtimoli shunchalik yuqori bo'ladi.

3. Tarmoq va targ'ibotga e'tibor qaring. Muvaffaqiyatli tadbir, ehtimol, uni amalga oshirishga yordam beradigan boshqalarni ham qamrab oladi. Bu shaxslar va tashkilotlarning barchasi ijtimoiy media akkauntlariga ega bo'lishi mumkin. O'zingiz ishlayotgan sotuvchilar va homiylarning sahifalarini o'zaro targ'ib qiling, ularning sahifalariga havola qiling va ularni o'z postlaringiz bilan o'zaro aloqada bo'lishga va almashishga undash. Muhokama funksiyasidan foydalanib, ular bilan ishlashdan hayajoningiz haqidagi xabarlarini baham ko'ring. Facebook, Instagram va hatto YouTube so'zni aytishga yordam beradigan oson onlayn vositalarni taqdim etadi. Joylashuvingizni ko'rsatish va homiylaringizni targ'ib qilish uchun tadbir oldidan joyda jonli efirni taklif qilishni o'ylab ko'ring. Shunday qilib, siz ularga tadbiringizni qo'llab-quvvatlash uchun ekskluziv imtiyozlarni taklif qilasiz va ularning tarafdorlari tomonidan ham jalb qilishingiz mumkin!

4. Pulli reklamalarni ko'rib chiqing Barcha asosiy ijtimoiy media platformalari endi maqsadli demografik ko'rsatkichlarga erishish yo'li sifatida klik boshiga to'lanadigan reklamani taklif qiladi. Bu kanallar, shuningdek, Google qidiruvi reklamasi Funktsiyasi sizga ommaviy axborot vositalari orqali an'anaviy reklamadan ko'ra ma'lumotlarni tanlash orqali maqsadli auditoriyangizga yaxshiroq erishish yo'lini taklif qiladi. Reklamalaringizni joylashtirish uchun oldindan sarmoya talab qilsa-da, foyda katta bo'lishi mumkin.

8 ta sport tadbirlari ko'ngillilari roli. Agar siz sport musobaqasini rejalashtirmoqchi bo'lsangiz, oldindan tayyorgarlik ko'rish ish bermasligini bilasiz. Vazifalarni belgilashdan oldin kim kelishini kutish o'rniga, hech narsa bekor qilinmasligi uchun ko'ngillilaringizni oldindan tayinlash va rejalashtirish muhimdir. Sizga yordam berish uchun biz keyingi sport bilan bog'liq tadbirlaringiz uchun o'n ikkita muhim ko'ngilli rollar ro'yxatini tuzdik:³

1. O'rnatish. Onlayn ishlar ro'yxatiga kirish imkoni bilan erta paydo bo'lish uchun ekipajni belgilang. Ular saytdagi birinchi ko'ngillilar bo'lishi mumkinligi sababli, agar ularda savollar yoki xavotirlar bo'lsa, ularda supervayzerning raqami borligiga ishonch hosil qiling. Ushbu ko'ngillilar muvaffaqiyat uchun butun tadbirni tashkil qiladi va boshidanoq hamma narsa muammosiz o'tishini ta'minlaydi.

2. Ro'yxatdan o'tish va ro'yxatdan o'tish Onlayn ro'yxatdan o'tish va ro'yxatdan o'tishni ta'minlashdan tashqari, jamoa rahbari hamma bilan uchrashadigan va qatnashadigan jismoniy joyni belgilang. Bu, ayniqsa, ko'p sonli sportchilar yoki jamoalar kelganda tekshirilishi kerak bo'lgan sport tadbirlari uchun juda muhimdir. Bu ko'pchilik uchun birinchi taassurot bo'ladi, shuning uchun sizning ko'ngillilaringiz muvaffaqiyatga erishish uchun tuzilganligiga ishonch hosil qiling.

3. Axborot stansiyasi Savollarga javob beradigan bilimli ko'ngillilar borligiga ishonch hosil qiling va ishtirokchilar tadbiringizda ajoyib tajribaga ega bo'lishini ta'minlang. Agar siz dan foydalansangiz InitLive kabi hodisalarni boshqarish vositasi, tezkor kirish uchun jamoatchilikka taqdim etishi kerak bo'lgan barcha ma'lumotlarni bir joyda saqlang.

4. Imtiyozlar. Hech bir tadbir ishtirokchilar va sportchilar uchun oziq-ovqat va ichimliklarsiz yakunlanmaydi. Stendlarni boshqarish uchun ko'ngillilar jamoasini tanlang va barchaga o'z vaqtida xizmat ko'rsatilishini ta'minlang. Ushbu jamoani samarali tayyorlash uchun ularning ixtiyoriy ilovasida tozalash, qayta zaxiralash va chiqindilarni yo'q qilish kabi vazifalarni o'z ichiga olgan ishlar ro'yxatini taqdim eting.

5. Gol hakamlari va hakamlar. Sport musobaqalari ko'pincha ko'ngilli hisobchilar va hakamlarni talab qiladi. Turnirlaringizdan ancha oldin hakamlar ro'yxatini internetga joylang. Maydonni tekshirish, murabbiylar bilan uchrashish, hisobotlarni to'ldirish va o'yinchilarni tekshirish kabi o'yindan oldingi vazifalarning onlayn nazorat ro'yxatini taqdim eting. Va nihoyat, hakamlar uchun mavjud bo'lgan liga yoki klub qoidalari va talablarining onlayn ro'yxatini saqlang. Gol hisobchilariga kelsak, o'yinchilar ro'yxati va to'xtatib qo'yilgan ro'yxatlar onlayn saqlanishiga ishonch hosil qiling va o'yinchilarga kirish, ko'rib chiqish va o'yinchilarga mosligini tekshirish uchun muntazam ravishda yangilanib turadi. Shuningdek, siz o'yinchi statistikasi va reytingini kuzatish va hisobotlarni yozish uchun shablonlarni taqdim etishni ko'rib chiqishingiz mumkin.

6. Floaters/Runners Har doim sport musobaqalarida tez orada paydo bo'ladigan narsalar bo'ladi va sizga har qanday joyda yordam berishga tayyor ko'ngillilar jamoasi kerak. Har qanday vazifani bajarishga tayyor bo'lgan ko'ngilli suzuvchilar jamoasini tuzing. Ish band bo'lganda ko'ngillilarni boshqa rollardan tortib olishdan ko'ra, muayyan suzuvchilarni rejalashtirish yaxshi fikr. Yaxshiyamki, ko'ngillilar va xodimlarni boshqarish dasturiy ta'minoti suzuvchilar bilan real vaqt rejimida aloqa o'rnatishga yordam beradi, shuning uchun ular qaerda bo'lishidan qat'i nazar, ular bilan bog'lanishingiz mumkin.

I think it's personal development of young men – if they've got a bit of community respect then they're not going around trashing the joint or spraying things or vandalising or breaking the stuff. We want to be good solid lads and come up here and play some good football for us. It always comes back to the football.

Saving lives

The most significant benefit of the Youth Program was argued to be through participating the lives of young men would be saved. Given the clubs had been touched by tragedy, the importance of providing these programs were

not underestimated by any of the club officials who argued even if it only saved the life of one young man it was worth participating in:

1. You know, if the programs just save one kid, for me the program's worth it.

While the club administrators admitted there was no measurable way to determine if the Youth program directly saved the young men's lives, the perception was that it would. Officials recalled instances where footballers had attributed the football club with saving their lives:

Conclusion. I think it's going to save lives, and we're not going to be able to test that but, certainly people have come to me and said things like that, you know, you saved my life, you saved my relationship, you've saved that.

Strongly associated with the concept of the club being like a family for the footballers was the belief that the South Connect Program would save lives. Administrators recognised the importance of sport as a positive aspect of young men's lives; sometimes one of the only positives. Therefore the potential to make a difference to the boys' lives through sport is significant:

1. We've got kids that do need help, and sometimes all these kids have got left in their life is their football club, you know, sometimes in their life their families might have abandoned them, or they feel abandoned, their school might have kicked them out, they might not have any money; all that sort of stuff, but what they do have is sport, and we're 100% behind kids and supporting kids, making sure that they are playing sport, even if they are in trouble it's important that they do play sport because it gives them that discipline it teaches them all those core values that we want as human beings, you know, it's something that you can't teach in a playground and you can't teach in a school yard, they teach it – they learn it out on the football field, they do learn it out on football

REFERENCES:

1. Agnew, D. (2016). *Becoming a star*: Edited by M, Drummond and S, Pill. *Advances in Australian Football: a sociological and applied science exploration of the game*, Adelaide,

2. Anderson-Butcher, D. (2011). *Sport and the development of family, school, peer, and community strengths*. In *Encyclopedia of Adolescence* Springer New York

3 Zaff, J. F., KA, Moore., AR, Papillo., and S Williams. (2003). *Implications of extracurricular activity participation during adolescence on positive outcomes*. *Journal of Adolescent Research*

ХАВФ ГУРУҲИ ВА УНГА КИРУВЧИ ЎСМИРЛАР

Ўзбекситон Миллий Университети

Ижтимоий иш кафедраси

катта ўқитувчи

Аҳмедов Қаҳрамон Абдулҳамид ўғли

Ўзбекситон Миллий Университети

Ижтимоий иш йўналиши 4 курс талабаси

Акрамова София Саидганиевна

Ҳозирги вақтда “хавф остида бўлган болалар” тушунчаси педагогика ва психологияда тез-тез қўлланилмоқда. Хавф остида бўлган болалар – бу ўз ҳаётларининг айрим ҳолатлари туфайли бошқа тоифаларга караганда жамият ва унинг жинойий элементининг салбий ташқи таъсирига кўпроқ мойил бўлган, бу вояга етмаганларнинг нотўғри ишлашига сабаб бўлган болалар тоифаси. Болалар ва ўсмирларга психологик-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилиш учун бундай болалар контингенти ва уларнинг психологик хусусиятларини аниқ тушуниш лозим.

Болалар хулқ-атворида ҳам, шахсий ривожланишида ҳам сезиларли оғишларга эга. Улар битта характерли хусусиятга эга – сўзнинг кенг маъносидан ижтимоийлашувнинг бузилиши: гигиена кўникмаларининг етишмаслиги, столда ўзини тута олмаслик, нотаниш муҳитга, янги шароитларга мослаша олмаслик, гиперсексуализм, жинсий ориентация бузилиши, ўғирлик, ёлгончилик, инсон ҳаётининг қийматини йўқотиш, шафқатсизлик, тажовузкорлик, кизикишнинг йўқолиши, ишчанлик, дангасалик, қиймат йўналишларининг йўқлиги, жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрлар ва ахлоқнинг етишмаслиги, маънавиятнинг етишмаслиги, билимга кизикишни йўқотиш, ёмон одатлар (спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, чекиш, гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш, одобсиз тил ва бошқалар).

“Хавф остида бўлган болалар”нинг психологик хусусиятлари

Маҳаллий ва Ғарб психологларининг тадқиқотларида “хавф остида бўлган болалар”нинг киёсий характеристикаси берилган.

И.В.Дубровина, Е.А.Минкова, М.К.Бардйшевская ва бошқа тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, ота-она қарамоғисиз тарбияланган болаларнинг умумий жисмоний ва ақлий ривожланиши оилаларда ўсаётган тенгдошларнинг ривожланишидан фарқ қилади. Улар ақлий ривожланишнинг секин суръатларига, бир қатор салбий хусусиятларга эга: интеллектуал ривожланишнинг паст даражаси, ёмон ҳиссий соҳа ва тасаввур, ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини кеч шакллантириш ва тўғри ҳагги-ҳаракатлар⁹⁷.

Болаликни ижтимоий-психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш муассасаларида тарбияланган болалар болани оиладан олиб ташлаш ва уни турли муассасаларга (шифоҳона, қабул қилувчи-дистрибютор,

⁹⁷ Беличева С.А. Социально-педагогическая поддержка детей и семей «группы риска». – М., 2006.

вактинчалик бошпана, санаторий ва бошқалар) жойлаштириш каби шикаст етказувчи омиллар билан кучаядиган аниқ нотўғри ишлаш билан ажралиб туради.).

Эрта ва мактабгача ёш.

Болаликни ижтимоий-психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш муассасаларидаги мактабгача ёшдаги болалар когнитив фаолликнинг пасайиши, нуткни ривожлантиришда кечикиш, аклий заифлик, мулоқот қобилиятининг етишмаслиги, тенгдошлари билан муносабатлардаги зиддиятлар билан ажралиб туради.

Н.Н.Авдееванинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Меҳрибонлик уйлари болалари ўзларини ойнада анча кейин таний бошлайдилар, улар ўзларининг акс этишларидан қўрқишади ва йиглай бошлайдилар. Оиладан ташқарида тарбияланган болаларда ўз-ўзини англаш туйғусини ривожлантириш оилада ўсган болаларга караганда анча кеч келади деб тахмин қилиш мумкин. Т.П.Гаврилованинг сўзларига қўра, уч йиллик инқироз бу болаларда ўчирилган шаклда содир бўлади, кеч бўлади. Муваффақият гурури – мактабгача ёшдаги бундай муҳим шахсий неоплазма – бу болаларда дефектив равишда шаклланади. Оиладан ташқарида тарбияланган болалар катталарни баҳолашга қизиқиш билдирмайдилар, фаолиятда муваффақиятсизликка учрайдилар, ижобий баҳолашга эҳтиёж сезадилар, улар муваффақиятли ва муваффақиятсиз ҳаракатларни, тасдиқланган ва маъқулланмаган хатти-ҳаракатларни қандай фарқлашни билишмайди⁹⁸.

Эрта ёшдаги катталар эътиборининг етишмаслиги ижтимоий ривожланишдаги камчиликларга олиб келади: катталар ва тенгдошлар билан мулоқот қилиш ва алоқа ўрнатишга ҳожат йўқ, улар билан ҳамкорлик қилиш кийин. Бу эса нуткнинг ривожланишидаги кечикишга, мустикалликнинг йўқолишига, шахсий ривожланишдаги бузилишларга олиб келади.

Оиладан ташқарида тарбияланган болаларнинг интеллектуал ривожланиши келишмовчилик, аниқ тартибсизлик ва мувоzanатсиз фикрлаш турлари билан тавсифланади. Яқуний, визуал-хаёлий фикрлаш асосий нарсга бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, озгаки фикрлаш ёш меъёрларига эришиши мумкин ва озгаки бўлмаган фикрлаш анча орқада қолади, чунки у ўйин, норасмий алоқа ва катталар ва бошқа болалар билан тартибга солинмаган қўшма тадбирларда шаклланади.

Шундай қилиб, ота-онасиз ўсаётган мактабгача ёшдаги болалар ўз тенгдошларидан тўлақонли оилалардан когнитив фаолликнинг пасайиши, нуткни ривожлантиришда кечикиш, аклий заифлик, мулоқот қобилиятининг етишмаслиги ва тенгдошлари билан муносабатлардаги зиддиятлар билан фарқ қилади.

Хавф остида бўлган ўспиринлар атрофдаги одамлар билан муносабатлардаги қийинчиликлар, ҳис-туйғуларнинг юзакилиги, қарамлик, бошқаларнинг буйруғи билан яшаш одати, ўз-ўзини англаш соҳасидаги бузилишлар, ўқув материални ўзлаштиришдаги қийинчиликларнинг кучайиши билан тавсифланади. Қўпол хатти-ҳаракатлар ходисалари (бепарволик, ўғирлик, ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатларининг турли шакллари). Катталар билан муносабатларда улар ўзларининг фойдасизлигини, ўз кадр-қимматини ва бошқа одамнинг қийматини йўқотишини бошдан кечиришади.

“Хавф остида қолган болалар” таълим ва тарбиясини ташкил этиш ҳар томонлама амалга оширилиши керак, шундагина у самарали бўлади. Психоневролог, дефектолог, психолог, нутқ терапевти, ижтимоий педагог. Ушбу болалар психолог томонидан амалга ошириладиган дори терапиясини талаб қилади⁹⁹.

VOYAGA YETMAGANLAR ORASIDA SUITSIAL XULQ-ATVOR TUSHUNCHASI VA MOHIYATI

Ahmedov Qahramon Abdulhamid o'g'li

O'zMU Ijtimoiy ish kafedrasida

katta o'qituvchisi

Alimova (Vahobova) Nazokat Alisher qizi

O'zMU Ijtimoiy ish yo'nalishi

4 kurs talabasi

Bugungi murakkab globallashuv davrida ma'naviyat sohasida vujudga kelayotgan dolzarb muammolarni hal etish, xalqimiz ma'naviyatini asrash, yuksaltirish, ayniqsa, kelajak avlodning qalbi va ongini turli zararli g'oya hamda mafkuralar ta'siridan saqlash, shuningdek, uni himoya qilish masalalari alohida e'tiborga molikdir. Yoshlarimizning ma'naviy olamida bo'shliq vujudga kelmasligi uchun ularning ongi hamda qalbida sog'lom turmush tarzi, milliy va umummilliy qadriyatlarga hurmat-ehтиrom tuyg'usini bolalik davridanoq shakllantirish muhim vazifa hisoblanadi.

О'z joniga qasd qilish (suitsid) – о'z hayotiga о'z ixtiyori bilan chek qo'yishdir. О'z joniga qasd qilishlikka jamiyatning munosabati din, sha'n, hayot ma'nosiga aloqador bo'lib kelgan. Asosiy dinlar, masalan: Yaxudiylik, Xristianlik, Islom, Buddizm, Hinduizm kabilar о'z joniga qasd qilishni qoralashadi va gunoh deb baholashadi. Biroq ba'zi islomiy va xristian sektalar dini to'g'ri tushunmasligi oqibatida xudkush bomba hujumlarini oqlashadi, ularni bajarganlarga shahid statusini va'da etishadi. Yaponiyadagi samuraylar davrida esa о'z joniga qasd qilish о'z sha'nini himoya qilish maqsadida bajarilgan va ijobiy baholangan. Shuningdek, urush vaqtida kamikazelik harbiy qahramonlik deb ko'rilgan.

⁹⁸ Беличева С.А. Социально-педагогическая поддержка детей и семей «группы риска». – М., 2006.

⁹⁹ Шульга Т.И., Олиференко Л.Я., Дементьева И.Ф. Социально-педагогическая поддержка детей группы риска. – М., 2008.

O'z joniga qasd qilish jamiyatda hamon qattiq qoralanadi, biroq bedavo kasalikka chalingan bemorlarning tibbiy yordamni qabul qilmay qo'yish yoki evtanaziya (har xil harakatlar yoki qurollar bilan, uning ichida hayotini sun'iy yo'l bilan ushlab turgan asboblarni ishini to'xtatish yo'li bilan bemorning o'z o'limini tezlashtirish haqidagi iltimosini qanoatlantirish¹⁰⁰)ni tanlash huquqi bahs ostidadir.

Zamonaviy tibbiyot odatda o'z joniga qasd qilishni ruhiy nosog'limlikka yo'yadi va bunday kishilarga ruhiy yordam ko'rsatilishi, zarur deb hisoblaydi. Dunyoda har yili millionga yaqin odam o'z joniga qasd qilib vafot etadi. 10-20 millonta xudxushlikka omadsiz harakat bo'ladi¹⁰¹. Rossiyada har yili 60,000¹⁰², AQSHda taxminan 30,000¹⁰³, Yaponiyada 30,000dan ziyod¹⁰⁴ va Xitoyda 250,000¹⁰⁵ nafar kishi suitsidning turli xil ko'rinishlarida vafot etadi.

Soxta o'z joniga qasd qilish – ko'pincha o'z joniga qasd qilmoqchi bo'lgan insonlar o'lishni istashmaydi. Ular faqatgina atrofda qilarning e'tiborini o'ziga qaratmoqchi yoxud shantaj qilmoqchi bo'lishadi. Bunday kishilar odatda o'limga olib bormaydigan jarohatlar bilan o'zlariga shikast yetkazadilar. Masalan, uyqu dori, sirka kislotasi ichish, ustara bilan bilak tomirlarini kesish. Yoki nomoyishkorona harakatlar qiladilar. Masalan, baland inshootlar tomia chiqib, odam yig'ilishini kutib, o'zini pastga tashlamoqchidek bo'lish kabilar. Lekin ba'zan ehtiyotsizlik tufayli bu harakatlar o'limga olib kelishi mumkin. Yoki jiddiylikcha o'lmoqchi bo'lib, tibbiyot va anatomiyadan bexabarligi tufayli o'lmay qoladigan insonlar bir umrga nogiron bo'lib qolishlari ham mumkin.

Amalda insonning hayotni tark etishi u odamlardan o'zini olib qochib, jamiyatdan uzoqlashishi bilan tavsiflanadigan ijtimoiy o'lim yuz berganda boshlanadi. Surunkali giyohvand moddalarini iste'mol qilish, kashandalik, ichkilikbozlik, o'z hayotidan doimiy norozilik ijtimoiy o'limni bildiradi. So'ngra, ruhiy o'lim yuz beradi. Bunda inson hayot tugaganini va o'limning muqarrar ekanligini va o'z hayoti davomida hech narsaga erisha olmaganini anglaydi. Miya o'lishi bilan bosh miyya faoliyati butunlay to'xtaydi, organizmning turli funksiyalarini boshqarish barham topadi. Bu jarayon fiziologik o'lim bilan yakunlanadi, bunda insonning uni tirik organism sifatida taviflovchi barcha funksiyalari uzil-kesil to'xtaydi.

Suitsid (lot.sui caedere – o'zini o'ldirish) – maqsadli ravishda o'zini hayotdan mahrum qilish, odatda ixtiyoriy ravishda o'z joniga qasd qilishni anglatadi.

Suitsidga mukammal ta'rifni fransuz sotsiologi Emil Dyurgeym bergan. Uning talqini bo'yicha, shaxs tomonidan o'zini kutayotgan natija haqida bila turib, sodir qilingan salbiy hatti-harakatning bilvosita yoki bevosita natijasi bo'lmish har bir o'lim holati o'z joniga qasd qilishdir. Emil Dyurgeymning 1897-yilda nashr etilgan «Suiqasd» asari suitsidga oid adabiyotning klassik namunasidir. Ushbu asarda olim mavjud statistik ma'lumotlarga ta'yanib, suiqasd nafaqat psixologik muammo, balki ijtimoiy ildizga ega xatar ekanligini isbotlagan.

O'z joniga qasd qilish jamiyatda, insonlar orasidagi munosabatlarda inson o'zi yecha olmagan yoki odatiy, hammaga ma'qul bo'lgan yo'l orqali yechishni istamagan muammolar borligidan, shaxsiy musibat, umidsizlik va tushkunlik bilan bog'liq tashvish mavjudligidan darak beradi. O'z joniga qasd qilishga ko'pincha uzoq davom etadigan kasallik, ba'zan esa nogironlik ham sabab bo'lishi mumkin¹⁰⁶.

Ming afsuslar bo'lsinki, bunday qabh ishga yoshlarimiz ayniqsa, voyaga yetmaganlar o'zlari bilgan va bilmagan holatda aralashib, statistikaning bir qismi bo'lib qolishmoqda.

Voyaga yetmaganlar – amaldagi O'zbekiston Respublikasi Qonunchiligiga ko'ra, 18 yoshga to'lmagan fuqarolar hisoblanadi¹⁰⁷.

Voyaga yetmaganlarning deviant xulq-atvori —katta yoshdagilarnikidan birmuncha farq qiladi. Katta yoshdagilarning og'ma xulq-atvori qonuniyatlariga muvofiq emasligini barchamizga ma'lum. Masalan, kriminologiya umum tomonidan qabul qilingan xulq-atvor normalarining jinoyatchilar tomonidan buzilishini ularda rasman ma'qullanadigan, umumiy e'tirof etilgan xulq-atvor normalarining jinoyatchilar tomonidan buzilishini ularda rasman ma'qullanadigan yoki umumiy e'tirof etilgan xulq-atvor normalariga qarshi bo'lgan maxsus qadriyatlar tizimi mavjudligi bilan izohlanadi. Shu sababli jinoyatchilikni, eng avvalo, professional jinoyatchilikni tahlil qilish assotsial submadaniyat nazariyasiga asoslanadi. Shunday bo'lsa ham voyaga yetmaganlarga tatbiqan bunday yondashuv hamisha ham to'g'ri hisoblanmaydi. Masalan, ko'pincha o'smir sodir etilgan qilmishni inkor etmagan holda, o'z aybini tan olmaydi yoki o'zi prinsip jihatidan inkor etmaydigan huquqiy taqiqni buzadi. Ayni vaqtda, ayrim ekspertlar diqqat e'tiborni hozirgi vaqtda deviant xulq-atvor guruhiga ko'proq iqtisodiy jihatdan o'ziga to'q oilalarning bolalari va o'smirlari tushib qolishiga qaratadilar. Umuman olganda, "bugungi kunda jamiyatning qaysidir qatlamlaridan biri, deviant xulq-atvordan himoyalangan, deb bo'lmaydi, har bir o'smir ta'sirga va bog'liqlikka duch keladi. Moddiy jihatdan yetarlik, ota-onalarning yuqori ijtimoiy mavqeyi bolalarning ijtimoiy normalarga rioya qilishning kafili bo'la olmaydi»¹⁰⁸.

¹⁰⁰ Evtanaziya –Wikipedia 26.02.2022yil

¹⁰¹ CIS: UN Body Takes On Rising Suicide Rates.2016

¹⁰² 60,000people commit suicide in Russia annually

¹⁰³ Suicide. Facts

¹⁰⁴ Suiide in Japan top 30,000

¹⁰⁵ 250,000 Chinese Kill Themselves Annually: Official

¹⁰⁶ Годфруа Ж. Что такое психология. Т. 2. –М.: 1996 г. с. 11.

¹⁰⁷ «Voyaga yetmaganlar o'rtasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklarning profilaktikasi to'g'risida» O'zbekiston Respublikasi qonuni, 2010-yil.

¹⁰⁸ «Voyaga yetmaganlar o'rtasida suitsid holatlarini oldini olish» maqola.2021-yil.

IJTIMOY ISH HODIMI AMALIYOTIDA KO'RSATILAYOTGAN XIZMATLAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH MEKANIZMLARI

Ahmedov Qahramon Abdulhamid o'g'li

O'zbekiston Milliy Universiteti

Ijtimoiy ish kafedrası

katta o'qituvchi

Ismatillayeva Munisa Habibulla qizi

O'zbekiston Milliy Universiteti

Ijtimoiy ish yo'nalishi

4 kurs talabasi

Ijtimoiy ish boshqa kasblar singari chuqur bilim va ko'nikma talab etadi ya'ni har bir shaxs eng yaxshi qo'llab – quvvatlanishi uchun turli bilimlarni sintez qilish va tarqatish uchun yaxshi mutaxassis bo'lish kerak.

Ijtimoiy ishning vazifasi ijtimoiy himoyaga muhtoj bo'lgan odamlarning, barchasiga ayniqsa qashshoqlik yoki zulmga duch keladigan zaif odamlarning farovonligini himoya qilishdir. Kasbiy jihatdan standartlarni bilish va ularga rioya qilish insoniyatni hurmat qiladigan kasbiy axloqni qo'llab-quvvatlagan holda muhtojlarni qo'llab-quvvatlashning asosiy kalitidir.

Ijtimoiy ishchilar milliy assotsiatsiyasi axloq kodeksi ijtimoiy ishchilarni kundalik kasbiy xulq-atvor va axloqiy qarorlarni qabul qilishda boshqaradi.

Ijtimoiy ishchilar insoniyatga yordam berishga sodiqdirlar. Bunda barcha ijtimoiy ishchilar, Ijtimoiy ishchilar milliy assotsiatsiyasining axloq kodeksiga ko'ra, quyidagi oltita asosiy qadriyatlarini baham ko'radilar:

- xizmat
- ijtimoiy adolat
- Shaxsning qadr-qimmati va qadr-qimmati
- Insoniy munosabatlarning ahamiyati
- Butunlik
- Malaka

Ijtimoiy ish insonning madaniy, ijtimoiy va moddiy turmush darajasini ta'minlash maqsadida unga davlat tomonidan va nodavlat yo'nalishda yordam berishga, insonga, oilaga yoki guruhga yakka tartibda yordam berishga yo'naltirilgan professional faoliyatining o'ziga xos turi sifatida qaralishi mumkin.

Ijtimoiy hodim bu o'zining lavozimi va kasb burchi orqali inson, oila yoki guruhga ular muammolarini yengib o'tishlarida ijtimoiy yordam beradigan insondir. Ijtimoiy ish sohasi ancha davrlar ilgari vujudga kelgan bo'lsada, biroq, bu soha mutaxassislarini maxsus tayyorlash ya'ni kasb sifatida XIX asr oxiri va XX asr boshlarida G'arbiy Yevropa mamlakatlarining birinchi sanoat inqiloblari sodir bo'lgan hududlarida rivojlana boshladi. Chunki sanoat inqiloblari natijasida jamiyat ijtimoiy hayotida keskin ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni keltirib chiqqanligi ijtimoiy ish sohasini kasbiy faoliyat sifatida rivojlanishiga sabab bo'ldi.¹⁰⁹

Shu o'rinda aytish kerakki "Agar biz ijtimoiy ish modellarining aralashuv samaradorligini tushinsak va ijtimoiy sifatini oshirishga yordam beradigan dalillar ba'zasini ishlab chiqsak, hozirgi ijtimoiy ish amaliyotida nima ishlashini tushinish zarurati muhimligi anglanadi" degan edi Lyn Romeo bosh ijtimoiy ishchi o'z hisobotida.

Aholining kam ta'minlangan va zaif qatlamlarini ijtimoiy yordam tizimiga kiritish va ularning mehnat bozoridagi ishtirokini kengaytirish mexanizmlarini takomillashtirish maqsadida Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi Moliya vazirligi bilan birgalikda Jahon banki ishtirokida "Aholini ijtimoiy muhofaza qilish tizimini mustahkamlash" loyihasini amalga oshirmoqda. O'zbekiston Respublikasi va Xalqaro taraqqiyot uyushmasi o'rtasida 2019 yil 19 iyuldagi 6446-UZ-sonli 50 million AQSh dollari miqdoridagi kredit mablag'larini ajratish uchun moliyalashtirish shartnomasi imzolandi.

Loyiha Jahon banki vitse-prezidentining 2019-yil 18-19 iyul kunlari O'zbekistonga tashrifi chog'ida kelishuvlarni amalga oshirish bo'yicha "Yo'l xaritasi" hamda XTU/XTB bilan 2020-21 yillar uchun hamkorlik dasturi doirasida amalga oshirilmoqda.

Ushbu loyiha uchta tarkibiy qismdan iborat:

- a) yagona ijtimoiy reyestrni joriy etish va joylashtirish, shuningdek miliy ijtimoiy reyestrga o'tish;
- b) kam ta'minlangan oilalar uchun ijtimoiy nafaqalar samaradorligini oshirish orqali ijtimoiy yordam tizimini mustahkamlashni qo'llab-quvvatlash;
- c) pul nafaqasini to'lab berishdagi pilot loyihani ishlab chiqish, amalga oshirish va baholashni qo'llab-quvvatlash;

Barcha sohalarda ijtimoiy xizmatlarni tashkil etish bo'yicha mutaxassis quyidagi vazifalarni amalga oshiradi:

- aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalarini ijtimoiy himoya qilish hamda ularga ijtimoiy yordam berishning optimal shakllarini aniqlash va qo'llash

¹⁰⁹ Ijtimoiy ish asoslari. Metodik qo'llanma M.X.Ganiyeva.T.:CHASHMA PRINT 2010.- 52b

- aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalarini kompleks ijtimoiy himoya qilinishini tashkillashtirish;
- o'z ish faoliyatida aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalariga ijtimoiy xizmatlar ko'rsatishning ilmiy asosli yondashuvlarini qo'llash;

a) ijtimoiy-huquqiy yo'naltirilgan funksiyalarni amalga oshirishda:

- sog'liqni saqlash, ta'lim, huquqiy va ijtimoiy himoya qilish masalalarida shaxslarning manfaatlarini himoya qilish bo'yicha davlat boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, nodavlat notijorat tashkilotlari, ijtimoiy xizmatlar ko'rsatuvchi tadbirkorlik subyektlari bilan hamkorlik qilish, ular bilan belgilangan tartibda ma'lumotlar almashish;

- jismoniy, jinsiy zo'ravonlik va majburlash holatlari bo'yicha aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalari huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish maqsadida sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlarga murojaat etishda ko'maklashish;

- muammoli va nizoli oilalarni monitoring qilish, oilaning ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy holatini o'rganish va baholash;

- oiladagi muammoli vaziyatlar yoki nizolarni bartaraf etishda ishtirok etish;¹¹⁰

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, Ijtimoiy soha bo'yicha mutaxassisning kasbiy shakllanishi maqsadli va uzluksiz rivojlanuvchi jarayon bo'lib, ijtimoiy ish sohasida ta'lim va tadqiqot faoliyati bilan bog'liq. Insonda kasbiy bilimlar, ko'nikma, malaka va shaxsiy sifatlar, kasbga malakaviy va axloqiy tamoyillarni shakllantirishga mo'ljallangandir. Mutaxassisning kasbiy shakllanishi professionallashtirish jarayonining tarkibiy qismi bo'lib, jamiyat va shaxs vositasida kasb to'g'risidagi tushunchalar shakllanadi.

Har bir inson dunyoga kelibdimi baxtli bo'lishga haqlidir, faravon hayot kechirishga haqlidir. Ijtimoiy ishning muhim jihati ham shunda. Insonlarning hayotida uchrashi mumkin bo'lgan turli xil ko'ngilsiz hodisalar, noqulay vaziyatlarda ijtimoiy ish aynan bunday holatdan yengilroq o'tish yoki vaziyatni o'nqlashda o'z hissasini qo'shadi. Va eng muhim shaxs esa ijtimoiy ish hodimidir.

TALABALARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ILMIY FAOLIYATINI QO'LLAB-QUVVATLASHNING SAMARALI MEXANIZMI

Zairov Asadbek Sayfullo o'g'li

O'zbekiston Milliy universiteti

Ijtimoiy fanlar fakulteti III bosqich talabasi

Annotatsiya. Mazkur maqolada yo'lga qo'yilishi taklif qilinayotgan talabalar ilmiy kengashining faoliyati keng yoritilib, uning ilmiy ilmiy va moliyaviy asoslariga to'xtalib o'tilgan. Shuningdek ilg'or tajribalar o'rganilib, fundamental ta'limning mazmun-mohiyati ochib berilgan.

Kalit so'zlar: ilm-fan, fundamental ta'lim, innovatsiya, taraqqiyot, yangi O'zbekiston, Xitoy, konsepsiya, talaba, islohot, oliy ta'lim.

Аннотация. В данной статье описывается деятельность предполагаемого Студенческого ученого совета и его научная и финансовая основа. Он также исследует передовой опыт и раскрывает суть фундаментального образования.

Ключевые слова: наука, фундаментальное образование, инновации, развитие, новый Узбекистан, Китай, концепция, студент, реформа, высшее образование.

Annotation. This article describes the activities of the proposed Student Academic Council and its scientific and financial basis. It also explores best practices and reveals the essence of fundamental education.

Keywords: science, fundamental education, innovation, development, new Uzbekistan, China, concept, student, reform, higher education.

O'zbekiston milliy taraqqiyotni yangi bosqichida jadal islohotlar o'tkazish yo'li bilan ilm-fan sohasiga yuksak e'tibor qaratmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning quyidagi fikri ham mazkur masalaning dolzarbligini anglatadi: "Bugungi kunda dunyoda innavatsion g'oyasiz, ilm-fan yutuqlarisiz bironta sohaning rivojlanishi mumkin emas. Shu ma'noda, zahmatkash, fidoyi olimlarimizni Xudo bergan odamlar, desak, xato bo'lmaydi. Ularni boshqalar bilan teng qilish mumkin emas. Bunday insonlar mingtadan, milliontadan bitta tug'iladi. Ularni asrab-avaylashimiz, har tomonlama qo'llab- quvvatlashimiz lozim"¹¹¹. Darhaqiqat, mehnat bozorida malakaviy kadrlarga talab oshib borayotgan hozirgi davrda har bir soha vakilidan yuksak kompetentlik talab qilinadi. Buning uchun bo'lajak kadrlar, ya'ni, oliygoh bitiruvchilari quyidagi jihatlariga muhim e'tibor qaratishi zarur. Jumladan, o'z sohasiga oid muayyan bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi, kompyuter texnologiyalarini chuqur tushunishi, xorijiy tillarni puxta bilishi hamda jamiyat hayotida ro'y berayotgan islohotlardan boxabar bo'lishi lozim. Shuningdek, oliygoh talabalarining ijodiy fikrlashi va tadqiqotchilik ko'nikmalarini shakllantirish masalasi ham ustuvor ahamiyat kasb etadi. Bu borada har bir oliy o'quv yurtida talabalarining ilmiy faoliyatini qo'llab-quvvatlash

¹¹⁰ O'zbekistonda ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlash" loyihasi. https://mehnat.uz/oz_ O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi

¹¹¹ "Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari". O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning asarlari va ma'ruzalaridan olingan fikrlar. Nashrga tayyorlovchilar: O.Salimov, Q.Quronboyev, M.Bekmurodov, L.Tangriyev-Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi. 2019. -55b.

maqsadida talabalar ilmiy kengashi faoliyatiga asos solinishi zarur. Talabalar ilmiy kengashining maqsadi yoshlarni ilm fan sohasiga yanada kengroq jalb etish, ularning tadqiqotchilik ko'nikmalari va bilim saviyasini oshirish orqali o'z sohasining malakali mutaxasisi bo'lishiga ko'maklashishdir.

O'zbekiston Prezidentining 2020-yil 29-oktabrida 6097-sonli "Ilm fanni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risidagi" farmoniga ko'ra yuqori malakali ilmiy va muhandis kadrlar tayyorlash hamda ularni ilmiy faoliyatga yo'naltirish borasida bir qator ustuvor vazifalar belgilangan. Jumladan:

ilmiy tashkilotlar tadqiqotchilarining o'rtacha yoshini 2025-yilga qadar 45 ga, 2030-yilgacha esa 39 ga yetkazish; 2025-yilga qadar 39 yoshgacha bo'lgan tadqiqotchilarning umumiy sonida yuqori malakali ilmiy xodimlarning ulushini 2 baravarga, 2030-yilgacha esa 3 baravarga oshirish ko'zda tutilgan¹¹². Bu esa o'z navbatida yoshlarni ilmiy faoliyatga keng jalb qilish, muammolarning ilmiy echimlarini topishga yo'naltirishni taqazo etadi. Konsepsiyada belgilab berilgan vazifalarni amalga oshirishda talabalar ilmiy kengashining o'rni va ro'li ustuvor ahamiyatga ega hisoblanadi. Talabalar Ilmiy kengashi 10 nafargacha bo'lgan iqtidorli talabalardan tashkil topadi. Talabalar ilmiy kengashi faoliyatining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- talabalarni tadqiqotchilik faoliyatiga yo'naltirish va Ilmiy mavzular doirasida ilmiy muhokamalar o'tkazishi;
- ilmiy maqolalar yozish orqali konstruktiv g'oyalarni ilgari surish;
- talabalar orasida ilmiy maqolalar yozish, ilmiy-ijodiy sohadagi faolligini oshirishga qaratilgan targ'ibot - tashviqot ishlarini olib borish;
- ilmiy-amaliy konferensiyalarda kengash a'zolari faolligini ta'minlash;
- Talabalar kengashi universitet ilmiy kengashi bilan hamkorlik faoliyatini yo'lga qo'yish orqali, faoliyat samaradorligiga erishish.
- Universitet kutubxonalariga sotib olinayotgan adabiyotlar ro'yhatini tuzishda talabalar orasida so'rovnomalar o'tkazish va shu orqali adabiyotlar xaridi uchun tavsiyalar berish.

Talabalar ilmiy kengashi faoliyatining natijadorligi, samaradorligini ta'minlanishi uchun quyidagi moliyaviy masalalarni hal etish zarurati tug'iladi: Birinchidan, Respublika va xorijiy ilmiy jurnallarda kengash a'zolari tomonidan yozilgan ilmiy maqolalarni chop ettirish xarajatlarini universitet tomonidan kompensatsiya qilib berilish. Ikkinchidan, har chorakda kengash raisi va faollaridan bo'lgan talabalarga bazaviy hisoblashning eng kam **stipendiya** miqdorining 3 baravaridan 5 baravarigacha rag'batlantirish. Faoliyati yo'lga qo'yilishi taklif qilinayotgan talabalar ilmiy kengashi yoshlarning oliy ta'limga bo'lgan qiziqishi va ta'lim sifatining yanada oshishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://lex.uz/ru/docs/-5073447>
2. "Fundamental ta'lim taraqqiyotining xitoycha yo'li" (MATN)/Huang Jongjing (va boshqalar), -Toshkent: Akademik nashr, 2020. -22 b."
3. "Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari". O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning asarlari va ma'ruzalaridan olingan fikrlar. Nashrga tayyorlovchilar: O.Salimov, Q.Quronboyev, M.Bekmurodov, L.Tangriyev-Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi. 2019. -55 b.

OILAVIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA BERILAYOTGAN IMTIYOZLAR VA YARATILAYOTGAN SHAROITLAR

O'zMU Ijtimoiy ish kafedrasini mudiri **N.Latipova**
O'zMU 1-bosqich magistranti **H.Imomnazarov**,
Magistrant **K.Ergashov**

Annotatsiya: Maqolada tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishda davlat tomonidan olib borilayotgan islohatlar, qabul qilingan dasturlarning bajarilishi va yaratilayotgan imkoniyatlar haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: "Har bir oila – tadbirkor" Davlat dasturi, tadbirkorlik, oilaviy tadbirkorlik, oila xo'jaligi, innovatsiyalar, moliyaviy qo'llab-quvvatlash, iqtisodiy o'sish, ishlab chiqarish, boshqarish.

Аннотация: В статье представлена информация о реформах, проводимых государством в сфере развития предпринимательства, реализации принятых программ и созданных возможностях.

Ключевые слова: Государственная программа «Каждая семья – предприниматель», предпринимательство, семейный бизнес, семейное хозяйство, инновации, финансовая поддержка, экономический рост, производство, управление.

Annotation: The article provides information on the reforms being carried out by the state in the development of entrepreneurship, the implementation of adopted programs and created opportunities.

Keywords: "Every family is an entrepreneur" State program, entrepreneurship, family business, family householding, innovation, financial support, economic growth, production, management.

Mustaqillik yillaridagi rivojlanish davomida barcha sohalarda bo'lgani kabi oilaviy tadbirkorlik sohasida ham katta o'zgarishlar sodir bo'ldi. Bozor munosabatlariga o'tishning asosiy sharti ko'p ukladli iqtisodiyotni va raqobat muhitini shakllantirishning huquqiy, tashkiliy shart-sharoitlari vujudga kelishidan iboratligi uchun ushbu davrda xususiy lashtirishga va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilib kelinmoqda. Iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishda bozor muhitini yuzaga keltirishning asosiy omillaridan bo'lgan kichik biznes va oilaviy

¹¹² <https://lex.uz/ru/docs/-5073447>

tadbirkorlikni rivojlantirish bo'ldi. Har bir oila o'zi yuqori darajada foyda olish bilan birga, u jamiyat uchun zarur bo'lgan mahsulotlarni ishlab chiqaradi va xizmat turlarini yaratadi, mamlakat uchun yangi bo'lgan bozorlarni yaratadi, aholini ish bilan band qilishda hissa qo'shadi, boshqa tashkilot va oilalarda ishlab chiqarilgan mahsulotlar va yaratilgan xizmatlarni iste'molchisi sifatida yuzaga chiqadi, ma'lum turdagi soliqlarni to'lab mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishga hissa qo'shadi. Ushbu vazifalarni bajarish davomida o'tgan yillarda mamlakat iqtisodiyotida kichik biznes va xususiy tarmoq ko'lami hamda hajmi salmoqli darajada o'sdi. Oilaviy tadbirkorlik bilan shug'ullanayotgan oilalar soni va shunga mos ravishda uning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi ortib bormoqda.

Oilaviy tadbirkorlik sohasida o'tkazilgan tahlillar mamlakatimiz va uning hududlarida aholini tadbirkorlikka jalb qilish, yangi ish o'rinlarini yaratish, bandlikni ta'minlash, o'zini-o'zi band qilishga harakat qilayotgan fuqarolarga amaliy yordam ko'rsatish, mehnat resurslaridan samarali foydalanish kabi yo'nalishlarda hali foydalanilmayotgan imkoniyatlar mavjudligini ko'rsatdi. Shu kamchilikni to'g'rilash va foydalanilmayotgan imkoniyatlardan samarali foydalanishni yo'lga qo'yish maqsadida mamlakatimizda "Har bir oila - tadbirkor" Dasturi qabul qilindi.¹¹³

"Har bir oila - tadbirkor" Dasturining asosiy yo'nalishlari qatorida quyidagilar belgilandi:

1. Tadbirkorlik bilan shug'ullanishni ixtiyor etgan aholiga imtiyozli kreditlar ajratish. Ular tomonidan tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish va amalga oshirishning har bir bosqichida amaliy yordam ko'rsatilishini ta'minlash. Bunday amaliy yordam barcha mutasaddi tashkilotlar tomonidan amalga oshiriladi.

2. Aholiga tadbirkorlik ko'nikmalarini o'rgatish va faoliyat turini tashkil etishda amaliy yordam ko'rsatish.

3. Tadbirkorlik subyektlarini faoliyatini kengaytirishga amaliy yordam berish orqali qo'shimcha ish o'rinlari yaratish.

4. Mikrofirmalarni, kichik hajmda ishlab chiqaruvchi subyektlar va kasanachilik bo'yicha tadbirlarni amalga oshirish uchun moliyaviy yordam berish. Aholiga qo'shimcha daromad ishlab topish imkoniyatini yaratish.

5. Mahallalarda mini-klastarlar tashkil etish. Bunda tadbirkorlik sohasida ijobiy natijalarga erishgan tajribali tadbirkorlarga bunday faoliyatni yangidan boshlayotgan tajribasi kamroq bo'lgan oilalarni birlashtirish.

6. Oilaviy tadbirkorlarga ko'rsatiladigan xizmatlar ko'lamini kengaytirish. Ular tomonidan ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni savdosini tashkil etuvchi bozor infratuzilmasi obyektlari, xizmat ko'rsatish va savdo shoxobchalarini barpo etish.

7. Bo'sh turgan yer maydonlarini yangi tashkil etilayotgan tadbirkorlik subyektlariga berish. Aholi uchun qo'shimcha ish o'rinlari va daromad manbalarini yaratish.

8. Davlat ro'yhatidan o'tmasdan faoliyat olib borayotgan tadbirkorlarni aniqlash va ular faoliyatini qonuniylashtirishda yordam ko'rsatish.

Tadbirkorlik bilan shug'ullanishni ixtiyor etgan aholiga imtiyozli kreditlar ajratish quyidagi miqdorlarda va quyidagi mas'ul tashkilotlar tomonidan olib boriladi:

Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha sektor rahbarlari va hokim yordamchilari tavsiyanomalari asosida eng kam ish haqining 150 baravari miqdorida imtiyozli kreditlar berilishi yo'lga qo'yiladi.

Belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tib, faoliyat olib borayotgan tadbirkorlik faoliyati subyektlariga sug'urta polisleri, uchinchi shaxs kafilligi, kredit hisobiga sotib olinayotgan mol-mulklar garovi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasining kafilligi bo'yicha BHMning 1000 baravari miqdorida imtiyozli kredit ajratish mumkin.

Tadbirkorlik faoliyati subyektlarining investitsiyaviy loyihalarini kreditlashda qonun hujjatlari doirasida belgilangan ta'minot turlariga asosan BHMning 1000 baravaridan ham ortiq miqdorda imtiyozli kreditlar ajratilishi mumkin.¹¹⁴

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi "Har bir oila - tadbirkor" dasturi doirasida tadbirkorlik faoliyati subyektlariga ajratiladigan kreditlarga ustuvor ravishda kafilliklar va foiz harajatlarini qoplash uchun kompensatsiyalar ajratadi.

Oilaviy tadbirkorlarga tijorat banklari tomonidan imtiyozli kreditlarning qaytmaslik xatari sug'urtalanganda sug'urta to'lovi 1,5 foizdan ortiq bo'lmagan miqdorda belgilanadi va sug'urtalash shartlari yengillashtiriladi.¹¹⁵

Oilaviy biznes faoliyatiga alohida e'tibor berilishiga qaramasdan, ushbu sohada amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar talaygina. Ushbu yo'nalishdagi ishlarni yanada jadal sur'atlarda rivojlanishi uchun ulardagi boshqaruv faoliyatini hozirgi davr darajasiga chiqarish talab etilmoqda. Zamonaviy boshqaruv usullari va tamoyillaridan foydalanish sohasida, iqtisodiy resurslardan foydalanish tartibi sohasida, mehnat resurslarini boshqarish faoliyati sohasida amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar mavjud.

¹¹³ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 iyundagi PQ-3777-son "Har bir oila - tadbirkor" Dasturini amalga oshirish to'g'risida"gi Qarori. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 08.06.2018 y., 07/08/377/1325-son.

¹¹⁴ I.M.Xasanov. "Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida oilaviy tadbirkorlik salohiyatining iqtisodiy natijadorligini oshirish (Farg'ona viloyati misolida)". I.f.f.d. (PhD) diss.Namangan-2021 y.139 bet.

¹¹⁵ Xasanov I.M. Essence, Mission And Value of Entrepreneurship Activity. //The American journal of Management and Economics Innovations (IMPACTFACTOR:5,3;) 28 fevral, 2021 yil. 38-45-b.

Oilaviy tadbirkorlikning zamonaviy shakllarini joriy etishga ham katta e'tibor qaratish lozim. Har bir oilaviy tadbirkor ham bir xil salohiyatga ega emas. Ularning innovatsion salohiyatini aniqlashda quyidagilarga alohida e'tibor qaratish lozim:

1. Rag'batlantirish. Oilaviy tadbirkorni yangilik yo'lida tavakkal qilishga undash.
2. Imkoniyatlar. Oilaviy tadbirkorning yangilik yaratish imkoniyati.
3. Cheklovlar. Oilaviy tadbirkorning innovatsion faoliyatini cheklaydi va sekinlashtiradi.

Tahlil va kuzatishlar asosida oilaviy tadbirkorlik samaradorligini oshirishning ustuvor yo'nalishlarini taklif etamiz:

- xarajatlarni kamaytirish, optimallashtirish;
- mehnat resurslaridan samarali foydalanish;
- standartlarga rioya etilishini ta'minlash;
- rivojlantirish va mehnat unumdorligini oshirish chora-tadbirlarini amalga oshirish;
- tashkiliy-iqtisodiy omillar;
- mehnatni ilmiy tashkil etish;
- boshqarishni takomillashtirish;
- samarali boshqaruv tuzilmasini shakllantirish;
- samarali marketing faoliyati;
- mavjud uskunalardan samarali foydalanish, ularning ishlamay turishini oldini olish, har doim muntazam ishlashini ta'minlashlarni biz ustuvor yo'nalish sifatida belgilaymiz.

O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra, 2022-yil 1-yanvar holatiga ko'ra, mamlakatimizda 45 954 ta oilaviy tadbirkorlik subyekti ro'yxatga olingan. Ularning 43122 tasi faoliyat yuritmoqda.¹¹⁶ Ushbu oilaviy tadbirkorlik subyektlari bo'yicha ma'lumotlar respublika bo'yicha quyidagicha taqsimlangan:

Samarqand viloyati -6553
Farg'ona -5337
Surxondaryo -4831
Toshkent viloyati -3901
Navoiy -3673
Xorazm -3578
Toshkent shahri -3258
Buxoro -2857
Andijon -25602
Qashqadaryo -2306
Qoraqalpog'iston -1602
Jizzax -1357
Namangan -968
Sirdaryo -331 ta birlikda.

O'tgan yillar davomida taqqoslaydigan bo'lsak 2020-2021-yilda ko'rilgan chora-tadbirlar natijasida tadbirkorlarga berilgan qator imtiyozlar, ro'yxatdan o'tgan tadbirkorlik subyektlari soni ortdi hamda ro'yxatdan o'tmasdan faoliyat yuritayotgan tadbirkorlik subyektlari soni foizlarda bir oz kamaydi.

Iqtisodiyotni isloh qilish va aholi daromadlarining yuqori darajasini ta'minlashda oilaviy tadbirkorlikka qaratilgan tashabbus nafaqat bandlikni ta'minlash, balki daromatlarni to'g'ri taqsimlash, shu bilan birga ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning barqaror omillari sifatini oshirishda tobora ko'proq ahamiyat kasb etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 iyundagi PQ-3777-son "Har bir oila – tadbirkor" Dasturini amalga oshirish to'g'risida"gi Qarori. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 08.06.2018 y., 07/08/3777/1325-son.
2. I.M.Xasanov. "Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida oilaviy tadbirkorlik salohiyatining iqtisodiy natijadorligini oshirish (Farg'ona viloyati misolida)". I.f.f.d. (PhD) diss. Namangan-2021 y. 139 bet.
3. Xasanov I.M. Iqtisodiy taraqqiyot va oilaviy tadbirkorlik. // «O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi» jurnali, 2021 yil, №2-son.
4. Xasanov I.M. Essence, Mission And Value of Entrepreneurship Activity. //The American journal of Management and Economics Innovations (IMPACTFACTOR:5,3;) 28 fevral, 2021 yil. 38-45-b.
5. Khasanov I.M. Prospects for the development of family entrepreneurship in the regions in the conditions of economic modernization. // Vol. 1 No. 1.1 Economical sciences (2021): Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities.

O'ZBEK MATBUOTIDA QO'LLANGAN RETRONIMLAR VA ULARNING TASNIFI MASALALARI

Xolmonova Sadoqat Abdubannoyevna
O'zbekiston Milliy universiteti

¹¹⁶ Stat.uz//<https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/usreo-2>

Har bir tilning lug'at boyligi uzoq davom etgan tarixiy jarayonda tarkib topadi va rivojlanib boradi. Tilni xalqdan va jamiyatdan ayri holda tasavvur qilish va o'rganish mumkin emas. Ma'lum bir tilni tashkil etgan so'zlarda jamiyat hayotining butun jihatlari va xususiyatlari to'g'ridan-to'g'ri aks etadi. Jamiyatda bo'layotgan o'zgarishlar, rivojlanishlar natijasida tilning lug'at boyligida ham turli yangi tushunchalar paydo bo'lib boradi yoki ayrimlari muomaladan chiqib ketadi. "Har bir milliy tilda so'z va tushunchalarning hammaga ma'lum bo'lgan, cheklangan muayyan zahirasi bo'ladi. Ularsiz qayerda yashashidan, madaniyati, texnikasi, iqtisodiyoti qanday bo'lishidan qat'i nazar jamiyatning birorta a'zosi ham o'z fikrini bildira olmagan bo'lardi.

Til o'z tarixi davomida butunlay o'zgarib ketishi, boyishi va maxsus leksikasini yo'qotib, qashshoqlashishi mumkin, ammo u hech qachon asosiy jamg'armani boy bermaydi. Uni yo'qotish tanazzul bilan teng bo'lar edi". [1, 16-bet]

Jamiyatda sodir bo'layotgan o'zgarishlar natijasida tilning lug'at boyligida ham yangi tushunchalar paydo bo'la boshlar ekan, ularga doim ham yangi nom berilavermaydi. Ya'ni texnologiyadagi rivojlanishlar, ilmiy yutuqlar va boshqa turli holatlarda paydo bo'lgan tushunchalar shu kungacha mavjud so'zdan ajratiladi va buning natijasida tilda retronimlar paydo bo'ladi.

"Retronim" atamasini ilk bor 1980-yil o'sha vaqtdagi AQSH Milliy jamoat radiosining prezidenti Frank Mankiyevich ishlatgan. Ushbu atamaning ommalashishiga esa "Nyu-York tayms" gazetasining muxbiri Vilyam Safire sababchi bo'lgan. U 1992-yil gazetaning "Til tog'risida" ruknida "elektron pochta" atamasi paydo bo'lganidan so'ng odatiy pochta nima deb nomlana boshlaganiga qiziqqan va shundan so'ng "retronim" atamasi keng ishlatila boshlangan.

Retronim – mavjud so'zning asl shaklini taraqqiyot yoki texnologik rivojlanish mahsuli bo'lgan keyingi shaklidan faqrlash uchun paydo bo'lgan yangi nomdir. Masalan, Birinchi jahon urushi Ikkinchi jahon urushi sodir bo'lgunga qadar "Buyuk urush" yoki shunchaki "Jahon urushi" deb nomlangan. Ikkinchi jahon urushi terminining paydo bo'lishi avvalgi urushning Birinchi jahon urushi deb nomlanishiga sabab bo'ldi. Yoki avvaliga aniq sanani bilish maqsadida yaratilgan predmet "kalendar" deb atalib, keyinchalik uning turlari rivojlanib borishi natijasida "stol kalendari", "yirtma kalendar", "osma kalendar" kabi nomlar paydo bo'ldi va ularni bir-biridan farqlash ehtiyoji yuzaga keldi. Shu tariqa paydo bo'lgan birliklar esa "retronimlar" nomi bilan birlashtirildi.

Yangi tushuncha va so'zlarning paydo bo'lishi avval mavjud so'zlar va ular ma'nosini xiralashtirib qo'ydi. Natijada retronimlarni qo'llash orqali ularni bir-biridan farqlay boshladik. Kundalik hayotimizda ko'p ishlatiladigan "suv" so'zini oladigan bo'lsak, gazlangan suv turining paydo bo'lishi "gazlanmagan suv" tushunchasining nutqqa kirishiga sabab bo'ldi. Bu esa o'z navbatida "suv" so'zining ma'nosi mavhumlashishiga olib keldi. Aniq bo'lmagan nutqiy vaziyatlarda "suv" so'zidan foydalanish mumkin. "Suv – zar, suvchi - zargar", "Oldingdan oqqan suvning qadri yo'q" kabi o'zbek xalq maqollari bunga misol bo'la oladi.

"...bu xizmatga iste'molchilar istalgan vaqtda ichimlik va oqava suv masalalariga oid takliflar, muammolar, shikoyat, ariza yoki fikr-mulohazalar bilan murojaat qilishlari mumkin". [7]

"Mening qishlog'im singari chekka-chekka ovullarga toza ichimlik suvi quvurlari tortilganiga nafaqat tashqaridagi kuzatuvchilar, balki hudud aholisi orasida ham hamon ishonmayotganlar topiladi". [6]

"Gazlangan suvni ilk bor 1767-yilda kimyogar J. Pristli kashf etdi. Bunday suvlarni sanoat darajasida ishlab chiqishni Yakob Shvell yo'lga qo'ydi". [7]

Matbuotda ko'p tilga olinayotgan yuqoridagi kabi "ichimlik suvi", "oqava suv", "gazlangan suv" kabi birikmalar ma'no aniqligini ta'minlash va ularni bir-biridan farqlash vazifasini bajaradi.

Dastlab faqatgina "suv" shaklida mavjud bo'lgan so'z hozirgi vaqtda turli ko'rinishlarda farqlanmoqda va bu retronimiya hodisasini yuzaga keltirmoqda. Demak, suv so'zi bilan bog'liq retronimlik quyidagicha:

Suv – ichimlik suvi

oqava suv

Suv – gazlangan suv

gazlanmagan suv

Ayni vaqtda matbuotda ko'p ishlatilayotgan retronimlarning bir guruhi "daftar" so'zi bilan bog'liqdir. Bu so'zning ma'nosini "O'zbek tilining izohli lug'ati" dan ko'rib chiqamiz:

Daftar – kitobcha shaklida tikilgan, muqovalangan va xat yozish yoki rasm chizish uchun mo'ljallangan toza qog'oz varaqlari. [4. 575-bet]

Dastlab faqat bir maqsadda foydalanilgan "daftar" bilan bog'liq turli tushunchalar yuzaga kelgan:

Daftar – veksel daftari, kundalik daftar, nota daftari, uy daftari, shikoyat daftari, hisob daftari.

Yuqoridagi atamalarning har biri turli maqsadda qo'llaniladigan predmetni nomlab keladi va ular o'z navbatida asosiy so'z hisoblangan "daftar" so'zidan farqlanadi. Bu retronimik guruhdagi "daftar" so'zi esa yozish uchun mo'ljallangan o'quv quroli sifatida mustaqil holda ham ko'p uchraydi. Boshqa ma'no va tushunchalarning paydo bo'lishi uning o'z ma'nosini mavhumlashtirmagan.

"Daftar" so'zi bilan bog'liq yangi tushunchalarga matbuotda ham ko'p duch kelmoqdamiz:

"O'zbekistonda aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash maqsadida moddiy yordam va ko'makka muhtoj oilalar ro'yxati, ya'ni "temir daftar" tuzilgan edi. Bunga qo'shimcha tarzda har bir mahalla, tuman, shahar va viloyat kesimida "yoshlar daftari" va "ayollar daftari" ham shakllantirildi. Bu ro'yxatlar "temir daftar" dan alohida bo'lib, unga ijtimoiy,

huquqiy, psixologik qo‘llab-quvvatlashga, bilim va kasb o‘rganishga ehtiyoji va ishtiyoqi bor xotin-qizlar kiritildi”. [5]

“Qarshi tumani deputatlari ko‘magida “Ayollar daftari”ga kiritilgan 8 nafar xotin-qizga parrandachilik, chorvachilikni yo‘lga qo‘yish, issiqxona tashkil etish uchun banklardan 213 million so‘m kredit olishda amaliy yordam berildi”. [6]

Maqolalardan olingan ushbu parchalardan shu narsa ma‘lum bo‘ladiki, “daftar” so‘zi bilan bog‘liq retronimlar soni ortib bormoqda:

Daftar – “Temir daftar”, “Ayollar daftari”, “Yoshlar daftari”

“Daftar”ning ushbu terminlari hozircha neologik qatlamga oid birliklar hisoblanadi.

Retronimlardan turli sohalarda keng foydalaniladi. Ularning paydo bo‘lishi ko‘proq texnologik yoki ilm-fan bilan bog‘liq yutuqlarga aloqador ekan, ilmiy atamalarda ham retronimlar ko‘p uchraydi

“Retronimlar, deb yozadi Doktor Gari Miller, - ilmiy doiralarda ham ma‘lum. Klassik mexanika (1933) kvant mexanikasiga (1922) qarshi chiqish yo‘li bilan yaratilgan. Fizikadagi yadrolar dastlab bog‘langan yadro bo‘lgan, ammo bu nom bilan yuritilmagan. Bog‘lanmagan yadroning paydo bo‘lishi natijasida bog‘langan yadro tushunchasi ham paydo bo‘lgan”. [8]

“Markaziy shifoxona bo‘limlari raqamli portativ rentgen, UTT, sun‘iy nafas berish, narkoz apparatlari, kislorod konsentratorlari kabi zamonaviy tibbiy jihozlar, jarrohlik va genekologik operatsion to‘plamlari bilan ta‘minlandi”. [5]

Ushbu parchadagi “raqamli portativ rentgen”, “sun‘iy nafas”, “kislorod konsentratorlari” kabi tushunchalar ilmiy retronimlar hisoblanib, matnda fikr aniqligini ifodalash uchun xizmat qilgan.

Tez sur‘atda rivojlanayotgan zamon, texnologiyalar, ilmiy yangiliklar natijasida har doim ham yangi so‘zlar yaratilavermaydi. Tilda ma‘lum vaqt davomida ishlatilgan so‘zlarni olib, ular asosida yangi tushunchalar nomlanadi va buning natijasida tildagi retronimlar miqdori oshib boradi.

Hozirgi kunda retronimlar va ular bilan bog‘liq holatlarni aniqlash, retronimlarni tasniflash, matbuot va adabiyotda ulardan foydalanishni keng tahlil qilish, o‘zbek tilining retronimlar lug‘atini tuzish kabilar oldimizda muhim masala sifatida turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abayev V. I. Osetenskiy yazik i folklor. T.I.M. –L. 1949.
2. Isa Sari. Dilda yeneden adlandirma ihtiyaci: retronimler.
3. Ma‘rufjon Yo‘ldoshev. O‘zbek tilida retronimlar.
4. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. “O‘zbekiston”. –T. 2020
5. “O‘zbekiston ovozi” gazetasi. 19-son, 19-may, 2021-yil
6. “XXI asr” gazetasi. 20-son, 20-may, 2021-yil
7. www.kun.uz
8. www.thoughtco.com

ДАДА ҚЎРҚУТ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Давронбек Орипов

Ўзбекистон миллий университети

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси таянч докторанти

E-mail: bekdavr@mail.ru

Аннотация. Халқ оғзаки ижоди ва туркийшуносликда “Китоби Дадам Қўрқуд” ёхуд “Дада Қўрқуд китоби” китобий эпоси ҳақида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, кўп ва хўб фикрлар билдирилган. Бундай олиб караганда, ушбу эпос ёки Дада Қўрқуд (Қўрқут ота) ҳақида айтиладиган фикрнинг ўзи йўқдек, туюлади. Аслида-чи, аслида ҳам шундайми?

Мазкур мақолада Қўрқут ота шахсияти, ўғузлар тарихи, “Китоби Дадам Қўрқуд” эпосининг туркий халқлар тарихида тутган ўрни ҳақида янги фикрлар ўртага ташланади. Ва баҳоли кудрат, илмий асосланади.

Қўрқут ота шахсияти қадимги манбалар, тарихий солномалар, бизгача етиб келган асарлар, замондош тадқиқотчилар изланишлари асосида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Дада Қўрқуд (Қўрқут ота), Расулulloх, эл, оксокол, ўғуз, Солор Қозон, тарихий шахс, шомон, бахши.

ЗАМЕТКИ О ДЕДА КОРКУТА

Аннотация. В устном народном творчестве и тюркологии было проведено много исследований, высказано много мнений по поводу книжного эпоса “Книга моего деда Коркута”. С этой точки зрения, кажется, что нет единого мнения об деда Коркута и “Книга моего деда Коркута”. На самом деле, действительно ли он реальный человек?

В данной статье будут изложены новые мысли о личности деда Коркута, истории огузов, роли эпоса “Книга моего деда Коркута” в истории тюркских народов. И даются научно обоснованные выводы.

Личность деда Коркута исследована на основе древних источников, исторических хроник, дошедших до нас произведений.

Ключевые слова: Деда Коркут, Пророк, народ, аксакал, огуз, Салар Казан, исторический человек, шаман, бахши.

NOTES ABOUT DEDA KORKUT

Abstract. A lot of research has been conducted in oral folk art and Turkology, many opinions have been expressed about the book epic “The Book of my Deda Korkut”. From this point of view, it seems that there is no consensus about Deda Korkut and “The Book of my Deda Korkut”. In fact, is he really a real person?

This article will present new thoughts about the personality of Deda Korkut, the history of the Oguz, the role of the epic “The Book of my Deda Korkut” in the history of the Turkic peoples. And scientifically based conclusions are given.

The personality of Deda Korkut has been investigated on the basis of ancient sources, historical chronicles, and extant works.

Key words: Deda Korkut, Prophet, people, aksakal, oguz, Salar Kазan, historical man, shaman, sector (bakhshi).

“Бисмиллохи раҳмони раҳим ва ба настайин! Ҳазрати Расул алайҳиссалом замониға яқин вақтларда Баёт элида Қўрқуд отли бир билимдон киши дунёға келди. У Ўғуз элининг обрўли оқсоқоли эди, нима деса ўша нарса амалға ошар эди. Ғойибдан турли хушхабарларни сўзлар, ҳақ таоло унинг юрағига илҳом бағишлар эди.

Қўрқуд ота Ўғуз элининг мушқулини осон этар, бирор ишни Қўрқуд отадан маслаҳатлашмагунча ҳал этмас эдилар.

Қўрқуд ота нимани буюрса, қабул қилиб, ўша сўзға тўла амал қилар эдилар. Қўрқуд ота айтар эди: “Охир замонда хонлик яна Қойи кавмиға қайтажакдирки, киёмат кўпганда ҳам уларнинг қўлларидан ҳеч ким олабилмас. Бу ҳуқумат Усмон насли кишилари қўлидадир... [1]”.

Ушбу жумлалар билан бошланадиган “Китоби Дадам Қўрқуд” туркий халқларнинг энг қадимий китобий эпосларидан биридир. Дадам Қўрқуд ёхуд Қўрқут ота эпос, ўғузлар, туркийлар билан чамбарчас боғлиқдир-ки, уларни асло бир-бирисиз айро тасаввур этиб бўлмайди.

Қўрқут ота туркийлар, жумладан, ўғузлар оламида Ошиқ Ойдин пирдан кейинги бахшилар ҳомийси сифатида эъзозланади. Хусусан, Хоразм ўғузларида шундай. А.Диваев, Ч.Валихонов томонидан қирғиз-қозок чўлларида яшовчи халқлардан ёзиб олинган кўплаб асотир, ривоятлар Қўрқут отанинг турли кирралари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Атоқли турколог, шарқшунос В.Бартолднинг фикрича, Қўрқут ота баҳодир эмас, балки уруғ оқсоқолидир. Унда халқ донолиги мужассамлашган [2]. Қўрқут ота башоратчи бахши ва афсонавий шахс [3]. Холид Қўрғулиға кўра: “Ўз навбатида у сеҳрғар, шомондир [4]”.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Қўрқут ота ҳақида илк ёзма манбалар Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи тароқима” асарида учрайди. Шу боис, асл матндан парча келтиришни лозим топдик: *“Қайи қора хўжанинг ўғли Қўрқут ота салур Анкаш хўжа ва Авашибанхўжа бошлиқ барча Ўғуз эли йиғилиб, қайи халқиндин Иналёвини, подшоҳ қўтардилар, вазири Қўрқут ота эрди, Қўрқут ота ҳар нимарса теса Иналёви анинг сўзиндин чиқмас эрди. Қўрқут отанинг кароматлари кўп (43-бет) эрди икки юз тўхсон беш йил умр топди, уч подшоҳға вазир бўлди... [5]”*.

Қўрқут ота номи 14 марта тилға олинган ушбу асарда англашиляптики, Қорахўжа ўғли Қўрқуд Инал Яви хоннинг вазири бўлиб, 295 йил умр кечирган, уч хон даврида вазирлик қилган, гаройиб ишларни амалға оширган. Бутун ўғуз эли унга бўйсунган, бирор фарзанд тугилса, албатта, у келиб исм қўйган.

Фольклоршунос Насиба Собированинг ушбу мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотлари ҳам диққатға сазовор. Олиманинг назарида, Абулғозий Баҳодирхон яшаган даврда “Китоби дадам Қўрқут” эпоси Хоразмда машҳур бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, Абулғозий ўз асарида Қўрқут отанинг Салор Қозон ҳақидаги қўшиқларидан намуналар келтиради [6]”.

Эпосда Қўрқут ота доно фикрловчи, бахши-шомон, элу-юрт ҳомийси сифатида гавдаланишини алоҳида қайд этиш жоиз.

У ҳамиша эзгу ишларнинг амалға ошишида бош-кош бўлиб, тўй-тантаналарда, халқ сайилларида ўзининг доно фикрлари билан халқни инсоф ва диёнатға чақиради [7].

Эътиборлиси, Қўрқут ота эпоснинг барча бўйларида иштирок этиб, уларни ўзаро боғлайди. Аммо, уларнинг бирортасида ҳам унинг тилидан берилган шеърый парча йўқ. Абулғозий Баҳодирхон “Шажараи тароқима” асарида Салор Қозон ҳақида икки қўшиқ келтириб, уларни “тортим” дея атайди. Биринчиси, Салор Қозон таърифига бағишланган бўлса, иккинчиси Салор Қозон тилидан айтилган фахриядир.

Диққатимизни тортган муҳим маълумот шундаки, Салор Қозон таърифига бағишланган тортим айнан Қўрқуд ота тилидан баён қилинади. Сўзимиз исботи сифатида, ушбу тортим матнини тўлалиғича келтираимиз:

Қозигурт тоғидин ўнгар тошни югорлатди,
Солор Қозон ўтру бориб қарбаб тутди,
Ит Бачана кўриб они эси кетди,
Алплар, беклар кўрон борму Қозон каби.

Бир қозонға қирқ бир отнинг этин солди,
Ул қозонни сўл илки бирлан олди,
Сог илки бирлан элга улаштирди,

Алплар, беклар кўрон борму Қозон каби.
Кўк осмондин эниб келди тинли илон,
Ҳар одамни ютар эди кўрган замон,
Солур Қозон бошин касди бермай омон,
Алплар, беклар кўрон борму Қозон каби.

Ўттиз-қирқ минг лашкар бирлан Қозон бориб,
Ит-Бачана элларини калди қириб,
Бир нечаси кутулдилар кўп ёлвориб,
Алплар, беклар кўрон борму Қозон каби.

Турку туркмон, араб-ажам раъиятлар,
Қозон қилди мусулмонга тарбиятлар,
Кофирларни кирди ўшал кўб фурсатлар,
Алплар, беклар кўрон борму Қозон каби.

Андин ҳунар кутардилар барча улли,
Баъзиларга ўрин берди согли-сўлли,
Бизга бўлди Қамуг элнинг ўрни дингли,
Алплар, беклар кўрон борму Қозон каби.

Сайёх Қўрқут ўлар бўлдинг энди билгил,
Ул Қозоннинг давлатина дуо қилгил,
Карвон кетди кўп кеч қолдинг йўлга киргил,
Алплар, беклар кўрон борму Қозон каби [8].

Юқоридаги парча Қўрқут отанинг Солор Қозон даврида яшагани, унинг кўп юришларида ҳамроҳ бўлиб, узоқ умр кечиргани ҳақида тасаввур уйғотиши табиий, албатта.

Устоз Тўра Мирзаевнинг “Қаҳрамонлик эпосининг юзага келиши [9]” мақоласида Солор Қозон туркумини ташкил этувчи қаҳрамонлик қўшиқлари Шарқий Туркистондан келган туркий қабилаларга тегишли экани, XI асрда салжуқийлар ҳукмронлиги даврида бу туркум Кичик Осиё ва Кавказга ўтиб, “Китоби дадам Қўрқут” таркибидан жой олгани таъкидланади.

Мухим маълумотлардан яна бири “Дўст Султон тарихи” китобида Қўрқут ота бахшилар пири сифатида гавдаланади. Шу боис, козоқ бахшилари дoston бошлашдан аввал, ундан ёрдам сўраб, илтижо қилишлари бежиз эмас.

Баъзи афсоналарда Қўрқут ота шомон тарзида тасвирланса, ислом дини таъсирида яратилган афсоналарда у авлиё даражасига кўтарилади. Жумладан, А. Диваев Қозонли худудидаги *Хорхут* топоними билан алоқадор афсона ҳақида ёзиб қолдирган. Унга кўра, Хорхутнинг қабри 1880 йилгача сақланган, кейинчалик уни Сирдарё ювиб кетган [10].

Сўз мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ул зотга қуйидагича таъриф беради: “*Турк улуси аросида шухрати андоғ ортузроқдурки, шухратқа эҳтиёжи бўлғай. Маишҳур мундоқдурки, неча йил ўзидин бурунқини, неча йил ўздан сўнгги келурни дебдурлар. Кўп маъъизаомуз магизлиқ сўзлари арода бор* [11]”.

Юқоридаги манбаларда қайд қилинганидек, Қўрқут ота эпик образ эмас, аксинча, реал шахс деган фикр уйғотади. Буни устоз фольклоршунос А. Тиловнинг қуйидаги фикри ҳам тасдиқлаб турибди: “Халқнинг фаровонлиги учун саъй-ҳаракат қилган, илми, акли, тажрибасидан ўзгаларни манфаатлантирган инсонларни халқ ҳамиша эъзозлайди, номини тилларда дoston қилиб қуйлайди.

Дада Қўрқут ана шундай шахслардан биридир. Баъзан Қўрқут Ота деб ҳам тилга олинган бу шахс, айрим маълумотларга қараганда, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом замонларида Сирдарё атрофларида яшаган Ўғузларнинг Баёт ёхуд Қайи бўйига мансуб Қора Хўжа исми ўта ақли, доно, олим ва қаромат соҳиби бўлган бир зотнинг ўғлидир. Дада Қўрқут билан боғлиқ манқибаларда у ўғузларнинг гам-ташвиши билан ҳаёт кечиргани, адашганларга, қийин аҳволга тушганларга ёрдам берганлиги айтилади [12]”.

Хулоса қилиб айтганда, “Китоби дадам Қўрқут”, “Шажарайи тарокима” ҳамда бошқа манбалар орқали бизгача етиб келган Қўрқут ота қаҳрамони, образи аслида, тарихий шахс, реал инсон сифатида таассурот қолдираётгани бежиз эмасдек, назаримизда. Ушбу мақола ҳамда келгуси тадқиқотлар орқали ушбу образ (қаҳрамон) сиймосининг янги қирралари очилиши, фанга қўллаб қимматли маълумотлар маълум бўлишига ишонамиз. Зеро, тарих асло ўз қаҳрамонларини унутмагай.

Адабиётлар рўхати

1. Китоби Дада Қўрқуд. Сафарбой Рўзимбоев таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Н.Собирова, М.Пирназарова. Урганч: УрДУ ноширлик бўлими. 2019. Б.6.
2. Бартольд В.В. Коркуд, соч.т. v-М.: 1968, - С.41.
3. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. –С.532.
4. Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. - М.: Наука, 1989. –С.61.

5. Абулғозий Баходирхон. “Шажарайи тарокима”. Т: Чўлпон. 1995, Б.26.
6. Сабирова Н. Хоразм бахши ва халфачилик анъаналари. Т: Фан, 2021. – Б.250.
7. Рўзимбоев С, Атаханова В. Абулғозий Баходирхон Қўрқут ота хақида. Китоби Дада Қўрқуд. Сафарбой Рўзимбоев таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Н.Собирова, М.Пирназарова. Урганч: УрДУ ноширлик бўлими. 2019. Б.126-127.
8. Ўша асар. Б.126-127.
9. Мирзаев Т. “Қахрамонлик эпосининг юзага келиши”. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Т: Фан. 1981, Б.43.
10. Диваев А. Несколько слов о могиле Хорхут-ата-ЗВО РАО, Т.Х.СП.б.1896. – С.193-194.
11. Алишер Навоий. “Насойим ул-муҳаббат”. Т: Фан. 2001, Б.421.
12. Тилолов А. Дада Қўрқут хақида мухтасар сўз. Дада Қўрқут ҳикоялари. Таржимон: Зилола Очилова. Т: YURIST-MEDIA MARKAZI. 2010, Б.3.

LANGUAGE FEATURES OF AGIOGRAPHIC WORKS IN XIV CENTURY UZBEK LITERATURE (ON THE EXAMPLE OF THE WORK “NAHJ UL-FARODIS”)

Sulaymanov Zaxiriddin Ural o'g'li,

O'zbekiston milliy universiteti

O'zbek adabiyotshunosligi kafedrasida tayanch doktoranti

E-mail:sulaymonovzaxiriddin@gmail.com

Abstract. In the article explains the term "agiography", agiographic works created in the XIV century on the example of "Nahj ul-farodis" and their linguistic features, ie linguistic, morphological and some phonetic features. The compositional structure of "Nahj ul-Farodis" and a single story in the work were also analyzed, as well as the lexical history of the words.

Key words: agiography, linguistic features, morphological, phonetic features, story, Oguz-kipchak languages, written literature, transcription.

ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ АГИОГРАФИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ, СОЗДАНЫХ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ XIV ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ “НАХЖ УЛ-ФАРОДИС”)

Аннотация. В статье рассматривается термин «агиография», на примере произведения «Находится ул-фародис» раскрываются особенности языка, морфологические и некоторые звуковые особенности агиографических произведений, созданных в XIV веке. Также был проанализирован один хикаят из «Нахж ул-фародис» и изучена лексическая история слов.

Ключевые слова: агиография, языковые особенности, морфологические, фонетические особенности, рассказ, огуз-кипчакские языки, письменная литература, транскрипция.

XIV ASR O‘ZBEK ADABIYOTIDA YARATILGAN AGIOGRAFIK ASARLARNING TIL XUSUSIYATLARI (“NAHJ UL-FARODIS” ASARI MISOLIDA)

Annotatsiya. Maqolada “agiografiya” atamasi, “Nahj ul-farodis” asari misolida XIV asr yaratilgan agiografik asarlar va ularning til xususiyatlari va’ni lisoniy, morfologik va ayrim tovush xususiyatlari ochib berildi. Shuningdek, “Nahj ul-farodis” asarining kompozitsion tuzilishi va asardagi bitta hikoyat tahlil qilindi hamda so‘zlarning leksik tarixi o‘rganildi.

Kalit so‘zlar: agiografiya, lingvistik xususiyatlar, morfologik, fonetik xususiyatlar, hikoyat, o‘g‘uz-qipchoq tillari, yozma adabiyot, transkripsiya.

Kirish. O‘zbek adabiy tili mustaqil til sifatida X asrdan boshlab shakllana boshladi va to hozirgi kungacha bu tilda ko‘plab ilmiy va badiiy asarlar yaratildi. O‘zbek adabiy tilining rivojlanishida o‘g‘uz-qipchoq tillarining ahamiyatini shu til amalda bo‘lgan XII-XIV asrlarda Oltin O‘rda hududida yaratilgan yozma adabiyotdan bilib olsak bo‘ladi. Bu asarlar turkiy til rivojiga o‘ziga xos hissa qo‘shgan bo‘lsa, bugungi kunda turkiy tilni o‘rganish uchun obyekt bo‘lib xizmat qilmoqda. Oltin O‘rda hududi, til xususiyatlari to‘g‘risida bir qancha tadqiqotlar olib borilgan [1,69], lekin ayrim yozma adabiy manbalarning til xususiyatlariga batafsil to‘xtalinmagan, misol uchun shunday asarlardan biri 1361-yilda yozilgan “Nahj ul-farodis” asaridir. Shu xususiyatga ega bo‘lgan asarlarni umumiy nom bilan agiografik asarlar deb nomlashimiz mumkin. Bu termin bugungi kunda jahon adabiyotida keng qo‘llanib kelinmoqda.

Im ahli uchun biroz noaniq bo‘lgan bu terminni izohlaydigan bo‘lsak, Payg‘ambarlarning, avliyolarning hayot yo‘li, faoliyati, mo‘jizalari va boshqa qator xususiyatlari haqidagi asarlar *agiografik asarlar* deb yuritiladi. Agiografiya - mashhur tarixiy va diniy shaxslar hayoti haqida ma‘lumot beruvchi janr bo‘lib, payg‘ambarlar, avliyolar hayoti xususida yoziladigan asarlarning umumlashma nomi. Bu so‘z yunonchadan olingan bo‘lib, “hagis - muqaddas, graphé – yozaman” degan ma‘noni anglatadi. Agiografiya dastlab har qanday muqaddas yozuvni ifodalagan.

- **Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).** “Nahj ul-farodis” asari kompozitsion qurilishi jihatidan to‘rt bobdan iborat (Har bir bobga sarlavha qo‘yilgan). Har bir bob 10 ta fasldan iborat. Fasllarga ma‘lum bir mavzu yuzasidan sarlavha qo‘yilgan va mavzuga mos dastlab oyat yoki hadis keltiriladi, undang shu keltirilgan oyat yoki hadis mazmuni izohlanadi. Keltirilgan hikoyatlar va boshqa kichik janrga mansub yaratilgan faslni to‘ldirib, mavzuning mazmunini ochishga qaratilgan bo‘ladi.

Asarning birinchi bobida Muhammad s.a.v.ning vafotiga qadar bo'lgan voqealarni bayon qilar ekan, doimo ma'lum bir voqeani biron manbadan keltirilgan iqtibos yoki hadis orqali tasdiqlab boradi.

“Nahjul-farodis” ning ikkinchi bobida xalifa Abu Bakr, Umar, Usmon, Ali va to'rtala imom – Imomi A'zam, Imom Shofe', Imom Malik, Imom Ahmad va “ahli bayt” Fotima, Hasan va Husaynga oid voqealar bayon qilingan. Bobning har bir fasli bir xalifaga – birinchi fasl Abu Bakr (Siddiq)ga, ikkinchi fasl – xalifa Umarga, uchinchi fasl – xalifa Usmonga, to'rtinchi fasl – xalifa Aliga bag'ishlangan. Qolgan fasllar Fotima, Hasan va Husayn, Imom A'zam, Abu Xanifa, Imom Shofe', Imom Malik, Imom Ahmad Xanbalga oid voqealarni o'z ichiga oladi.

Uchinchi bob “Haq ta'olo hazratining yavungi amallari beyani ichinde turur” (Haq ta'olo hazratining ezgu amallari xususida – tabdil bizniki) deb nomlangan bo'lib, u namoz, zakot, ro'za tutmoqlik, Haj va Umra qilish va sabr qilishning fazilatlarini haqida hadis va hikoyatlarni o'z ichiga oladi.

To'rtinchi bob “Haq ta'olo hazratidin yiratgu yavuz 'amallar bayoni ichinda turur” (Haq ta'olo hazratining yaratgan yomon amallari bayoni haqida – S.Z) deb nomlangan bo'lib, ushbu bobda nohaq qon to'kmaklik ofati, zino qilmoq ofati, hamr (may) ichmoq, takabburlik qilmoq ofati, yog'on gapirmoq va g'iybat qilmoq ofati, dunyoni (dunyo boyliklarini) sevmok ofati, riyo va ikkiyuzlamachilik ofati, kina va hasad ofati, g'urur va g'afolat ofati, u zoq uminch tutmoq ofati bayonlari keltirilgan.

- **Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).** “Nahj ul-farodis”, “Qisasi Rabg'uziy”, “Mu'in ul-murid” asarlari XIV asr o'zbek adabiy tilini o'rganish uchun asosiy manba vazifasini o'tab kelmoqda. Bu xususida shu davrga mansub “Nahj ul-farodis” asari til xususiyatlari haqida prof. Nasimxon Rahmonovning fikrlari bilan tanishsak: “Asar asosan turkiy so'zlar zaminiga, o'zbek tili tarixida keng istifoda etilgan so'zlar zaminida paydo bo'lgan. Zotan, Oltin O'rdada diniy madaniyat, xususan islom bilan bir qatorda turkiy adabiyotga va turkiy adabiy tilga e'tibor kuchaydi. Garchi bu davrdagi adabiyot – turkiy adabiyot, til – turkiy til deb yuritilgan bo'lsa ham, turkiy tilli xalqlar orasida alohida mavqe tutgan har bir o'zbek kitobxoniga Oltin O'rda adabiy muhitida yaratilgan asarlar bugungi kunda ham juda yaqin. Oltin O'rda madaniy muhitida eski o'zbek adabiy tilining z-guruhidagi adabiy til amalda ekani va y-guruhi adabiy tiliga o'tish jarayoni davom etayotgani kuzatiladi. Bu til o'g'uz-qipchoq turkiy adabiy tili deb yuritiladi [2.26].

Bizning nazarimizcha turkiy tilda “d” dan “z” ga o'tish jarayoni X-XI asrlar uchun xarakterlidir: adaq – azaq, qo'd – qo'z, kidim – kizim, adin – azin kabi. Shuningdek, “z” ning “y” ga o'tishi XI asrda boshlangan. Buni “Qutadg'u bilig” va “Devonu lug'otit turk” asarlaridagi ayrim misollarda ko'rishimiz mumkin: azaq – ayaq, azig' – ayig', qazg'u – qayg'u singari. Bu jarayonning bevosita XIII asrda ham davom etganligini ko'rishimiz mumkin. “Nahj ul-farodis” asaridan bazi bir misollarni keltiramiz: hidmat – hizmat [4,70], edgu – ezgu [4,69], qodti – qo'ydi [4, 73], qadg'urdi – qayg'urdi [4,73], kedmish – kiyimish [4,74], bodlug' – boylug' [4,74].

Bu davr adabiy tili haqida E.I.Fozilovning fikrlaridan XI-XIV asrlarda shakllangan adabiy tilda birinchidan, qadimiy turkiy (VII-X asrlar) davridagi yozma adabiy til xususiyatlari, ikkinchidan, qoraxoniylar muhitidagi (asosan, qarluq-uyg'ur, qisman o'g'uz-qipchoq lahjalariga asoslanga) adabiy til, uchinchidan, Xorazm-Oltin O'rda-Misir muhitidagi (o'g'uz-qipchoq va qisman qarluq-uyg'ur lahjalariga asoslangan) adabiy tilining ta'siri bor degan xulosaga keldik. Qoraxoniylar tilining “Nahj ul-farodis” asari tili va o'sha tilda yaratilgan asarlar tiliga tasirini Shavkat Mahmadmurodov “Qadimgi turkiy yozma yodgorliklarning til xususiyatlari tahlili haqida” nomli monografiyasida qisman o'rgandi va quyidagi xulosaga keldi: “Qoraxoniylar davri adabiy tilining “Nahjul-farodis”, “Qisasi Rabg'uziy”, “Xusrav va Shirin” kabi asarlarning leksikasi va grammatikasida ta'siri katta bo'lgan” [3.38]. Biz ham bu fikrlarga qo'shilamiz quyida “Nahj ul-farodis” asridan bir parcha keltirib tahlil qilish orqali fikrlarimizni dalillaymiz.

Bu davr tilining leksik xususiyatlarini “Nahj ul-farodis” asari misolida ko'radigan bo'lsak. Asar Oltin O'rdaning asosiy aholisi hali arab va fors tillarini umuman bilmagan mo'g'ullarni mo'ljallab yozilgani va ularga islom yo'lini ko'rsatishga qaratilgani uchun ularga tushunarsiz so'zlar izohlab borilgan. Ayni paytda ommaga tushunarsiz so'zlarni, iboralarni, Qur'on oyatlarini, hadislarni matn ichida eski o'zbek tilida sharhlash Oltin O'rda adabiyotiga xos bo'lib, “Qisasi Rabg'uziy” va “Nahjul-farodis” da uchraydi.

- **Tahlil va natijalar (Analysis and results).** “Nahj ul-farodis” asarida xalifa Abu Bakr haqqiga nozil bo'lgan oyatni keltiramiz:

Urva 'ibnū Zūbeyr aytur raḏhu : bu āyat kim nāzil boldi, qt:

فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى . وَصَدَّقَى بِالْحَقِّ . فَسَيَمْرُؤٌ لِلَّهِ

Abū Bekr haqqinga nāzil boldi kim ma'nisi ol bolur kim: Ammā ol kimerse kim mālini Ḥaq rizāsı üçün berse, ya'ni zekātın taqı artuqını sadaqātın berse, va'ttaqā taqı Ḥaq te'ālādın qorqsa taqı buyurganını qılsa taqı yığgımdın yığılsa, va-saddaqa bil- ḥusnā taqı Ḥaq te'ālā va'de qilgan sevābqa taqı uçtmahqa kirtünse, fa-sa-muyassiruhu lil-yusrā āsān qilgaymiz angar tā'at ve 'ibādāt qılmaqni, ya'ni tevfiq bergey-miz ol qulg'a cümle tā'at ve 'ibādāt qılmaqqa [4.70].

Yuqorida ko'rib turganimizdek, keltirilgan oyatni yanada tushunarli bo'lishi uchun jumalarga bo'lib tafsirini bermoqda. Bunday holatlarni hadislarda ham uchratishimiz mumkin. Bundan kelib chiqib muallif asar Oltin O'rda aholisi uchun tushunarli bo'lishi uchun imkon qadar arab-fors so'zlaridan foydalanmagan, zarurat tug'alsa turkiy bo'lmagan so'zlarning izohini berib ketgan.

Fonetik xususiyatlari. / i / tovushini o'z ichiga olgan qadimgi turkiy so'zlardagi birinchi bo'g'in unlisi Xorazm turkchasidagi yopiq unli (e) ga aylandi: bir-> bér-, bish> besh. Tovushdagi bu o'zgarish, ayniqsa “Nahj ul-farodis” da birinchi bo'g'inda / e / belgisi yuqori belgisi va / i / ni ko'rsatadigan / y / (ی) harfi bilan ko'rsatilgan. “So'zning tubidagi barcha i tovushlari asl holatini saqlaydi, lekin e tovushlari ham asosan i shaklida rivojlangan. Darhaqiqat, bu

yo'nalishdagi taraqqiyot shu darajaga yetdiki, hatto *e* bilan talaffuz qilingan ba'zi arab va fors so'zlari ham matnda yozilgan.

Asarning leksikasiga xos lug'aviy birliklarning ko'pchilik qismini O'rta Osiyodagi barcha turkiy tillarga oid so'zlar tashkil qiladi. Shuningdek, Eski turkiy tilga xos bo'lgan *üktüş* (ko'p), *qapug'* (eshik), *ew* (uy), *jefa* (yomonlik), *yozuq* (gunoh), *tamug'* (do'zax), *ujmog'* (jannat), *cho'prek*, *jumle* (barcha, hamma) kabi so'zlar ham anchaginani tashkil qiladi. Bunday so'zlardan keyingi tadqiqotlarimiz lug'at tuzishni o'zimizga maqsad qildik. "Nahj ul-farosdis" asarining lisoniy jihatini yanada o'rganish uchun xalifa Umar haqidagi hikoyatni tahlil qilsak:

Yana avval cum'a boldi ersa, o'gli 'Abdullāh aydi: Ey babam, bu cum'ada, iroqdin, yaqindin üküş şahābalar kelgey, taqi tonungiz yogun şüfđin turur, taqi eski turur, taqi üküş yamaqlari bar. Tizinde edimdin yamağ qilib turur erdi taqi ekki egninde hem edimdin yamağ qılıp turur erdi. Emdi siz xalifa bo'ldungiz, Peyğambar 'as yerinde olturdungiz. Kerakkim sizke şahāba haqārat kōzi birle baqmasa (hor kōz birle baqmasa temek bolur). Bu benim tonum kedip minberke minsengiz, bolgaymu? tep üküş derxostlar qıldı erse, o'gli 'Abdullāhning tonini kedip, juma namāzinga bardı, taqi minberke mindı, taqi xutba oqudı. Tangrı te 'ālāqa hamd u senālar aydı, taqi Peyğambar 'as'qa üküş durūdlar aydı. Taqi dūnyāni yerdı, taqi āxiratni medh qıldı ersa, cümle şahābalarda biri aydı kim: 'Ömer bizke va'z u na şihat qılır, taqi özi ekki qat ton keyer tedi erse, o'gli 'Abdullāh aydı: Astıngı tonı özining turur, üstünki tonni men 'āriyat berip tururmen, tedi erse, ol şahāba tek qaldı [4.76].

Hikoyatda 146 ta so'z qatnashgan, shulardan 54 ta so'z takror qo'llangan. Jami so'zlardan 19 ta so'z arabcha va ikkitasi forscha so'zlar hisoblanadi. Arabcha so'zlar quyidagilar: *juma*, *sahoba*, *yog'un*, *suf* (dag'al jun, gazlama), *xalifa*, *haqorat*, *adim* (teri), *derhost* (talab, iltimos), *durud* (duo, salom, olqish, madh, sano), *minbar*, *xutba*, *hamd*, *sano*, *oxirat*, *madh*, *jumla* (barcha, hamma), *va'z*, *nasihat*, *oriat*. Forscha: *xor*, *namoz*. Yuqoridagi so'zlar bugungi kunda ham o'zbek tili leksik qatlamida qo'llaniladi. Qolgan so'zlar turkiy so'zlar hisoblandi, lekin ularning orasida eski turkiy tildagi so'zlar ham mavjud. Masalan, *erse* (esa), *aydi* (aytdi), *ukush* (ko'p), *egni* (yelkasi), *emdi* (endi), *taqi* (yana, keyin), *temek* (demak), *tek* (harakatsiz) kabi. Bir hikoyat tahlilidan shuni xulosa qilishimiz mumkinki, "Nahj ul - farodis" asari sof turkiy asar, asosini turkiy so'zlar tashkil qiladi.

- Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, XIV asrda yaratilgna agiografik asarlar sof turkiy tilda yozilgan, o'sha davr turkiy til an'analari yorqin ko'rsatib bera oladigan asarlar hisoblanadi. Ularning badiiy xususiyatlarini sharhlab bugungi kun kitobxoniga yetkazib berish oldimizdagi muhim vazifalardan biri hisoblanadi. "Nahj ul - farodis" asari hanuzgacha bizda nashr qilinganmagan. Asarni bugungi o'zbek alifbosida ilmiy-tanqidiy matnini tayyorlash uchun quyidagi transkripsion ishoralarni qo'llash maqsadga muvofiq deb o'ylaymiz (1-ilova). Bu kelgusida shu boradagi tadqiqotlarga asos bo'ladi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. А.Мухторов, У.Санақулов. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т. «Ўқитувчи», 1995.
2. Rahmonov N. Til "Men" va Olam birlashadigan muhitdir. Filologik ta'limni takomillashtirish muammolari. – T.: Mumtoz so'z, 2020.
3. Mahmadmurodov Sh. Qadimgi turkiy yozma yodgorliklarining til xususiyatlari tahlili haqida (X-XIV asrlar yozma yodgorliklari), monografiya. – Samarqand, 2010.
4. Nehcül feradis. II. Metun.Turk Dil yayihlari: 518.

1-ilova.

I. Matnda keltirilgan arab harflari		III. Transkripsiyada qo'llaniladigan katta harflar	
II. Harf nomi		IV. Transkripsiyada qo'llaniladigan kichik harflar	
I	II	III	IV
ا	Alif	A / E / O	a / e / o
ب	Ba:	B	b
ت	Ta:	T	t
ث	Şa:	S	s
ج	Ji:m	J	j
چ	Chim	Ch	ch
ح	Ha:	H	h
خ	Xa:	X	x
د	Da:l	D	d
ذ	Za:l	Z	z
ر	Ra:	R	r
ز	Za:y	Z	z
ژ	Je	J	j
س	Si:n	S	s
ش	Shi:n	Sh	sh
ص	Şa:d	S	s
ط	Da:d	D.	d.
ظ	Ta:	T.	t.
ظ	Za:	Z.	z.
ع	ayn	‘	‘

غ	G'ayn	G'	g'
ف	Fa:	F	f
ق	Qa:f	Q	q
ك	Ka:f	K	k
ن	Nunka:f	Ng	ng
ل	La:m	L	l
م	Mi:m	M	m
ن	Nu:n	N	n
ء	Ha:	H	h / i / i / a / e
و	Va:v	V	v / o / ö / ü / u
ى	Ya:	Y	y / e / i / i / ĩ

ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA MUMTOZ ADABIYOT AN'ANALARI

Eshkuziyeva Hilola G'ulom qizi

O'zbekiston Milliy universiteti magistranti

hilola12345hilola@gmail.com

ANNOTATSIIYA: Ushbu maqolada Erkin Vohidov she'riyatida mumtoz adabiyot an'alaridan mohirlik bilan foydalanganligi, shoir she'rlarining kitobxon qalbidan chuqur joy olishiga ko'maklashadigan jihatlari haqida so'z boradi.

KALIT SO'ZLAR: She'riyat, "Yoshlik devoni", tashbeh, talmeh, tazod. *She'riyat dunyosi keng,*

Gulzori ko'p, bo'stoni ko'p,

Har ko'ngil arzini aytur

Neki bor imkonida.

E. Vohidov

O'zbek adabiyotining yirik vakillaridan biri Erkin Vohidov ijodi ko'p qirraliligi va o'ziga xosligi bilan muhim ahamiyat kasb etadi. Shoir ijodidagi milliylik, falsafiylik, odamiylik, tarixiylik singari g'oyalari tamoyili kitobxonni beixtiyor poetik mushohadaga chorlaydi. O'tkir ijtimoiy masalalarni dadil ko'tarib chiqish, hayot haqiqatining murakkabligi va ziddiyatlari bilan boricha namoyan etish, ma'naviy va jismoniy ruh erkinligini badiiy tasvirlash E. Vohidov ijodiyotining asosiy xususiyatlaridan biridir.

Erkin Vohidov asarlari orqali uning ko'p sohalardan xabardor ekanligi, jahon adabiyoti bilimdoni, mumtoz adabiyotni, shuningdek, Navoiy ijodiyotini chuqur o'rganganligi yaqqol seziladi.

Shoir 1969-yilda nashr ettirgan "Yoshlik devoni" dan joy olgan ijod namunalari mumtoz adabiyot an'alarini ruhida yaratilganligi, zamonaviy g'azalchilikni rivojlantirganligi bilan xarakterlanadi. Devondan g'azal, ruboiy, muxammas kabi janrlar o'rin olgan.

E. Vohidov she'rlarida mumtoz adabiyotga xos badiiy vosita va she'riy san'atlarning qo'llanishi, mumtoz shoirlarimiz she'rlari ta'sirida, ular ruhi va shaklida yaratilgan ijod namunalari, Sharq adabiyotida mashhur an'anaviy obrazlar talqini va boshqalar orqali mumtoz adabiyot an'alarini ko'rishimiz mumkin.

Adabiyotshunos olim I. G'afurovning ushbu fikrlari diqqatga sazovordir: "E. Vohidov zamondoshimiz. U o'zi bilan birga she'r xazinalarini olib yuradi. Uning bilan birga Navoiy yurgandek, Fuzuliy yurgandek, Gyote yurgandek, Geyne yurgandek, G'afur G'ulom, Hamid Olimjon, Cho'lpon yurgandek... Ularning she'rlarini o'z she'rlaridek o'qiydi. Ularni so'zlatadi, tilga kiritadi – yetgan yeriga she'r xazinalarini yetkazadi, borgan yeriga she'r xazinalarini yetaklab boradi. She'riyatning ma'rifati va madaniyati shu bo'lsa kerakda!"¹¹⁷.

E. Vohidovning "Barcha shodlik senga bo'lsin", "Ko'zing", "Surma", "Yo'q emish orzuda ayb", "Chashma", "Dostonga yoz", "Sarv", "Hijron yuki", "Barg" kabi she'rlarida mumtoz she'riyatga xos uslub, g'oya, ohang ko'zga tashlanadi. "Ko'zing" she'ridan keltirilgan quyidagi parcha bunga yorqin misol bo'la oladi:

Hajrdin tor bu ko'ngilga

Shu'la afshondir ko'zing,

Yo magar ko'nglim yo'qolgan

Tor shabistondir ko'zing.

Shu bilan birga shoirning ko'pgina she'rlarida mumtoz adabiyotga xos tushuncha, atama, obraz va timsollar ishlatilganligini guvohi bo'lamiz. "Chashma" she'ridagi "sanam", "hajr", "vasl", "zohir"; "Tun bilan yig'labdi bulbul..." she'rida "sabo", "g'uncha", "bulbul"; "Sarv" she'ridagi "sarv", "oyruxsor", "oshiq", "sunbul"; "Yo'q emish orzuda ayb..." da "sayyod", "sayd", "dom", "band", "ohu", "jodu", "ishq domi", "ishq", "kahrabo"; "Kiprigingdan o'q uzib" she'rida "ashk", "ko'ngil mulki", "g'am sipohi" kabilar fikrni tasdiqlaydi.

Tashna ko'nglim ichmasin deb

Ko'z yoshimdan qatra ham,

Ashk soyining yo'lida

¹¹⁷ E. Vohidov. Ishq savdosi. Saylanma. 1-jild. – T.: Sharq, 2000.

Kiprigim dahm aylading.

Erkin Vohidov sheʼrlarida Sharq adabiyotida tez-tez uchraydigan anʼanaviy obrazlar ham uchraydi. Mumtoz adabiyotda sevgi-muhabbat timsollari sanaladigan Layli (Laylo), Majnun, Farhod, Shirin kabilardan shoir ijodida ham mahorat bilan foydalangan. “Samar boʻlgʻay” sheʼrida quyidagi satrlar keltiriladi:

Tirilsa nogohon Farhod,
Yuzingni koʻrsa koʻzguda,
Kechib Shirinidan yuz yil
Qoʻyningda darbadar boʻlgʻay.

Lirik qahramon yorining jamolini shu qadar goʻzal ekanligini, uni koʻrsa Farhod hatto Shirindan voz kechishini taʼkidlaydi.

Shoirning yana bir sheʼrida oshiq, yaʼni lirik qahramon oʻzi hamda maʼshuqasini Laylo va Majnunga qiyoslaydi:

Jahonda ikki dilbarning
Biri sensan, biri, Laylo
Jahonda ikki oshiqning
Biri menman, biri Majnun.

Mumtoz adabiyotda badiiy sanʼatlarning oʻmi ahamiyatlidir. Ular sheʼr badiiyatini oshiradi. Shoirning naqadar mahoratli ekanligidan dalolat beradi. Erkin Vohidov sheʼrlarida ham sheʼriy sanʼatlar mahorat bilan qoʻllanilganligini koʻramiz. Shoir “Shohi gul” sheʼrida yor yuzini gulga mengzaydi:

Otashin gul uzdim, ol, bu –
Shohi gullar shohi gul,
Gul sochiq yoʻllarda boʻlsin
Gul yuzim hamrohi gul.

Ijodkor talmeh sanʼatidan ham juda koʻp oʻrinlarda foydalangan. Sharq sheʼriyatidagi mashhur talmehlardan biri Majnun obrazini E. Vohidovning “Masal borkim...” sheʼrida ham uchratamiz:

Kulib yurgay edim bir vaqt
Oʻqib Majnun jununidan
Degaylar, oʻzga din kulma
Oʻzingdan boʻlmayin ogoh.

“Dilda ishq daryochadir...” sheʼrida lirik qahramon boʻlgan oshiq yigit maʼshuqasini taʼriflar ekan, mumtoz anʼanalarga xos mubolagʻaviy tavsif keltiradi:

Voh, ajab nomingni aytsam
Lol boʻlur til ham koʻngil,
Sheʼr ipi nogoh qalamning
Ignasidan qochadur.

Maʼshuqaning ismi tilga kelganda, oshiqning uzvlari boʻlgan til va koʻngil lol-u hayron boʻlib, tang ahvolga tushadilar. Sheʼr ipining qalam ignasidan qochishi – bu oshiqdagi kuchli ishq sababli yuzaga kelgan ruhiy holatning ifodasi boʻlib, ignaga ip oʻtkazish, yaʼni yaxshi bir sheʼr yozishga qoʻli bormaslik, hech ham koʻnglidagi ishq oʻtini soʻz bilan ifodalay olmay ojiz qolish holatining ifodasi uchun qoʻllangan. “Sheʼr ipi” istiorasi yozilajak ashʼor maʼnosida boʻlsa, “qalamning ignasi” istiorasi esa yozishga chogʻlangan qoʻl yoki shoirning ishga kirishishi maʼnosida qoʻllanilgan.

Tazodning yuksak namunasini “Barcha shodlik senga boʻlsin”, “Dutorim tori ikkidur...” sheʼrlarida koʻrish mumkin. Mana bu misralar mumtoz sheʼriyatimiz ruhiga hamohang:

Bu jahonning rohatin ol,
Bor azobin menga ber,
Senga boʻlsin barcha orom,
Barcha bedorlik menga.

Umuman, bunday mulohazalarni koʻplab keltirish mumkinki, shularning oʻzi ham E. Vohidov sheʼriyati mumtoz adabiyotimiz anʼanalarini oʻzida mujassamlashtirganini koʻrsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. E. Vohidov. Ishq savdosi. Saylanma. 1-jild. – T.: Sharq, 2000.
2. E. Vohidov. Yoshlik devoni. – T.: Adabiyot va sanʼat, 1969.
3. E. Vohidovning soʻz qoʻllash mahorati. Respublika onlayn ilmiy-amaliy anjumani materiallari. – Guliston, 2020.

УЛУГБЕК ҲАМДАМНИНГ “ЯНГИ ИНСОН” ДОСТОНИ ХУСУСИДА

Азимова Дилдора Баҳриддиновна

Достон жанри адабиётдаги бурилишлар палласида ривожланади. Бизда урушдан кейинги достонларда бунёдкорлик гоялари ифодаси етакчилик қилган бўлса, XX асрнинг 60-йилларига келиб, достончилигимизда янгича тамойиллар кўзга ташланди, муҳими, қаҳрамон руҳияти, ички дунёси, туйғулари ўз ифодасини топди. “Қуёшли қалам”, “Нидо”, “Рухлар исёни” шулар жумладандир. Бу достонларга “инсон қалби тебранишлари кўрк ва салобат бериб туради”¹¹⁸. Бир пайтлар адабий жараённинг энг фаол жанри бўлган, бугун эса бу фаоллигини анчайин йўқотган достон жанрининг янги ва яхши намунаси сифатида Улугбек Ҳамдамнинг “Янги инсон” достонини кўрсатиш мумкин. Адабиётнинг бош мавзуси инсон ва унинг тақдири масаласидир. Инсон – табиатан англаб етиб бўлмас мураккаблик. Ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қуллуб” достонида “Одами шариф ул-қавнавайндур”, яъни инсон икки дунёнинг энг шариф ва азиз маҳлуқидир, деган сўзларни келтиради. Шарқ фалсафасида инсонни яратгандан кейинги улуг зот сифатида кўрилиши “дунёнинг тилаги ва самари” бўлмиш мавжудотнинг даражаси буюк эканини кўрсатади. Лекин бугунги даврга келиб, инсоннинг ҳолати, аъмоли ўзгарди. Улугбек Ҳамдамнинг исмсиз қаҳрамони – Янги инсон ҳам шундай. Достонда янги инсоннинг миллати, ранги-рўйи тасвирланмаган. Бош қаҳрамон исмсиз. Боиси “Эрку қиёфасиз одам қандай аталгани билан қиёфасизлигича қолаверади”¹¹⁹. Бош қаҳрамоннинг исмсизлиги қиёфасизлашаётган бугунги инсонга ишорадир. Асар давримизнинг маънавий эҳтиёжи ўлароқ дунёга келди. Унда бугунги инсоннинг қиёфаси, рухий дунёси акс этган. Ижодкор “Янги инсон”га улкан ижтимоий вазифа юклайди. Бадий асар яратилаётган пайтда ижодкор ўз гоъий-бадий нияти – концепциясини бош қаҳрамон воситасида юзага чиқаришга интилади. Уларда аксар ҳолларда, шахсияти етук инсон акс этади. “Янги инсон” да эса биз минг йиллар давомида тафаккуримизда муқимлашган яратувчан шахсни эмас, истеъмолчига айланган инсонни кўраимиз. Муаллиф инсоният йўлини яхлит холда тасаввур этишга уринади. Асрий мезонлар, қадриятларни пучга чиқаришга уринаётган “Янги инсон” билан баҳсга киришади. Уни ўзгача ракурсда бадий талқин этади. “Шеъримизда анчадан буён бу қадар улкан муаммони бадий мушоҳада қилишга жазм қилинмаган”¹²⁰ лиги рост. Адабиётшунос Д.Қуроно “Янги инсон”ни Абдулла Ориповнинг 60-йилларда яратилган “Юзма юз” шеъри билан диалогик алоқадорликда текширади. Ҳар икки асарда ИНСОН тушунчасига юклатилган ижтимоий-маънавий масалаларга эътибор қаратади. Достоннинг яратилишини “қуниimiz юзага келтирган эҳтиёжнинг англанаётганидан нишона”¹²¹ дея тўғри таъкидлайди. Шоир “Янги инсон” да одамзодни тобора ўз ўққонига тортаётган, махв этишга уринаётган фожеалар гирдоби ва эртага хамманинг “янги инсон”га айланиш хавфи хусусида ёзади. Бугун дунёнинг манзараси, қиёфаси, инсонларнинг фикрлаш тарзи ўзгарган. Гюстав Лебон “Оломон психологияси” асарида “Тамаддунолар алмашинуви, масалан Рим империясининг таназзули ва араб тамаддунининг уйғонишига олиб келган инқирозларнинг асл сабаби – *фикрлаш тарзининг ўзгарганлиги* билан изоҳланади... рўй бераётган ҳар қандай тарихий воқеа-ҳодисалар– инсон онгидаги кўз илгамас ўзгаришларнинг ҳосиласидир”¹²² деганида мутлақо ҳақ эди. “Ҳамма гап дунё миқёсида инсон тавсифига оид тушунча – тасаввурларнинг, ҳаёт моҳияти, умр мазмуни ҳақидаги анъанавий қарашларнинг ўзгарганидир. Бу хол, тўғриси айтиш керак, бизга ҳам таъсирини ўтказмоқда. Кечаги замон одамнинг эътиқоди, тушунчалари, ҳаёт абадийлиги (дунё-охират, жисм-руҳ) асосига қурилган идеаллари, ахлоқий қарашлари емирилиб бормоқда”¹²³. Бугун идеаллар ўрнини истеъмолчилик кайфияти эгаллаган. Илгари рухоният-маънавият билан боғлиқ жиҳатлар улугланарди. Инсон моддий борлиқдан кўра идеал борлиққа кўпроқ ишонар, бу илохий-рухий оламдан ўзига юпанч топарди. Кейинроқ инсонга рухий мавжудот сифатида эмас, табиат фарзанди – биологик мавжудот сифатида қараш натижасида илохийлик, рухий масалалар инкор қилинди. Айнан шу нуқтада башарият йўлини йўқотди. Анъанавий ахлоқ бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди дея ҳисобловчи, диний эътиқоддан маҳрум, ўзини барча нарсага қодир зот билгувчи, рухоният ва кўнғил масаласига беларво, нафси амморанинг қулига айланган, роҳат-фароғатга муккасидан кетган Янги инсоннинг кайфияти, феъл-атвори муаллиф томонидан чуқур бадий таҳлил этилади. Унинг фикрича, достон қаҳрамони башариятни тараққиёт сари эмас, балки жарлик, таназзул сари судрайди. “Янги инсон” достонида таърифланган кимса – аксилқаҳрамон бўлиб, бу мени ижодкор сифатида яхшигина ҳушёр торттиради... Аммо достонда аксилқаҳрамон ўз холига ташлаб қўйилган эмас. Аксилқаҳрамоннинг ёнида унга ва унга эргашганларга танбех бериб “бу йўлнинг давомида тубсиз жарлик бор” дея огоҳлантириб турувчи ровий образи бор”¹²⁴. Адабиётшуносликда ишлатилувчи “аксилқаҳрамон” атамаси “асарда марказий ўрин тутиб, муаллиф концепциясини ифодалашда муҳим аҳамият касб этган, лекин ўзи қаҳрамонлик сифатларига эга бўлмаган қаҳрамон”¹²⁵ дир. “Янги инсон”нинг аксилқаҳрамони ҳам шундай. У тана истаклари руҳ

¹¹⁸ Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. –Т.: Мумтоз сўз, 2008 йил. –Б.155.

¹¹⁹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Тошкент, Янги аср авлоди, 2006. – .394.

¹²⁰ Қуроно Д. Инсон йўли //Талқин имконлари. –Тошкент, Тигон zamin ziyo, 2015. – Б. 58.

¹²¹ Кўрсатилган асар. – Б. 58.

¹²² Бьокенен П.Ж.Ғарбнинг ҳалокати (Б. Зокир таржимаси).//Жаҳон адабиёти, 2007 йил, январь.1–Б.6

¹²³ Дунёни меҳру муҳаббат кутқарар. Нажмиддин Комил билан суҳбат/ Тафаккур. 2008 йил 3-сон. – Б.17.

¹²⁴ Тегирмон ичида қолган инсон. У. Ҳамдам билан суҳбат / Тафаккур. 2017 йил 2-сон. – Б. 19-24.

¹²⁵ Қуроно Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик дугати. –Т.: Академнашр, 2013. – Б. 24.

эҳтиёжларидан ғолиб келган кимса. Шоир фикрича, бугунги техноген цивилизация яратувчиликка эмас, истемолчилик психологиясига асосланган. “Замонавий инсон мангу истемолчига айланди. У ичимликларни, овқатни, маърузаларни, томошаларни “килқиллатиб” ютаверади, ҳамма нарса истемол қилинади”¹²⁶. “Янги инсон”даги аксилқахрамон тасвир предметига муносабатни англантишга хизмат қилади. Асарни баҳолаш жараёнида эстетик жиҳатлари билан бир қаторда ахлоқий вазифаларини ҳам қўздан қочирмаслик зарур. Шоир инсоннинг ҳозирги ҳолатини юксак идеаллар асосида баҳолашга интилади. Лекин муаллиф идеали билан Янги инсоннинг бугунги реал ҳолати ўртасидаги номувофиклик бунга имкон бермайди. Бадий асарда ижодкор борлиқ оламини ўзи кўролган, ўқувчига кўрсатишни истаган тарзда гавдалантиради. Бадий тафаккур занжирини муаллиф, қахрамон, ўқувчи занжирлари ташкил этади. “Янги инсон” да ҳам воқеликка муносабат билдираётган муаллиф – ровий, ўз ҳаракатлари билан тарих ғилдирагини тескари айлантиришга уринаётган аксилқахрамон – Янги инсон ва шоирнинг бадий пафосини ўзига юктираётган, муаммолар кўламини англаётган адресат – ўқувчи ўртасида мустахкам диалектик муносабат мавжуд. Достон бадийатини тутиб турган асос ҳам шу, аслида. Санъаткор образлар воситасида ўз идеалларини акс эттиришга ҳаракат қилади. Достондаги аксилқахрамон ҳам, аслида, ижодкорнинг идеалини акс эттиришга хизмат қилган. Шоир реалликда биз илғамаган ҳолатларни кўради ва адабиётнинг мангу баҳси – инсон муаммосига ўзгача ракурсда боқишга ҳаракат қилади. Инсоннинг ҳозирги ҳолати, дунёси, замон суръатига мос равишда ўзгариб бораётган феъли хусусида мулоҳаза юритади. Достон бош концепцияси асосида моҳиятни излаш, ўзликни англамоқ истаги этади. Бугунги талотўплар ичида бу нақадар, имконсиз экани, Янги инсоннинг ўз “мен”и ҳақида ўйламай кўйгани лирик қахрамонни изтиробга солади. Асар воқелиги ровий тилидан ҳикоя қилинади. Лирик қахрамоннинг воқеликка муносабати ўқувчини бир хил мувозанатдан чиқаради. Профессор У.Норматов тўғри қайд этганидек, “Достон поэтикаси бошдан-оёқ ана шундай тиғиз, зиддиятли ҳолат-манзаралар, фикр, ўй-мушоҳадалар, кўнгил туғёнлари силсиласи асосига қурилган; вазият, ҳолат, қалб драмаси қанчалар тиғиз, қалтис, таҳликали бўлмасин, асар лирик қахрамони улар тўзони ичра куйиб-ёниб бетиним нажот йўлини излайди”¹²⁷. Инсон мавжудлиги муаммолари ичида инсоннинг ўзлиги, шахс сифатида ўз “мен”ига эгаллиги, маънавиятининг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Истемолчига айланган инсон ўз “мен”ини тафтиш қилишга эҳтиёжманд бўлмайди. У. Ҳамдам бу ҳолатни

*унинг мияси учинчи минг йилликда
меъдасига “шалол” этиб
ташлаб юборилди!...*

тарзида ифода этади. Жамиятда моддият кадрят даражасига кўтарилса, бу жамиятда мувозанат бузилади. Одамларда шаклланган истемолчилик психологияси маънавиятни қўйи ўринга тушириб қўяди. Бу чин инсонийликнинг моҳиятига зид ҳолат. Бу фақат маънавият учунгина эмас, инсон руҳияти учун ҳам хавфли. Тофлер О. “Истемолчи ва ишлаб чиқарувчига бўлиниш одам ички дунёсида ҳам ўзгаришга олиб келди – унинг шахсияти иккига бўлиниб кетди. Жамият томонидан ишлаб чиқарувчи сифатида тарбия топган шахс айни чоқда ўзининг истемолчилик хусусиятини ҳам намоён этади”¹²⁸. Инсондаги бўлиниш эса унинг руҳий мувозанатини издан чиқаради. Инсондаги маънавий, руҳий ҳимоя механизмининг емирилиши шахснинг фожесини келтириб чиқаради. Чунки неча минг йиллардан буён мавжуд одамийлик гени онгу шуурининг қайсидир нуқтасида қилаётган ишларининг ғайри инсонийлигини англантиб туради. Шахс тимсолида жамиятнинг анъаналари, миллий ва маънавий кадрятлари намоён бўлади. Шахс структурасига хос шу хусусиятлардан бирортасининг йўқолиши шахснинг деградиациялашувига (*қийфасизланишига – Д.А*) га олиб келади. Шоир фикрича, Янги инсон муаммоларининг бош сабаби унинг кўнгилдан, ички дунёсидан узоқлашиб, дунё лаззатларига муккасидан кетишидир.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги инсон” достони фақат сизу бизга, миллатга тегишли достон эмас. Унда бизни ўйлантирган, ҳаяжонга солаётган муаммолар қаламга олиниши баробарида уларнинг ечими ҳам ўртага ташланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. –Т.: Мумтоз сўз, 2008 йил. –Б.155
2. Йўлдошев Қ, Ёниқ сўз. –Тошкент, Янги аср авлоди, 2006. – .394.
3. Қуроноф Д. Инсон йўли //Талқин имконлари. –Тошкент, Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 58.
4. Кўрсатилган асар. – Б. 58.
5. Бьюкенен П.Ж.Ғарбнинг ҳалокати (Б. Зоқир таржимаси)//Жаҳон адабиёти, 2007 йил, январь.1–Б.6
6. Дунёни меҳру муҳаббат қутқарар. Нажмиддин Комил билан суҳбат/ Тафаккур. 2008 йил 3-сон. – Б.17
7. Тегирмон ичида қолган инсон. У. Ҳамдам билан суҳбат / Тафаккур. 2017 йил 2-сон. – Б. 19-24.
8. Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2013. – Б. 24.
9. Фром Э. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // Жаҳон адабиёти, 2000 йил. – Б.106
10. Норматов У. Ижодкорнинг ҳароратли сўзи. –Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.42

¹²⁶ Фром Э. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // Жаҳон адабиёти, 2000. – Б.106.

¹²⁷ Норматов У. Ижодкорнинг ҳароратли сўзи. –Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.42.

¹²⁸ Тофлер О.Учинчи тўлқин // Жаҳон адабиёти, 2001. – Б.142.